


МУҲАММАД АЛИ,
ТЎЛҚИН ҲАЙИТ



АМИР ТЕМУР
ҚАЛБИДА
ЧАҚНАГАН НУР

*Соҳибқирон Амир Темур
таваллудининг 680 йиллигига
базишиланади*





„Дунёнинг қайси ерида, қайси замонида Амир Темурдек буюк саркарда, Амир Темурдек буюк давлат арбоби, Амир Темурдек илм-фан, маънавият ва руҳоният хомийиси бўлган?“


ИСЛОМ КАРИМОВ

АМИР ТЕМУРДЕК

МУҲАММАД АЛИ, ТЎЛҚИН ҲАЙИТ

АМИР ТЕМУР
КАЛБИДА
ЧАҚНАГАН НУР

274154



„O'QITUVCHI“ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ
ТОШКЕНТ – 2016

QUR'ON

“FARHOD” MS
KUTUBXONASI

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фан ва техникани ривожлантириши мувофиқлаштириш қўмитасининг „Темурийлар даврида илм-фан ва маданият ривожини ўрганиш ва тарғиб қилишнинг умумбашарий аҳамияти“ мавзудаги фундаментал Гранти асосида тайёрланди.

Маэкур китоб диалог, яъни дилкаш сұхбат тарзида ёзилган, бошқача айтганда, уни кўнгилдаги гаплар, дейиш мумкин. Муаллифлар ҳеч ким билан баҳслашмайдилар, тортишмайдилар, Соҳибқирон Амир Темур шахси, фаолияти, тарихимиз, мустақиллигимиз, адабиёт, хилма-хил тақдирлар, одамлар ҳақида ўз фикрларини билдириб ўртоқлашадилар, ўқувчини беихтиёр сұхбатта чорлайдилар.

Китоб ўқувчиларимиз томонидан севиб ўқилишига ишонамиз.

СЎЗ БОШИ

Ассалому алайкум!

Сизга соғлиқ-саломатлик тилаймиз!

Бирор ўзбек биродарингизнинг уйи остонасига қадам қўйдингизми, демак, сиз, муҳтарам зот — унинг аэзиз меҳмони ҳисобланасиз. У сизни илиқ табассум билан кутиб олади: „Бир пиёла чой ичиб кетинг. Келиш — меҳмондан, жавоб — мезбондан“, дейди қўлини қўксига қўйиб ва меҳмонхонасига бошлайди.

Ўзбекнинг меҳмондорчилик фалсафаси замирида ана шундай эзгулик моҳияти ётади.

Эй, бани башар, бу китобни ҳам худди шундай — ўзбекнинг меҳмондорчилиги мисоли сифатида қабул этинг, зеро, биз ҳам Яраттанинг беҳисоб инояти туфайли сиздаги бебаҳо неъмат — Кўнгил богингизда меҳмон бўлмоқликни ният қилдик. Оддимизда қийин вазифа — **улуг инсонлар**, дунёning номдор ҳукмдорлари ҳақида сўз айтишнинг ўзига хос масъулияtlари мавжудлигини айтиб ўтмоимиз жоиз.

Қўлига қалам олган одам, аввало, „Шунга ҳаққим борми?“ дея ўйлаб кўриши шарт; қаламни инсонга Яраттанинг ўзи берган, лекин жавоби бандасининг зиммасида.

Бунга маънан ҳаққимиз борми?

Бор, деб ҳисоблаймиз. Шу миллат вакили эканмиз, Соҳибқирон Амир Темурдек улуғ зотнинг ҳаётига назар солиш, сұхбат давомида турли фикрларга ойдинлик киритиш, қолаверса, шундай улуғ сиймо таваллудининг 680 йиллигига тўёна билан келиш зиммамиздаги вазифа, бурч ва мажбурият ҳамдир. Зеро, истиқол берган бу имкониятдан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Кечагина ана шундай улуғ сиймолар ҳақида тилимиз учida турган гапларни айтольмай, қийналган ўзимиз эмасмидик?!

БУНДАН ЙИГИРМА ЙИЛ ОЛДИН...

— „Халқимиз тарихида инсоний камолоти ва ижтимоий фаолияти билан довруқ қозонган, миллатимиз фахри бўлган улуғ зотлар бениҳоя кўп. Аммо улар қаторида юлдузлароро қуёшдай чарақлаб турган бир зот борки, Ватанимиз кечмиши, бутуни ва эртасида ул зот юксак ўрин тутади.

Ул мұхтарам инсон Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлариридор“.

— Бу гапни бундан йигирма йил олдин мұхтарам Президентимиз Ислом Каримов Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиш кунида айтган әдилар.

— Буюк шахсларни миллат қайфуси яратади, дейиши мумкин.

Умрининг маэмунини „Миллатнинг дардларига дармон бўлишдан иборат“ деб билган Амир Темур халқимиёнинг ана шундай ардоқли, улуғ фарзандидир.

— Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолат-парварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.

— Амир Темур ҳаётининг маэмуни, бетакрор фаолиятининг асосий маъноси — Ватан озодлиги, Ватанга мухаббат деган олий қадриятлардан иборатdir.

— У умрининг сўнгги онларида ҳам зурриётларига қарата: „Истиқлол билан мулку миллат, лашкар ва раъиятни бошқарингиз“, деб васият қилган.

— Ўзбекистонни жаҳон ҳавас қиласидиган буюк давлатга айлантирайлик! Бу йўlda бобокалонимизнинг: „Адолат ва озодлик — дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин,“ деган доно ўйтлари доимо шиоримиз бўлсин!

Бутун юртимизни бутун жаҳон яхши танийди. Бутун Ўзбекистон тенглар ичра тенг мамлакат, озод ва обод юрт! Унга ҳавас қиласидиганлар ҳам кўп.

— Энди асосий масалага келсак, бу тарихни ўзимиз битмоқдамиз. Бу ҳам катта фалсафа, катта баҳт!

— Шу ўринда 1865 йилдан кейинги гапларни, яъни юртимизни мустамлакага айлантирган чор Россияси ҳукуматининг Туркистондаги мустамлака сиёсатини ҳам бир эсга олайлик:

Улар Туркистонни бўйсундириш учун, энг аввало, осмонуپар бинолару минораларини, масжиду мадрасаларини ер юзидан буткул йўқотишимиш зарур, чунки улар ўша биноларга боқиб, куч олади, фурурланадилар, деган қарорга келдилар. Сўнгра бой „тарихи“ни ҳам қайта ёзиб бериш керакки, фақат шундагина бу халқни мутеликда ушлаб туриш мумкин, деб ҳисобладилар.

— Афсуски, шундоқ. Бу мустамлакачилар мафкураси эди. Улар шу мақсадда биноларимизни хароб этдилар, тарихимизни „ёзиб“ бердилар.

— Бу гапларнинг ҳар биридан бутунги навқирон авлод етарли хулоса чиқармоги керак!

БОЙ ТИЛ ...

— Биз тилимиз ҳақида ваъз ўқимоқчи, сафсата сотмоқчи эмасмиз. Бунга асло ҳожат йўқ. Фақат Амир Темур оиласида фарзандлар, аёл зоти қанчалар улуғланганини ва уларнинг қандай сифатлар билан эъзозланганларини айтмоқчимиз, холос. Мана, масалан:

ҚУТЛУФ ТУРКОН ОҚА

— улуғ хотун, бонуий кубро;

ЎЛЖОЙ ТУРКОН ОҚА

— улуғ оқа;

ЖАҲОНГИР МИРЗО

— подшоҳлик буржининг ёруғ юлдузи;

УМАРШАЙХ МИРЗО

— баҳтиёрлик тожининг гавҳари;

ОҚА БЕГИМ

— поклик саройи дурдонаси;

МУҲАММАД СУЛТОН
ХАЛИЛ СУЛТОН

— валиаҳд шаҳзода;

— жаҳон аҳлининг амирзодаси.

— Накадар бой ва сеҳорли тилимиз бор. Биргина XIV–XV асрлар тили билан боғлиқ сўзлашув русуми, мумомала маданиятига эътибор беришинг, ёзувда ифода этилган воқеаларга назар ташланг. „Фалончи ўлибиди“ иборасини ишлатишмайди, бу жуда қўпол ибора, қўпроқ „жон омонатини эгасига топширибди“, „нариги дунёга равона бўлибди“, „ дунёдан ўтибди“ ва ҳоказо дейишади.

Ҳар қандай фикр, туйгуни, ҳолатни ифода этишга қодир бўлган ниҳоятда бой ўзбек тилига Яратган эгамнинг ўзи ривож берган экан, уни авайламоқ, бойитмоқ, эъзоzlамоқ бурчимиздир, қолаверса, бу Абу Наср ал-Форобий, Имом Бухорий, Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Алишер Навоий каби улуғларимизнинг тилидир.

ҲАЛҚ ОРАСИДАН ЧИҚҚАН ҚАҲРАМОН

— Битта мисол билан бу зотнинг бутун ҳаёт фаолиятига баҳо бериш қийин, кейинроқ бу тўғрида, албатта, кенгроқ тўхталамиз, аммо ҳозирча бир қоронғи нуқтани ойдинлатиб ўтмоқчимиз.

Унинг асосий қўзлаган мақсади адолат, яъни бу зотнинг барча саъӣ-ҳаракатларида ҳалқ манфаати устун турарди. Ўзи ҳам ҳалқ орасидан чиққан қаҳрамон бўлгани учун унинг қудратига суюниб иш олиб бориб, оддий фуқароларнинг аҳволини яхшилашни ўзининг биринчи галдаги вазифаси, деб биларди. „Раяят аҳволидан огоҳ бўйдим...“ — деб ёзади „Тузуклар“да. Айниқса, ҳалққа ортиқча зулм қилишни, одамларни калтаклашни, ҳајорат қилишни, савалашни ман қилиб, бунинг ўрнига солиқларни тушунтириш ва қонун-қоидалар асосида ундиришни таъкидлайди. Чунки ҳар бир деҳқон, ер эгаси ё ҳунарманд, ё мироб, ё бошқалар — аввало, Худонинг бандаси, қолаверса, мам-

лар. Шу боисдан „Гузуклар“ зарур эди. Ўқиймиз: „Хирожни раиятдан калтаклаш, савалаш йўли билан эмас, балки тушунтириш, огоҳлантириш йўли билан ундирсинглар. Кайси ҳокимнинг сўзи ва ҳукмининг таъсири калтаклаш таъсиридан камроқ экан, ундай ҳоким ҳукумат юргизишга яроқсиздир“.

— Ана энди „Темур тузуклари“ билан Чингизхоннинг „Ясо“ сидаги солиқ йигишдаги фарқни ҳам солишириб кўрайлик.

Академик Б. Д. Греков (1882–1953) ўзининг „Олтин Ўрда ва унинг қулаши“ асарида: „**Ботухон давридан бошлаб Россия аҳолиси рўйхатга олинар ва шунга қараб, жон боши солиги солинарди. Бундан ташқари, экин солиги, чорва, уй, ҳатто омбор солиги ҳам мавжуд эди. Солиқ тўлашдан бош тортгандар, ўлим жазосига маҳкум қилинарди**“, деб ёзган.

Амир Темур 1370 йилда Турон тахтига ўтирган заҳоти ана шу солиқларни бекор қилди ва бу нарса халқ аҳволи ҳамда турмуш дараҷасининг яхшиланишига олиб келди.

— Бизнингча, изоҳга ҳожат йўқ, Аммо ўша гап гап, бу тўғрида сухбатимиз давомида яна тўхталиб ўтамиз!





Биринчи бўлим

дунё ва одамзод тақдири

*Коннотнинг меъвари – Адолат, агар у поймол
бўлса, Еро ҳам ўз ўқидан чиқиб кетади.*

МАРТИН ЛЮТЕР КИНГ

Ҳаким ат-Термизий ривоят қиладиларки:
 „Аллоҳ дастлаб илмни яратди. Илмдан ҳикматни яратди. Ҳикмат-
 дан адолат ва ҳақиқатни яратди“.

Дейдиларки, ҳар бир ҳаракатда олий ҳикмат бор: тоғларга беҳуда қор
 тушмайди, ёмғир суви фақат оқдир, тупроқ ҳам бир хил рангда, аммо
 гиёҳлар турфа хил, минг бир рангда, балки ундан ҳам кўп; ҳар жилга-
 нинг шивирлашида ҳам неча минг сирлар мавжуд, аммо бизга уларнинг
 моҳиятини теран, тўла-тўқис англаб етиш қобилияти берилмаган.



Дейдиларки, инсон жисман бир хил: бир жуфт қўл, оёқ, кўз, қулоқ ва
 ҳоказо, аммо вазифа ҳар хил берилган ва инсон дегани борки, бир-бири
 билан узвий боғлаб қўйилган, чунончи, ўқувчи устозга, bemor шифокорга,
 бор боғбонга муҳтоҷдор. Яхши ҳукмдор эса миллатнинг баҳтидир.

Нақд сўз шуки, ўзини „Мен ким Темурбек, Аллоҳнинг қули“ деб
 билган ва ҳозиргача номи инсоният тилидан тушмай келаётган Соҳиб-
 қирон Амир Темур ҳам бу дунёга беҳуда келмаган эди.

Ҳали Америка очилмаган эди,
 ҳали Шимолга илм ҳам, ҳунар ҳам етиб бормаган эди,
 Жануб осмони қора булутли, Самарқанднинг аҳволи танг эди.
 Амир Темур зўракиликни, зўравонликни ёқтиромасди, аммо Ватани
 зулм остида эди.

„...виждоғы одам урушда ҳам муайян қоидаларга амал қилади. У пасткашлик ва жиноят йўли билан қўлга киритилган ғалаба кетидан қувмайди“.

Ажабо, Плутарх тахминан милодий 45–127-йилларда яшаган бўлса-да, бу фикрни айнан Амир Темур учун айтгандек гўё.

Амир Темур дейдики, „Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим“.



Баҳор тонгининг гўзаллиги, атиргулнинг хушбўй ҳиди, бола кулгисининг роҳати — санайверсак, дунёда дилни ошуфта этувчи ҳодисалар кўп, аммо ҳамма қалб ҳам уларни ўз вақтида англай олмайди.

Йилдирим Боязид хижолат ва уят мақомида қолиб, хато-камчилкларини эътироф этиб, шундай деган эди:

„Дарҳақиқат, хато қилдим, ҳазрати Соҳибқироннинг сўзларига қулоқ солмадим, шунинг учун жазоимни тортиб турибман.“



2007 йил, май.

Тўлқин Ҳайнт:

— Устоз, беҳад шукурлар ва ҳамду санолар бўлсинким, Яраттанинг инояти, озод юртимиз, мустақиллигимиз берган имконият туфайли Сиз билан менга ҳам ана шу улуғ зот ҳақида сўз айтиш, китоб битиш баҳти насиб этиб турибди. Бу катта баҳт, катта иноят, энг асосийси катта масъулият ҳамдир. Албатта, бу мустақиллик берган имконият, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг улуғ аждодимиз хотирасини абадийлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлари, тарихимизга янгича ёндашибимиз керак, деган кўрсатмалари туфайли қўлга киритилган ютуғимиз, фахримиз, фуруримиз ҳамдир.

Кўтідан ният қилиб юрган ушбу сұхбат-китобимизга киришар эканмиз, ўкувчидан уэр сўраб, бир жиҳатта диққатни қаратмоқчиман. Сұхбат саъжиясидан келиб чиқиб, китобимиз кенг тарихий мавэуларни қамраб олгани сабабли, бутун ижодини ҳалқимиз тарихининг бадиий ифодасига бағишка-

ладап, қалыпташып көрүп түшсүзлүк айтиб ўтмоңчий-вақт-вақти билан мурожаат қилишга эхтиёж туғилишини айттың менен. Буни холисанмиллоҳ түри тушунилади, деган умиддаман.



Дедиларки, Ўзбекистоннинг бойлиги нимада.¹

„Бу заминда кўплаб миллат ва элатларнинг тинч-тотув яшаб, ўз меҳнати билан Ватанимизнинг шуҳратини, обручини оширишта ҳисса қўшаётгани бутунги кунимизнинг энг катта бойлигидир“¹.



Муҳаммад Али:

— Мұхтарам Президенттимиз Ислом Каримов: „Ҳар бир ҳалқ ўз тарихини ҳар хил таъсир ва тажовузлардан асраши керак. Бепарво бўлсангиз, турли соҳта ҳомийлар, кучлар борки, улар тарихни бузиб қўрсатадиган китоблар чиқараверади, ҳатто чет элда ҳам чиқариши мумкин“, — дея бизни огоҳлантирган эдилар.

Бугун ҳам бу огоҳлантириш долзарблигича турибди.

Эсингизда бўлса, мұхтарам Юртбошимиз сўзларида давом этиб, „Бизнинг адолатли жамият барпо этиш йўлида амалга ошираётган ишларимиз чуқур тарихий илдизларга эга, — кўп асрлик тарихимиз шундан далолат берадики, энг мураккаб даврларда ҳам ...халқимиз қадди-қоматини тик тутиб яшашига катта умид, мадад баҳш этадиган куч — юксак маънавият ва адолатта интилиш туйгуси бўлган.

Буюк аждодларимизнинг ҳаёт йўлини, илмий меросини ўрганар эканмиз, ана шу ҳакиқат улар фаолиятининг бош мезони бўлиб келганига ишонч ҳосил қиласиз.

Шубҳа йўқки, „Куч — адолатдадир“ деган гояни ўз ҳаётининг мазмунни деб билган Амир Темур бобомиздек улуғ аждодларимизнинг камол топишида ҳам „Ҳидоя“ сингари қомусий асарларининг таъсири ва аҳамияти беҳиёс бўлган“, дея алоҳида таъкидлаб ўтганлари кечагидек ёдимиэда.

¹ И. Каримов. Адолатли жамият сари. 90-бет. Т., „Ўзбекистон“, 1998 йил.

— Дейдиларки, дунёда бойлик ва мартабага, ҳар хил кўнгил хоҳишларига, дангиллама ҳовли, қўша-қўша машиналарга ва бошқа-бошқа ҳуюхавас нарсаларга эга бўлиш мумкин, лекин сирли пардалар билан ўраб ташланган, абадий ниҳон ва минг бир жумбоқларга тўла инсон қалбига кириб бориш, уни тушуниш, англаш мушкул.

Барча донишмандлар, ҳаммадан ҳам инсон тарбиясини биринчи ўринга қўйишган ва қай оиласда, қайси мамлакатда бола тарбияси мукаммал йўлга қўйилган бўлса, ўша ерда инқизор бўлмайди, дея фикр билдиришган. Сўзим қуруқ бўлмаслиги учун Шарқнинг буюк мутафаккири Рабинранат Тагорнинг „*Россия ҳакида мактублар*“ асаридан қуидаги сўзларини иқтиbos келтироқчиман.

„Шўролар тузумининг жиддий хатолари бор, бир кун келиб, у бир баҳтсизликка сабаб бўлади. Бу шундай хатоки, маориф ишлари бир андозада юритилмоқда. Бир андозага солинган инсон моҳияти барқарор бўлмайди. Инсоннинг ақли биқиқ мұхит ичра банди этилса, бориб-бориб завол топади ёки одам боласи мурватли қўғирчоқдек бўлиб қолади“.

Эй, мұхтарам ота-она, меҳрибон устоз, баҳтли диёрнинг аэзиз кишилари!

Орадан 50 йил ўтмай, Рабинранат Тагорнинг фикрлари ўз тасдигини топди: ҳеч бир ҳарбий куч енголмайдиган совет тузуми атиги бир зарб билан тухумнинг пўчоғидек пачақланиб, сочилиб кетди.

Рабинранат Тагорни шунчаки адаб, шунчаки қалам соҳиби эмас, чин маънода мутафаккир, деганларнинг гаплари рост эди.

Эҳтиросимни яширолмайман: тарбияда хато кетса, келажак кечирмас экан.



Донишмандлар айтадиларки, кимники яхшиликка мушарраф қилибди, Яратган ўша бандасини сийлабди, кимнингки қалбига ҳасрат солибди, унинг танасига, томирларига мангуда азоб берадиган чўғни жойлаб қўйибди.



Улугларимиз — Хожа Аҳмад Яссавий, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд боболаримиз бир бурда нон, бир пиёла сув билан ҳаёт кечириб, бебаҳо умрларини комиллик, эзгулик оламини янада нурафшон айлаш йўлида

„МАЪРИФАТ ПОГОНАСИГА ЕТИШ ҚИЙИН“

— Бундан ўн беш йиллар олдин бир раҳбар улуғларимииздан бири ҳакида ноўрин гап айтиб қўйди. Ҳай-ҳай, дедик, чўчилик, ортга чекиндик. Орадан ўн кун ўтиб, ўша кимса „чилпарчин“ бўлиб кетди.
Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари айтибидар:
„...Бир дарвешнинг оёғига тикан қадалса, уни қаердан эканини билмоқ керак“.

Замонавий воқеа

Бир Ҳожи онанинг ахволидан хабар олишгани боришганда, уни шифокор кўриқдан ўтказаётган экан. Маълум бўлишича, онахон шу кунларда ўзларини сал нохуш сезаётган эканлар. Шифокор текшириб кўргач, онахонда бирорта касаллик белгиси йўқлигини, фақат ёқмаган нарса еган бўлишлари мумкинлигини айтиби.

Онахон енгил тин олгач:

— Мен фақат энг тоза ва яхши нарсаларни истеъмол қиласман, болам, қандай қилиб, ёқмаган нарса ейишим мумкин?! — дебдилар ҳайрон қолиб.

— Хўш, хўш, нималар истеъмол қиласиз? — дея қизиқибди шифокор.

— Бозордаги энг яхши нарсалар — энг тоза асал, энг ширин бодом, энг қимматбаҳо майиз, ёнғоқ — мева-чевалар борки, барака топсин, ўғлим, доимо менга илиниб туради!

Шифокорнинг кўз ўнгидаги бозор, қимматбаҳо мева-чеваларга суқланниб ўтиб кетаётган оддий кишилар намоён бўлиб, онахоннинг касали нимада эканлитини дарҳол фаҳмлабди ва: „Сиз қўзиккансиз, Ҳожи она!“ — дебди.

Ҳикмат шуки, Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари айтганлариdek, тикканинг нима учун оёққа қадалганини билиш керак. Моҳияти нимада? Қаранг-а, Ҳожи она энг сара мева-чеваларни истеъмол қиласар эканлар-у, уларга кўз суқи текканини хаёлларига ҳам келтирмас эканлар.

Рабиидранат Тагорни қандай она тарбия қылган экан?! Бундай саволлар қалбни жумбоқлар билан ўраб-чириб ташлайди.

Мұхаммад Али:

— Асли дунёning ўзи сирлар ва жумбоқлардан иборат. Инсоннинг ўзи ҳам маъно тұла хазина. Ўзини түшүнмай, нимага дунёга келганини билмай үтиб кетаётганлар ҳам сон-саноқсиз. Аммо ўйлайманки, умрида битта китоб үқиган одам, албатта, атрофига назар ташлаб, „Менга нима учун тириклик берилди, хүш, қандай яшаяпман, шукроналиктин биламанми?“ деге ўтган ҳәётини сархисоб қылади.

Милоддан олдинги 346–264-йилларда яшаган юонон файласуфи Зенон оламни иккى асосий нұктай назардан англаш ғоясини ишлаб чиққан ва уларни қўйидагича атаган эди:

1. Бизнинг ҳукмимиздаги нарсалар.
2. Ҳукмимиздан ташқаридаги нарсалар.

Чексиз хаёлларга берилади киши. Муқаддас китобларда, дунёда нимаики Аллоҳ томонидан яратилган бўлса, барчаси Инсони комил учун эканлиги айтилади. Комилликка қандай эришилади, деган савол ҳаёт саҳнасидан сира тушмайди. Алишер Навоий ҳазр苍лари „Лисон ут-тайр“ достонида оламнинг яратилиши ҳақида фикр юритар эканлар, Инсони комилнинг Яратган томонидан бениҳоя улуғланганини айтиб ўтадилар. „Бутун оламни яратишдан мақсад Инсон бўлиб, у ҳамма мавжудот ичиди тенги йўқдир“, деб ёзди ул зот.

Инсон – мўъжиза бўлиб, унинг турган-битгани сирли тилсимдир. Ана шу тилсим ичра Тангри ўзининг сирини яширган. Инсон унга итоат этади. Аллоҳ ўз сирининг хазинасини очмоқчи бўлганида, уни на само ва на ер қабул қылди. Инсондан ўзга нарсалар жаҳолатта ботиб, унинг хитобини ва бу сирни қабул қилишга ботинмади. Шу туфайли Инсон бошқа жонзотлардан мумтоз қилиб яратилди, коинотнинг тожи бўлди, дейди шоир Фикрларини давом эттириб. Бу инсоннинг қанчалар улуғ ва азиз эканига яна бир мисол.

Замонга союз...
.....хозирги вақтда маънавият масаласи нақадар ўткир ва ҳал қиувчи масалага айланиб бораёттанини аксарият кўпчилгимиз ҳали ҳам чуқур тушуниб етганимиз йўқ, десак, ўйлайманки, хато бўлмайди. Ана тақорор айтишга тўғри келади: маънавиятни йўқотсак, ўзимизни ва ўэлигимизни йўқотамиз. Маънавиятни юксалтирасак, ўз мурод-мақсадимизга етишда кучли мадад топамиз“.¹

◆◆◆◆◆

Тўлқин Ҳайит:

— Дунёга бокиб, ўтмишни кузатсак, кўрамизки, одамзод кўпая бориб, тоифаларга ажралиб кетди, яъни яхши ва ёмонга. Ва бугунга қадар бу ҳол давом этмоқда: Аллоҳга ишонгандар имонларини маҳкам тутиб, тирикликни гўзаллик билан безамоқдалар, шайтон малайлари бўлмиш ёмонлар эса ўша-ӯша — турли бузғунчилик, ёвузликларни амалга ошироқдалар. Бир сўз билан айтганда, яхши одамлар ниҳоятда гўзал бино қуряптилар, ёмонлари эса уларни яксон қилиш билан оворадурлар. Ана шуларни ўйлаганда, донишмандларнинг нега комил инсон масаласига қўпроқ тўхталганлари эсга тушади.


Айтайлик, ҳали ўзини англаб етмаган кимса баъзи бир нопок ишлари билан аста-секин одамларда нафрат уйготади, қўнгилларга қутқу солади ва жамият об-ҳавосини ҳам булғайди, кўрибсизки, бора-бора омма ўзимницилардан нафратлана бошлади.

Оқсоқоллардан бири, таъсирчан воқеани гагириб берган эдилар: бир қалъага босқинчилар келса, одамлар уларга қарши чиқмаган эмиш. Суриштириб билсалар, қалъа оқсоқоли, қозиси, амалдорлари бир неча ўн йиллардан бўён одамларнинг қонини зулукдай сўриб, тегмаганни телиб, урмаганни уриб, „ўзим хон, кўланкам майдон“ қабилида айшу ишрат билан семириб-кехириб, давру даврон суреб юришган экан; бундан безор бўлган оломон: „Шулар зулми остида яшагандан кўра, босқинчиларга қўл сифатида меҳнат қилганимиз яхши“, деса дарвозаларни очиб, таслим бўлишиб, омонлик сўрашган экан. Ўтмишнинг бу сабоги ҳатто бугун айрим корчалонларга сабоқ бўлмаган кўринади.


¹ И. Каримов. Энг асосий мезон — ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. 12-бет. Т., „Ўзбекистон“ НМИУ, 2009 йил.




Амир Темур ҳайкаллари: Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз.




Амир Темур ва унинг даври лавҳалари
рассом Алишер Аликулов ижодида.



Амир Темур
ва унинг даври
лавҳалари рассом
Алишер Алиқулов
ижодида.



Аҳмад Яссавий
масжиди меҳроби.



Мақбара тарҳи.



Амир Темур буйруғи билан
Аҳмад Яссавий мақбараси учун
ясалған қозон. XIV аср.

адолат
турли идора эшикларини қоқиб, овораю сарсон бўлганини кўриб, эсим оғаёзи. **Хатто бир „чаламулла“**, порахур қонун ҳимоячисига: „Сан, болам, адолат билан ҳукм чиқаргин, бўлмаса, қўз ёшларим дарё бўлиб, сани селдек оқизиб кетади“, деса-да, у истехҳзо билан кулиб қўя қолган экан. Буни қарангки, орадан бир ҳафта ўтмай ўша кимса ишдан кетди.

Ана шулар ҳақида ёза туриб, ўзининг ноёб илми ва ақл-заковати билан бутун дунёни лол қилган ватандошимиз Анахарсиснинг сўзлари эсга тушади:

„*Мени Эмладада ақл сақлаган бўлса, ўз ватанимда ҳасад ҳалок этди*“.

Анахарсис ким эди?

Уни Апарис деб ҳам аташади.

Номи юононча, бизда уни қандай аташган?

Нега уни юонолар „Етти донишманд“ нинг бири деб эъзозлашган эди?

Арасту, Геродот (Heradot) ва бошқа қадимий тарихчиларнинг асарларида ана шу машҳур инсон ҳақида унча-мунча маълумотлар сакланиб қолган. Тарихимизнинг қоронги жиҳатини ёритиш бутунги вазифаларимиздан биридир.

Унинг милоддан олдинги VI–VII асрларда яшаганини, скифларнинг подшоси Ифандриснинг қариндоши бўлганини, таълим олиш учун Юнонистонга борганини биламиз.

Анахарсис — қомусий иқтидор соҳиби эди. Демак, у жуда кўп соҳаларда етакчи ўринни эгаллаган. Чунончи маълумотларга кўра, ўткир илим эгаси, ноёб қобилиятли файласуф ва моҳир нотиқ ҳам эди. Чиндан ҳам унинг нотиқлик санъатига дунё тан берган. **Хатто юонолар орасида „Скиф шундай деяпти“, деган ибора урфга кирган.**

Туркистон заминида туғилиб, ўзга юртларда довруқ қозонтан Анахарсисга Юнонистонда улуғвор ҳайкал қўйилган эди. Афсуски, ўз юртига қайтган шундай машҳур зот жоҳил қариндошлари томонидан қатл этилган.

Шавкатли бобомиз И мом Бухорий-чи?!

Бу машҳур зот умри давомида битта ҳовли қурмади ёки юртдан ҳеч нарса сўрамади, аммо дунё кезиб, инсоният учун хизмат қулади. Лекин Хартанг қишлоғидаги ҳужрада дақиқа ичидаги омонатини топшириб қўя қолди.

ларини яхшилаб, унинг жон фидошни салтанат қўрғонига рахна соҳароб қиласдилар. Буларнинг мақсадлари салтанат қўрғонига рахна солишидир”.

Ўз ютидан ўзга диёларга бориб, ҳалқимиз шаънини осмон қадар кўттарган Анахарсиснинг ҳаётига зомин бўлган, Имом Бухорийдек улур зотнинг қўнгил уйини бузган каби кимсалар ҳозир йўқ дейсизми?! Улар Анахарсисни ҳам, ул зоти муборак Имом Бухорийни ҳам ёлғиз қолишлирини, бирор сўзда хато қилишларини кутиб турдилар ва шундай руҳан тушкунлик пайтларида суюнчиқ бўлишни эмас, уларнинг нурли юзларини қора пардалар билан ўраб ташлашни кўзладилар. Ҳақиқат букилади, аммо синмайди. Бугун ўша улуғ зотлар хотираси иззатда, бузғунчиларнинг номларидан нишон ҳам йўқ, уларга фақат нафрат ёғилиб турибди.

Соҳибқирон Амир Темур номига тухмат тошини отганлар ҳам бутун дўзах ўтида чинқирмаяптилар, деб ҳеч ким айтольмайди!

Суд маҳкамаси — покиза жой, адолат уйи. Инсон тақдирни ҳал бўладиган бундай олий даргоҳларда фақат маънавияти юксак, элу юрт манфатини ўйлайдиган кишилар, „катта ва кичик чўнтакни эмас“, айниқса, оқ ва қорани ажратадиган ўз соҳасининг фидойилари меҳнат қилишлари керак. Бизнингча, бу ишни ҳукуқ ўқув юртларидан бошлаш, талабни яна ҳам қаттикроқ қўйиш лозим, токи, ўша маскандан чиқаётган ҳар бир ҳукуқшунос кўз ўнгидаги, аввало, элу юрт манфаати, келажаги яққол намоён бўлиб турсин.

Россияда Плевако деган нотиқ яшаган, уни оддий ҳалқча меҳрибон киши бўлган, деб эшигтганимиз. Бир куни у бозордан беш тийинлик пақир ўйирлаган нотавон кампирнинг қамалаётганини билиб, суд маҳкамасига келади ва сўз олиб:

— Шу замонгача мамлакатимизни талон-тарож қилганларнинг сонсаноғи йўқ, лекин улур Россия ҳар гал уларнинг гуноҳларидан кечиб юбормоқда. Денгизчи саркардаларимизнинг нўноқлиги туфайли японлардан қақшатқич зарбага учрадик, натижада, Порт-Артурда кулгига қолдик. Лекин улур Россия уларнинг гуноҳларидан ҳам кечиб юборди.

нирнинг гуноҳидан кечмоқчи эмас! — дея суд ҳайъатини жуда уялтиради. Омма олдида шарманда бўлган суд кампирни оқдаб юборишга мажбур бўлган экан. Демак, биз ёшларнинг нотиқ бўлишларига ҳам эътибор қаратишимиш керак.

Амир Темур „Тузуклар“да ёзганларки,

„...агар, (ҳар ер ва элнинг) амалдорлари билан қалонтарлари оддий фуқарога жабр-зулм қиласа ва шу орқали зараар етказган бўлса, (бундай вақтларда) етказилган заарларни қалонтарлардан ундириб, жабр кўрганларга берсинлар“.

Яна бир воқеа

Буниси ҳам, албатта, Амир Темур ҳақида.

Италиялик бир йигит билан Амир Темур тўғрисида сұхбатлашиб қолдик, ўзбек тилини бинойидек билар экан. Сұхбат орасида ўзининг юрти кутубхоналарида тарихимизга оид жуда кўп нодир китоблар мавжудлигини айта туриб, ота-боболаридан эшилган ривоятни ҳам қистириб ўтди.

Эмишки, Италияга яқин жойда, пешин пайтида денгизга боқиб турган Амир Темур ҳузурига бир онани бошлаб келибдилар.

— Мендан нима тилайсан, мұхтарама синглим? — дея сўрабди ҳукмдор. Онаизор эса унга илтижо билан боқиб:

— Сени адолатли ҳукмдор, аёлларга меҳрибон, мұхтожларга мададкор, деган таърифингни кўп эшилтанман. Ёлғиз ўғлимни жанг майдонига судраб кетган эдилар, менга юрак қуввати ҳам, суюнчиқ ҳам, мададкор ҳам шу яккаю ягона фарзандим эди. Кўлингдан келса, уни ёнимга қайтар! — дея илтимос қилибди.

— Эй мушфиқ, она, азоб чекма, дард ютма, қайғуга ботма! Ўғлинг тирик бўлса, менинг шерюрак йигитларим, шамолдан тез учувчи лочинларим уни ер остидан бўлса ҳам, сугуриб келтирадилар! — дея аёлнинг кўнглини хотиржам этибди ва ўттиз нафар энг сара жангчиларини эмас, баҳодирларини уруш майдонига йўллади, сўнг эса:

— Эй, мұхтарама она, ўғлингни топиб келгунларича шу ерда тура тур, меҳмон бўл! — дебди.

Кечга бориб, аёлнинг ўғлини топиб келибдилар. Онаизор хурсанд бўлибди.

— Муродининг олиб кет, рухсат! — дебди илтифот билан, ҳатто лаэнтилошига оуориб, яшашни учун етарлича маблағ, кийим-кечак ҳам бернибди.

Арслондай ўғлиниң бўй-бастига боқиб турган онаизор:

— Эй ҳукмдор, сени дунёга келтирган онага шарафлар бўлсин, шунча ташвишинг бўлишига қарамай, ярим кунингни мен учун сарф этиб, ўғлимнинг дийдорига тўйдирдинг! Сендан миннатдор бўлдим. Ўғлимнинг кўзларига боқиб, билдимки, у жанг майдонини ташлаб кетишни ўзи учун ор деб билади! Қалбида ёвуэларга нисбатан нафрат ўти ёнмоқда. Сендай буюк ҳукмдори бўлган ўғлимни яна жанг майдонига қайтишини хоҳдайман! — дебди.



Амир Темур билан боғлиқ бундай ибратли воқеалар, ривоят ва афсоналар кўп. Ибн Арабшоҳ бехуда уни қадим эртаклардаги афсонавий қаҳрамонларга менгзамаган. „Мулоқот“ журналининг 2005 йил 5-соҳнида фавқулодда гаройиб истеъодд эгаси, инсоннинг ташқи қиёфасига қараб, унинг руҳий оламини, салоҳиятини аниқлаш билан узоқ йиллар шуғулланган руҳшунос олим Дима Москвитиннинг тадқиқотлари ҳақида ёзилган эди.

У инсон юзини шартли равишда учга бўлади:

биринчиси, **олий қават** — руҳ олами: бош суюгининг тузилиши, пешана, қошлар;

иккинчиси, **ўрта қават** — онг олами: кўзлар, бурун;

учинчиси, **куйи қават** — ҳиссиётлар олами: оғиз, ияқ, юз тузилиши.

Айнан **куйи қават** инсоннинг ҳиссиёти ва қилмишлари уни қандай кўринишга олиб келишини кўрсатар экан.

Биз ҳам Соҳибқироннинг ташқи ва ички қиёфаси билан борлиқ руҳий тафсилотларни таққослаб кўрайлик.

Ибн Арабшоҳнинг машҳур таърифини такрорлаймиз:

„(Амир) Темур гавдаси келишган, узун бўйли, пешанаси очиқ, калласи катта, елкалари кенг, бармоқлари тўлик, мускуллари кучли, юзлари нурли...“

Энди Дима Москвитин таърифига назар ташлайлик:

„кенг ва чироили пешана — ақл ва мардоналиқ белгиси;“

ланганидан дарак;

бармоқларнинг тўлиқлиги, кучли мускуллар — жасурлик, мардлик, халқпарварлик, ватанпарварлик аломатлари“.

„Энг муҳими, бундай инсонларнинг ички борлиғидан руҳият нурлари ёғилиб туради. Юзидан нур ёғилиб турмаган одам ҳеч қачон буюк шахс бўйламайди“, — дейди руҳшунос олим.

Мұхаммад Али:

— Ҳаётга назар ташласангиз, ҳали ҳам эски тузум даврининг таъсирида вояга етган баъзи „материалист ҳайбаракаллачилар“ инсон фақат қуруқ танадан иборат деган сийқа доирадан ташқари чиқолмаётган кўринадилар. Гоҳ-гоҳ бўлса-да, ҳамон уларнинг тор фикрларига дуч келасизу, „эй биродар, ҳали ҳам эски аравадан тушгингиз келмаяптими, руҳий оламга туҳмат тошини отаётганингиз нимаси, замондан тоза ҳам орқада қолиб кетибсиз-ку“, дегингиз келади. Улар учун Амир Темурнинг муқаддас Қуръони Каримга мурожаат этиши, тушларга амал қилиши файритабиий ҳолат. Албатта, материалист учун „тошда ҳам руҳ бўлади“ деган ибора ёт, бегона: гўё улар туш кўрмайдилар, телепатия деган гап сафсата; назарларида, дунё ўз-ўзидан яралган, инсон ҳам аллақайси „фор“ даги „жонзот“дан тарқаган — бариси қуюшқондан чиққан фикрларки, уларни тинглаганды, энсангиз қотади.

Гёте ёзади:

„Алоҳининг изни бўлмасдан томдан бир чумчук ҳам тушмайди“.

Ҳар бир миллатта „пешанаси ярқираган илоҳий фарзандлар“ берилади: улар ўзларининг ноёб ақл-идроқлари, довюрак ва мардликлари билан ўз ҳалқини қийинчиликлардан олиб ўтиб, озод, эркин ва тўқ яшашлари учун замин яратади. Бундай кимсалар пайғамбарлар, ҳукмдорлар, валийлар, алломалардир. Миннатдор авлод эса бундай улуғларни ҳамиша эъзоз ва ҳурматда тутади.

Амир Темур ҳам шундай инсонлар сирасига киради.

Ишончли манбалардан бири ҳисобланган Низомиддин Шомийнинг „Зафарнома“сида эса Амир Темурнинг руҳий олами билан боғлиқ қатор воқеалар эсга олинган. Масалан, мўгуллардан Илёсхўжа билан бўлган жанг олдидан Амир Темур Шамсуддин Кулол қабрини эиёрат қиласди.

„Тангри таоло ғүнни“ – „Менни учун уни мухофаза қилиб келар ва унинг давлату саодати асарлари кундан-кун зиёдроқ намоён бўларди... Кунларнинг биринча у чошгоҳ вақтида бир фикр билан машғул бўлиб турганда: „Шод бўл, кам ема, Тангри таоло сенга ёрдам ва зафар каромат қилди“, деган овозни эшилди. Амир Соҳибқирон: „Бу жойда бирон кимса сўзладими ёки йўқми?“ – деб сўради. У ерда ҳеч кимса йўқлиги маълум бўлгач, бу сўзлар унинг идроқ қулогига ғойибдан келганингини фаҳмлади. Унинг дили илоҳий кўмак билан қувватланди“¹.

Шундан сўнг кўп ўтмай Амир Темур Амир Ҳусайн билан биргаликда Илёсхўжа бошлиқ мўгул лашкари устидан ғалабага эришди.

Ёки таҳт вориси Жаҳонгир Мирзо оғир касалликка чалиниб, тўшакка михланган пайтда „Амир Соҳибқирон улугвор шайх – Шайх Бурхониддин Қилични, – унга Алоҳининг раҳмати бўлсин, – тушида кўрди. Камоли одоб билан унинг ҳузурига бориб, азиз фарзанди Жаҳонгир учун химмат кўрсатиб мадад беришини сўради. „Ҳудои таолодан ўғлим учун саломатлик тиланг“. Шайх: „Ҳудо билан бўлгин“, деди-ю, фарзанди ҳақида ҳеч нима айтмади. Уйқудан уйғонгач, ўғли борасида хотирин нихоятда ташвишли эди“².

Манбалардан биламизки, Жаҳонгир Мирзо шу воқеадан кўп ўтмай ийгирима ёшида ёлғон дунёдан чин дунёга рихлат этади.

Тўлқин Ҳайит:

– Амир Темурнинг сўнгти тушини олинг. Бу тўғрида домла Турғун Файзиев ҳам алоҳида мақола ёзган эдилар. Бу мақола „Ўзбеким“ тўпламида 1992 йилда босилиб чиққан эди. Бу туш жуда машҳур, уни деярли ҳамма эшилган. Биз ҳам такрор тилга оламиз, яъни нақл қилишларича, Ҳитой сафарига отланган Амир Темур бетоб бўлиб ётиб қолади. Садоқатнинг тирик нусхаси – Бибихоним унинг ёнида туриб, иссиқ-совуғидан

¹ Низомиддин Шомий. Зафарнома. 42-бет. „Ўзбекистон“, Т., 1996 йил.
² Ўша манба, 101-бет.

үйғонганида эса, Соҳибқирон Темур жойида йүқ әди. Ташқари совуқ, қаҳратон тун... Югурга чиқиб, атрофни кузатса, Соҳибқирон кичик тепалик устига чиқиб, хаёлга чўмган ҳолда қоронгилик қўйнига тикилиб турарди. „Бу қандай гап, улуғ амирим?! Изиринли тунда касал ҳолингиз билан... бу туришингизда не ҳикмат бор?” — деб амирни Ўрдагоҳ томон етаклайди. Жойларига келгач, хавотирга тушган Сароймулхоним бурайритабиний ҳолат сири билан қизиқади.

— „Тушимга падари бузрукворим кирибдилар, — дейди Амир Темур. — Камишзор орасидаги йўлдан от чолтириб кетаёттан эмишман. Бир маҳал қамишлар қаттиқ шитирлаб, падари бузрукворим шитоб билан чиқиб келдилар-да, отимнинг эгар-жабдуқларини олиб, менга қиёҳ ҳам боқмасдан ортларига қайтиб кетдилар. Мен йўл устида ялангоч отим билан қолдим... Куюқ терга боттан ҳолда уйғониб кетдим, даҳшатли туштаъсиридан ташқари чиқиб кетганимни ҳам билмай қолибман... Ҳар ҳолда паймонам тўлганга ўхшайди“.

Умуман олганда, Амир Темур ҳаётида рухият билан боғлиқ илоҳий воқеалар ҳаддан ташқари кўпки, уларнинг ҳар бири алоҳида шарҳга лойиқдир. Ана шундай илоҳий хислатларга эга бўлган зотнинг энг яхши сифатларидан бири — одамларга, жамиятта, энг аввало, болаларга эътибори әдики, бу тўғрида фикр юритиш кишига роҳат туйғуларини баҳш этади.



Мұхаммад Али:

— Маълумки, ҳеч бир инсон ўз-ўзидан улғайиб қолмайди. Фарзандни аввали Ҳудои таоло беради, ота-она сабабчи. Унга йўлни эса устоз қўрсатади. Искандар Зулқарнайн: „Отам мени осмондан ерга туширган бўлса, устозим кўкларга кўтарди“, деган экан. Ҳудди шундай, улуғ ҳукмдорлар ҳам ўзларига пир туттганлар. Масалан, Амир Темур ҳам машҳур дин уламолари ва шайхларга нисбатан ҳурмат-эътиборда бўлишни ҳамда уларнинг панд-насиҳатларига амал қилишни падари бузруквори Мұхаммад Тарагайдан ўрганган әди.

— Ул зотниң ~~шарынан~~ яъни руҳоният пирлари ва замондош пирларга ажратамиз.

Мұхаммад Али:

— Руҳоният пирлари деганда, биз албатта, ул зот туғилгунга қадар яшаб ўтган пирларни назарда тутамиз: улар Аҳмад Яссавий, Султон Бурхониддин Қилич, Шайх Нуриддин Басир (Қутби Җаҳордахум), Шайх Бурхониддин Соғаржий ва Шайх Сафиуддин Ардабиiliйлардир.

Соҳибқироннинг замондош пирлари эса Шайх Шамсуддин Кулол, Шайх Зайниддин Абу Бақр Тойбодий ва Мир Саййид Барака жанобларидир.

Ислом оламининг машҳур намояндайларидан **Хожа Аҳмад Яссавий** ҳазралтари (Сайрам шаҳри, тахм. XI асрнинг 2-ярмида туғилган — 1166 йилда вафот этган) Туркистон аҳлиниң қиблай дуоси ҳисобланадилар.

Оталари — Шайх Иброҳим тарихимиэда машҳур бўлган одамийликни кенг тарғиб этган жавонмардлик ҳаракатига, ахийлик ва футувват тариқатига мансуб зотлардан эди.

Оналари — Мусо Шайх деган одамнинг қузи Ойша Хотун бўлганлар.

Оналари аввалоқ, оталари эса Яссавий етти ёшга кирганда оламдан ўтганлар.

Опалари Гавҳар Шаҳноз билан Яssi шаҳрига кўчиб боришгач, биринчи устозлари машҳур сўфий Арслонбоб (туғилган, вафот этган йиллари номаъум, тахм. милодий XI аср)дан таҳсил оладилар. Кейинчалик ўша пайтда Туркистон элининг илмий-маърифий, маданий марказларидан ҳисобланган Бухорога бориб, замоннинг етук алломаси ва сўфийси Шайх Юсуф Ҳамадоний ҳазралтарига мурид тушадилар ва **Хожа Абдухолиқ** Фиждувоний, Абдуллоҳ Барқий, Хожа Ҳасан Андақий сингари алломалар билан ҳаммаслак бўлиб, тасаввуф сирларини чуқур ўрганидилар.

Хожа Аҳмад Яссавий таҳсилдан кейин, бир муддат Бухорода бўлгач жалб этиш, тасаввуф ғояларини одамлар кўнглига чуқур сингдириш ниятида яссавийлик тариқатига асос соладилар. Бу таълимотда илм-

етказиш, нафсга қарши курашда событ бўлиш, ҳалол меҳнат билан ризқ топиш, олий инсоний фазилатларни ўзида мужассам этиш ва ҳоказоларга алоҳида аҳамият берилади. Тасаввуф ғояларини кенг ёйища Ҳазратнинг энг катта ёрдамчиси шеърият эди. Унинг яратган шеърлари шогирдлари томонидан йигилиб, „Девони ҳикмат“ номи остида машҳур бўлиб кетади. Ҳожа Аҳмад Яссавий таълимотининг юксак ғояси ва мақсади Инсонни комилликка олиб чиқишидан иборатdir.

Яссавийликнинг ҳайётбахш ва яшовчан таъсири оқибатида, таълимот фақат ватани Туркистондагина эмас, балки Ҳурросон, Озарбайжон, Румда ҳам кенг ёйилди.

Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг шахсияти ва таълимоти жаҳонда жуда кўплаб олим, шоир ва давлат арбобларининг кўнгилларини забт этди, бунинг оқибатида шайх ул-машойихни, яъни шайхлар шайхини пир тутишни ўзларига шараф деб билдилар.

Ҳожа Аҳмад Яссавийни ўзига пир қилиб танлаган оламшумул зотлардан бири Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлариридир.

Амир Темурнинг ёшлиқданоқ машҳур дин уламолари ва шайхларга эътиқодлари баланд бўлиб, буни падари бузруквори Амир Тарагайдан ўрганган эдилар. Юқорида айтилганидек, Соҳибқироннинг бир неча пирлари бўлган. Соҳибқирон руҳоният пирлари руҳларига эҳтиромлар кўргизиб, ҳар бирига алоҳида мақбаралар қурдирганликлари, авлодларини эъзозлаб келганликлари ҳам уларни ўзларига пир тутганликларига исбот бўла олади.

Улур Амир бевосита эътиқод этган ва иродат қўлинин берган замондош пирлари ҳакида тарихий манбаларда („Темур тузуклари“, Шарофуддин Али Яэдий „Зафарнома“, Низомиддин Шомий „Зафарнома“, Ибн Арабшоҳ „Амир Темур тарихи“, Фасих Ҳавоий „Мужмали Фасихий“, Ҳафизи Абрӯ „Зубдат ут-таворих“ ва ҳоказо) маълумотлар келтирилган.

Юқорида кўрилдики, Ҳожа Аҳмад Яссавий Амир Темур бобомизнинг руҳоният пирлари ичида энг бириинчиси бўлган эканлар. Соҳибқирон ҳар гал Яssi (ҳозирги Туркистон) шаҳрига келганларида, энг аввали, Ҳожа Аҳмад Яссавий мозорини тавоғ қилардилар. Даставвал, бу ерда милодий XII асрда тикланган кичик мақбара бор эди. Шарафуддин Али Яэдийнинг „Зафарнома“ асарида келтирилишича, милодий

1397 йилда Амир Темур ^{күн} ундан ўтиб Яссига боради ва пир мозорини зиёрат қиласди. „Бу азиз Мұхаммад Ҳанифа үғлонларидан турур, алайхи ва ала олихи вассалом“, дейди Соҳибқирон тавоғ этар экан, зиёратдан сўнг: „Буюрдиким, — деб тоқ (гумбаз) боғладиларким, кўж била сўзлашур эрди... Ва фармон бўлдиким, томларини рангин кошин билан музаййан қилсунлар (чиройли бе-засунлар). Ва Хожанинг қабрини оқ тош била ясадилар... Икки йил-мискинларга кўб садақалар бердилар...“¹

Пирнинг қадамжоси ҳамиша Амир Темур дикқат-эътиборида эди. Мақбара-мозорга маҳсус вақф тайин этилганлиги ҳам бундан далолатдир. Унга кўра, ушбу табаррук жой таъминоти учун давлат томонидан даромадли унумдор ер, сарой, тегирмон ва бошқа зарур мол-мулклар ажратиб берилган эди.

Хожа Аҳмад Яссавий ислом дунёсида турк оламида Туркистонни, туркий тантн қалбни ўзида тўла-тўқис намоён эта олган улуғ зот эдилар, унинг сўзи ҳамиша одамларни бирлаштиришда катта қудратта эга бўлганлиги шубҳасизdir. Амир Темур ўзини қийнаган кўп муаммолар ечими ни муборак пирлари шайх ул-машойих Хожа Аҳмад Яссавий таълимитдан излаганлар ва топа олганлар, деб бемалол айтиш мумкин.

Буюк мутафаккир ва шоир Алишер Навоийнинг „Насойим ул-муҳабbat“ асарида Хожа Аҳмад Яссавийни шарафлаб: „Туркистон мулкининг шайх ул-машойихи, мақомоти олий ва машҳур...“, дея фахру ифтихор билан ёзганлари, юксак баҳолаганлари ҳам бежиз эмас...

Тўлқин Ҳайнт:

— Термизлик олим Жалолиддин Мирзаев ўзининг „Термиз саййидлари“ (Самарқанд, 2001 йил) китобида ҳам шу мавзуга оид қизиқарли маълумотлар келтиради. Чунончи, муаллиф Шамсуддин Кулолни XIII аср бошларида яшаган термизлик саййидлардан Аъло ал-Мулк Худовандозоданинг ўғли бўлиши керак, дея тахмин қиласди, қўшимчасига Термиз саййидларининг Шаҳрисабздаги мақбараси Гумбази Сайийидон билан

¹Шарафуддин Али Яздин. Зафарнома. 190-бет. Т., 1997 йил.

қўшилиб кетганини ҳам таъкидлаб ўтади. Албатта, бу фикрни рад этиш ёки тасдиқлаш учун кенг қамровли тадқиқотлар ўтказилиши керак, дейди муаллиф. Лекин биз биламизки, Мұхаммад Ҳоразмшоҳ 1212 йилда уламо ва имомлар ёрдамида аббосийларни халифаликдан маҳрум этиб, Термиз саййидларидан бўлмиш айнан шу зотни халифа деб эълон қилган эди. Бошқа муаррихлар, жумладан, Ибн Халдун асарларида ҳам худди шу маълумотни учратишимиз мумкин. Фақат Қазвиний халифа ўрнида саййид Имомиддин Термизий номини тилга олганки, бу масалада тадқиқотга муҳтожлик бор деб ўйлаймиз.

Шунингдек, Амир Темурнинг ҳам бутун умри давомида саййидлар хонадонининг вакиллари билан мустаҳкам алоқада бўлганини, „Темур тузуклари“да Аъло ал-Мулкнинг жиянлари — ака-ука Ҳасан ва Зиёвуддинларни бир неча бор тилга олиб, 1362 йилда Моҳон ҳокими Алибек Жониқурбоний қўлига асир тушганда, Термиздан Азизуддиннинг тезда ёрдамга етиб келганини тарихий далиллар билан исботлаб ўтган. Бу ўринда Мир Саййид Барака ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш керак, деб ўйлайман. Гап шундаки, академик Яхё Фуломов бу зотни Термиз саййидлар хонадони вакили сифатида тилга олган. Баъзи бир юртдошларимиз ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлайдилар. Лекин Низомиддин Шомийда унинг маккалик улуғ саййидлардан эканлиги аниқ ёзилган.

Мұхаммад Али:

— Бу гапларда жон бор. Гап шундаки, Мир Саййид Барака чиндан ҳам маккалик улуғ саййидлардан, аммо бу зот Балх ва Термиз шаҳрида бўлиб, Амир Ҳусайннинг хасис ва noctor kimsa эканлигини, шу билан бир қаторда, Темурбекнинг қўли очиқ, илм аҳли ва саййидлар, уламоларга ниҳоятда илтифотли бўлгани, Туркистон заминининг истиқболи бор шахсларидан бири сифатида таниди ва унга салтанат рамзи ҳисобланган НОФОРА ва БАЙРОҚни совға қилди. Бу оддий гап эмас, бу Амир Темурни ислом дунёсида ҳукмдор сифатида тан олиниши-ю, салтанат юритишга қодир инсон дегани эди. Ана шундан сўнг юртимиздаги уламолар орасида ҳам бу зотнинг обруғи янада ошди.

Колаверса, Мир Саййид Барака аслида термиэлик саййидлар хонадонининг вакили эмасмикан, деган даъволарга нисбатан шуни айтиш керакки, бу пиру муршид умрининг охиригача Амир Темурнинг ёнида

булди. ~~Датто~~ Сүнг Мир Саййид Барака оёқлари остига қўйишларини топширганидан сўнг Мир Саййид Барака Термиз саййид-васият қўлган эди. Иккинчидан, агар Мир Саййид Барака Термиз саййидларига мансуб бўлганида, ҳар бир тарихий фактни, ҳодисани синчиклаб ўрганган Низомиддин Шомий, айниқса, Шарафуддин Али Яздийлар ўз китобларида, албатта, бу ҳақда тўхталган бўлур эдилар.

Тўгри, Мир Саййид Барака ҳақида маълумотлар оз, шу боис ҳам, кенг жамоатчилик орасида ҳам, оддий китобхонларда ҳам бу зотнинг ҳаётла-рига оид манбаларни ўрганиш ва билишга қизиқиш кучли.

Тўлқин Ҳайнит:

—Устоз, Мир Саййид Барака ҳазратларининг нима учун Самарқандга ёки Хоразмга эмас, айнан Термизга келишлари сабабини ўйлаб кўрсак, балки масала бир оз ойдинлашар. Термиз саййидлар хонадонининг асосчиси Ҳасан ал-Амир эканлиги тарихдан маълум. Бу ҳақда термизлик манбашунослар ўз изланишларида алоҳида таъкидлаб ўтишган, жумладан, Ж. Мирзаев ҳам мазкур тарихий маълумотни қайд этган. Энди Ҳасан ал-Амирнинг келиб чиқишига келсак, тарихий манбаларга кўра, Ҳалифа Мансур даврида (754—775-й.) унинг бобоси Мадина ҳокимларидан бири бўлган. Иккинчидан, ўша пайтларданоқ ислом дунёси расм-руsumларига кўра, икки муқаддас шаҳар — Макка ва Мадина вақфлари — белгиланган миқдордаги тўловларни ундириш учун саййидларнинг бу ишга жалб этилгани ҳам бор ҳақиқатdir. Ана шуларни ҳисобга олганда, Саййид Бараканинг биринчи галда Термиз саййидлари хонадонига ташриф буюрганини табиий деб қараш мумкин.

Термиздаги қадимий „Султон Саодат мажмуаси“ худди Самарқанддаги Шоҳизинда мажмуаси каби муқаддас зиёратгоҳларимиздан бириди. Мустақилликдан сўнг бу манзил ҳам қайта обод этилди. Шунингдек, Термида минг йил бурун ҳур қизлар академияси — Кирққизлар мадрасаси фаолият кўрсатганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. ~~Датто~~ уларга бошчилик қўлган ўта билимдон, жасур ва мард, олижаноб, фоят гўзал қизлардан бири — Рухайдаи Давронга Бағдод халифаси элчилар жўнатиб, қўлини сўраганда, бундан ори келиб, Туркистон қизларининг орбўлмаслигини, қилич яланғочлаб келса, мардона жанг қилишини айтади-ки, кирққизлар билан ўйнашиб бўлмаслигини тушунган кўп ҳокимлар

ҳам нафасларини ичларига ютгаплар. Чунки қирққизларнинг момолари бўлмиш Тўмарис она, Барчинойлар боллаб ёвлар таъзиини берганлар-ки, бу тарихий фактлардан маълум.

Руҳайдай Даврон бинти Варроқ ким бўлган?

Адабиётшунос Муҳаммаджон Азимовнинг¹ маълумотларига кўра, Руҳайдай Даврон X аср бошида турилиб, шу аср охирида вафот этган ва саййидалардан бўлгани учун Султон Саодат мақбарасига дағн этилган.

Руҳайдай Даврон Термиздаги Қирққизлар академиясининг кўзга кўринган илмдорларидан бири бўлиб, бу ерда қизларга дарс берган ҳамда табиблик қилган. Эҳтимол, академияда табобатдан дарс бергандир. Чунончи, унинг „Табобати занон“ асари бир неча бобдан иборат бўлиб, улар „Тугма нуқсонлар“, „Аёлларнинг яширин майлларини билиш“, „Бош оғригини йўқотувчи омиллар“, „Насл ва бепуштлик“ деб номланган.

Руҳайдай Даврон ва унинг асарлари тадқиқотчиси олима Гулсум Эгамшукурова „Табобати занон“ китобини топиб, уни нашрга тайёрлаб хайрли иш қилди.

Муҳаммад Али:

— Дарвоҷе, сизнинг „Қора Шаҳзода“ асарингиз ана шу қирққизлар хақида-ку.

Тўлқин Ҳайит:

— Устоз, тўғри айтдингиз. Нима учун „Қора Шаҳзода“ деган асаримни ёздим?

Устоз, бу билан мен асло мақтамоқчи эмасман. Гап шундаки, гоҳо асарга битта сўз тополмай йиллаб изланасан. Эҳтимол, бугунги детектив жанрида ижод қилаётгандар шарт-шурт ёзиб ташлашаётгандир. Лекин мен ҳеч қачон осон ёзган эмасман. Ўқувчига асарнинг қандай юзага келганини тушунтириш ҳам сабоқdir аслида.

Асарда мен ўша қиз образини намуна қилиб кўрсатишга ҳаракат қиласканман, жуда кўп тарихий маълумотларни ўрганиш билан бирга, кўп мулоҳазаларга боришга ҳам тўғри келган.

Масалан, асар қахрамони ўз йигити билан уйида эмас, жангу жадалдан бир нафас ором ростлаган пайтларида, оддий чўпон ўтовида никоҳ

¹ Сурхондарёлик ижодкорлар. Қарши, „Насаф“ нашриёти, 2006 йил.

түйларини ўтказишиди. Унинг йигити: „Юрт тинч бўлганда, ўз уйимда сизни катта тантана билан шод этардим“, дей бир оз хижолат чекади. Киз нима дейиши керак эди? Бунга қандай жавоб қайтариши керак эди? Ана шу ўринда бир-икки ой ўйланиб қолдим. Хўш, нима деб жавоб қилиш керак?!

Охири, бир сұхбатда бу масалага жавоб топдим.

Киз: „Бегона жойда әмас, ўз Ватанимиз қўйнидамиэ, сира хижолат чекманг!“ — дейди.

Чўпон ўтови бўладими, ўсимлик ўсмайдиган тошлоқ бир қарич ер бўладими, қаер бўлмасин, у бизнинг юрт, бизнинг азиз Ватан! Ўтмишдан қолган гап борки, юртнинг бир тошини ҳам ҳеч кимга бериб бўлмайди. Бу анъянани бузганларнинг ҳолини кўриб турибмиз!

Энг мухимини энди айтаман, устоз!

Термизлик сўнти қирққизларнинг қабрлари — 40 нафар ёш қизлар мангу қўним топган жой ҳам мен туғилган Дашибод қишлоғидадир. Улардан ўттиз тўккиз нафари бир жойда, сардориники эса тўрт юз метрлар нарироқ-да эди. Бир пайтлар ўша жойда сафана бўлган. 1980 йилларда мактаб қурилиши баҳонаси билан сафана бузилиб, гиштлари териб олинди. Тарихдан маълумки, ҳалқ учун бирор қаҳрамонлик қўрсатган ёки бирор нафи теккан кишига сафана қилинади.

Сафана ўрнига мактаб спорт зали тушган. Тогамизнинг айтишларича, кечкурунлари қандайдир мунгли овоз эштилиб туради, қандайдир шарпа юргани сезилади. Эҳтимол, қаҳрамон қирққизлардан бирининг безовта руҳидир у. Фотима бувимиз ҳар куни намозда қирққизлар ҳакига дуо қилишни канда қиммасдилар. У ердан ўтганимизда ҳам, қайтганимизда ҳам дуо қилардилар. Аҳоли ҳали-ҳануз бу ерни муқаллас жой, деб билади. Бу кунлар учун жонини курбон қилганилар олдида бундан ҳам қўпроқ қарзормиз.

Ишонаман, вақт-соати етиб, термизлик қирққизлар макон топган жой зиёратгоҳга айланади. Мен ёзган „Қора Шаҳзода“ — ўз юртини ҳимоя қулаган жасур қизлар ҳақидаги илк дебоча асар, холос.

Афсуски, бу мард қиз ким эди? Билмаймиз. Мен шунчаки уни Мали-кабону деб атадим! Руҳлари шод бўлсин!

Мұдаммад Али:

— Мана, бир асар тарихи. Ширин ҳис-туйгулар бир ён, афсуслар бир ён. Лекин тарихимизнинг ана шу нұктасига эътибор берганингиз яхши. Бошимдан ўтди, неча тарихий асар ёзган бўлсан, барчасида ота-

боболар, момолар рухи олдида ўзимни ғалати сездим. Ҳатто „Улур салтанат“га нуқта қўйган куним нечундир киприкларим намланиб, кўнглимда ҳам бир оз бошқача кайфиятлар ҳукм сурди... Сўз билан ифодалаш қийин. Лекин бу нарса, ўйлайманки, шу озод кунларга еттанимизнинг шукронаси ҳамдир.

Одам зоти борки, ҳар нарсага эътиборли бўлишини яхши кўради. Мұхтарам Президентимиз „Миллатни асраш керак“ деган ғояни қайта-қайта уқтиришдан чарчамайдилар. Нимага? Бунга асос нима? Ҳозирда ҳам баъзи давраларда „садизм балосидан Ҳудонинг ўзи арасасин“ деган галларни айтишади. Ҳаммамизга маълумки, бу ибора француз ёзувчиси Маркиз де Сад (1740–1814) номидан келиб чиқкан. Ҳаётда яхшилар ва ёмонлар бор. Ижод оламига кирган Сад асарларида ўзининг нохуш ғояларини очиқ-ойдин баён этган. Асарларидан ўзининг жирканч ҳиди анқийди. Биргина „Фоҳишаҳоналар фалсафаси“ асарига эътибор қаратадиган бўлсак, у ёзадики, „Дунёни забт этмоқ учун беҳисоб қўшин билан ўзга мамлакатларга ҳарбий ҳужум уюштириш шарт эмас, агар одамлар қалбини эгалласак, уларни жисман маҳв этишга бирор-бир ҳожат қолмайди. Қалби бизнинг қўлимизга ўтган ҳалқнинг ўзи бизга бўйин эгиг келиб, кул бўлади“.

Унинг илгари сурган ғоялари нафратингизни қўзғатади.

Жинсий бузуқлик, ҳаддан ташқари шафқатсизлик, бошқаларнинг азобланишидан ҳузурланиш, ҳаттоки, ўз жуфти ҳалолига жисмонан азоб етказиб, роҳат олишдан иборат ўта бемаъни ёвузыллар ва ҳоказолар.

Ўзбеклар бундай бемаъни ғояларга нафрат билан қарайди, албатта. Юртбошимиз доимо сергак туришни таъкидлар эканлар, ўсиб келаётган авлодни мана шундай ёт ғоялардан асраш кераклигини биринчи ўринда назарда тутадилар.

Тўлқин Ҳайит:

— Устоз, бир пайтлар большевиклар томонидан „жаҳон пролетариати инқилоби“ қандай экспорт қилинган бўлса, бугун Ғарбнинг ана шундай бемаъни ғоялари — беҳаёлик, уятсизлик, шафқатсизлик, зўравонлик, яъни ғайриинсоний ғоя ва қарашлар шундай экспорт қилиняпти.

Хўш, қандай ёшлар бу бемаъни қарашларнинг қулига айланиши мумкин? Айтайлик, салоҳиятли, ўз касбининг чин устаси бўлган ҳофизга „Ғарбнинг фалон қўшифи“га мос қўшиқ яратинг, шунча тўланади, деса, ғурури бўлган ҳофиз ҳеч қачон ўз касбини сотмайди, аммо муқаддас санъат даргоҳини даромад манбаига айлантиришга уринаётган саёз фикр-

ли, китоб ўқимайдиган, билими паст „отарчи“ эса ғанимнинг атрофида парвона бўлади ва унинг ногорасига ўйнай бошлайди. Бизнинг энг катта ғаним четдаги „сурнайчи“ эмас, айнан ана шундай паст табака кимсалардир.

Александр Беляевнинг „Ҳавофуруш“ деган асарини ўқиб чиқиб, тўғриси, танамга титроқ кирди: сувни сотиш одатий, оддий ҳолга айланди, эртага Беляевнинг тадбиркорига ўхшаган қимсалар чиқиб, ҳавони пуллашса, нима бўлади?!

Амир Темур дейдикси:

„Салтанатимни бошқаришимда учраган ҳар қандай воқеа ва ишини тўра ва тузук асосида адо этдим“¹.



Мұхаммад Али:

— Комилликка эришмоқнинг ёлғиз ўйли — маърифатдир. Бу менинг сўзим эмас, бу асрлар қўйнида сайқалланган хulosasi. Машҳур маърифатпарвар адабимиз Абдулла Авлонийнинг маърифат борасида айтган сўзларидан бот-бот кўчирма келтирамиз. Бехуда эмас. У киши айтадиларки, маърифат ва маданиятдан маҳрум қолган ҳалқ жаҳолат панжалари орасида, худди хамир эзилгандек, афъоли замимадан ҳам ўз нафси-нинг ёқасини бушатолмайди.

Тўлқинн Ҳайит:

— У кишининг „Туркий гулистон ёхуд ахлоқ“ асари биз учун ажойиб қўмламма. Ёшлар айнан ана шундай китобларни кўпроқ ўқишлари керак, деб ўйлайман.

Бу дунё — катта, кенг майдон, ҳосилдор дала, унда гул ҳам, чақиритикан ҳам ўсиши мумкин. Шундай экан, яхшини ёмондан ажратмоқ ҳам, комил инсон тушунчаларининг хираланишидан сақлаб қолади. Айтайнес адабиёт“ билан чалкаштириб юбормаслик керак. Аммо айтиш кеичидаги „ижодкорлар“ бадиий асарларни пулга чақишига интилмоқдаларки, оқибатда, фикрларига нима келса, ўшани ёстиқдай-ёстиқдай асар

¹ Темур тузуклари. 79-бет. Т., „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011 йил.

қилмоқдалар. Қуръони Каримининг „Қалам“ сурасидаги „...Қалам ва (у билан фаришталар) битадиган битикларга қасамки, сиз – Парвардигорингизнинг марҳамати билан мажниун эмасдирсиз“, деган оятларнинг маъносини бир чақиб кўрсинаш. Шундай адиблар ҳам борки, умрларининг охиrlарига келиб, қалам билан гуноҳ қилиб қўйган бўлсан, Аллоҳнинг ўзи кечирсин, дея йирик асарларини ҳам ёқиб ташлаганлар. Чунки Аллоҳ яратган бандасининг устидан ноҳақ қулиб бўлмайди. Бу ҳам энг катта гуноҳдир. Устоз, ёшлигимдан бир одамни кузаттганман: ўзи зиёли бўлса-да, нуқул турли лақаблар ўйлаб топиб, одамларни масхаралаб юрарди. Охирида ўзи хор-зор бўлди. Ўйлайманки, ўша одам комил инсон тушунчаларидан йироқ бўлган.

Амир Темур айтган эдилар:

„Бошга қилич келганда ҳам, рост сўзла!“

Мұхаммад Али:

– Ўйлайманки, Амир Темурнинг ҳар бир сўзда, ҳар бир ишда етти ўлчаб иш туттганлиги бизга сабоқ бўлиб, бунда комиллик даражаси қай чўққида эканлигини кўрсатади. Дунёнинг эзукко ўкувчилари бизни тўғри тушунсинларким, Соҳибқирон Амир Темурнинг энг инсоний хислатлари ва одилона саъй-харакатлари тўғрисида кўпроқ сўз юритаётганимизнинг боиси ҳам, маълум маънода, эзгуликка бир ҳисса қўшиш истагидир. Ҳаёт эса бошқача: мақтовни ҳеч ким ёқтиромайди, истаймиэмси, йўқми, урунда одамлар қурбон бўлади, ҳаёт деганлари шунчалик мураккабки, гоҳо у дарёни ҳам тескари буриб юборади, гоҳо инсон деганлари шунчалик қайсарки, уларга бирор нимани уқтиришдан кўра, тоғни толқон қилган осонроқ бўлади.

Тўлқин Ҳайит:

– Устоз, Амир Темурнинг сабоқлари ҳақида қўп сўз юритамиз! У зотнинг ўзлари ҳам ўтмишдан, донишмандлар ҳаётидан жуда қўп дурлар терганга ўхшайди. Масалан, Сиз „Сарбадорлар“ романингизда, ҳали бу тўғрида кейин батафсилоқ тўхтalamиз, Абу Наср Форобийнинг „Фозил шаҳар кишиларининг қарашлари“ асаридан ўринли фойдалангансиз. Ул зот ёзадики, фозиллар шаҳрининг биринчи бошлиғи ўзида табиатан ўн икки фазилатли хислатни бирлаштирган бўлмоғи лозим. „Темур тузуклари“да эса Амир Темур нафақат бу хислатларни ўзлаштирганини, балки

уларга бирма-бир шарҳ изоҳ ҳам бериб ўтганини айтиш жоиз. Ҳатто бундай одамнинг табиатан соғлом бўлиши, яъни тўрт мучаси ҳам, бирор нуқсон аъзоларига халакит бермаслиги, ҳар қандай вазифани осон бажариши, фаросатли, эшитган, кўрганларини хотирасида сақлай олиши, хуллас, мукаммал даражадаги инсон бўлишини у ҳам таъкидлаб ўтган. Амир Темурнинг бу фикрларидан: „Эй, авлодларим, мен ўтмишнинг энг яхши анъаналарини ўзлаштириб, замонга, элу юртга чин инсоний кўз билан боқдим, Сиз ҳам буларга амал қилинг“, деган хулоса келиб чиқади. Чунончи, Абу Наср Форобий айтганидек, у ўз „шахро“ нинг биринчи ҳокими эди.

Мұхаммад Али:

— Соҳибқирон Амир Темурдан оладиган сабоқларимиз кўп. Мұхтарам Президентимиз Ислом Каримов ўз маърузаларида ул зотнинг фаолиятига баҳо берар экан, уни *Буюк давлат арбоби, буюк бунёдкор, илм-фан ҳомийси*, буюк саркарда сифатида ўрганишни таъкидлаб ўтгандар. Ҳолбуки, жаҳоннинг кўп подшоҳлари ана шу фазилатнинг биттаси билангина кифояланиб, шу ҳолатда ҳам жаҳон тарихига из сола олдилар.

Тўлкин Ҳайит:

— Адолат туйғуси бизнинг қонимиэда бор. Низомиддин Шомий ёзадики, Амир Темур жаноблари адолат ўрнатишида шундай зўр гайрат қилдики, унинг замонида фил пашшага тавозе қиласарди. Ким учун ва нима учун ўз мамлакатида шунчалик тартиб ўрнатди, деган саволни ҳам ўттага қўйишимиз керак.

„Темур тузуклари“ да шундай ёзилган: „*Ҳокимлару сипоҳдан қай бирининг ҳалқка жабр-зуум етказганини эшитсан, уларга нисбатан дар-ҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим*“.

Мұхаммад Али:

— Соҳибқирон Амир Темур давлат ишларининг бошиданоқ инсонамоён бўлади:

- одамларга эътибор бериш ва уларни ҳимоя қилиш;
- ҳалқка жабр-зуум етганда, қатъий чора кўриш;

— кишиларнинг гамини ейиш ва уларнинг осойиши учун ранжу меҳнат тортиш кишининг ўзига роҳатни ихтиёр этиш, фароғат қилишдан кўра яхшироқлигини англаш;

— халқ ва фуқаро, мискинлар ҳолатидан ғофил бўлмаслик.

Юқорида тилга олинган Анахарсис машҳур файласуфлар Солон, Биант ва бошқа мутафаккирлар билан дўст бўлиб, тури мавзуларда сухбат уюштириб турганларини тарихдан яхши биламиз. Шу ўринда Солон билан Анахарсиснинг бир сухбати айнан одил ҳукмдорларимиз ҳақида айтилгандек таассурот қолдиради.

Солон айтганки, ўз ҳокимияти ва ҳукуматини халқ ҳокимиятига айлантиришга қодир ҳукмдоргина шон-шуҳрат қозонади.

Биант бунга қўшимча қилиб, фақат шундагина у қонун барчага баробар эканини кўрсатиши мумкин, дейди.

Анахарсис эса, бу билан ҳукмдор ўзининг ҳаммадан кўра ақллироқ эканини намойиш этади, деган.

Тўлқин Ҳайит:

—Донишмандлар ҳаётига назар ташласак, инсон ва тириклик ҳақида миллионлаб қарашларга, ранг-баранг фикрларга эга бўламиз, аммо барчасининг моҳияти битта — эзгулик билан яшаш, дунёда яхши ном қолдирмоқ саодатдир. Бир куни Зенон қаттиқроқ най чалишга уринаётган шогирдига „эзгулик кучда эмас“ лигини таъкидлаган экан.

Дейдиларки,

юнонлар дунёга фалсафа кўзи билан қарадилар, шу боис ҳам, улар Искандар Мақдунийни файласуфга айлантиридилар;

арабларга Ислом динини дунёга олиб кириш неъмати берилди;

чингиэйлардан фақат вайроналар қолди;

бизнинг ота-боболардан-чи?!?

Зардушт дунёга „Эзгу сўз, эзгу фикр, эзгу амал“ни берди;

Ўғузхоннинг катта ишларини бир чеккага қўя туринг, инсониятга тузни кашф этиб бердики, бу билан одам боласининг умри узайди ва шу биргина иши учун унга олтин ҳайкал қўйсан арзиди;

Мусо Хоразмий „Алгоритм“ни ҳадя қилди;

Аҳмад Фарроний илми холислик йўлида хизматда мудом камарбаста;

Ином Бухорий ҳадислар тўплами билан инсоният қалбини тубдан янгилади;

чағоналиқ Аҳмад Астурлобий коинот асбобларининг устаси эди; шавкатли ҳукмдор Амир Темурга келсак, у дунё ҳукмдорлари ичидаги биринчи бўлиб „Куч – адолатдадир“ юясини илгари сурди ва биргина Мирзо Улугбек неварасининг олим сифатида шаклланишидаги хизмати учун ҳам ортидан фақат яхши гап айтсан ярашади...

Муҳаммад Али:

– Бизни юнонлар, араблар, чингизийлар ва чор Россияси ҳамда қизил империя каби мустамлакачиларнинг ҳар бири қарийб 140–150 йиллар мобайнида қарамлик, жабр-зулм, зўравонлик, қирғин-барот шароитида ушлаб турдилар, айтинг-чи, нега хомталашлардан омон чиқдики?! Ҳалқимизнинг баҳти нимада?!

Ҳеч шак-шубҳасиз, бой маънавиятимиз, ўзлигимиэга бўлган эътиқодимиз бизни дунёда пароканда бўлиб, йўқ бўлиб кетишдан сақлаб қолди. Бир мисол, бундан уч минг, уч ярим минг йиллар бурун ҳам бутун юртимиэда, Ҳоразмда ҳам, Фарғона ва Сурхонда ҳам „испан“ (сипанд) – „исириқ“ дан фойдаланишиб, ҳавони заарлаган микробларни йўқ қилишарди. Ҳудди шундай ҳалқимиз, аввало, Яратганинг иродаси, ўзининг бой тафаккури билан нафақат ҳаводаги микробларни, балки юртимиэга бостириб кириб, ҳўжайинлик қилмоқчи бўлган босқинчиларни ҳам охироқибат йўқликка қувиб юборди.

Тумормомо (Тўмарис), Спитамен, Широқ, Маҳмуд Торобий, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо, Бобур Мирзо сингари миллый қаҳрамонларимиз ота маконимиэни, миллатимиэзниг ғурури, шон-шавкатини ҳимоя қилган ва буғунги кунгача эсон-омон етиб келишимизга улкан ҳисса қўшган энг буюқ, шавкатли, ардоқли аждодларимиздир. Улар ҳеч қачон урушни ёқламаганлар, аксинча, ҳар бири, аввало, **Ватанини ҳимоя қилиш учун қўлга қурол олганлар**, юртда тинчлик ўрнатиб, илмни, бунёдкорликни ривожлантириш, комил инсонларни тарбиялашни асосий вазифалари, деб билганлар.

Ўрта асрларнинг улур подшоҳлари, ҳукмдорлари ўзларини дунё тақдири учун масъул деб билардилар. Амир Темур тақдирида эса бу нарса болалигидәқ аён бўлган эди. Шу боис ҳам, у олам тақдирига масъул эканлигини, бошқа ҳукмдорлардан фарқли ўлароқ, ҳар ишда адолат билан иш юритишни ўзининг вазифаси, деб билди.

Ул зот бизининг гууримиз, шон-шавкатимизни тиклагани, яна қандай қилиб дeng, ўз „Тузуклар“ и, қонун билан бошқариладиган салтанатта асос согани, ўтмиш саркардаларидан фарқли ўлароқ, эзгу ишларни амалга оширишга кўпроқ ҳаваси борлиги учун ҳам унинг босиб ўтган йўли бизлар учун ибратлидир.

Тўлқин Ҳайит:

— Ўзбек давлатчилиги тарихидаги буюк сиймо Амир Темур ҳакида сўз айтмоқ учун Тангритоғ билан бўйлашадиган қалб керак, десак, ошириб юбормаган бўламиз.

Муҳаммад Али:

— Туркистонда араб ҳукмронлиги ўрнатилгандан сўнг, 180 йил ўтгач, янги Қорахонийлар давлати (927–1212) барпо бўлиб, қарийб уч юз йил ҳукм сурди ва турк маданияти тарихида Уйғониш даври бошланди. Бунёдкорлик ишларига ҳам аҳамият берилди. Бухорои Шарифдаги Намозгоҳ, Мағоки Аттори масжиди, Жарқўрғон минораси (1108), Вобкент минораси (1198) ва, албатта, дунёга машҳур Арслонхон минораси (1127), (у кейинчалик Минораи калон, деб ҳам атала бошланган) ноёб меъморчилик обидалари курилди.

Тўлқин Ҳайит:

— Асл тарих унutilган пайтларда ҳалқ бундай иншоотларни ўз билганича атаганки, тарихда бундай мисоллар жуда кўп. Термиздаги Коқилдор ота ёдгорлиги каби асл номлари унutilган тарихимиз борки, уларни қайтадан „кашф“ этиш керак бўлмоқда, факат, юқорида тилга олганимиздек, Жарқўрғон минорасини биламиз, холос. Узоқ бир йили Сурхондарёнинг Денов шаҳрида ижодий сафарда бўлганимда, фидойи инсон, тарихимиз ва тилимиз жонкуяри Тоштемир Турдиевнинг иш столи устида Жарқўрғон минорасининг тўла суратини кўрган эдим, яъни унда ўша минора ёнидаги мадраса, мачитнинг ҳам сурати бор эди. Демак, бу мажмуя ўтган XX асрнинг бошларида ҳам тўлиқ сақланган. Афсус, большевиклар бизни тоза хароб қилган экан ўзиям. 1996 йил Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Пойкент харобалари ёнида тасвир ишларини давом эттиридик. Ёдгорлик яқинида қадим бино харобалари

бор экан. Халқ ўша куни зиёратга чиққан эди. Бир гуруҳ аёллар эски ёдгорлик ёнида худойи ишлари билан банд эканлар. Мухбир йигитлари миздан бири: „Опалар, бу қадим бинолар қайси асрда вайрон этилган, билмайсизларми?“ деб сўраб қолди. Бир онахон ҳорғин бош кўтарди ва: „Қадимда эмас, болам, ўз асримиэда, 1980 йилларда мафкурага бошлиқ бўлган бир аёл келиб буздирган эди“, деди хафа бўлиб.

Амир Темур дейдиларки,

„Давлат ичида талай олчоқ, ёмон одамлар бордирики, давлат душманларини яхшилаб, унинг жонфидоларини турли макр-хийлалар билан ҳароб қиласидилар“.



Мұхаммад Али:

— Қаранг-а, мамлакатимизнинг чекка ҳудудида яшаётган онахонларимиз, опа-сингилларимиз ҳам иншоотга қилинган тажовузни унутмабилар, комилликларини аён этибидилар, боэ устига, доноларча жавоб қилғанларининг ўзи ҳам таҳсинга сазовор. Темурбекни ҳам оқ ювиб, оқ гараб вояга етказган, тарбиялаган асли бухорои шарифлик муслима аёл, Гегина хотун отлиғ мўътабар она эдилар. Ул зот ҳам тинчлик ва обончилликни яхши кўрадилар.

Тўлқини Ҳайнт:

— Ободончилик деганда, одамнинг қалби мусаффо тонгдек нурағион тортади. Устоз, шу ўринда Арслонхон минораси ҳақида тўхталиб тасак. Бир пайтлар бу тўғрида бир нима ёзган эдим ва бу мени жуда ёйратта соглан эди. Дунёда бундай минора атиги иккита, холос. Олингдан оққан сувнинг қадри йўқ. Италияликлар Оғма минорани (Пиза минораси) қанчалик қадрлашганини кўриб, ҳавасингиз келади! Ваҳолани, Арслонхон минораси унинг „ака“си ҳисобланади. У ўз пайтида Чинизхонни ҳам чўчиттан эди.

Кўз олдимда Шаҳрисабздан илм ва эзгулик излаб келган Темурбек замоён бўлади. Наврўз арафаси. Баҳор гўзал келинчак каби ял-ял товзанади, ҳаво майин, оқшом ўз қўшигини айтиётган палла, одамлар шом замозига шошилишмоқда. Бўлажак ҳукмдор Арслонхон минорасининг

осмонга бўй чўзган қаддига, силлиқ гиштларига, фусункор ёзувларига, мўрисидан қип-қизил тил каби осмону фалакка ўрлаётган оловга қизиқиб қарайди. Юлдуз чараклаётган кўзларида ойдек гўзал ҳавас ёғду сочади. Оловнинг қизгиш шуъалари гоҳ сарғиш ранг гиштларни, гоҳ мовий ёзувларни, гоҳ силлиқ гиштлар терилган покиза ерни ёритиб ўтади. Ана шу гўзалиқдан завқ олган Темурбек: „Насиб этса, мен ҳам юртимда шундай гўзал обидалар қураман“, дея қўнглига туккан бўлса не ажаб. Чунки Арслонхон минораси — дунё дурдонаси, инсоният ақл қатламларидан юзага чиққан ноёб ихтиро. Фақат биз буни ҳис этишимиз, тарғибот қилишимиз керак, холос.

Мұхаммад Али:

— Корахоний Арслонхон томонидан қурилган бу минора шунчаки минора эмас. У ғуруримиз, фахримиз. Минг йилдан бери собит турган ноёб ёдгорлик бугун ҳам бизнинг улуғлигимизни жаҳонга тараним этмоқда. Билъакс, у мўъжиза сифатида яратилди, у не-не одамларни ҳайратта солмади, лекин уни буқмоқчи бўлдилар — букилмади, уни Ер юзидан супуриб ташламоқчи бўлдилар — қора ниятлари амалга ошмади. Бу ғоят қизиқ тарих. Бу ғоят мароқли, айни дамда ғамгин қўшиқ.

Тўлкин Ҳайит:

— Назаримда, ўша қўшиқ янграмоқда, уни тингламасак бўлмайди.



Минора сўзи асли арабча *нор*, яъни олов сўзидан ясалган бўлиб, олов ўрни, жойи маъносини беради.

1124 йил

Корахонийларнинг сўнгги ҳукмдори бўлмиш Амир Арслонхон ўз қўли остидаги машҳур меъмору муҳандис, усталарни йигиб, жуда гўзал, улутвор иншоот барпо этиш мақсади борлигини ва у қуйидаги вазифаларни бажариши лозимлигини айтади:

- қуриладиган иншоот яssi томли уйлар, масжид ва мадрасаларга мутлақо ӯхшамаслиги;
- шаҳарда энг баланд бўлиши;
- иншоот тепасидаги мўридан маълум баландликда олов ёниб тури-

- ташки кўриниши ниҳоятда гўзал бўлиб, кишини ҳайратта солиши;
- диний ва ҳарбий аҳамиятга молик бўлиши;
- шаҳарни томоша қилиш имконияти яратилиши;
- ишшоот абадий туриши;
- қорахонийлардан ёдгорлик бўлиб қолиши...

Белгиланган муддатда мухандислар, усталар Аркка тўпланадилар ва Амир Арслонхон бошчилигидаги ҳайъат барча усталарнинг лойиҳаларини кўриб чиқади. Узоқ муҳокама ва кузатишлардан кейин Уста Бақонинг тарҳи ҳаммага маъқул бўлади.

Уста Бақо бўлажак миноранинг минг марта кичрайтирилган нусхасини йигилганларга намойиш этиб, унинг аҳамиятли томонлари ҳақида сўзлаб беради. Шундан сўнг Амир Арслонхон минора нусхасини мармар тахта устига ўрнатиб, саройда қолдиришни буоради. Усталар шарафига зиёфат берилиб, хазиначига қурилиш учун қанча маблағ сўралса, ўшанча ажратилиши тайинлаб қўйилади. Орадан кўп ўтмай, майдоннинг бир неча жойидан олинган тупроқ текшириб қўрилгач, ҳозир минора турган жой маъқул деб топилади ва қурилишни бошлашга фатво берилади. Албатта, бу бир оғиз гап. Аммо шуни айтиш керакки, минора қурилиши жуда пухта ўйланган. Ҳатто ҳар бир ғиштнинг терилиши аниқ ҳандасавий ҳисоб-китоблар асосида олиб борилади.

Пойдевор учун эни 20–25, узуулиги 30, чуқурлиги 12 метр келадиган улкан қудуқ қазилиб, унга тушиш учун айланма йўл ҳам ҳозирланди. Биринчи ва иккинчи тагкурсининг баландлиги 3 газ, диаметрининг айланаси 22 газ йўнилган тоғ тошлари билан кўтарилиб, уларнинг орасида ги бўшлиқлар гўзапоя кулидан тайёрланган ёпишқоқ гилмоя ва ганч қоришма билан тўлдирилади. Қоришманинг тую сути билан тайёрланганини ҳам айтиб ўтиш лозим. Тагкурсининг устига баландлиги ва диаметрининг айланаси 10 метр бўлган икки қисм ҳам тикланади.

Тагкурсининг иккинчи қисми юқори ҳароратда пиширилган чиннига ўхшаш ниҳоятда пишиқ ғиштлардан терилган бўлиб, бир-бирига чатиштирилган учта минорачадан иборат. Шунингдек, унинг юқори қисмига бир нечта пулат қозиқлар ўрнатилган. Пўлат қозиқларнинг бир

метрчаси минора танасига туташтирилган. Миноранинг минг йилдан бўйн турли зарбаларга дош бериб келаётганининг сабаби ҳам шунда бўлса керак.

Тагкурсининг иккинчи қисми тайёр бўлгач, Уста Бақо ёрдамчилари кўз ўнгидаги унга бир неча белгилар қўйиб, ўзи ғойиб бўлади. Айримлар уни икки йилгача, баъзилар икки ойгача ўзини қўрсатмаганини айтишади.

Курилишнинг тўхтаб қолганидан хавотирга тушган Амир Арслонхон барча усталарни тўплаб, ишни давом эттиришни сўрайди. Маълумки, минора туви диаметрининг айланаси 9 метр бўлгани ҳолда юқори қисми 2 метрга қисқариб, 7 метрни ташкил қилади. Бир неча юзлаб терилган ҳар бир қатор фишт маълум ўлчовда ичкарига қараб тортилган бўлса-да, лекин минора ичининг диаметри туви ва танаси билан деярли фарқ қиласайди. Уста Бақо икки дафтарда ана шу нозик ишни пухта ҳисоб-китоб қиласкан эди. Усталар подшохга қурилишнинг ана шу мураккаб жиҳатини ётиғи билан тушунтириб, уни кутишга қўндиришади.

Орадан маълум муддат ўтгач, Уста Бақо бўйин эгиг Аркка келади. Дардга чалиниб, ғазабга минган Амир Арслонхон унга хомуш боқиб, бунинг сабабини билишга қизиқади.

— Ҳазрати олийлари, Сиз бинонинг абадий туришини сўраган эдингиз. Бунинг учун эса тагкурси икки йил давомида батамом қуриши, чўкиши ва мустаҳкамланиши шарт эди, — дейди у.

— Нега буни аввал айтмадинг?

— Айтсан, барибир, менга икки йил вақт бермас эдингиз. Қайтага зарбоф чопон ва мукофотлар бериб, ишни тезлаштирган бўлардингиз. Тез ва сифатсиз битган бино эса биздан кейин сал ўтмай қийшайиб, қулаши аниқ эди. Мен Яратган эгам ва пир устозим олдидаги қасамими ни бузиб, бир умр виждан азобида қийналиб яшардим.

Амир Арслонхон Устанинг ҳақ сўзларини тан олиб, қурилишни давом эттиришга рухсат беради.

Минора танасининг фиштлари ҳам алоҳида хумдоналарда юқори ҳароратда пиширилади.

Бино қурилиши 1127 йилда охирига етказилади. Унинг умумий баландлиги 50 метрга яқин. Минорага чиқиладиган зиналарнинг сони 104 тани ташкил этади.

Қорахонийлар даврида масжид имомлари у ердаги аниқ қуёш соатига қараб, шаҳар аҳлини намозга даъват этиб турганлар.

Тұлқинн Ҳайит:

— Устоз, мени минора тепасидаги ўчоқ ҳайратта солади. Үнда ёнди-рилган олов үн метрлардан ошиқ баландмікка күтарилиб, гуруллаб ёниб, кечаси чор-атрофни сутдек ёритиб турған. Бухорои Шарифға келаёттан қарвоңлар унга қараб адашмай йўл топиб келгандар. Яқин атрофдаги маҳалла аҳли сайиллар уюштирган, болалар эса кечалари бемалол ўйнаб юришган. Масжидга намозга келаётганлар қиши-қировли кунларда фо-нус күтариб юриши ташвишидан кутулишган.

Сайёхлар минора тепасига чиқиб, гўзал шаҳар ва ям-яшил дараҳтлар билан қуршалган қишлоқ, дала-даштларни завқ билан томоша қилғанлар. Энг мудими, минора Буюк ипак йўли савдоси учун жуда катта аҳамият касб эттан.

Одамни ҳайратта соладиган нарса шуки, ўчоқдаги олов қай йўсинга бунчалик баландга күтарилган? Олов нима билан ёқилган? Кўмирми, нефтми? Нима? Умуман, саволлар кўп.

Мұхаммад Али:

— Бу саволларга жавоб топиш керак. Ўйлаймиэки, бугунги ёшлиар мазкур жумбокларнинг тутунларини ечиб, халқимизга ана шу масалаларни тушунтириб берадилар.

Бу гўзал минора дунёning манаман деган кишиларини ҳайратта солған ва ҳайратта солиб келмоқда.

Гўзаллик шайдоси бўлмиш Амир Арслонхоннинг ўзи миноранинг тунги манзарасини томоша қилиш учун Аркнинг жануби-шарқий бурчагида алоҳида айвон қурдириб, уйқусиз тунларини ва бомдод намозидан кейин тонг ёришгунча бўш вақтларини шу ерда ўтказган экан.

Тұлқинн Ҳайит:

— Сиз айттандек, мазкур минора дунёning манаман деган кишилари қаторида юртимизга босиб келган босқинчиларнинг ҳам назаридан четда қолмаган. Масалан, тарихдан биламизки, 1220 йилда, яъни минора

қурнишидан қарийб юз йилдан сўнг, мўгул қўшинлари Бухорои Шарифга ёнирилиб киради. Чингизхонинг буйрути билан шаҳарни бир бошдан буза бошлайдилар. Йаъват Арслонхон минорасига келганда, унинг ўзи уни яқиндан келиб, томони қилингга чорланади, лекин нима бўлади-ю, кутилмаган бир паллада бошидаги тулки терисидан тикилган қалюғи учиде кетиб, оти ҳуркиб орқага тисарилади. Ҳавотирга тушган лашкарбoshi, минора илоҳий экан, таъзим бажо келтирмаганим утун мени ғазабга олди, дея ўйлаб, уни буздирмайди ва миноранинг шарҳати билан шаҳарнинг марказий, жанубий ва ғарбий қисмлари бузилмай қолади.

Бироқ...

1920 йил 20 сентябрь кечаси Фрунзе бошлиқ босқинчичар дунёning Бухорои Шарифдек гўзал шаҳрини тўплардан ўққа тутишиб, вайрон этишди. Арслонхон минорасининг ҳам 7–8 жойини ўқ тешиб ўтди ва 1937 йилгача шундай аянчли ахволда турди. Бу ҳам етмагандай жуда кўп кўчаларнинг қор ва ёмғир сувларини унинг тагига оқизиб қўйдилар.

Муҳаммад Али:

— Манбалардан ўқиганим борки, дунёning бир томонида ана шундай қабоҳат авж олиб турганида, иккинчи томонида, яъни Итачияда Арслонхон минорасининг „ука“си бўлмиш Пиза минорасини сақлаб қолиш учун саъй-ҳаракатлар давом этаётган эди. Дунё бу тўғрида бонг уради. Айтишларича, қилмишларидан чўчиган „большевик“лар ғарб матбуотининг оғзини ёпиш учун Бухорои Шарифга ўн вагон тахта, бир вагон ганч билан бир большавой муҳандисни жўнатади. Минора атрофида тахтадан пиллапоя кўтара бошлаганларида, бухоролик икки нафар уста чол большавой муҳандиснинг ҳузурига келиб, минорани таъмирлаш учун бунча заҳматнинг кераги йўқлигини, бир сандиқ, юз, икки юз метр арқон топиб берса, бу ишни бир ҳафтада бажаришларини айтади. Муҳандис ўйлаб кўриб, уларнинг илтимосини қондиради. Чоллар ундан ганч сўрашади. Лекин уч ой давомида узоқ совуқ ўлқадан олиб келинган ганчини кўрган нуронийларимиз: „Бунинг фози қолмабди!“ дея, ўзлари Нурота ганчларидан топиб келтиришади ва вაъда берганларицек, бир ҳафта давомида минора кўксидаги „яра“ларни ямаб чиқадилар.

Уларнинг маҳоратига лол қолган большавой муҳандис кўнглидаги ҳавасни яширмай: „Во, Шарқ!“ дея ҳайратланган экан.

Тўлқин Ҳайит:

— Устоз, мени минора тепасидаги ўчоқ ҳайратга солади. Унда ёндирилган олов ўн метрлардан ошиқ баландликка кўтарилиб, гуруллаб ёниб, кечаси чор-атрофни сутдек ёритиб турган. Бухорои Шарифга келаётган карвонлар унга қараб адашмай йўл топиб келганлар. Яқин атрофдаги маҳалла аҳли сайймалар уюштирган, болалар эса кечалари бемалол ўйнаб юришган. Масжидга намозга келаётганлар қиши-қирорли кунларда фоюз кўтариб юриш ташвишидан қутулишган.

Сайёхлар минора тепасига чиқиб, гўзал шаҳар ва ям-яшил дараҳтлар билан қуршалган қишлоқ, дала-даштларни завқ билан томоша қилгандар. Энг мухими, минора Буюк ипак йўли савдоси учун жуда катта аҳамият касб этган.

Одамни ҳайратта соладиган нарса шуки, ўчоқдаги олов қай йўсинда бунчалик баландга кўтарилган? Олов нима билан ёқилган? Кўмирми, нефтми? Нима? Умуман, саволлар кўп.

Муҳаммад Али:

— Бу саволларга жавоб топиш керак. Ўйлаймизки, бугунги ёшлар мазкур жумбоқларнинг тутунларини ечиб, халқимизга ана шу масалаларни тушунтириб берадилар.

Бу гўзал минора дунёning манаман деган кишиларини ҳайратта солган ва ҳайратта солиб келмоқда.

Гўзалик шайдоси бўлмиш Амир Арслонхоннинг ўзи миноранинг тунги манзарасини томоша қилиш учун Аркнинг жануби-шарқий бурчагида алоҳида айвон қурдириб, уйқусиз туналарини ва бомдод намозидан кейин тонг ёришгунча бўш вақтларини шу ерда ўтказган экан.

Тўлқин Ҳайит:

— Сиз айтгандек, мазкур минора дунёning манаман деган кишилари қаторида юртимизга босиб келган босқинчиларнинг ҳам назаридан четда қолмаган. Масалан, тарихдан биламизки, 1220 йилда, яъни минора

қурилишидан қарийб юз йилдан сўнг, мўғул қўшинлари Бухорои Шарифга ёпирилиб киради. Чингизхоннинг буйруғи билан шаҳарни бир бошдан буза бошлайдилар. Навбат Арслонхон минорасига келганда, унинг ўзи уни яқиндан келиб, томоша қилишга чорланади, лекин нима бўлади-ю, кутилмаган бир паллада бошидаги тулки терисидан тикилган қалпоғи учиб кетиб, оти ҳуркиб орқага тисарилади. Ҳавотирга тушган лашкарбoshi, минора илоҳий экан, таъзим бажо келтирмаганим учун мени ғазабга олди, дея ўйлаб, уни буздирмайди ва миноранинг шарофати билан шаҳарнинг марказий, жанубий ва гарбий қисмлари бузилмай қолади.

Бироқ...

1920 йил 20 сентябрь кечаси Фрунзе бошлиқ босқинчилар дунёning Бухорои Шарифдек гўзал шаҳрини тўплардан ўқса тутишиб, вайрон этишди. Арслонхон минорасининг ҳам 7–8 жойини ўқ тешиб ўтди ва 1937 йилгача шундай аянчила ахволда турди. Бу ҳам етмагандай жуда кўп кўчаларнинг қор ва ёмғир сувларини унинг тагига оқизиб қўйдилар.

Муҳаммад Али:

— Манбалардан ўқиганим борки, дунёning бир томонида ана шундай қабоҳат авж олиб турганида, иккинчи томонида, яъни Италияда Арслонхон минорасининг „ука“си бўлмиш Пиза минорасини сақлаб қолиш учун саъй-ҳаракатлар давом этаётган эди. Дунё бу тўғрида бонг уради. Айтишларича, қилмишларидан чўчиган „большевик“лар гарб матбуотининг оғзини ёпиш учун Бухорои Шарифга ўн вагон тахта, бир вагон ганч билан бир большавой муҳандисни жўнатади. Минора атрофида тахтадан пиллапоя кўтара бошлаганларида, бухоролик икки нафар уста чол большавой муҳандиснинг ҳузурига келиб, минорани таъмирлаш учун бунча заҳматнинг кераги йўқлигини, бир сандиқ, юз, икки юз метр арқон топиб берса, бу ишни бир ҳафтада бажаришларини айтади. Муҳандис ўйлаб кўриб, уларнинг илтимосини қондиради. Чоллар ундан ганч сўрашади. Лекин уч ой давомида узоқ совуқ ўлқадан олиб келинган ганчни кўрган нуронийларимиз: „Бунинг фози қолмабди!“ дея, ўзлари Нурота ганчларидан топиб келтиришади ва ваъда берганларидек, бир ҳафта давомида минора қўксидаги „яра“ларни ямаб чиқадилар.

Уларнинг маҳоратига лол қолган большавой муҳандис кўнглидаги ҳавасни яширмай: „Во, Шарқ!“ дея ҳайратланган экан.

— „Гап келганды, отанғни аяма!“ деган нақл оор. Шу уртада яна бир воқеани айтиб ўтиш лозим, деб ўйлайман. Тақдир тақозосига күра, бундан бир неча йиллар бурун хорижлик иззатли меҳмонлар билан музей-ларимизни айланишга тұғри келди. Музейларнинг бирида Арслонхон минорасининг нусхасы қўйилган экан. Ҳамиятли меҳмонлар гўзал Минора қаршиисида бир неча дақиқа туриб қолдилар. Минора тўғрисида маълумот берадайтан музей ходимаси э йўқ, бе йўқ, „Каршингизда ўлим минораси турибди“, деса бўладими?! Уни шу заҳоти тұхтатишига тұғри келди. Ҳодима Минора тўғрисидаги бор ҳақиқатни эшитгач, бизга ҳали буларни ёзиб беришгани йўқ, дега ўзини оқлаган бўлди. Унга ёзиб бериш шартмиカン? Ўзи изланса, ўқиса, билимини бойитса, кам бўлмайди ҳар ҳолда.

Хуш, энди бу гап қаердан чиқкан?

Тарихда бирор амир ё хон биронта кишини минорадан ташлаб ўлдиришга ҳукм қиласа өтті. Фақат Садриддин Айнийнинг ёзишича, вобкентлик Файзи Авлиё деган ўтри Бухорои Шарифга келиб, молдунё йигиб, ҳамкүшлөқларига бўлиб бериб турган. Ҳатто у бир гал Минора тепасидаги амир байробини ҳам ўғирлаб кетган. Амир шубҳали одамларни зиндонга соглаш, Файзи Авлиё бўйин эгиб келиб, уларни озод этишни сўрайди. Жасур ва мардлиги учун Амир унинг гуноҳидан ўтади. Аммо сарой аъёнлари бунга йўл қўймайдилар. Файзи Авлиё ўзини „оддий ўтри“ лардан эмаслигини рўкач қилиб, минорадан ташлашга изн сўраган экан.

Хуллас, Минораи калон, „Бухоронинг гўзал сарвқомат келинчаги“, „Бухорои Шарифнинг гўзал маликаси“, „Бухоро посбони“ каби нафис исмлар билан тилга олинадиган ноёб ёдгорлик намунаси бўлмиш Арслонхон минораси бутунги Ўзбекистон жавоҳирларидан бири сифатида кўз қорачигидай асраб-авайланмоқда. Бундай ноёб ёдгорлик, юқорида айтганимиздек, дунёда бор-йўғи иккитагина холос. Шуниси қизиқки, дунёда ҳамма нарса жуфт яратилади: бир пайтда, бир асрда Арслонхон ва Пиза минорасининг яратилгани ҳам кишини ҳайратта солади. Бу ҳақда ўқиб туриб, во ажабо, бу ҳам Яратганинг инсониятга берган ноёб тухфаси, инъоми, шу билан бирга, биз ҳали англаб етмаган жумбоги ва сиридир, дейишингиз ва шу ўй қаршиисида лол қолишингиз ҳам тайин. Кўнгилни имон ва ҳайратдан айрмасин.

Асрлар бўйнига дуру жавоҳирлар тақиб, уларнинг кўксиларида бирбиридан гўзал обидалар, улутвор кошоналар бунёд этган халқимиз ҳакида ҳар қанча миннатдор сўзларни битсак ҳам, ота юрт берган неъматларнинг ҳакини адо этолмаймиз.



Соҳибқирон АМИР ТЕМУР жаноблари

Шаҳрисабздаги машҳур Оқсарой биноси деворига „Мин шакка фи валоятино ва кароматино фанзур ило иморатино“, яъни: „Агар қудратимиз ва кароматимизга шубҳа қилсанг, шак келтирансанг, биз тиклаган иморатга боққил“, деб ёздирган. Балки ул зот ўтмишдошларининг гўзал ишларини ҳам назарда тутган бўлсалар, не ажаб.



Муҳаммад Али:

— Лутфий ҳазратларининг халқимиз ҳакида биттан ашъорлари ҳамиша дилимда гулдек нафис қулф уриб, муаттар ҳид таратиб туради:

Тузуб ўзбак шилоннинг қўйини,

Супуриб юз била қайсар үйини.

Ҳазрат Алишер Навоий ижодларида ҳам миллатимиз ҳакидаги ёрқин нурларни кўрамиз:

Шоҳу тожи хильъатким, мен тамошо қилгали,

Ўзбаким бошида қалпоқ, эгнида ширдоғи бас.

Ҳалол она сутидекдур гар ўзбаким тутса,

Табуқ қилиб, юкунуб тустиғон ичинда қимиз.

Ўзбек дўтписи ҳакида Алишер Навоийдек зот энг буюк сўзларни айтмоқда. Дўтпимиз — оддий қалпоқ эмас, унинг ҳар бир гулида оламча маъно бор.

Тўлқин Ҳайит:

— Мен бир пайтлар тарих фанлари номзоди Улаш Тўйчиевнинг „Бошга кийиб юрадиган китоб“ мақоласини ўқиган эдим. Унда жуда қимматли маълумотлар келтирилган эди. Биз биламиэки, 519-йилга оид Бехистун қоятошларида ўйиб туширилган одам суратларидан бирининг бош кийими ҳам ҳозирги дўтпиларимизга ўшшаб кетади. Қояда, шунингдек, ўша даврда ҳудудимизда яшаган саклар, сугдлар ва хоразмийларнинг номлари ҳам тилга олинган. Бу биз учун чиндан ҳам ноёб манбалардир.

Мұхаммад Али:

— Мана шу мисолнинг ўзи ҳам юртимиз жаҳон тамаддуни марказ-ларидан бири бўлганини ва бу бой заминга нафақат Хитой ё араблар, балки бутун дунё доимо қизиқиш билан қараганини кўрсатади, бундай муносабат бутун ҳам давом этаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Ажабки, заминимиз, шавкатли ота маконимиз ҳамма босқинчилик замонларида қайта-қайта тақсимланди, форат қилинди, номи эса золимларнинг раъйларига қараб ўзгартирилди. Араблар уни „Мовароунаҳо“, яъни „дарё ортидаги мамлакат“ деб атадилар. Шунақа ном ҳам бўладими? Мўғуллар — Чигатой улуси деб ном бердилар. Ажабо, биз ҳозир англаб-англамай ота маконимизни шу атама билан тилга оламиз, нима бало, биз дарё ортида, яъни Афғонистон ёки Фарбдамизми, бу номни ҳадеб тиқишитириверамиз. Ўйлаб, тўгрисини ёзадиган пайтлар келди-ку!

Тўлқин Ҳайнт:

— „Оқсан дарё оқаверади“, дейди халқимиз. Устоз, „Тонг юлдузи“ газетасида ишлаган йилларимда, болаларимизнинг улур аждодларимиз ҳақида кўпроқ билишларини ва уларнинг илмларидан баҳраманд бўлишларини ўйлаб, Абу Райхон Берунийнинг „Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар“ китоби асосида „Бир кути хазина“ тўпламини тайёрладим. Унда қўйидаги воқеани ҳам киритганман ва бу воқеа хотирамда абадий муҳрланиб қолди.




Қози Волволижий хабар олгани келганда, Абу Райхон Беруний хирлаб, сўнгги нафасларини олаётган бир палла эди. Олим унга кўзи тушиши билан: „Менга меросларни бўлиш ҳақидаги айтгандарингизни тақоррлаб беринг!“ дея илтимос қилди.

Қози Волволижий:

— Шу аҳвозда-я, қандай бўларкин?! — деди унга раҳми келиб.
— Мен учун шу масалани бу дунёдан билмай ўтишдан кўра, билиб ўтиш афзалроқ! — деди буюк олим „тез бўла қолинг“ деган оҳангда.

Бошқа эътиrozга ўрин йўқ эди. Қози Волволижий мерос тўгрисида ўз фикрларини баён этди. Абу Райхон Беруний шу заҳоти унинг айтгандарини тақоррлаб, ёд олди ҳамда бу борадаги Фикрларини билдириди. Шундан сўнг қози Волволижий кўчага чиқди ва ҳаял ўтмай ортидан йиги товуши эшитилди.



Киссадан ҳисса: улугларимиз „бешикдан қабргача илм изла“, деб беҳуда айтмаганилар.

Мұхаммад Али:

— Амир Темурнинг инсоният учун бутун умрини сарфлаганининг үзи дунёга сирмас достон. Имонли муаррих борки, бу зотни ҳеч қачон, ҳеч қаерда бошқа ҳукмдорлар билан, хусусан, Чингизхон билан ҳам бир сағға қўймайди, бўйлаштиромайди, тенглаштиромайди ҳам.

Иккита мисол:

Биринчиси —

Йилдирим Боязид ҳам ота эди, у ҳам фарзандларини жон-жонидан яхши кўрарди. Анқара мағлубиятидан сўнг, ғолиб Амир Темур: „*Тиланг тилагингизни!*“ дея марҳамат қилганида, биринчи сўзи ўғилмарининг тақдирни бўлди ва кўрамизки, саҳоватпеша, тантси Турон ҳукмдори — Соҳибқирон Амир Темур унинг бу илтимосини дарҳол бажарди, яъни юраги ээзилиб, қадди букилган Йилдирим Боязиднинг ҳар қалай кўнглини кўтара олди.

Иккинчиси —

Чингизхон Хоразмни кунпаяқун қилгач, асиrlар орасида малика Туркон хотун ва Султон Жалолиддин Мангубердининг ўғли Абулмузаффар Жамолиддин ҳам бор эди.

Оқсоч тарих Чингизхоннинг ёш гўдакка нисбатан қонхўр қилмишига аллақачон ўз баҳосини берган. Душман — илон, уни ўлдирадилар, деганлар ҳам бор, аммо асиrlарга нисбатан бундай бедодлик ва бундай қонхўрлик бошқа ҳеч жойда учрамайди.

Мўғул ҳукмдори Чингизхон Абулмузаффар Жамолиддинга кўзи тушган заҳоти: „Бу шербаччанинг кўксини ёриб, юрагини сууриб олингда, този итимга ташланг!“ деб буюради.

Шафқатсиз қотиллик барча асиrlарнинг кўз олдида ўша заҳоти амалга оширилади: бундай ваҳшийликни кўрган аёллар, болалар беҳол йиқилади.

Ўтрор ҳокими Имолчиқ қипчоқнинг оғзига эса кумуш эритиб қуядилар. Ва бу манзарани Чингизхон совуққина, оддий ҳол каби киприк қоқмай кузатганки, бу ваҳшийликлари унга баҳо беришда ҳар қандай холислик шамолларини четта суриб кетади.

Тўлқин Ҳайит:

— Умуман, устоз, сизнинг Амир Темур ҳаёти ва фаолияти билан қизиқишингиз ва бу зот ҳақида йирик асарлар ёзишга бўлган иштиёқингиз, жаҳон адабиёти билан танишиб, энг сара асарлардан илҳомланган пайтларда қалбингизга нурдек кириб, янги ғояларни нақшлаган эди, дейиш мумкинми?

Модомики, талабалик йилларингизда Виктор Гюгонинг „Париж Биби Марям ибодатхонаси“ машҳур романини тўлқинланиб ўқиган ва „Кундалик“ да: „Париж Биби Марям ибодатхонаси“ ни ўқидим. Яхши. Ҳаммасидан кўра, Квазимодонинг Эсмеральдога бўлган муҳаббати жаҳондаги ҳар қандай севгидан зўр! Мана, севги! Шундоқ ишонарли берилганки, Квазимодонинг Эсмеральдо жасадини қучиб ўлиши табиийдир. Бу жуда ноёб асардир“, деб ёзган сўзларингиз ҳам беҳуда эмас.

Мұхаммад Али:

— Амир Темур ва Чингизхон масаласида мавриди келганда, яна тўхталармиз. Айни дамда эса, биз ўзбек миллатининг вакили бўлганимиз учун эмас, балки тарихий ҳаққониятдан чекинмаган ва уни бўяб-чирмаб кўрсатмасдан, нақдини ҳам айтишимиз керак. „Темур тузуклари“ да айтилганидек, Амир Темурнинг давлат ишларининг тўққиз улушини Кенгаш йўли билан адо этиб, фақат бир улушини қиличга қолдирганини, яъни чорасиз қолгандагина, унга қўл узатганидан ҳам кўз юмолмаймиз.

Тўлқин Ҳайит:

— Амир Темурнинг: „Сиёсатда маслаҳат, мулоҳазакорлик, ўйлаб иш қилиш қурол кучидан кўра ўн баравар фойдалари оқдир“, деган ҳикматида ҳам унинг нақадар кенг фикрли сиймо эканлигини кўрамиз.

Мұхаммад Али:

— Дарвоқе, Соҳибқирон Амир Темурнинг бундай давлатчилик иш услуби бутун ҳам долзарблигича қолаётгани кишини ҳайратга солади.

Тўлқин Ҳайит:


— Мазкур китоб ҳам Амир Темур ҳақида экан, бу ўринда миллат ҳақида ҳам энг мўтабар китобларда айтилган сўзларни эслаб ўтсак.




Мирзо Улугбек портрети.
Рассом Акмал Икромжонов



Мирзо Улугбек ҳайкали.




Мирзо Улугбек расадхонаси.
Самарқанд.




Қадимги астрономик
асбоблар.



Мирзо Улугбек ва Али Кушчи расадхонада.
Рассомлар: М. Азлархўжаев, Б. Олимжонов, Ш. Баҳриддинов.





Кўҳна Тошкент шаҳри ҳаритаси.

Масалан, Куръони Каримнинг „Наҳд“ – „Асалари“ сурасининг 92-оятида: „*Ва сизлар бир миллат бошқа бир миллатдан (сон ё бойлик жиҳатидан) ортиқроқ бўлгани учун қасамларингизни (бузиб) алдов во-ситаси қилишингиз билан (яъни бойроқ ва кучлироқ қавмни топсангиз, аввалги қасамингиздан кечиб кетаверишингиз билан) худди ўзи тўқиган нарсасини пишиқ-пухта бўлганидан сўнг парча-парча қилиб, бузиб-чу-ватиб ташлаган хотинга ўхшаб қолмангиз*“, дейилган.

Мұхаммад Али:

— Айни пайтда дилимда турган гапни айтдингиз. Аллоҳ ягона, у ранг-барангликни яхши қўради. Инсонни ҳам тоифа-тоифа қилиб яратган: бир-бирига қизиқсин, бир-бирига шу йўл билан боғлансин, деган бўлса, не ажаб?! Яна бир гап борки, ҳар бир фарзанд ўз миллатини севмаса, эзгуликни қаердан ўрганиб, тирикликнинг моҳиятига қандай етади-ю, дунёни асраш, деган улур қаломни қандай тушунади? Мана бу масала ҳам борки, у миллат деган тушунчанинг моҳиятини белгилайди. Тўғри иқтибос келтирдингиз, чиндан ҳам муборак Куръони Каримда бу масала жуда ишончли ўхшатиш билан нақш этилган. Маккада бир телба хотин бўлиб, эрталабдан кечгача ўзи тўқиган сифатли буюмларини узиб, чуватиб ташлар экан. Мазкур оятда эса миллатни сотиш, бирор билан аҳдлашувни бузиш катта гуноҳ эканлиги айтилмоқда. Ҳалқимиз ҳам: „Ичингдан чиққан оладан қўрқ“, деб бехуда айтмайди.

Тўлқин Ҳайит:

— Афросиёбнинг умрига зомин бўлган, Спитаменни бошидан жудо этган, босқинчиларга мустаҳкам қальяларимизнинг улкан дарвозаларини очиб берган, босқинчиларга қулларча тавозе қилиб, ҳалқимиз бошида калтаклар ўйнатган ҳам ўша сотқинлар, яъни ўша комил бўлмаган ноқобил кимсалардир.

Мұхаммад Али:

— Бу гал бизга яна бир катта имконият берилди, мустақиллик туфайлигина ҳалқимиз бағрига шамол тегиб, қаддини ростлади. 1991 йил мустақиллигимиз арафасида „Ўзбеклар қандай давлат қуараркин?!“ деганлар ҳам, орамиэда ўзимиэдан айрим кимсалар чиқиб, эски тузумдан умидвор бўлиб яшаганлар ҳам учради, аммо орадан атиги 25 йил ўтиб, Ўзбекистон юксак тараққиёт йўлига чиқдики, 1991 йилда атиги битта велосипед иш-

лаб чиқариш корхонаси бўлмаган, ҳатто мих ҳам ишлаб чиқармаган мам-
лакатимиз бутун қудратли ишлаб чиқариш заводларига, хусусан, жаҳон-
нинг 28 автомобиль ишлаб чиқарувчи давлатларидан бирига айланди.
Ерусти, ерости бойликларимиз бутун ўзимизни. Шаҳар, қишлоқлари-
миз янги қиёфада жамолини дунёга кўз-кўз қилмоқда. Дунё билдики, энг
табиий бойликлар, соғ табиий мевалар ўлкаси – бу Ўзбекистон. „Ўзбек
модели“ деб аталувчи тизим ўзини оқлади. Президентимиз Ислом Каримов
бошчилигига ҳалқимиз бутун келажакка дадил одимлаб бормоқда. Бу нима-
ни кўрсатади? Бу шуни яна бир тасдиқ этадики, тарихда миллатимизни
хомталаш қилиб, номини тарих саҳифаларидан ўчириб юбормоқчи бўлган
сиёsatчи, ҳарбий, зутумкор кимсалар кўплаб топилади, аммо миллатимиз
ўзининг мард, жасур фарзандлари кўмагида бу хомталашлардан эсон-
омон ўтиб келди. Шўролар давридаги бетайин сиёsat туфайли миллати-
мизнинг бошига не кунлар тушмади: ўзини англашга, бой тарихини би-
лишга, улур аждодлари ҳақида адолатли сўзларни айтишга йўл берилма-
ди, 30-йилларда бошланган қатағон, 50-йилларда давом этиб, 80-йиллар
„ўзбек иши“, „пахта иши“ каби сохта ном билан бош кўтариб чиқди.
Қанча бегуноҳ одамларнинг ёстиғи қуриди, қанчадан-қанча оиласар ғам-
ғуссага ботди. Юртбошимиз ҳақни қарор топтириш, ҳалқимиз номини
оқлаш, фурурини кўтариш учун жуда кўп саъй-ҳаракатлар қилди ва
бунга эришди ҳам.

Инсон Аллоҳ томонидан коинотнинг тожи қилиб яратилган мўъжи-
за. Сиртимиз бир хил бўлгани билан, ақл, зеҳн, қобилият, куч, тафаккур
дунёмиз ҳар хил. Ўзини шоҳ санаган кимса, мен киши деганим йўқ, кимса,
деб айтяпман, ўзига юқори баҳо бериб, бошқаларни назарига илмайди.
Миллатимизни пастга уриш учун чор Россияси ёки шўролар нималар-
ни ўйлаб топмади.

Тўлқин Ҳайнит:

– Узок, олис тарихимизга қарасак, миллатимизнинг Искандар Мақ-
туний, яни юнонлар келганда, юон бўлиб, араб келганда, унинг ўзидан
учор бўлса ҳам, сабр қилиб, хомталашлардан омон чиқди. Ана шундай
попеялар ҳам ёзса оз, деб ўйлайман.

Мұхаммад Али:

— Чиндан ҳам юоннлар, араблар, чингизийлар, подшолик Россияси, советлар даврида, яъни уч-түрт минг йил ичидә, жуда ҳайратланарлы ҳолат, деярли ҳар доим 140—150 йиллик истибдоддан сүнг миллатимиз яна энг бокира, гүзал гулдек қүёшга юзланиб чиқди. Тириклик денгизи ичидә бир томчи сиёҳ каби сингиб кетган, ному нишони қолмаган әлат, қабилалар күпілаб топилади, ҳозир ҳам сон жиҳатдан камайиб, тутаб бора-ёттан тиллар мавжуд. Худога шуқурки, эски совет тузумида ўлук тилга айлантирилмоқчи бўлган она тилимиз бутун яна ўзининг давлатчилик, сиёсат, иқтисод, адабиёт, фан ва техника, спорт соҳаларида ранг-баранг жилоларини намойиш этмоқда.

Биргина мисол, ўзбек қурашини ҳозир бутун дунё билади. „Кураш“, „Чала“, „Ёнбош“, „Ҳалол“ деган сўзлар жаҳоннинг энг шоҳона шоҳсупаларида барада янграганда, байробимиз кўтарилганда, қалбимиз чирой очиб, бағримиз қувонч нурларига тўлади. Энди тилимизга яна кенгроқ ва каттароқ майдонлардан, юксакликлардан боқадиган бўлсак, жаҳонда энг бой тиллардан бири бўлган ўзбек тилини йўқотиш сафсата, ўтакеттан адолатсизлик эди. Мұхаммад ал-Хоразмий „ал-жабр“ни, кейинчалик Европага ўтиб, алгоритмга айланган сўзни гарчи алломалик таважжухи зўрлигидан ҳамда ўша замон зайлига қараб араб тилида ёзган бўлса ҳам, дастлаб она тилида — шу тилда қалб оламига жойлаган, ҳикмат сеҳрини дил-дилдан туйган эди. Бунга шубҳа йўқ. Ҳазрат Аҳмад Яссавийнинг „Ҳикматнома“си ҳамон шу тилда жаранглаб турибди. Ҳазрат Алишер Навоий замини мустаҳкам бу тил бойлигини дунёга кўз-кўз этди. „Ҳамса“ дек нодир асарлар яратилган тилини тарих ҳеч қачон хор қилиб қўймайди. Ҳазрат Бобур Мирзо „Бобурнома“ни ёзганда, бу тилга янада жилолар бахш этган эди. Аврангзеб ҳам бир пайтлар Рус подшосига шу тилда мактуб битган.

Минг-минг йиллар давомида бойиб, сайқалланиб, жило топган бу тил ҳаёт саҳнига Ўзбек тили номи билан кирди ва у бугун жаҳоннинг 200 дан зиёд давлатлари тиллари орасида камалак рангда жилоланиб турибди, бу ҳар биримизни қувонтирмасдан қолмайди.

Тұлқин Ҳайт:

— Дарвоңе, устоз, бу тұғрида соатлаб баҳс юритиш мүмкін. Юртимизга келаёттан япон, корейс, америкалик кишиларнинг тилимиэда мамнұнлик билан сўзлаётганларини күрганимда, ич-ичимдан қувонаман.

Шу ўринда Амир Темурдек буюк фазилат әгасини қиёслаб бўлмаса-да, ўрни келганда, кимнинг кимлигини кўрсатиш учун ҳам бир-икки воқеаларни эслатиб ўтиш жоиз.

Амир Темурнинг бирор жойда ножӯя буйруқ берганини кўрмайсиз.

Масалан, унинг жиноятчилар ҳақида чиқарған қонунига эътибор беринг:

„Агар кимда-ким тиши синдироса, кўзни кўр қылса, қулоқ ва бурун кесса, шароб исча, зинно қылса, шариат қозиси ёки ажрим чиқарувчи қозига олиб бориб топширсиналар“. Дарҳол жазо берсинлар, эмас, қозига топширсиналар, фақат тафтиш ўтгандан кейин, гуноҳи тасдиқланса, кейин жазони қўлласинлар, дейдилар Соҳибқирон.

Биз шўро даврига қарап эканмиз, XX асрнинг 20–30-йилларида уйидан араб ёзувидаги китоб чиққан киши борки, Сибирга сургун қилинган, қулоқ қилиб отилган ёки оиласи бадном этилган.

Мұхаммад Али:

— Бир гал хорижлик шарқшунос олимлар билан Амир Темур юришлари ҳақида гаплашиб қолдик. Мен бу юришларнинг сабаб ва моҳиятларини тушунтиганимда, улар менинг далил-исботларимдан ҳайрон бўлдилар ва „Биз ҳам Амир Темур ҳақидаги ноxуш гапларга ишонибмиз-да“, дейишиди.

Тұлқин Ҳайт:

— Кези келганда, Амир Темур юришларига оид ишончли бир манбани келтириб ўтай.

XVI асрда яшаган Ҳисомиддин Булгорийнинг „Таворихи Булфор“ асаридан шундай сўзларни ўқыймиз:

„Зай дарёсининг қуий оқими Байрашхон тасарруфида эди. Амир Гемур хонга мактуб йўллаб, қорли-қировли кунларни шу ерда ўтказиш чун рухсат сўради.

Байрашхон: „Султон Амир Темур, бош устига. Биз хизматингизга цаймиз. Тангри ризқимизни берса, сиз жанобга жону молимиз қурбон“,

Байрашхон дарё ёқасидаги тепаликда бир қаср солдира бошлаган эди. Қаср битгач, уни Амир Темурга совра қилди. Қаср Соҳибқиронга ёқи ва Байрашхонга хазинасидан мўл-кўл совра ва сарпо буюрди.

Қорлар эригач, Амир Темур қўшини билан йўлга отланди. Байрашхон уни Ийиқ дарёси бўйигача, Тулошхон мулкигача кузатиб қўйди“.

Бу сўзларни ўқиган бальзи бир эски мағкурачилар ҳам „Шундай эканми?!“ дея бармоқларини тишлайдилар. Ҳаёт вақти келиб, тошу тарозисини ўз ўрнига қўяди.

Мұхаммад Али:

— Амир Темур нафақат ҳалққа жабр-зуул қилган фанимларини синдириди, балки ҳалқнинг noctor қатламига ҳам эътибор қаратди. Унинг бирор жойда „қора ҳалқ“ деган иборани ишлаттанини кўрмайсиз. Каталарини ака ўрида, кичикларини ука ўрида қўриб, ҳалқни ўзига яқин олади. Бу ҳам унинг ҳалққа бўлган меҳрининг бир ифодасидир.

Хусусан, у бундай дейди:

„Ҳар мамлакатнинг гадоларига вазифа юклаб берсинглар, токи шу йўл билан гадойлик йўқотилисн.“

Эски тузум Амир Темур шаънига истаганча тухмат тошларини ота туриб, ўзи мустамлакачиликни „подшоликдан“ ҳам ўтказиб юборгани бор ҳақиқат. Қатағонлар шу бузуқиликларнинг натижаси эмасмиди?!

Соҳибқирон Амир Темурнинг: „...Ҳазрат Ҳақдин умидим борким, агарчи гуноҳим кўб турур, аммо бу жиҳатдин менга раҳмат қилғайким, золимлар илкини (қўлинни) мазлумлардин қисқа қилибдурмен. Ва қўймадимким, менинг давромда қавийдин (зўрдан) заиф куч егай (озор кўргай). ...Ҳар неким мамлакат маслаҳати учун айттим, қулогингизга тутунглар ва раъоё (ҳалқ) ва фуқарою мискин (етим-есир, бева- бечора) ҳолатидин ғофил бўлмагайсиз. Нечукким мен адлу эҳсон билга оламни обод этибмен!“ деган сўзларини такрор-такрор тилга олишдан чарчамаймиз.

Амир Темур дунё ҳукмдори эди. Масала ана шу нуқтага келиб тақалар экан, ҳукмдорлик нима ўзи? У мансабми ё тақдир тақозосими? Ва дунёда жаҳонгири санаған ҳукмдорларнинг асл мақсадлари нима эди ўзи?!

Бу дунёда ҳар бир одам ўз қобилиятига яраша бирор иш билан машғул бўлади. Ҳукмдор ҳам одам, аммо фарқи шуки, ҳукмдорлик —

ўта мураккаб ва оғир вазифа, шу боис ҳам, у камдан-кам инсонларга бериладиган инъом, унинг юки, тошу тарозиси, шарафи, шукухи ўзгача; тарихга назар ташласак, бу мавзуда сўз юритган беҳисоб донишмандларни ҳам, турфа тақдирга эга ҳукмдорларни ҳам учратиш мумкин. Ҳаёт доимо шахслар билан жамиятнинг, ҳукмдор билан ҳалқнинг ўзаро алоқасидан иборат бўлган ва кўроямизки, бу замонларгача бу икки тоифа ўртасидаги муносабатлар ҳали тарих саҳифасидан тушиб кетганини бирор кўрган эмас. Дунёда турли мақсадларни кўзлаб, катта майдонларда от сурган Юлий Цезарь, Искандар Мақдуний, Атила, Чингизхон каби ҳукмдорлар ўтди, аммо улар орасида Амир Темур ўзига хос йўсинда ҳукмронлик қилган зотки, мана, неча асрларки, унинг адолати кишилар қалбидан ширин туйгулар уйғотиб, дикқатни ўзига қаратиб келмоқда. Фикримизча, бу мақтов эмас ёки биз шу миллатга даҳлдор бўлганимиз учун айтилаётган сўзлар ҳам эмас, бу исботини топган ҳақиқат!

Тўлқин Ҳайнт:

— Шу ўринда биргина Абдулла Хотифийни эслайлик!

Мұдаммад Али:

— Дарвоҷе, Абдулла Хотифий! Абдураҳмон Жомийнинг жияни.

„Ҳамса“ ёзишга киришган, „Хусрав ва Ширин“, „Лайли ва Мажнун“, „Ҳафт манзар“ сингари уч достонни ёзгандан сўнг, тўртинчиси „Искандарнома“ ўрнига, „Темурнома“ достонини ёзади ва шу орқали жуда машҳур бўлиб кетади. Дўстлари, таниш-билишлари нега бундай ўл туттанилигини сўраганда, у ҳеч иккilanмай, Искандар ҳақидаги афсоЮани такрорлаш ўрнига, мен дунёдаги энг улуғ подшоҳ ҳақида ёздим, Ҷея фахрланган экан.

Ривоят қилишларича, Амир Темур ўзига адолатли ва раҳмидил тўрт азири танлаган экан. Улардан иккиси Махмуд Шаҳоб Ҳуресоний ва Йосириддин Махмуд ал-Аромий экан. Соҳибқирон бу икки вазирга оимо уни кузатиб туришларини ва агар адолатсизлик қиласурон бўлса, арҳол тўхтатишларини, кимнингдир ёлрон сўзларига инонса ёки бегона и таъкидлаган экан. Бундай шахсларнинг бўлгани ҳақида тарихий ажизларда маълумот йўқ, аммо шу ривоят туғилишининг ўзи ҳам унинг ажизатта яқин эканини кўрсатиб туриди.

Тұлқин Ҳайит:

— Устоз, шу үринде бир-икки ҳукмдорнинг ҳәётига назар ташлаб, адолат тарозусига солиб құрайлық, масала янада ойдиналашади. Гоят кулгили ҳолат: римликларни дунёга шарманда қылған император Калигулани олинг. Унинг бемаъниллари чегара билмас эди. Үзини ҳатто тирик Ҳудо деб билған бу кимса давлат ишларини бир чеккага йиғишириб қўйиб, кайф-сафога берилиб кетади.

Мұхаммад Али:

— Худди шундай, дунёда Калигулага үхшаш бемаъни ҳукмдорлар ҳам яшаб үтган. Ҳатто у, биласизми, Гомернинг достонларини ҳам назарга илмаган ва уларни йүқотиб юбориш пайида бўлган. Римликлар гарданига шунчалик қўп үлпон солиғи юклаганки, бунинг чек-чегараси бўлмаган. Үзига мухолиф деб билған ворислардан чўчигани туфайли улардан үз фойдаси учун васиятномалар ёздириб олиб, сўнгра уларни жиноятчилар сифатида қатл эттирган.

Тұлқин Ҳайит:

— Үша Калигула ҳатто үзи миниб юрган ҳайвонни, яъни отини консул лавозимиға тайинлаганига нима дейсиз?!

Мұхаммад Али:


— Шунча тарихни үқиб, бунақасини кўрмаганман. Тўрт йил ичида Калигула гуллаб яшнаган қудратли давлатни қашшоқ мамлакатта айлантириб қўяди. Бемаъни қилиқлари шу даражага етадики, ҳар қандай эркак кийишга ор қиласидан куроқ, латта-путталарни, хотинларнинг кенг этакли кўйлакларини кийиб, аёллар туфлисида таҳтга чиқиб, чет эллик элчилар олдида хурмача қилиқларини намойиш этишдан ҳам қайтмайди. Гоҳо эса соқолини тилла сувига бўяб, Искандар Мақдунийнинг жанговар совутини кийиб олиб, кўчаларда сайд этган. Бундай пайтларда римликлар номусдан үлар ҳолатга етардилар. Нихоят, халқ беандиша императорни йўлдан олиб ташламаса, давлат яксон бўлишини тушуниб етади ва Калигула қатл этилади.

Албатта, бу тарихнинг биэга рўй-рост сабоги. Тарих — ойна. У ҳар нарсани бизга намуна қилиб кўрсатиб қўйибди. „Бирни кўриб фикр қил,

мингни кўриб, шукур қўл“. Амир Темур жаноблари: „Хозирги дамгача ўтган султонларнинг қонунлари ва туриш-турмушларини донолардан сўраб-суринширидим. Ҳар қайсиларининг йўл-йўриқлари, туриш-турмушлари, қилиш-қилинчлари, айтган гапларини хотирамда сақладим ва ҳушахлоқлари, маъқул сифатларидан намуна олиб, унга амал қилдим. Давлатларнинг таназзулга учраши сабабларини суринширидим ва давлату салтанат заволига сабаб бўлувчи ишлардан сақландим. Наслни бузувчи, очарчилик ва вабо касали келтирувчи зулм ва бузуқичиликдан сақланишни ўзимга лозим билдим“, деб айтган.

Ўйлайманки, мустакиллик йилларида тарбия топаётган авлод тинчликни ва мамлакатимизнинг юксак тараққиётини ҳамма нарсадан афзал билади ва шу йўлда хизмат қиласди.





Иккинчи бўлим

ҲАЁТ ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ

Оқсоқоллар дейдиларки:

„Бу мавзу бутун дунёни оҳанрабодай ўзига тортади, чўлдай ташна қиласди, ҳаётга, тирикликка, борлиққа энг юксак тоғлардан қарашга мажбур этади“.

Амир Темур дейдиларки:

„...салтанатни бошқариш ҳакида қўлманма ёзиб қолдирадим, токи фарзандларим, авлодим ва зурриётимдан бўлганларнинг ҳар бири унга мувофиқ иш юритсан. ...Иўл-йўриғим шуки, мен ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олиб, салтанат мартабасига эришдим. ...Улар ҳам шу тузукка амал қилсинлар“¹.



Мұхаммад Али:

— Амир Темур „Тузуклар“ни иншо этар экан, келажакда үғилларим, набираларим ўзимдек адолатли салтанат юргизсинглар, дея орзу эттагни аниқ, бу тўғрида яна кейинроқ, албатта, тўхталамиз.

Тўлқин Ҳайит:

— Албатта, бу мавзу бўйича алоҳида сухбатлашганимиз яхши, устоз. Айни пайтда эса ҳар биримизнинг ота-онамиз ҳам бизларнинг тарбиямиз билан жиддий шуғулланганлар, ўзимча ўша ўтмиш давр воқеаларини таҳдил қилас эканман, бобомнинг „катталарга салом бер“, „дўппи кийиб юр“, „таомга „бисмиллоҳ“ деб қўл узат“, „китоб ўқиш олдидан уч марта қўлингни юв“, „ҳаром луқма ема“, „бировларнинг нарсасига кўз олайтирма“, Фотима бувимнинг эса „янги кийимни тоққа қараб киядилар“, „давранинг тўрига ўтиб кетма“ деган танбеҳлари бизни ёт фоялардан асраш учун айтилган экан.

¹ Темур тузуклари. 73–74-бетлар. „Ўзбекистон“ НМИУ, Т., 2011.

Бундан 68 йиллар мұқаддам, таxминан 1948 йилларда Фарғона во-
дийсінинг қишлоқларидан бирида уйма-үй юриб, мактабга чиқадиган
болаларни рүйхатта олаёттган ўқитувчининг олдига бориб: „Мени ҳам
ёзинг, маълим, мактабда ўқишни хоҳлайман!“ деган тиірек күзлари ил-
тижоли боқаёттган болакай күз ўнгимда гавдаланмоқда...

Мұхаммад Али:

— Тұхтанг, сүз мен ҳакимда шекилли... Бошқа мавзуга үтайлик.

Тұлқин Хайит:

— Тұғри, устоз, сиз ҳақингизда, узр. Аммо ибратли воқеа.

— Ижозат берасиз, ёшларимизга ибрат маъносидан ўша воқеани эслаб
үтмоқчиман холос.

...Ўқитувчи юзида илиқ табассум билан сүрайди:

— Неччи ёшга кирдинг?

Болакайнинг күзлари қувнайды:

— Олтига!

Ўқитувчининг юзидан нур қочади:

— Олти ёшли болаларни мактабга олмаймиз. Бир йилдан кейин
мактабга борасан!

Болакайнинг киприклари намланади.

Воқеадан хабар топған отаси ўрлининг озор чеккан күнглига малхам
излаб, уни ўқитувчининг олдига етаклаб келади.

— Домла, Сиз буни рүйхатта олинг, ўқишга ҳаваси бор. Ўқиб кетса,
үқиди, у ёғига Худо пошшо! — дейди илтимос охангида.

Киссадан ҳисса шуки, юқорида айтиб үтганимиздек, бобо-буви, ота-
она илм олишимизга астойдил ёрдам күрсатғанлар. Биринчи муаллим-
ларимиз ўша зотлар!

Одам бу дунёга йиглаб келади, беҳикмат әмас, ҳаёттинг минг бир
синовлари орасидан үзининг ақли ва ҳалол меҳнати билан катта йүлга
чиқкан инсонгина роҳат ва шодлик топади; бир умр ҳаётдан кун күрмай
үтгандар ҳам бор, улар ўсмирик йилларida ё қарғиши олган, ё бирор
ножүя иш қылған; „аёл кечиради, лекин унутмайды“, деган теран ҳикмат
бор, ҳаёт ҳам она, у ҳам боласи жатоларини кечирад әкан-у, лекин унутмас
әкан, ҳатто түрт томони мустаҳкам девор бўлған уйда содир этилган
ўғрилик — онангиздан яширин ҳолда битта оқ қанд олган бўлсангиз ҳам,
бир кун жазоси бор әкан.

Мұхаммад Али:

— Ҳәётнинг турган-битгани фалсафадан иборат, дейишади файласуфлар. Бу гапда жон бор. Бир донишманд үрлини ҳалол едириб, ҳалол ичириб, тарбия қилибди. Фарзанди ҳам кундан-кун улрайиб, камолга етиб, илм чўққисини эгаллабди. Нихоят, ота юртнинг илмдор кишилари ни, кўпни кўрган оқсоқолларни йириб, олим үрлини уларнинг синовига топширибди. Унга юэта савол берибдилар. Йигитча 99 саволга ҳеч қийналмай жавоб қилибди, аммо 100-саволга келганда бирдан қоқилибди. Отa бундан фамга ботиб: „Оҳ, қаерда хато қилдим!“ дea пешанасига муштлабди ва уйига келиб, хотинига маслаҳат солибди. Аёли эслаб-эслаб: „Ўғлингизга ҳомиладор пайтимда, ариқда оқиб келган олмадан бир тишлиған эдим, шу қўнглимда армон бўлган эди“, дебди. Отa гап нимада эканлигини билиб, яна пешанасига бир шапати урибди ва: „Ўша заҳоти айтганингда, қўшнига совға-салом бериб, розилигини олардик, ҳай аттанг!“ дea жойида беҳол ўтириб қолибди.

Мана, кўрдингизми, Шарқ фалсафаси нимани ўргатади, ҳатто эгасидан сўрамасдан ейилган бир тишилам олма ҳам шунчалик нохуш ҳолларга олиб келиши мумкин экан.

Рост, отамиз Аҳмадқул сўфи тўғри тарбия топишимиз учун бизларга жуда ҳам илтифотли эдилар. Бир куни дунё ҳаритасини олиб келдилар ва деворга осиб қўйдилар. Ҳаритани ҳам беҳуда олиб келмаганлар, ким билсин, шу баҳона дунёга меҳро қўйишин, оламни ўрганишин, илми бўлиб етишишин, деб ўйлаган бўлишлари ҳам мумкин. „Политическая карта мира“ деб ёзилган тўрт бўлақдан иборат ҳаритада Ер куррасининг жамики мамлакатлари акс этган эди. Умид қилганларидек, оиласда тўққиз фарзанд бўлсан, барчамиз сандал атрофида ўтириб, чуғурашиб рўпара-миздаги ажойиб ҳаритага кўз ташлаб, қитъалару уммонларни, кўп мамлакатлару шаҳарларни яхши билиб олишга интилардик. Ўтирганда ҳам, турганда ҳам ишимиз ҳарита бўлиб қолган эди.

Яна бир сабоқ ҳақида айтиб ўтai. Еттинчи синфда ўқирдим. Бир кун география ўқитувчимиз синфдошларимиздан бирини чақириб, қайси-дир шаҳарни кўрсатиб беришни сўради. Лекин синфдошимиз вазифани адо эта олмади. Бу менга тегиб кетди, дарҳол синфдошимни хижолатдан чиқариш учун, ўрнимдан турдим-да:

— Муаллим, мен доскага чиқай! Харитадан истаган шаҳарни кўрсатиб бера оламан! — дедим фурур билан.
— Хўп, хўп... — Ўқитувчи жилмайди. — Қани, Аҳмедов, чиқа қол, қани харитадан Фиджи оролларини кўрсатиб бер-чи?

Бирдан бошим гир-гир айланиб, кўзим тинди, гўё бутун дунё айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Чунки, харитани шунча кўриб, ҳали „Фиджи“ деган сўзга кўзим тушмаган эди! Муаллимимиз, дунё дарёларини, тоғларини, сўнг океанларини, мамлакат ва шаҳарларини сўраганида, дарҳол кўрсатиб берган бўлардим-ку-я... Қийналаётганимни кўрган ўқитувчи Фиджи оролларини топишда ёрдамлашиб юбордилар. Ҳа, мана, Фиджи ороллари — Австралияning шимоли-шарқидаги, тупроқ йўлларда сочилиб қолган пахталардек, чўзилиб ётган ороллар... Ҳижолатдан қизариб кетдим ва ичимда бундан кейин, ҳеч қачон мақтамасликни, ошиқча фууруга берилмасликни кўнглимга қаттиқ тутиб қўйдим. Ҳали-ҳануз бу сабоқни унутмайман.

Тўқин Ҳайнит:

— Ибратли воқеа экан. Бизнинг уйимизда фузулийхонлик, навоийхонлик кечалари ўтказилар, унда бувим аёлларга гоҳ ёддан, гоҳ китобдан ўқиб берардилар. Гарчи Қуръони Каримни тўлиқ ёддан билсалар-да, текин доимо сураларни муқаддас китобнинг ўзидан ўқирдилар, фақат ҳуто қилган пайтларидагина ундан фойдаланмасдилар, қироатлари яхши ёди. Кечалари чироқ ёргутида матал, эртак, достонлар айтиб берардилар. Гемурбек ҳақида ҳам илк маротаба бувимдан эшитганман. Бунга сабаб, ир куни Зебуннисодан ўқиб берарканлар, Амир Темур ва Бобур Мирзо деган улуғ инсонлар у муҳтарама шоиранинг бобокалонлари бўлгарини ҳам айттан эдилар. Бир куни Алишер Навоий деб айтсан, бунай инсонларни болалиқ исмлари билан атамайдилар, биз ул зотни „Ҳазрат Ҷавоий“ деб атаемиз, дедилар. Бир куни „Бобир“ деб ёзсан, „Бобур“ ёб тўғри ёз“ деб танбех бердилар. У пайтларда мактаб дарсликларимиз-1 „Бобир“ деб ёзиларди. Бир гал иншо ёзиш жараёнида мен бувимнинг гапларига амал қулиб, „Бобур Мирзо“ деб ёздим. Эртаси ўқитувчи ҳоди ва „хато ёзганим учун“ тўрт баҳо қўйди. Ўша кунлар, айниқса, шоб ўқиганларим, эртак тинглаганларим сира эсимдан чиқмайди.

Мұхаммад Али:

— Инсон ҳәтида үхшаш ҳолатлар күп учрайди. Ҳар бир жабхада бүлгани каби инсон ҳәти ҳам ҳисоб-китоб асосига қурилади. Ақтимизга сифмаган ва биз ҳали тушуниб етмаган сирлар шунчалик күпки, улар ҳақида үнлаб, юзлаб китоблар битиш мүмкін.

У пайтларда (1952—1953 йиллар) бизнинг қишлоқда чироқ, телевизор деган гаплар йүқ әди. Газеталар кам борар, китоблар ҳам йүқ дараҗада... Одамлар бир жойға йиғилиб, халқ достонлари, қиссаларини биргалиқда үқишиар, әшитишиар, мұхокама қилишиб, қайси қаҳрамондан үрнак олиш мүмкін ишорасида биз ёшларға таълим беришга ҳаракат қилишиарди. Үзимнинг ҳам шундай йигинларда Эргаш Жуманбулбул үғлиниң „Кунтуғмиш“, „Ширин билан Шакар“ достонларини үқиб берганларим эсимда. Үша пайтлар бу достонлар жуда машхур әди. Достонлар мутолааси икки-уч күнга өзіларди. Бувалар, момолар, болалар халқ достонларини мароқ билан әшитишиар, қарчаб қолған пайтларимда, үзлари: „Бүлди, болам, қарчадинг, майли дамингни ол, қолганини әртага әшитармиз“, дея мени аяшарди.

Отинча энам Ҳосият отин Қобилбой қызи сүзлаган ажойиб әртак, достон, ғазаллар эса мени адабиётнинг гүзәл бүстонлари томон бошлаб бораиди. Бу инсондан бир умр миннатдорман. Жойлари жаһннатда бўлсин!

Тұлқин Ҳайит:

— Менинг ҳам эсимга тушди, Фотима бувим ҳам ҳар куни менга „Алпомиш“ достонидан үқий бошлардилар. „Нега әртак айтишиң қүйиб, „Алпомиш“ га үтиб кетдингиз?“ деб сұрасам: „Бу достонни билмаган ўзбек боласи әртага уятга қолади!“ деган жавобни бергандилар.

Мұхаммад Али:

— „Алпомиш“ — ўзбекнинг қадим достони бўлиб, унда бир оила тақдирли мисолида иккига бўлинib кетган ўзбек урурининг қайта бирлашиши, миллат бирлиги фоялари, унинг қаҳрамонликлари, элу юрт фаровонлиги, оила бахти, Ватан равнақи учун кураш ўз ифодасини топган. 1999 йилнинг 6 нояброда биз „Алпомиш“ достонининг 1000 йиллигини кенг нишонладик. Термиз шаҳрида тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳам иштирок этди ва жуда

таъсири мәрзуза қилди. Байрамда қатнашганлар сафида әдим үшанды. „Халқимиэнинг қадимий ва шонли тарихи тутанмас бир достон бўлса-да, „Алномиши“ ана шу достоннинг шоҳбайтидир“, деди давлатимиз раҳбари. Бу бебаҳо сўзлар, айниқса, бой тарихимиздаги бу достонни „шоҳбайт“ га ўхшатиш бир мен эмас, барчанинг кўнглидаги гап бўлди, десам, муболага эмас.

Тўлқин Ҳайнит:

— Халқ қаҳрамонликларини акс эттирувчи достончилик мактаби ҳали ҳам фаол ишламоқда. Мана, сиз ҳам, устоз, Соҳибқирон Амир Темурдек улуғ ҳукмдор, буюк бунёдкор ҳақида ижобий фикр билдириш мумкин бўлмаган замонда, яъни 1967 йилда „Гумбаздаги нур“ достонини ёздингиз ва унда миллат дарди айтилди, ҳатто „ўн икки“ рақамига (ўн икки меъмор) ҳам ишора қилдингизки, бунинг замирида жуда катта маъно бор эди.

Достондан қатраларни эсга олайлик.

Гумбаз...Рангми ё тиллои из,
Ё қуёшнинг нури жилвагар?
Бўларди у якка-ю ёлғиз,
Кўк — такори бўлмасайди гар!..

Чекиниш

Оҳиста-оҳиста
Кезишар икков,
Нуроний мўйсафид,
Миқти ўспирин.
Мўйсафид кўзидан
Саҳрайди олов,
Ўспирин бепарво,
Ташлар кўз қирин.

Безакли деворлар,
Зарҳал кунгура.
Фусундан яралган
Ажиб кошона.
Лайлига дарс айтар
Тилсиз қайгулар,

Саҳролар ортида
Мажнун — девона...

Мүйсафид йигитни
Туртар: — Ёсуман!..

Суратга термилар
Йигит бепарво.

Сүнг четга бокади:
— Үзиям, дейман,
Талай пул кеттандир.
Куришга, бово?..

Бир лаҗза суратдан
Күзин олар чол,
Фижимланган соқол,
Чимрилган қошлар:
— Э, шунақа жойда
Шунақа савол...
Шаккок-да, қўп шаккок,
Ҳозирги ёшлар!

Унутиб қўйишиди
Андишани ҳам.
Фақат ҳисоб-китоб
Булар билгани.
Бу ахир санъат-ку!
Қай маҳал, бўтам,
Арzonга тушибди
Санъат дегани?..



Турибди бир бола
Мақбара қошида,
Кўзида хаёллар
Патирлар унинг.
Эй дўстлар, у кимдир?..
Дилимда нашида!
У бола укамдир,
Укамдир менинг!

Гумбаэда ўйнайди
Ўша нур, ўша нур.
Уфқ аста ямлайди
Офтобни, қара!
Заволлар.
Саволлар.
Юр, укам, қани, юр!
Олдинда хаёллар.
Ортда мақбара...
„Олдинда хаёллар.
Ортда мақбара!..“

Аммо бир нарсани таъкидлаб ўтай: мен ижодингиз ҳакидаги бу фикрларни холисона айтиётирман. Аслида, бари ўқувчиларга яхши маълум фикрлар. Мана, қарийб эллик йил илгари ёзилган достонни яна ўқиб тутатдим-у, шоирнинг достонга нуқта қўйган пайтдаги ҳолатини, қалбини жунбушга келтирган туйфуларни ва ўша пайтдаги афсус-надоматларни ўзимча ҳис этиб, англаб, тасаввур этишга тиришдим. Ваҳоланки, ўша кунларда бутун матбуот саҳифаларида, бир қатор ижодкорлар нафасларида шўро давлатининг 50 йиллиги, унинг „доҳийси“ таваллудининг 100 йиллигига билдирилган ҳамду саноларнинг сон-саноги йўқ эди. Мен адашмаётган бўлсам керак.

Муҳаммад Али:

— Асарда ҳалқимизнинг қадимдан меъмор, бунёдкор, қурувчи эканлигини кўрсатишга тиришгандим, холос.

Яна келдим, эй Тарих бобо,
Яна сенга даъво қуилурман.
Ўз ҳаққимни қилмоқни даъво
Ҳакиқатнинг йўли билурман!

Тўлқин Ҳайит:

— Сиз тўғри таъкидлагандек, „Лекин ўз ҳаққимизни даъво қилишга ўл қўймасдилар...“ Мустамлакачиликнинг оғир оқибатларидан бири м шу эди, ҳеч нарсага, ҳатто биз улуг-улуг инсонларнинг ворисларимиз тига ҳам ҳаққимиз йўқ эди. Лекин Тарих бобо, “сукунатнинг портга гувоҳ бўлади, унинг қаъридан „ҳазин-ҳазин садо келмоқда“ эди.

Курдик не-не иморат,
Аммо билмадик горат.
Умр деган бу савдо
Меъморликдан иборат!

„Недан менинг шодлигим дуркун,
Недан ғамгин кулишим маним?
Тарих тилга киради бир кун,
Бутунча мен айтай билганим“.

Булар асардан олинган парчалар.

Таниқли адабиётшунос Қозоқбой Йўлдошев ўзининг „Миллий хотирианинг бадиий ифодаси“ мақоласида: „Гумбаздаги нур“ ўзбек адабиётида яратилган энг яхши достонлардан бири бўлиб қолди. Давлатимиз мустақилликка эришгач, чоп этилган дарсликларга бир сатри ҳам ўзгартирилмаган ҳолда киритилди. Бунинг ўзи достоннинг бадиий пухталигидан далолатдир“, деб ёзган эди.

Мұхаммад Али:

— Асосий мавзуга қайтсак. Албатта, биз Темурбекнинг илм олиши, тарбия топиши ҳақида сўз юритмасдан ўтолмаймиз, зоро, Шарқда бола тарбияси бўйича жуда нозик жиҳатлар бор. Ана шу нозик жиҳатлардан бири, униadolatli этиб тарбиялаш масаласидир. Бизда „Бир болага етти қўшни ота-она“, деган пурмаъно гап бор. Бу ҳам бола тарбияснинг нечоғли жиҳдий ва муҳим масала эканлигини ва ҳалқимизнинг бу ишга энг долзарб муаммо сифатида қарашини қўрсатади. Ўзбек деганинг оқил фарзанди ҳеч қаҷон ота-онасини ташлаб қўймайди ёки „Кариялар уйи“га жойлаштиrmайди. Агар шундай нокаслар учраса, уларни ўзбек дейиш мумкин эмас. Уйдан кўчага чиқар эканмиз, ота-онамиз ёки бува-бувимиз: „Соф бориб, саломат кел. Яхши ўқи ёки яхши илм ол, бирорнинг ҳақига кўз олайтирма, жанжаллашма, катталарнинг гапига қулоқ сол, сендан миннатдор бўлиб „отангга раҳмат!“ десинлар“, деган насиҳатона гапларни қулоғимизга қўйишади. Демак, биэда бола тарбияси институти қадимдан мавжуд, дея бемалол айта оламиз.

Тўлқинн Ҳайит:

— Мұхаммад ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур Мирзолар қандай

тарбия асосида шунчалик улуғлик даражасига етдиар? Ўз-ўзларидан буюк инсон сифатида улғайғанлари йўқ улар.

Одатда, бирорларнинг гапини эшитишни истамайман, аммо бир куни сұхбатлашиб кетаёттан ота-боланинг қизиқ бир гапи хаёлимни тортди.

— Ботиржон, ўғлим, — деди ота, — қизил чироғингни унутиб қўйма, хўпми?

Бола жилмайди ва:

— Ҳеч ким билан жанжаллашмайман, хавотир олманг, дадажон! — деди.

Сездимки, ота ўғлига танбех беряпти. Лекин нега қизил чироқ? Балки боланинг онгига кучли таъсир этиш учун шу гап керак бўлган-дир. Аммо нима бўлганда ҳам, ҳамманинг ўз қизил чироғи бўлиши ҳам лозим.

Биз мақтаниб юриш учун эмас, тўғри яшамоқ учун пул топамиз, кийи-намиз. Чегарадан чиқиб кетмаслик учун ўзимизнинг қизил чирогимиизга амал қиласиз.

Қизил чироғи бўлмаган киши эгри йўлга ҳам ўтиб кетиши мумкин-ми? Мумкин!

Агар тарихимиз зарваракларини синчилаб кўрсақ, ота-боболаримиз бу борада ЎН ИККИ ҲИКМАТга амал қилишни тавсия этганлар:

Сувга тутурма!

Нонни увол қилма!

Бир болага етти қўшини ота-она!

Үйда ҳуштак чалма!

Бўш бешикни тебратма!

Она ўтирган уйнинг томигча чиқма!

Китоб ўзи, одам бўласан!

Ота юртинг — олтин бешигинг!

Каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўл!

Бош кийимни тепма!

Марҳумнинг уйидан чиқиб, бирорвоникуга борма!

Куш уясинни бузма!

Ана шу ҳикматларга амал қилиш асосида миллий қадриятларимизни, тилимизни, эътиқодимизни сақлаб келяпмиз.

Марғилонлик отахонлардан бири шундай деди: „Ҳар одамнинг ёмонликлардан тўхтатиб қоладиган қизил чироғи бўлиши керак“. Бир кишининг ўғли бедаво экан. Уни ҳеч бир ишдан тўхтатиб бўлмас экан. Вояга

етгач, ҳарчанд уринмасин, бирор жойда қўним топиб, бирор ишнинг бошини тутолмай хуноб бўлибди. Бир устознинг олдига бориб, дардини ёрган экан, у киши: „Ёшлигингда қизил чироқ олмаган экансан!“ дебди ҳазиллашиб. Нодон бола: „Кани, мани қизил чирофим!“ дея айюханнос солган экан.

Ҳаётда ақлли деган ном олиш учун бу боланинг аҳволига тушмаслик йўлларини излаш ўз қўлингизда. Қизил чироқка қаранг: у ҳатто йўлда ҳам сизни хавф-хатардан асраб туради.

Мұхаммад Али:

— Буюк инсонлар ўэ-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Уларнинг шахс сифатида шаклланишида макон ва оиласнинг ўрни катта. Мана, Темурбекни олайлик: у қандай замонда, қай маконда тарбия топди? Хўш, Кеш ўша пайтларда қандай шаҳар эди? Бу шаҳарнинг нуфузли оиласидан бири бўлган Мұхаммад Тарагай хонадони қандай мавқега эга эди?

Кеш шаҳри барча манбаларда илм-фан, савдо-сотиқ ривожланган ва буюк инсонлар яшаган хосиятли макон сифатида тилга олинади. Ҳусусан, бу манзилнинг буюк уламолар йиғиладиган жой эканлиги эътироф этилган. Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун баъзи воқеаларни тилга олиб ўтамиэ. Масалан, илм аҳли буюк муҳаддисларидан сабоқ олиш ва уларнинг фазилат нурларидан баҳраманд бўлиш учун шу муборак шаҳарга ташриф буориб туришган. Улардан бири — Абул Ҳусайн Муслим ибн Ҳажжож ал-Кушарий ан-Нишобурийнинг шаҳарга келиб, замонаси-нинг йирик билимдон олими Абдаъ ибн Ҳамид ал-Кешийдан сабоқ олганлиги тарихий манбаларда аниқ қайд этилган. Албатта, бу ерда бундай фозил олимлар кўп бўлиб, уларнинг барчасига яшаш ва ишлашлари учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилган эдиким, буларнинг шарофати билан улуғвор Кеш „Қубат ул илм вал-адаб“, яъни „Илму адаб қуббаси“ деган шарафли номга сазовор бўлган эди.

Мұхаммад Тарагайнинг хонадони ана шу улуғ шаҳарнинг энг нуфузли оиласидан бири ҳисобланар эди.

Мұхаммад Тарагай ўз даврининг илмли, маърифатпарвар, бой-бадавлат, ўзига тўқ кишиларидан бири эдиким, ўғли Темурбекнинг етарли тарбия топиши, ўз замонасининг етук кишиси сифатида шаклланиши учун барча имкониятларни яратиб қўйган эди.

Тўлқинн Ҳайит:

— Тарагай сўзи нима маънони англатиши ҳақида тўхталиб ўтишимиз керак. Бусиз китобимиз кемтик бўлиб қолмасин.

Муҳаммад Али:

— Бу таҳлилий сұхбат-китоб, шу боис, бемалол кенгроқ фикр юритишимиш, керакли ўринларда баҳслашибимиз ҳам мумкин. Бир ёқламалиқдан қочиш керак. Қолаверса, бу китобни етти яшар бола ҳам, етмиш яшар отахон ҳам ўқиши аниқ. Дарвоҷе, „тарагай“ сўзининг маъноси ҳақида ҳам баҳсли ўринлар кўп эди, аммо оқсоқол адабимиз Пиримқул Қодиров „тарагай“ сўзи тўғрисида лўнда фикрни айтиб ўтганлар:

„Жуда уятли томони шуки, ҳамон Амир Тарагай баҳодир номини „Тўргай“ деб ёзиш ҳоллари учраб турибди. Бу бирор мантиққа тўғри келмайди. Тўргай — миттигина сайроқи қуш бўлиб, шавкатли амирга бундай нисбат бериш одобдан эмас. Тарагай сўзи „нурдай таралсин, кўпайсин, катта ҳудудларни эгалласин“, деган маънони беради“.¹

Тўлқинн Ҳайит:

— Агар Соҳибқирон бобомизнинг она томон авлодларига қарайдиган бўлсак, улар ҳам ўз даврининг маърифатли кишилари бўлишган. Оналари Тегина Моҳбегим, Тегина хотуннинг 1318 йилда Бухорода туғилгани, Бухорои Шарифда шариат ишлари бўйича юксак лавозимларни эгаллаган Садр ул-шаръиа унвонли Убайдулла Маҳмуд ал-Бухорийнинг ожизаси эканлиги манбаларда қайд этилган. Милодий 1334 йилда Муҳаммад Тарагайбекка узатилгани, 1353 йилда Шаҳрисабзда вафот этгани ва ўша ерда дағи этилгани ҳам кўрсатиб ўтилган. „Тегин“ („Такин“) туркий тилда „аслзода, ботир“ деган маънони билдиради. Тегина хотун — аслзода аёл дегани.

Муҳаммад Али:

— Тарбия — ҳаёт ё фалокат. Тарбия — тинчлик, фаровонлик ёки тескариси ҳам бўлиши мумкин.

¹ П. Қодиров. Амир Темур сиймоси. Т., „Ўзбекистон“ НМИУ, 2007 йил.

Ривоятда ҳикмат бор.

Бир подшоҳ ўғлини мактабга берибди ва орадан бирор ҳафта ўтгач:

— Хўш, ўғлим, домлангиз қалай, яхши сабоқ беряптиларми? — дея кизиқиди.

Бола бола-да, мақтангиси келиб:

— Домла мени етти қават кўрпача устига ўқазиб ўқитяптиар! — дебди.

Подшоҳ хафа бўлиб:

— Ўғлим, эртадан унинг олдига борманг, домлангиз яхши ўқитолмас экан! — дебди.

Шундай қилиб, подшоҳнинг ўғли бошқа мактабга қатнай бошлабди.

Подшоҳ яна сўрабди:

— Бу домла унисидан ҳам меҳрибон экан! — деб жавоб қилибди.

Подшоҳ ўғлини яна бошқа домлага олиб борибди.

Домла подшоҳга:

— Илм деган нарса қийинчилик билан қўлга киритилади. Эркаторй болаларни ёқтиромайман. Бошқа болаларни қандай ўқитаёттан бўлсан, сизнинг ўғлингизга ҳам шу тарзда сабоқ бераман! — дебди.

Подшоҳ рози бўлибди.

Ўғли ўша қаттиққўл домла қўлида ўқиб, илмдор киши бўлиб етишибди.

Бу гапдан мурод шуки, бола тарбияси учун катталар масъул.

Бир бола ўғрилик қилгани учун ўнг қўлини кесмоқчи бўлганларида, отаси келиб: „Мени жазоланглар!“ дебди. „Нега?“ деб сўрасалар: „Онасига ишонган эдим, тарбия бера олмабди, мен эса фақат рўзгор билан шуғулансам бўлди, деб ўйлаган эканман, бу ярим хато эканлигини энди тушундим“, деган экан.

Бола тарбияси, унга илм бериш осон иш эмас.

Тўлқин Ҳайит:

— Ибн Сино тўғрисида бир ривоят ўқиган эдим.

Эмишки, Балх шаҳрига келган бухоролик катта савдогар „тупроқдан олтин олиш сирлари“ ёзилган китобни харид қилган экан. Уйга келиб, бутун мол-мулкини сарфлабди-ю, лекин тупроқдан олтин ажратса олмай, бойлигидан ҳам ажралибди ва ноиложликдан кўча-кўйларда сув сотиб юрадиган бўлибди. Кўзга яқин одамларга дуч келса, улардан пул олмай, китоб муаллифи ҳақига лаънат ўқиб қўйишни сўрар экан.

Ногаҳон бир мударрис келиб, унинг қўлидаги китобни ўқиб, тупроқдан олтин ажратиб берибди ва: „Олтиннинг сири Сиз харид қилган пулда эмас, илмда! Илмни сотиб олиб бўлмайди! Бу китобни мен ёзганиман. Номимга лаънат ўқишини энди тўхтатарсиз!“ дебди ва уни жуда каттиқ уялтирибди.

Бу инсон Абу Али ибн Сино эди.

Китоб барча билимлар манбаи. Шу боис ҳам, „Китоб – инсон дўсти“, „Китобсиз уй – офтобсиз уй“, „Нон тўйдиради, китоб кийдиради“, „Куш дон қидирад, олим китоб“, „Кийим устингни безайди, китоб ақлингни“ деган мақоллар ва жуда кўплаб эртаклар, маталлар мавжуд.

Мұхаммад Али:

– Темурбекка ҳам дастлаб илм бердилар.

„Етти ёшга тўлганимда, мени мадрасага топширишди ва қўлимга алифбони тутқазиниши; мен ўқий бошладим ва эришган муваффақиятларимдан ногат севинчга тўлдим“.

Хоғизи Абрў „Зубдат ут-таворих“ асарида уни барча мактабдошлиаридан ўзиб кетгани ҳақида аниқ маълумот берган.

„Амир Соҳибқирон мактабда ўз тенгқурларидан сабоқда ўзиб кетарди. Балогат ёшига еттунча илм, адаб, хат ва суханворлик касб этди. Унданги теран билим шижаотта пайванд бўлди ва шундан сўнг амиrolик мансабини эгаллади“.

Тўлқин Ҳайит:

– Устоз, бу китобимизнинг ўзига хос яхши хусусияти шуки, ривоят, ҳикоятлар ва бошқа асарлардан бемалол фойдалана оламиз. Рұксат берсангиз, агар нохолисликка йўймасангиз, бундан ўн беш йиллар бурун Амир Темур бобомизнинг болалик йилларидан олиб ёзилган ибратли воқеани ўқувчиларимиз ҳукмига ҳавола этсак.



Баланд гиштин қўроннинг икки тавақали кенг, қўнғиртус дарвозаси лант очиқ. Ҳизматкорлар ранго-ранг безатилган отларни етаклаб чиқишиятти. Сабоқдан қайтаётган бола – Темурбек падари бузрукворининг каёkkадир отланаёттанини дарҳол сезди. „Отасининг ташвишлари кўп. Хон йўқлаган ёки бирор бек тўйга чакирган, балки бирор чўпоннинг

бошига ташвиш тушгандир. Падари бузруквори етиб бормаса, ул бечора чорасиз қолиб, гам-андуҳга ботадур“.

Мұхаммад Тарагай ҳовлида әди. Эгнида бухороча оқ шохи күйлак, ним күкимтир желак, оёғида янги амири ковуш „Мемонликка отланиб-дурлар, – қўнгидан ўтказди Темурбек. – Ҳар сафар меҳмонликка шундай одми кийиниб борадурлар“. У қўлини кўксига қўйиб, таъзим қилди:

– Ассалому алайкум, падари бузруквор!

– Ва алайкум ассалом! Мулло бўлинг, ўғлим! – Мұхаммад Тарагай уни кенг, иссиқ кучогига босди. – Уйга кириб, уст-бошингизни янгилаб чиқинг, – деди, сўнг – Сизни фозил бир хешингиз бирлан таништирурмен. Бўйингиз ўсиб қолди. Бундан буён ёр-биродарларни йўқлаб туриш вазифангиздур!

Темурбекнинг оқиши, ним пушти юзида саросималик соясини кўриб, Мұхаммад Тарагай ўғлида иккиланиш пайдо бўлганини сезди:

– Зарур юмушларингиз борму, Темурбек!

Темурбек кўзларини пирпиратиб жавоб қилди:

– Сайфуддин билан йилқимиэни кўргани боришига ваъдалашган эдик.

Мұхаммад Тарагай жилмайди.

– Ваъдага вафо қилмоқ эр йигитнинг нуфузини оширадур, ўғлим.

Бу хислатингиздан фоят мамнунман.

Темурбекнинг тиник, бегубор кўзлари пирпирати:

– Мен учун Сизнинг сўзларингиз амри вожибдур, падари бузруквор! Лозим топсангиз, йўлда Сайфуддин дўстимникига кириб, узримни айтиб чиқсам: йилқини кўришига эртага борсак ҳам бўладур.

Мұхаммад Тарагай ўғлининг маънодор нигоҳига синчков бокди:

– Сайфуддин оғир олмайдурму?

– Ул ҳам падари бузруквори сўзини амри вожиб деб биладурғон баъла!

Мұхаммад Тарагай ўғлининг ақлли жавобидан суюниб бир баҳя ўси.

Кенг осмон қизчанинг бегубор кўзидаи тип-тиник, мовий. Қуёш жилва қилади. Эрталабки ёмғир бутун оламни ювиб, тараф қўйган. Довдараҳтлар ям-яшил, топ-тоза либосларга ўралган. Мургак барглар юзидан заррин нурлар ялт-юлт товланади. Кенг буғдоизор далалар яшил гилам тўшалгандай: чопқимлаб, юмалаб, ироғишлаб ўйнагинг келади.

Отасининг сўрови Темурбекнинг хаёlinи бўлди:

– Биласизми, ўғлим, исмингизнинг тарихи фоят қизинқ. Буни билиб

Күйганингиз маъкул! Бир куни уйқумда ёш, чироили, арабга ўхшаш йигит менга қилич берди. Мен уни дўлга олиб, ҳавода ўйнатган эдим, бутун жумлани жаҳон ёришиб кетди. Ҳазрат пири миздан таъбири сўрасам, ул зот: „Пайғамбарона туш кўрибсан: Ҳудо сенга бир салиҳ ўтил берур, у жаҳон-гир бўлгай“, дедилар. Сичқон йили шаъбоннинг йилтирома бешинада сиз дунёга келдингиз. Акида вақтида сизни ҳазрати шайхимиз олдига олиб кирганимда, муборак Қуръони Каримнинг: „Амантум ман фи-с-сама ан йухифа бикумла-л арда фа иза хий тамуру“ оятини қироат этиб турган эрканлар. Оятда «тамуру» сўзи бўлганчиги учун сизга Темур исмитни бердилар.

Темурбек учун бу янгилик эди.

Улар бир арава сиғадиган тош йўлдан ўнг томонга бурилишиди. Фиштин деворли ҳовли, баланд, оппоқ иморат кўзга ташланди.

— Етиб келдик! — деди Мұхаммад Тарагай.

Отлар дупурини эшишиб, ичкаридан дўпти кийған ёшгина йигит чиқди. Салом бераркан, икки тавақали оғир дарвозани зўрга очди.

Қариндошлари хўтта семиз, ғундалаккина, бир оз соддароқ киши экан, кучоқ очиб, аввал Мұхаммад Тарагайнни бағрига босди. Сўнг Темурбекни даст кўтариб, уч-тўрт бор гир-гир айлантироди.

Мехмонхонанинг деразалари баланд, ойналари кўжиш эди. Ўтиришди. Омин қилишди. Ҳизматкор йигит офтобада илиқ сув, мис дашиша кўтариб чиқди. Қўлларини ювишиб, сочиққа артишди.

— Кўп яшант! — деди Мұхаммад Тарагай ҳизматкор йигитга.

Эгнига йўрма ёқали оқ шоҳи кўйлак кийғанчувак юз йигит катта сарғиш дастурхон олиб келди. Мұхаммад Тарагай мулоим жилмайиб турган бу йигитга қааркан, деди:

— И момуддин ака, укаларга ёлчигансиз! Бебаҳо йигитлар улар!

Қариндошлари дастурхонни ёзиб, шиromон нонни ушатар экан, жилмайиб бошини қимиrolатди:

— Тўри айтасиз, Мұхаммад ака, йигитларимиз, Ҳудога шукур, жуда одобли! Падари бузрукворларига раҳмат! — Йигит чиқиб кеттагач, қалин қора қошлигини чимириб қўшимча қилди: — Ҳудо менга молу давлат берди, аммо уларни сақлашга ожизмен.

Мұхаммад Тарагай унга синчков тикилди:

— Аллоҳ денг, ака, давлатингизга барака берсин!

— Шукур, хешим, минг шукур! — И момуддин ака ух тортди. —

Лекин фарзандларимда салоҳият, чўропларимизда¹ сабр-тоқат йўқ. Шу сабабдан молу дунёмга нуқсон етмасин деб қўрқаман.

Бола Темурбек отасига таъзим айлаб деди:

— Падари бузруквор, рухсат берсангиз, бир фикр айтсан!

Муҳаммад Тарагай жилмайди:

— Сиз эр йигитсиз, ўғлим! Эр йигитнинг катталар билан сўзлашишга ҳаки бор. Сўзланг, қулогимиз Сизда?

— Амакимга айтар сўзларим бор!

— Сўзланг, бек йигит, сўзларингизни жон деб эшитурмен! — Имомуддин унга қулогини тутди.

— Бек ака, — деди бола Темурбек бийрон тилда, — фарзандларингизга молларингизни бўлиб беринг ва уларни ўз молларига дохил қилинг-ким, улар ўз-ўзлари билан овора бўлсинлар. Сўнг уч хизматкорга топширинг! Уларнинг ҳар бирини еттигадан қулнинг амири қилинг. Кейин етмиш хизматкорга бош бўлган еттига хизматкорни бир-бирига таъзим ва ташрифига буюринг. Уларни қўздан қочирманг, чунки улар бир-бирлари билан кўп сұхбатлашадилар.

Имомуддиннинг думалоқ юзида нур ўйнади, Муҳаммад Тарагайга қараб ҳаяжон ила деди:

— Сизнинг бу фарзандингиз жаҳонга подшоҳ бўлади, унинг сўзларида подшоҳлик амри бор, — сўнг ўрнидан турди-да, токчадан қаҷам ва сиёҳдон олиб, бола Темурбекнинг олдига қўйди:

— Бек йигит, ёзинг! Менга тилхат ёзиб беринг. Давлат қуши бошингизга қўнгач, фарзандларим, зурриётларим ва яқинларимдан хирож оғасинлар, уларнинг гуноҳларидан ўтсинлар, қавмимга тархон унвони берилсин!

Бола Темурбек жилмайди ва чиройли ҳусниҳатда унга тилхат ёзиб берди. Имомуддин ўрнидан турди-да, қоғозни ўнг томонда, бурчақда турган чарм сандиққа солиб, қулфлаб қўйди.

Орадан йиллар ўтди.

Муаррих Давлатшоҳ Самарқандий „Тазкират уш-шуаро“ асарида қуйидаги сўзни битиб қўйди: „Ул қавм (Имомуддиннинг аждодлари) тошу замонгача Туркистон диёрида тархондурулар“.

¹ Чўрон — хизматкор.

Мұхаммад Али:

— Дарвоқе, Темурбек ҳәёти билан бөглиқ ибратлы воқеалар күп. Гарчи қайтариқ бўлса-да, қўйнадиги воқеани ҳам китобимизга киритиш лозим, деб ўйлайман.

Ривоят:

Мұхаммад Тарагай бир сурув қўйни ўғлига бериб, Самарқанд бозорига юборгани ҳақида ўқигансиз.

Темурбекнинг ўзи бу тўғрида шундай ёзган:

„*Қўйларнинг ҳаммасини минг олтинга сотиб, пулларни белга боғлаб сайдо қилиб юрадим. Бир ерда хушовоз қаландар одамларга сўзлаб турган экан: қўлида ҳофоз – шеър битилган. У дер эди:*

— Шул ёзувнинг қадрига етиб, ким минг олтунга олса, дунёнинг охиринга етади.

Ҳимматим жўшиб, минг олтунни қаландарга тутқаздим. У менга тиклиб турди-да, сўнг насл-насабимни сўради. Айтдим. Сўнг тайин қилди:

— Отанг олдиға борғил, буни унинг олдида ўқи, борғунча очма!

Ҳофозни келтириб, падари бузрукворимга бердим. Очиб ўқидилар. Форсча рубоий экан. Мавноси қуидагича: зулм билан дунёда ном қолдириб бўлмайди. Жамшид, Сулаймон, Искандарлар ўтиб кетди, навбат сенга ҳам етиши тайин. Дунёга келдингми, яхшилик билан ном қолдир...

Рубонийнинг муаллифи — ўшал қаландар — аллома шоир Камол Ҳўжандий эркан. Ул эотни падари бузрукворимиз кўт журмат қиласр эрканлар.

— Баракалло, ўғлим, кўт доно ишга олтунларни сарф этибсиз. Энди, минг олтунга олган ушбу ҳикматга қатъий риоя қилмоқ лозимдур!

Падари бузрукворнинг айтқонларини бош устида тутдим“.



Тўлқин Ҳайит:

— Яна ривоят қиласрларки, Темурбек тўққиз ёшга тўлганда, отаси Мұхаммад Тарагай шаҳарнинг кўзга кўринган билимдон кишиларини тўплаб, ўғлини имтиҳон қиласи, хатми қуръон ўтказади. Нигоҳлари ўткир, зийрак Темурбек бошини қуий эгиб, оstonада одоб билан чўккараб ўтиради. Пирлари бўлмиш Шамсуддин Кулол ҳазратлари мамнун кулим-сираб, уни саволга тутади:

— Энг яхши ўлтириш қандай, бекзода?

Темурбек одоб билан:

— Тиз чўкиб ўлтиришни энг яхши ҳисоблармен, устоз! — дей жавоб қилади.

— Нечун?

— Саждага борганда, шундай ўлтирадилар! — дейди у.



Шамсуддин Кулол, бошқалар ҳам унинг доно жавобидан қониқиши хосил қилиб, унга тасанно айтадилар. Сўнгра Қуръони Каримдан савол-жавоблар бошланади. Темурбек барча саволларга ҳеч бир хатосиз, тўла жавоб қайтаради. Қуръони Карим сураларини қонун-қоидаларига қараб, қироат билан тиловат қилганда, унинг жарангдор ва жозибадор овози ҳаммани маҳлиё этади. Маросимда қатнашганлар унинг истеъодига таҳсинлар ўқийдилар. Унга тўн, белбоғ ва салла тухфа этадилар. Бир куролсоэ эса унга феруза дастали қилич совға қилади. Яна унга Ҳофиз увонини ҳам берадилар. Тўққиз ёшли бола учун бу энг катта шараф эди. Ваҳоланки, айрим зотлар бир умр илм олиб, бу номга сазовор бўлолмаганлар.

Амир Темурнинг сўзини ўқиймиз:

„Үн олти ёшга тўлдим. Отам Амир Тарагай мени масжидга олиб келди ва ота-боболаримдан қолган одат бўйича аскарларга бошчилик қилиш ҳуқуқи шу кундан менга ўтишини эълон қилди“.

Бўладиган бола бошидан маълум. Темурбек ҳам ўн олти ёшида катта ҳаётга қадам қўйган эди.

Муҳаммад Али:

— Халқимиизда „Етти пуштни билиш савобдир“ деган нақл бор. Бехуда эмас. Бунинг замарида жуда катта маъно яширин. Биринчи навбатда, ирсий соғлиқ билан борлиқ жиҳатлар. Албатта, ҳозирда ҳам киз томон ҳам, ўғил томон ҳам, бир-бирларининг пуштларининг тозалигини, соғлигини сўраб-сuriштирадилар. Асл наслдан кучли ва доно фарзандлар вужудга келиши сир эмас. Шу боис ҳам, Муҳаммад Тарагай Фарзанди Темурбекни ўз шажараси билан бир бошдан таништиргач, қўйидагиларга мунтазам амал қилишини таъкидлади:

„Сенга насиҳатим шуки, ота-боболарингдек шариат бўйича иш тут. Расулулоҳнинг авлодларини хурмат ва эҳтиром қил, сенга тобе ҳалққа раҳмдил ва меҳрибон бўл. Ёдингда бўлсинким, барчамиз Аллоҳнинг бандаларимиз, унинг амри билан бу кўк остида юрибмиз. Шунинг учун Аллоҳнинг сенга юборган неъматларига шукrona эт; унинг марҳаматига шукур қилиб, номини доим тилга олиб тақрорла, унинг ягоналигига эътиқод қил, амрига итоат айла ва ман этилган нарсаларга қўл ура қўрма. Ҳар бир маҳ-Кариндош-уругчиликни узма, бирорвга ёмонлик қилма. Ҳар бир маҳ-лукқа раҳмдил бўл!“

Темурбекнинг ҳаёт йўлига назар солсак, бир умр отасининг васиятига содик қолганини кўрамиз.

Тўлқин Ҳайит:

— Устоз, биз биламизки, Темурбекнинг ўсмирлик йиллари чингизийлар зулми даврига тўғри келди. Мени бир савол кўп қийнайди: хўш, Темурбек қалбida уларга, яъни мустамлакачиларга нисбатан нафрат ҳисси қачон, неча ёнда, қай йўсинда пайдо бўлди. Бу борада қўйидаги воқеаларга эътибор қаратиш керак эмасмикин?!

Эътиборли манбаларда таъкидланишича, Темурбек 12 ёшларида болача ўйинлардан орланиб, кўп вақтини илм олишга, йифинларда қатнашиб, уламолардан ҳаёт сирларини ўрганишга киришади ва турган гапки, ўзи тенгқур ўспиринлар билан (тенгқур бўлса ҳам, уларнинг орасида ер билан осмонча фарқ бор эди!) турли жанговар машқларни бажаришни одат тусига айлантиради.

Мұхаммад Али:

— Темурбек ўз ёшига нисбатан катта одамлардай фикрларди. Шарафуддин Али Яздий „Зафарнома“ да ёзганидек, ўн икки ёшида болалар билан пошшо-вазир ўйинини ўтказишарди, у пошшо бўларди. У юрт тузишини ўйларди. Юртда эса парокандалик, бошбошдоқлик ҳукм сурарди. Мўғуллар ҳокимлик қилиб, ҳалққа, фуқарою мискинга зулм ўтказарди. Турон эли бамисли босқинчилар қули эди. Темурбек бу адолатсизликларни кўриб турар, барини юрагидан ўтказарди, золимларга нафрати ортарди. У мрининг охирида: „Золимларнинг илкини мазлумлар Сөхибқироннинг кўнгли таскин топгандай бўларди...

Тұлғыннан Ҳайт:

— Рост айтасиз, айни үша ўсмирик йилларидан бошлаб босқынчиларнинг аянчли зулмларини күрган Темурбекнинг қалбіда ватанпаратык түйгулари үйрона бошлаган, душманларга нисбатан нафрати орта боргани равшан.

Ибратли томони шундаки, Темурбек доимо яхшиликка интилди, үзінгі күрсатылған яхшиликтарни сира унутмади. Масалан, үн саккыз ёшида бүронда қолиб, йүлдан адашиб кетганини эслайлик. Иэзилмаган совук, қорин оч. Ҳеч бир ердан нажот ийқідек әди. Шу ерда ҳаётим тугаса керак, деб үйлаб, үлімга тайёргарлық күра бошлайди... Чарчаб, тамом қолдан тойиб қолганида, узоқдан мильтіллекан чироқ күрінади. Бориб қараса, қамишдан ясалған үтов экан. Мезбон уни очиқ чехра билан күтиб олиб, меҳрибонлик күрсатади.

Темурбек Турун султони бүлганды, үтов әгасини ва унинг бутун уруғларини хирож тұлашдан озод этгани ҳақидағи манбалар ишончли тарихий асарларда қайд әтилген. Унутмаганини күринг. Бүгүн бир дастурхондан туз еб, тузылғынғизга тупуриб кетадиганларни күрганингизда, әсиз замондош, дейсиз. Дағвоқе, Сохибқирон бобомиздан биз ҳали күп нарсаларни үрганишимиз керак.

Хуллас, Сохибқироннинг болалик ва ўсмирик даври шуни күрсатадики, ниҳоятда зұкко, билимдон, құрқымас, метин иродали йиғит үз юрти озоддегі учун катта кураш майдонига кириб келаёттан әди.

„Хон бұлсанг-да, бое ярат, гадой бұлсанг-да, бое ярат — бир күнмас бир күн мевасини татирсан!“ Кишидан яхши ном, яхши сүз қолганига нима етсін!

Мұхаммад Али:

— Амир Темурнинг ҳаётига назар ташлар эканмиз, шоҳиди бұламизки, ул зот қўлидаги узукда ёзилған „ростиу русти“, яъни „куч — адолатда“ эканлигига амал қылды ва үз фарзандлари, набиралари, ҳар бир навкари, ҳар бир фуқароси қисматини үзи учун дахлдор санади ва уларнинг тарбияси, камол топишлари учун жон фидо қылды.

Масалан, у оддий навкар Шоҳмаликни шахсан үзи тарбиялаб, вояга етказди ва бир унга ғамхұрлық қилиб, моҳир ҳарбий қўмондан дараҗасига етказди, салтанатда шарафли тархонлик унвонини берди. Натижада оддий навкар Амир Шоҳмалик бұлғын довруқ таратди.

Зиндачашм неча марта хиёнат қилиб, ўз қасамёдини бузган бўлса-да, уни ҳар гал кечирди, ҳатто кўзи тўйсин, деб маблагни ҳам аямади. Тўхта-мишхонни-чи? Олтин Ўрда тахтига чиқарди, катта маблаф берди, кўп сонли қўшин билан таъминлади. Эвазига нима олди? Нима бўларди, нонкўр Тўхтамиш унинг юртини талади, ҳатто муҳтарама аёли – Би-бихонимнинг туғилган маскани – Занжирсаройни ёндириб юборди. Амир Темур бу воқеалардан хulosа чиқарди, кечириш керак бўлса, қўнглини кенг тутди, жазо қўллаш керак бўлса, уни ҳам ўрнига қўйди.

Тўлқин Ҳайнит:

– Устоз, „Амир Темурнинг пирбобоси“ ҳақида сўз юритсан, айни мудда бўлади. Негаки, бу мавзу кўпларни ўйлантиради, иккинчи томони, битта ўзбек бошқа миллатга хизмат қиласа, ўша эл одами ҳисобланмайди, аммо бу замонавий, бугунги фикр, ўша пайтларда қандай эди, деган саволга эса аниқ жавоб топмоқ керак.

Муҳаммад Али:

– Туркистон замини қариб 140 йил давомида Чингизийлар давлати таркибида турди ва жуда кўп туркий беклар уларга хизмат қилди. Шулардан бири Амир Темурнинг пирбобоси Қорачар нўёндир. Буни адаштириб юбормаслик керак.

Тўлқин Ҳайнит:

– Чигатой ҳоким бўлганда, давлат қайси номда айтилганини ҳам айтиб ўтиш керак, деб ҳисоблайман.

Муҳаммад Али:

– Совет даврида айрим тарихчилар замон зайлига қараб иш тутишар, мустамлакачи сиёсатга ёқиш учун ўйлаб ўтирмасдан кўча гапини маънавий бой дунё оламига зўрлаб олиб киришар эди. Энди у замонлар ўтди. Ҳозирда тарихимизнинг энг ишончли манбалари қўлимиизда: улар чоп этилди, яна қайта нашр этиляпти ва кенг китобхонлар оммасига етказиб бериляпти. Ана шундай мўътабар нашрлардан бири, албатта, Низомиддин Шомийнинг „Зафарнома“ асарига мурожаат қилайлик.

Унда: „Чингизхон... Чигатойни Туркистон ножиятининг ҳокими этиб тайинлади“¹ дея аниқ, равшан, лўнда ёзиб қўйилиди.

Бугунги ўқувчи кечаги шўронинг ёлғонларига ишонадиган ўсмир эмас, унинг озод ва обод, шавкатли Ватани, теран мадҳияси, байроби ва ўз Президенти бор. Аммо, яширишнинг ҳожати йўқ, ўтган эски шўро тузумида ўзимизни ерга урадиган, паст биладиган бўлиб қолгандик. Чор Россияси 1865 йилларда юртимизни босиб олар экан, маҳалла жисслигини, тарихи бойлигини, биzdаги эркакларнинг мардлиги-шижоати, ҳунар эгаси эканлиги, айниқса, ўз аҳли-оиласига ниҳоятда меҳрибонлитини кўриб, ўз жуфти ҳалолига бўлган масъулиятини англаб, айнан ерли эркакларнинг ана шу маънавий оламини синдириш учун қандай ҳийлалар ўйлаб топганини ҳам бутун айтиб ўтишимиз керак. Буюк Турун атамасидан чўчиб, Темур давлати, деб аташларининг сири ҳам шунда эди. Ҳалқимиз „Темур“ демайди. Бу бизга эриш туюлади. Нимага? Шавкатли ҳалқ учун улуғларга ҳурматсизлик қилиш асло муносиб эмас! Тарихимизга қаранг, қалам аҳли, ўзини таниган кишиларимиз борки, „Ҳазрат Низомиддин Мир Алишер Амир Навоий“, дея алоҳида улуғлаб тилга оладилар. Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари, деб атайдилар. Мавлоно Лутфий ёки яна узоқроқ борсак, Султон Аҳмад Яссавий бобомиз, дейдилар. Бизни ана шундай ҳурматтга ўргатишган ва биз бутун улуғларимиз хотирасига бўлган ана шу ҳурматни кўриб, бошимиз осмонга этиб турибди. Шахсан Президентимиз ўзлари бош бўлиб, улуғларимизнинг хотирасига ҳурмат кўрсатаётганлари, манзилларини обод этаётганлари, боз устига Самарқандда бутун дунёдан келган нуфузли олимлар олдида буюк боболаримиз – шарқ алломаларига одилона баҳо берганлари олам аҳли қўнгилларини ҳайратларга чулғади.

Биз учун энг ишончли манбалардан бири – Низомиддин Шомийнинг „Зафарнома“ асарига мурожаат қиласар эканмиз, унда қуйидаги сўзларни ўқиймиз:

„Ҳумодилаввал ойининг биринчи куни (милодий 1391 йил 6 апрель) дарёда сув қўтлайди. Бир неча кун тўхтаб, кечув жоий изладилар. Сувдан



¹ Низомиддин Шомий. Зафарнома. 27-бет. „Ўзбекистон“, Т., 1996.

үтиб, ойнинг йигирма бирида (26 апрель) лашкар Кичик Догга етди. У жойдан кўчиб, ўртада икки кечада ўтказиб, жума куни Улуг Дог мавзесига етдилар. Амир Соҳибқирон тог устига чиқиб, ҳар ён назар солди. Атроф поёнсиз саҳро ва чўли биёбон эди. У куни шу жойда тўхтаб, ҳамма лашкарга тош келтиришни буюрди. У жойда баланд минора-нишона кўтардилар. Тоштарошларга буюрди, улар у кунлар тарихини тошга нақш қилдилар.“

Бу тош XX асрнинг 30-йиллари ўртасида ҳозирги Қозоғистоннинг Карсаклай маъдани ёнида топилган, ҳозирда Санкт-Петербургда Эрмитаж музейида сақланади. Унда Амир Темур фармони билан **она тилимизда** битилган қўйидаги сўзларни ўқиймиз: „*Тарих етти юз тўксон учда (1391), қўй иили, кўкламнинг ора ойида Туроннинг султони Темурбек икки юз минг қўшин билан ислом учун Тўхтамишхон хонлигига юрди. Бу ерга етиб, белги бўлсун деб, ушбу битиктошни ёздириди. Тангри нусрат бергай иншоолло. Тангри фуқарога раҳм қилғай, (фуқаро) бизни дуо бирла ёд қилғай*“.

Бу жуда муҳим тарихий ҳужжат!






Алишер Навоий номидаги Миллий боғдаги
шоир ҳайкали ва боғнинг олд кўриниши.



Борда.



Чавгон ўйини.



Абу Тоҳирхўжанинг
«Самария»
жарири муқоваси.




Муҳаммад Али.
Сарбадорлар»
жомани муқоваси.



Муҳаммад Али.
«Улуғ салтанат» эпопеясининг
биринчи китоби муқоваси.



Тулқун Ҳайит, Файзикон Набиева.
«Улуғ Амир ўғитлари»
китоби муқоваси.



Учинчи бўлим

ҚИСМАТ, МАСЪУЛИЯТ ҲАМДА БУЮК БУНЁДКОРЛИК

Муҳаммад Али:

— Ўтмишда кўрамизки, номдор ҳукмдорлар ўзларини дунё учун масъул, деб билганлар, Искандар Зулқарнайнни олинг, ё Атила, Чингизхон, Юлий Цезарь ва бошқалар ҳам салтанат таҳтига ўтирас эканлар, дунё ойнаси кўз олдиларида турган.

Тўлқин Ҳайит:

— „Гузуклар“да қайд этганларидек, Темурбек ўн икки ёшларида жаҳонгашталик қисмати бўлди, салтанат тўнини кийгач, ўз тушагида роҳатда ухлаш ҳузур-ҳаловатидан воз кечди.

Ул зот дейдиларки:

„Золимдан мазлумнинг ҳакини олдим. Золим етказган моддий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин, уни шариатта мувофиқ иккиси ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зуслм етказмадим“?

Муҳаммад Али:

— Инсонда тақдир аввалдан битилган бўлар экан-да. „Пешанада борини кўрасан“, деган ҳикмат ҳам бежиз эмас. Амир Темур ҳам ўз тақдирини қисмат, деб билди ва салтанат таҳтида ўтириб, жаҳонга бўйлади.

Яна дейдиларки,

„Улуғларни оға қаторида, кичикларни фарозанд ўрнида кўрдим. Ҳар сарнинг табиати, ҳар эл ва шаҳарнинг расму одатлари, мизожидан воқиф бўйиб турдим. ... ўзлари тилаган одамларни уларга ҳоким бўлиб тағтиладим“.

¹ Темур тузуклари. 75-бет. „Ўзбекистон“ НМИУ, Т., 2011.

Тұлғыннан Ҳайт:

— Инсон — мұраккаб, ноёб ҳодиса, тақдиди битиклари ундан ҳам ноёб. Фаридиддин Аттор дейдилар:

„Ажабки, ...үйнинг ичиңесан-у, әшиқдан ташқарисан, ҳам күринасан, ҳам үйкесан“.

Күрамизки, дунёning барча номдор, машхур кишилари инсон ва борлық ҳақидағи қарашларини баён этиб үтгандар. Бу мавзу инсон зотини ҳеч қачон тарк әтмайды. Амир Темур ҳам ана шундай инсонлар тоифасидан бұлғани учун ҳам фалсафа билан қизыққан.

Мұддаммад Али:

— Манбаларда қайд этилишича, Валиуддин Абу Зайд Абдурахмон ибн Мұхаммад ибн Ҳалдун 1332 йил 27 майда Тунисдаги бой-бадавлат оиласа дунёга келган. Қуръони Карим, тафсир, ҳадис, фиқх, мантиқ, риторика, араб адабиети, шеърият илмларини пухта үрганған. Маринийлар саройда юқори лавозимларда хизмат қылған. Кейинчалик катта олим сифатида танилиб, Миср ва Қохирада яшади. Мамлуклар султони Барқұқ (1382–1399) унинг қобилияты ва илмини күриб, уни үз ҳимоясига олди. 1384–1385 йилларда Қохирада Моликия мазҳаби қозиси вазифасини бажарди. Султон Барқұқ вафотидан сүнг унинг үрнига тахтта үтирган үғли Султон Фараж файласуғни үз вазифасидан четлаштириди.

Ибн Ҳалдун үзининг „...Амир Темур билан учрашувим“ асарыда тақидағы қайда, үттиз-қирқ йил давомида у билан учрашиш орзусида юрган.

1400 йил сентябрь ойида Амир Темур Ҳалаб шаҳрина келганида, Султон Фараж Дамашқ томон лашкар тортади. Ибн Ҳалдун ҳам унга ҳамроҳлық қылади. Маълум сабабларға күра, Султон Фараж Мисрга қайтади, Ибн Ҳалдун эса кетолмайды, анча ёшға бориб қолганига қарамасдан, қалъа деворидан ошиб тушиб, Амир Темур ҳузурига йўл олади ва унинг бехад катта ҳимматига сазовор бўлади, 35 кун давомида у билан сұхбатлар қуради.

Шундан сүнг Қохирага қайтиб келади ва 1406 йил 17 марта шу ерда вафот этади.

Буни қарангки, ана шу 35 кун давомида Амир Темурдек буюк ҳукмдор бу томонда катта қүшинни бошқариш, унинг игнасидан тортиб, озиқ-овқатларигача бўлған барча муаммоларини ечиш, шунингдек, ўзга юртда ҳарбий ҳаракатларни олиб бориш, адолатни қарор топтириш, оёқ

остида турган ранимни күздан қочирмаслик каби муаммолар гирдобида турган таҳт соҳиби битта олим учун шунча вақтини ажраттанига ҳайрон қоласан киши. Одам ҳам шунчалик бағрикенг, ўта сабрли ва чукур тушунчага эга бўлиши мумкинми?!

Амир Темур дейдиларки,

„Сайнинглар, уламо, машойинхлар, оқрулудонолар, мұхаддислар, тарихчиларни сара, эътиборли одамлар ҳисоблаб, иззату ҳурматларини жойига күйдим, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди“.

„Кимнинг ақли ва шиҷоатини синов тарозусида тортиб, бошқаларникидан ортиқроқ кўрсам, уни тарбия қилиб, амирлик даражасига кўтарар эдим“.

Яна дейдиларки,

„... Қайси навкарни ўзлари улуғлаб кўтарган бўлсалар, тезда уни хорлаб, тубан қилмасинлар“.

Оталмиш, Амир Темурнинг қариндоши бўлиб, жангларнинг бирида мисрликларга асир тушади ва Амир Темур Султон Барқуқдан ҳам, кейин Султон Фараждан ҳам уни озод этишни сўраб, бир неча марта мурожаат этган, лекин ... лекин дағдага қилмаган.

Эътибор берсак, бу ўринда ҳам Амир Темур энг юксак нұқтадан оламга, одамларга камтарлик билан боқмоқда. Хўш, Амир Темур учун камтарлик нима эди, нега у бунга қатъий амал қилган ва ақли расо одамларнинг ҳар қандай таъна-дашномларини ҳам сабр-тоқат билан эшитган ва уларни кечира билган?

Бу борадаги саволларга жавоб топиш учун қайси манбаларга, панд-насиҳатларга, ўтиларга қулоқ тутишимиз керак бўлади?

Мұхаммад Али:

— Бу борадаги энг бирламчи манбалар биз учун оят ва ҳадислар ҳисобланадиган бўлса, уларда инсоннинг кибру ҳавога берилishi тақиқланган. Агар инсон бирор нарсаси билан мақтаниб, такаббурлик қиласа, ўз ҳаддини унутса, Тангрига таалмуқли сифатларга даъвогарлик қилган бўлади. Бу Шарқнинг ўта нозик нұқталари. Буни билмаган айрим фарб тарихчилари, ожизона қалам аҳли оғизларига тўғри келган сўёни айтиб юбораверишган. Гоҳо ўйланиб қоласан киши, туппа-тузук баъзи олим-

лар ҳам ёлғонни қўпиртириб юборадилар. Энг ёмони, тарихни сохталашибдириб, халқларни бир-бирига қайраётган фаразгўй кучлардан қўрқишишкерак.

Тўлқин Ҳайит:

— Мен яқинда Озарбайжон тарихчиси Аббос Қули оға Бокихоновнинг „Гулистони Эрам“ тарихий асари билан танишдим. Ва ундаги бир воқеа дикъатимни тортди. Эмишки, Соҳибқирон Амир Темур Кавказда бўлганида, қўмиқ амирларидан бўлмишҒўбдин унинг ҳузурига келиб, ўзларининг ночорлигини-ю, ул зотнинг бундай бечора кишиларни доим қуллаб-қувватлашини ва ўзларига ҳам шу муносабатда бўлишига ишониб келганини баён қилибди. Албатта, Амир Темур мард кишиларни жуда ҳурмат қилган. Шу сабаб АмирҒўбдинга ва қабиласига ўша ерларни бир умрга хатлаб берган экан. Ул зотнинг ҳаётида бундай ибратли мисоллар кўп.

Устоз, Сиз билан биз сўз юритмоқчи бўлган масала, яъни жаҳонгирилик қисмати ва масъулияти юзасидан жуда кўп мунозара, баҳслар бўлиб ўтган ва бу тўғрида ёзилган китоблар сон-саноқсиэдир, чунончи, Соҳибқирон Амир Темурнинг ўзлари ҳам бу борада ноҳақ иш тутгандарида, биз Йилдирим Боязид борасида бирор сўз айтишга ожиз қолган бўлардик. Сиз „Улуғ салтанат“ тетралогия асарингизнинг тўртинчи китоби — „Шоҳроҳ Мирзо“да ўша давр воқеаларини муфассал баён этгансиз. Ўша воқеаларни яна бир карра тилга олсак. Милодий 1400 йил арафасида ҳакиқатан ҳам дунё харитасини ўзгартириб юборадиган воқеалар юз берди. Амир Темур эса аслида бу пайтда бошқа мақсадларни кўзлаб турган эди...

Муҳаммад Али:

— Тўғри, Амир Темур Фарб сари эмас, балки объектив сабабларга кўра Шарқ томонга юришни мақсад қилиб қўйган эди. 1389 йилда Европада Косово майдонида усмонлилар 70 минглик катта қўшин билан серблар ва боснияликларнинг улкан лашкарини тор-мор қилди. Бу жанг довруғи эса бутун дунёга тарқалиб, айниқса, Европани титроққа солди. Серб князи Лазар асирга тушган бўлса, Усмонлилар империясининг шавкатли ҳукмдори Мурод Ҳудовандигор серб жангчиси Милош Обилич

томонидан ўлдирилади. Турган гапки, унинг ўрнини 29 ёшли ўғли Боязид эгаллади. Гайратли, шиддаткор ва шамоддек учқур бўлгани учун ҳам унинг номига „Йилдирим“ лақаби берилган эди ва у тарих сахифаларига Йилдирим Боязид номи билан кирди.

Тўлқин Ҳайнт:

— Инсон — ожиз банда, Яратган олдида бир чивин каби ҳам эмас, аммо бойлик ва мансаб унинг кўзларини кўр қилиб қўяди-ю, қалбida шайтон маҳкам ўрнашиб олганини ўзи ҳам сезмай қолади. Шу маънода Усмонлилар империясининг номдор ҳукмдори Йилдирим Боязид ўша пайтда дунёning энг қудратли тахт соҳибларидан бири бўлиб, Европа чиндан ҳам унинг олдида даҳшатга тушиб турарди.

Худди шу йилларда Амир Темур Корабоғта, ўзининг Farb томондаги қароргоҳига келиб қўнди.

Ўша замонларда ҳарбий сафарлар давомида номдор шавкатли амирлар, иззатли нўёнлар, атоқли шаҳзодалар кўмаги ва буйруқлари, кўрсатмали асосида кўз очиб-юмгунча бутун бошли улуғвор шаҳарлар қад ростлар эди. Бу шаҳарларнинг ўз бозори, ҳаммоми, ҳатто ип-игна сотадиган алоҳида дўконларигача, сартарошлари, табиблари, тақачилари, борингки, одам учун, аскар учун нимаики керак бўлса, бари-бари бунда муҳайё этиларди.

Амир Темур, яъни жаҳон ҳукмдори учун алоҳида сарой барпо этилиб, унинг мовий гумбазлари, ҳашаматли кунгурулари узоқлардан ҳам, кўзга ташланиб турарди, ҳатто ул зот учун ниҳоятда бежирим ва ўша замоннинг ноёб ихтиrolаридан бўлган қўшқават мачит ҳам ҳозирлаб қўйилганди. Бу нарса шуни кўрсатадики, демак, меъморчилик шу даражада тараққий этганки, бутун биз уни сўз билан ифодалай олмаймиз.

Бу ўринда биэ яна шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, беҳисоб улкан ўтов ва чодирлардан иборат шаҳар битгач, дорбозлар, кўзбойловчилар, қизиқчилар, масхарабозлар томошалар кўрсатганлар, ўзига хос театр ўйинлари ҳам намойиш этилган, карнай-сурнайлар чор-атрофни тутган; атоқли шаҳзодалар ғазаллар битганлар, базму жамшид ва машваратларда олимлар, ижодкорларни тўплаб, баҳс-мунозаралар ўтказганлар, ғазалхон-лик кечаларини ташкил этилганлар; куй-қўшиқлар тингланган, рақслар ижро этилган; тунлари тахт вориси, энг иқтидорли шаҳзода — Мухаммад

Султон Қуръони Карим сураларини күчиреб, ўзининг моҳир хаттот эканлигини ҳам намойиш этган. Кундуз кунлари қўшин ёрдамида ов уюштирилган ва бундан кўзланган мақсад, аскарларнинг мерганлик маҳоратини ошириш билан бирга, улкан қўшинни озиқ-овқат, гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи ҳам ҳал этилган; фақат шу эмас, қўшин БУНЁДКОРЛИК ишларига ҳам жалб этилган.

Тўлқин Ҳайит:

— Устоз, чиндан ҳам, Низомиддин Шомий ёзадики, Мухаммад Султон „Самарқанд томондан зўр ҳашамату кўп аскар, бағоят тажаммалу бениҳоя шаъну шавкат билан келиб, Амир Соҳибқирон ҳазрат оёғини ўтиш шарафи билан баҳтиёр бўлгач, унинг шарафига бир неча кун базмуюштирилган ва сўнгра шикорга чиқилган“.

Мұхаммад Али:

— Худди шу воқеа, яъни шикордан сўнг Сиз тилга олган ўша БУНЁДКОРЛИК шу ерда яна долзарб масала касб этади.

Тўлқин Ҳайит:

— Ҳақиқатан ҳам Амир Темур бир қарич унумдор ерни кўрса ёки бирор булоққа қўзи тушса, ёинки, бирор ҳароб жойдан чиқиб қолса, дарҳол аскарлари қуролларини меҳнат қуроллари билан алмаштирган.

Мұхаммад Али:

— Бу нарса Соҳибқирон Амир Темур ҳаётининг бош мақсади, яъни ул зот тинч даврда яшаганда, бугун биз уни фақат БЮОК БУНЁДКОР сифатида тилга олган бўлардик. Қисқаси, шикор асносида ҳароба жойдан чиқиб қоладилар.

Соҳибқирон Амир Темур подшоҳона назари билан ўша мавзега қараб: „Номдор подшоҳлар қудратининг фойдаси, адолатшоир маликлар ғамхўрлигининг манфаати хайрли ишларни шойиъ қилиш ва яхшиликни ёйишдир... биздан ҳам бирор ёдгорлик қолиши лозимки, замонлар ўтиши билан бизнинг номимиз ўша ёдгорликда сакланиб қолсин ва унинг ажру савоби беандоза бўлсин“, деди.

Шундай қилиб, Арас дарёсидан Сарчабел этагигача бўлган, ўн фарсаҳ масофагача етадиган, Гилон ва Мозандарон денгизига қуйиладиган

канал барпо этилди. Соҳибқирон ҳазратлари унга „Барлос наҳри“ деб ном бердилар.

Тұлқинн Ҳайит:

— Низомиддин Шомий бу түгрида маълумот беріб, шундай дейді: „Хозирги пайтда у вилоят ахолиси ундан шоду хуррамдирлар, ҳамма унинг атрофида зироат ва иморат қилишга, тегирмөнлар қуриб, қишлоқтар барпо этишга иштиёқмандирлар“. Ҳар қалай, бу наҳр қурилиши билан у шаҳар ва диёрларнинг обод бўлишига сабаб бўлди.

Мұхаммад Али:

— Бунёдкорлик ва хурсандчilik ишлари билан бир қаторда, Амир Темур дунё майдонида рўй берәётган воқеаларни ҳам кузатиб турар эди. Масалан, Рим империясида ҳукмдорлик қилган Солон жуда кўп ажойиб қонуnlар қабул қилиб, жамиятни таназзулдан қутқариб қолганки, у ҳақида турли табака вакиллари ҳали-хануз яхши сўзлар битишади. Нимага? Чунки у машҳур шоир, ажойиб носир, яхшигина файласуф ва бағрикенг инсон ҳам эди. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун, ана шу ҳукмдорнинг қиз-жуvonларни сақлаш, уларни жамиятнинг эркин шахслари-га айлантириш борасидаги қонунини олиб кўрайлик. Маълумки, ўша пайтларда Рим жамиятида гўзал қизларни ўғирлаш, жувонларга кўз олайтириш авжига чиққан, ҳатто ўз қизи, синглисини ҳам пулга сотадиган нокаслар кўп эди. Жамият шу даражага келиб қолган, пул, бойлик биринчи ўринга чиқиб, римликлар ор-номуси топталаетган эди. Ҳукмдорнинг олдида эса ана шу мушкул масалани ҳал этишдек қийин вазифа кўндалғ туради. Солон ақлинни ишга солди ва: „Қиз-жуvonларни ўғирлаб кетиб, зўрлаб қўйган кимсалардан 100 драхм, қўшмачилардан 20 драхм жарима ундириб олинсин! Ўз қизини ёки синглисини пулга сотганлар жамиятдан ҳайдаб чиқарилсин!“ деган фармон берди. Натижә қандай бўлди, деган саволга келсак, ўша пайтларда 20 драхм топиш ўлимдан қийинроқ эди. Шунча жарима тўлагандан кўра, ҳатто энг ёвуз кимсалар ҳам, тўғри юришни афзал билдилар ва тез орада жамият ҳавоси тозаланиб, қиз-жуvonлар бундай хавф-хатарлардан қутулдилар.

Бунга тескари ўлароқ, Чингизхон олдида Жўжи муаммоси туғилганда, у зулмкор чора топишга мажбур бўлган эди. Маълумки, Жўжи унинг

түнгич ўғли бўлиб, меросхўр ҳисобланар, гўзал рафиқаси эса уни қўлида қўтиричоққа айлантириб олган эди. Шу боис ҳам, Чингизхон ўз ўғлидан хиёнат чиқишини билар ва ундан ўлгудек чўчир эди. Уни давлат ишларидан четлатишга, гумдон қилишга эса оталик меҳри йўл бермасди. Аммо вазият кундан-кунга таранглашиб боравергач, муаммони ҳал этмаса, ўзи ажалидан беш кун бурун ўлиши муқаррарлигига тўла ишонч ҳосил қилгач, овга чиққан пайтида Жўжининг ортидан қотилларни йўллади ва тўнгич ўғли шу тариқа маҳв этилди. Жўжининг ўлими ҳақида эшитган Чингизхон ўзини қайфуга ботган ҳолда кўрсатди ва: „Кимда-ким Жўжининг ўлгани ҳақида хабар тарқатса, оғзига қўроғшин қуяман!“ дей пўписа қилди.

Мана бу нарса, юзага келган муаммони „чингизхонча“ ҳал этиш дейилади.

Тўлкин Ҳайит:

— Күёш ҳам узоқдан яхши кўринади, яъни узоқдан туриб, ундан фойдаланиш керак. Яқин борсанг, куйиб кетасан. Колаверса, атрофин-гизда турган донолар, ҳатто оддий одамлар ҳам натижани яққол кўриб турадилар. Шу холосага келдимки, ҳалқ ва донишмандларнинг энг яхши панд-насиҳатларига, эътиборли муқаддас китобларда битилган ўтиларга амал қилиб яшаган инсон адашмас экан. Афсус, биз буни кеч англаймиз.

Ҳатто Йилдирим Боязид ҳам адашган эди. Атрофида турган донишмандлар: „Соҳибқирон Амир Темурдек тақдирি азалида улуғворлик битилган соҳиби давлатта қарши мухолифат изҳор қилишнинг хосияти бўлмайди“, дей огоҳ этсалар-да, номигагина элчилар жўнатиб, Соҳибқирон Амир Темурни хотиржам этиб туришни кўзлади-ю, аммо уларнинг насиҳат ва уқтиришларини назарига ҳам илмади, яъни уларга қулоқ тутмади.

Соҳибқирон Амир Темур фойибдан буни сезди ва шундай деди:

„Мен табиатан у томонга юзланиш ва у мамлакатга лашкар суришни ходламаймен... Кора Юсуф қароқчи ва йўлтўсардир, унинг фитнағи фасодидан мусулмонлар шаҳарларинга етган зарар атрофдаги бегоналар-никидан кўра ортиқроқдир. Амир Боязид бўлса, уни ўз ҳимоясига олиб, жой берилти. Энди уч ишнинг бирини бажармоғи керак: аввало, унинг кирдикорини тўхтатмоқ учун шамшир ишлатиб, ишини охирига етказсин“

ёки уни бизга юборсин, токи биз гунохини сўраб, қилган қилмишинг яраша жазосини берайлик. Агар (Амир Боязид) бу икки ишнинг бирини ҳам хоҳламаса, уни мамлакатидан ташқарига ҳайдасин! Ана шунда ўртамиэда ота-болалик, дўстлик ва иттифоқлик барпо бўлади, қиз бериб, қиз оламиз, коғирлар билан қилган ғазотларида ҳар нимагаки қодир бўлсан, ёрдам қиласиз ва кўмаклашамиз!"

Устоз, эътибор берсак, Амир Темур жуда адолатли таклиф билан чиқиб, ўртадаги низо оловини ўчиromoқчи бўлган.

Мұхаммад Али:

— Воқеанинг давоми ҳам Амир Темурнинг адолат таҳтида сабит турганини кўрсатади, яъни у улкан лашкарни ҳаракатта келтириб, Рум сари бораётган бўлса-да, ўзининг одатдаги одамийлик анъаналарига риоя қилиб, Йилдирим Боязидга яна элчилар жўнатди. Элчиларга берилган хатдаги сўзларга эътибор берайлик: „Агарчи галабаёр аскарлар у томонга юзланган бўлсалар ҳам... , яъни ҳали ҳам кеч эмас, келинг, биродар, қон тўкмайлик, аксинча, Сиз бизга қароқчи Қора Юсуфни беринг, Кемоҳ қалъасини эгаларига топширинг, Рум мамлакати эса ўзингизга сийлов, нимаики қилсанг, барчасига ёрдам қўлини чўзгаймиз“ қабилида яна марҳамат кўрсатади.

Аммо Йилдирим Боязид юборган элчилар унинг шартларига рози бўлмаганини, Кемоҳ қалъасини беришни хәлига ҳам келтирмаганини пойинтар-сойинтар ҳолда тушунтиридилар.

Амир Темур оғир ҳомуза тортиб:

— Афсус, афсус! Агар Боязид Қора Юсуф хонадонини бизга юборганда, ўз хонадонини омон сақлаб қолган бўларди, — деди.

Турон қўшини Сивос сахросида кўриқдан ўтказилди. Кенг, хира саҳро жавшану зирхлар, беҳисоб қалқону хафтон ва қиличлару найзаларнинг чин ойналари каби ярақлашини кўрган борки, ҳар томондан бир қўёш чиққанмикин, деб ўйларди.

Элчиларнинг ақли шошиб, кўнгиллари хира, ақллари эса тийра бўлди.

Амир Темур уларга қаратади:

— Бориб Боязидга айтинглар, шунчалик бўлса-да, мен ҳануз унга нисбатан олижаноблик ва яхши муомала юзасидан иш тутамен... халқлар амну омонлик ва фаровонликда, фароғату осудаликда бўлгайлар, бу-

нинг савоби (у дунёда) бизнинг давлатимиз замонига мансуб бўлғай, —
деди яна сулҳ истаб.

Мен бу тафсилотни беҳуда тўла келтирмадим: Амир Темур ҳар до-
имдагидек, ўз сўзи ва ишида қатъий турди, яъни унга „урушнинг ҳеч
кераги йўқ“ эди. Қаранг, учинчи марта элчи жўнатди, сулҳ сўради, энг
яхши одилона таклифлар берди, аммо...

Йилдирим Боязид ўзининг енгилемас деб танилган сон-саноқсиз аж-
дарҳолари билан уруш қуролини кўтариб чиқиб, Амир Темурнинг оди-
лона таклифларини зулм кишанлари билан ўраб-чирмаб ташлади.

Турон қўшини орасида ваҳима кучайиб, кўп аскарларнинг дилига
ғашлик булуллари қўнди.

Йилдирим Боязид сон-саноқсиз аскарга эга... кўпинча душман усти-
дан ғалаба булар томонда бўлган. Бунинг устига улар ўз диёрларида
тинч ва осуда турибдилар, бизнинг лашқар эса узоқ йўлдан келган, отлар
ориқлаган, қуввати қолмаган...

Ҳамиша ғалаба нашидасини сурган лашкарбошилар ўз аскарлари-
нинг қўнгилларини кўтариб, уларни тартибга солиб, жангта шай ҳолга
келтирилар.

Соҳибқирон Амир Темур эса Тангри таолодан нусрат ва ёрдам
тилаб, деди:

— Эй парвардигор! Мен қанчаки фатҳу зафарга эришган бўлсам,
сенинг қазо ва қадаринг ҳукми ва ёрдами билан эрищдим. Агар шун-
дай бўлмаса, менинг қўлимдан нима ҳам келарди. Ҳозир ҳам сенинг
лутғингдан умидвормен, шунга кўэ тикамен ва сенинг тўлиқ қараминг-
дан нусрат кутамен!

Бу сўзлардан кўрамизки, шунчалик катта зафарларга эришиб, улкан
тахт соҳиби ва беҳисоб бойликлар эгаси, буюк ҳукмдор даражасига етган
инсон булишига қарамасдан, Амир Темур ҳеч қачон манманлик қилма-
ган, катта кетмаган, ҳамиша Тангри олдида ўзининг ожиз банда эканли-
гини унутмаган.

Тўлкин Ҳайнт:

— Устоз, бу гапингиз биро воқеани эсимга солди. Қайси йили вилоят-
ларнинг бирода ижодий сафарда бўлдик. Шеригим таниш пулдор дўсти-
ни учратиб, унга қучоқ очди, аммо дўсти эса у билан қўл учida кўришиб,

хайрни ҳам насия қилди. „Туппа-тузук одам эди, ит бүлти“, деди шеритопмабди. Пул ҳам ақлли одамларни яхши күради, ақл калта, түзсиз, ахмоқ одам икки дунёда ҳам бойиган эмас. Тасодиф туфайли қўлига мўмай пул тушиб, бойлик ортирганлар ҳам, албатта, топилади. Буни ҳаёт дейдилар. „Бирни кўриб, фикр қил, мингни кўриб, шукур қил!“ Ўша йигит ҳам ана шу тоифалардан.

Ҳозир мамлакатимизда меҳнат орқасидан яхшигина даромад топиб, ўз оиласини бекаму кўст боқаётган инсонлар кўп. Ўзига тўқ одамлар бўлиши керак: айтайлик, жамиятга ақлли, илмли, фикри тоза, мард ва жасур инсонларни тарбиялаб, вояга етказиб берадиган макон, албатта, оиласидир. Демак, оиласиз кошона бўлиши керак. „Кошонада яшаган кошонадек фикрлайди“, деган гап бор. Фарзандни едириб-ичириш, кийинтириш, ўқитиш, соғлом ўстириш учун ҳам пул керак. Фикрлайдиган ёшлар қанчалик кўп бўлса, миллат кошонасининг пойдевори шунчалик мустаҳкам бўлишини ҳамма билади.

Мұхаммад Али:

— Бир одам бор экан. Ҳеч кимга сўзини бермас экан. Давраларда фикрли одамлар ҳақида гап кетса, „Фикрламасдан ҳам иш битқазиш мумкин“, дея нуқул ўз сўзини ўтказишига уринар экан. Унинг тўнғич фарзанди бўлиб, сира фикрлай олмас экан. „Шуни одам қилиб беринг!“ дея уни донишмандга топшириби. „Фикри бўлмаса, бунингизга қандай хат-савод ўргатаман?“ дебди донишманд ҳам. „Фикрлаши шарт эмас!“ унинг гапини чўрт кесибди ота. Шу билан донишманд унинг ўғлига нақ икки йил илм берибди. Сўнгра уни устозлар имтиҳон қилишига киришибидилар. „Дастлаб уни ўзим синаб кўраман“, дебди отаси ва бармоғидаги узугини яширинча сувуриб олиб, мушти орасига яширибди-да: „Хўш, ўғлим, қўлимда нима бор, топ-чи?!“ дея сўрабди. Ўғли шу заҳоти қалам ва қоғоз олиб, ҳисоб-китоб қилишига шўнғиб кетибди. Бир қанча рақамларни ёзиб, устози ўргатган мисоллар ёрдамида отаси қўлидаги нарсанинг тасвирини ҳар қалай аниқлай олибди. „Ота, қўлингиздаги нарсанинг ўзи юмалоқ, ўтаси тешик!“ дебди қувонч билан. Ота хурсанд бўлганидан ўрнидан туриб кетибди ва: „Эй одамлар, инсон учун фикрлаш шарт эмас, деган әдим-ку, сизлар бўлса, нуқул сўзимни инкор этар-лаш шарт эмас, деган әдим-ку, сизлар бўлса, нуқул сўзимни инкор этар-

динглар!" дега уларнинг устидан кулган бўлиди. **Ҳамма мум тишлабди.** Аммо ўғлининг устози: „Сал ҳовлиқманг, биродар, фарзандингиз мен берган илм орқали қўлингиздаги нарсанинг ҳолатини топа олди“, дега эътиroz билдиран экан, ота қаҳ-қаҳ уриб кулиди ва: „**Қани, ўғлим, қўлим**-даги нарсанинг отини айтинг, булар фикрламасдан ҳам яшаш мумкин. лигини бир кўриб қўйсилар!

Бундан холоса шуки, Йилдириим Боязид ҳам фикрлашдан тўхтаган эди. Тўғри, ожизни камситиш, енгилганинг ерга уриш осон, аммо тарихий ҳақиқат шуки, ўша куни жанг олдидан Амир Темур Тангри таолога муножотда бўлганлиги рост.

— Эй, сен, бандаларнинг асрорини билгувчи **Олим!** Эй, сен, бандаларни азиҳ тутишу хор қилиш қудратига эга бўлмиш **Қодир (Алоҳ)**! Сен ўзинг билласанки, мен у (**Боязид**)ни сенинг ризойинг бўлмиш сулҳга чақирдим. У эса сенинг амрингта хилофан саркашлиқ қилди. Агар мен рост айтатётганилигимни билсанг эди, энди менинг додимга етиб, ундан менинг ўчимни ол!

Жанг эрта тонгда бошланди. Курко, карнай, бурғу ва ноғораларнинг суронли жўр оҳанглари чор-атрофни титроққа солди. **Қисқаси**, Турон жангчилари гарчи толиқкан, анча мадорсизланган бўлсалар-да, мардона олишиб, зафар қучдилар. **Ҳаммадан** ўзини устун билган қайсар Йилдириим Боязид эса асир тушди.

Тўлқин Ҳайнит:

— Устоз, айни шу нуқтада фикрингизни бўлишга тўғри келади. Кўпгина ўқувчилар Йилдириим Боязидни темир қафасга солиб олиб келганлар, деган афсонага қаттиқ ишонадилар. **Ҳатто Потсдамдаги деворий** суратда ҳам шу манзара хаёлий акс эттирилган. Сиз бунга қандай қарайсиз?

Мұхаммад Али:

— Амир Темур ва Йилдириим Боязид ҳақида афсоналар шунчалик кўпки, гоҳо уларнинг қайси бири ҳақиқату, қайси бири тўқима, ўқувчи чалкаштириб юборади. Мана, ўшалардан бир-иккисини эслайлик:

Биринчи ривоят

Эмишки, жанг тугагач, асир тушган Йилдирим Боязидни олиб келгандарида, Амир Темур шахмат ўйнаш билан машгул эди. У бир неча дакиқагача мағлуб ҳукмдорга эътибор қилмади. Нимага? Назар билан синдириш, деган гап бор. Ниҳоят, шахмат тахтасидан бошини қутарган Амир Темур мағлуб рақибиға қараб: „Бўлдими?!“ деган экан, тик қотиб турган Йилдирим Боязиднинг ранги оқариб, оёқларидан мадор кетиб, латтадек бўшашиб қолган эмиш.

Шунча жанг қилиб, қилич чопиб, руҳан синмаган Йилдирим Боязид ана шу лаҳзада тупроққа қоришган кишидек, адойи тамом бўлган экан.

Иккинчи ривоят

Йилдирим Боязидни ҳузурига олиб келганларида, Амир Темур бош чайқаб: „Дунёнинг ишлари сен каби кўзи ожизга-ю, мен каби оёғи оқсоқка қолганига қара!“ дея истехзо қилган эмиш.

Булар ривоятлар.

Агар биз буларга ўхшаш афсона ва ривоятларни кетма-кет келтирсак, сахифалар етмайди, лекин уларда ҳақиқат ҳам мавжуд, аммо гапнинг рўйи рости, Йилдирим Боязид ҳеч қанақа темир қафасга солинган эмас, фақат Йилдирим Боязиддек машхур ҳукмдорни Султон Маҳмудхон асир олган, аскарлар ҳарбий тартибга мувофиқ жиддий қўриқлаб олиб келганлари рост. Бу ҳақда Низомиддин Шомий: „...амрга биноан уни (Боязидни) банддан бўшатиб, Амир Соҳибқирон ҳузурига олиб келдилар“, дея аниқ ёзган.

Йилдирим Боязиднинг танг ҳолини тушуниб турган Амир Темур уни иззат-икром билан қарши олиб, гуноҳларини кечирди ва дедики:

„Агарчандки, илоҳий тақдирга қарши чора кўриб бўлмаса ва фаялак тақозосини саъю қўшиш билан рад қилиш ва тўхтатиш муюссар бўлмаса ҳам, ҳақиқатда, бу ёмонликни ўзингта ўзинг қилдинг. Бир неча марта ўз ҳаддингдан ташқари оёқ босиб, мени шунга мажбур қиадингти, сендан ўч олишим вожиб бўлиб қолди. Шунга қарамай, мен уларга эътибор бермай насиҳат мақомида туриб, нимаики мусулмонлик вазифаси бўлса, сенга нисбатан адо этдим ва хабар юбордим: „Бизнинг давлатимиз яловининг

муборак юзини анқоси Рум заминига соя солишини мен хоҳламаймен.
...Мен сендан түртта енгил илтимос қилдим: бири шуки, Кемох қалъаси-
ни таслим этасен, иккинчиси, Тахуртан хонадонини бизга юборасен, учин-
чиси, Кора Юсуф хонадонини ўз мамлакатингдан чиқариб юборасен,
түртингчиси, бизга донишманд кишиларни юборасен, токи улар ўртамиз-
даги аҳду паймонни таъкидлагайлар ва буни хушнудлик билан (сенга)
етказгайлар.

Агар сен ақлни ишлатиб, ўзгаларнинг ҳолидан ибрат олганингда эди,
бутун сендан бошқалар ҳам ибрат олганидан яхшироқ бўлар эди. Ҳозир
улуг Тангри таоло менга ғалаба ато этди ва қувват берди. Мен сенга
яхшиликдан ўзга ишни раво кўрмаймен!“

Йилдирим Боязид тавозеъ билан ўз гуноҳларини бўйнига олди ва:

— Мен сиздек бир Соҳибқироннинг насиҳатларидан юз ўғирдим,
оқибат ўз феълим жазосини топдим. Агар гуноҳимни кечирсалар, то
тирик эканман, ўзим ва фарзандларим бандалик ва хизматкорлик мақо-
мида туриб умр кечирамиз.

Фарзандларим Мусо ва Мустафо жанг майдонида эдилар, уларни
топиб, тирик бўлсалар, бу бандасига етказсалар, шоҳона инъомлари янада
зиёда бўлар эди! — дея илтимосини ҳам изҳор этди.

Тезда Мусони топиб келдилар, Амир Темур унинг гуноҳидан ўтиб,
унга атаб чодир тикирди, шоҳона лутфу марҳаматлар, инъом-эҳсонлар
билан сийлади.

Орадан уч кун ўтиб, уюштирилган шоҳона базмга Йилдирим Боязид
ҳам таклиф этилди ва азиз меҳмонлар қаторида сийланди. Шу воқеа-
нинг ўзи ҳам Амир Темурнинг ўз мухолифига инсоф ва адолат юзаси-
дан одилона муносабатда бўлганини кўрсатади.

Тўлқин Ҳайит:

— Бағрикенглик, узокни кўра билиш, ҳар қандай ҳолатда ҳам одам
бўлиб қолиш, одамийлик қилиш инсонга шараф ва обру келтиради. Бу
ҳаётий ҳақиқатни Сиз тилга олган ана шу воқеадан кейин ҳам кузатиш
мумкин, устоз. Воқеаларнинг боришини четдан кузатган Йилдирим Боязид
ўғли Сулаймон мухолиф бўлишни бас қилиб, итоатга келди ва дедики:
....сиз ўз комил қарамингиз тақозоси билан менинг отамни ҳурмат ва

иззат мақомида тутдингиз, олий мажлисдан жой ажратиб, ўтиришга имкон бердингиз, унинг кўнглини кўтариб, подшоҳона инъому эҳсон билан тақдирладингиз. Шунинг учун мен ҳам фармонбардорлик ва итоат кўчасига бош қўяман“.

Муҳаммад Али:

— Худди шу йўсинда Йилдириим Боязиднинг бошқа ўғли — Исобек ҳам Кутбиддин исмли элчиси орқали итоатга келганини билдириб, шоҳона тухфалар ва наслли отларни ҳадя қилиди. Бунга биноан Амир Темур ҳам элчини ўз марҳамат ва иноятлари билан тақдирлаб, унга соввалар берди, Исобекка ҳам кулоҳ ва камар юбориб, беҳисоб лутфу марҳаматлар хушхабарини билдириди.

Тўлқин Ҳайит:

— Бу ўринда саволлар очиқ қолмаслиги керак, деб ўйлайман. Нима деб ўйлайсиз, устоз, айни шу нуқтада муҳтарам ўқувчилиари-миэда „Йилдириим Боязид ғалаба нашъасини сургандан, қандай йўл тутган бўларди?“ деган фикр туғилмасмикин?!“

Муҳаммад Али:

— Табиий ҳол: ўқувчикдек зукко ва ҳар бир гапни таҳлил қиувчи кишини тополмайсиз. Шундан келиб чиқиб, юқоридаги фикрларни бир оз таҳлил этсак, яъни воқеа тескари авж олганда, Йилдириим Боязид асир тушган Амир Темурга қандай муносабатда бўларди?! Бу саволга жавоб, Амир Темурнинг Йилдириим Боязидга айтган бир оз кинояли сўзларнда ёрқин аксини топган: „*Шу билан бирга, агар воқеа аксинча бўлиб, узут Тангри таоло сенинг устингдан менга берган ғалабани сенга берганица, менга ва аскарларимга нисбатан сендан қандай ёмон ишлар содир бўлиши маълумдир*“, дея уни изза қилган эдики, шу сўзларнинг ўзи ҳам биз учун етарли.

Тўлқин Ҳайит:

— Йилдириим Боязиднинг вафот этиши борасида ҳам тўхталиб ўтиш лозим, деб ўйлайман. Бу борада ишончли манбаларга мурожаат қилсақ, нима дейсиз, устоз?!“

Мұхаммад Али:

— Эң ишончли манбалардан бири Низомиддин Шомийнинг „Задарннома“ асари, деб ҳисоблайдиган бўлсак, унда шундай сўзларни учратамиз: „...*Йилдирим Боязидинг эски, доимий касали устига иззат-нафси*нинг инқирози қўшилиб, дарди оғирлашди. Амир Соҳибқирон ҳазрат унинг борасида шафқат маросимини бажо келтириб, атоқли табибларга доимо унинг хизматида бўлиб туришни буюрди. Ҳар доим хушбуй шарбатлар, мувофиқ келадиган таомлар бериб турдилар“.

Булардан аён бўладики, аввало, Йилдирим Боязид ўз хатоси ҳақида ўйлаб, ич-ичидан эзилган. Матнда „иззат-нафси“нинг инқирози“, деган ибора борки, у бизни бефарқ қолдирмайди. Руҳий азоб ва аламдан ортиқ қийноқ йўқ дунёда. Мағлубият алами ўтида, пушаймонлик азобида ўртанаётган Йилдирим Боязид атрофида кечаётган воқеаларга, айниқса, Амир Темурнинг одамийлиги, кўрсатаётган ёрдами олдида ўзининг нақадар паст ва муте эканлигини ҳам тушунди ва яна тушундики, ҳар қанча улуттаки эгаси, мол-мулк ва беҳисоб қўшин эгаси бўлмасин, Аллоҳ таолони унугиб, манманликка берилган ва ўзидан кетиб, ўзгаларни писанд қилмаган шоҳ борки, таназзулга учраши муқаррар экан. Бу ўринда Амир Темурнинг бағрикенглиги,adolati ва тантлигига эътибор беринг, яна Низомиддин Шомийга мурожаат қиласиз: „Амир Соҳибқироннинг равшан хотири ва нурли замирида шу фикр бор эдикি, қачонки, Рум мамлакати ишларидан тамоман фориғ бўлса, Йилдирим Боязидни иззат ва ҳурмат билан ўз мақомига қайтармоқчи эди“, афсуски, унинг бевакът ўлими туфайли бу тадбири тақдирга мувофиқ келмади.


Тўлқин Ҳайнт:

— Устоз, Аллоҳ таоло ҳар икки зотни ҳам жаннати қилиб, марҳаматига сазовор этган бўлсин. Уларнинг ҳар иккиси ҳам бизнинг аждодлар ҳисобланади. Ҳар иккиси ҳам дунёнинг энг юксак устунлари эди.

Руҳсатингиз билан, мазкур бўлимга хulosалар ясар эканмиз, Амир Темур ҳеч кимнинг на мақтовига, на ширин сўзларига муҳтождир, зеро, 1401 йил август ойида Низомиддин Шомийни ўз ҳаёти ҳақида йирик

асар ёзишга ундар экан, мунший ва котиблари томонидан ёзилган, тузилган битиклардан қониқмаганлигини, лекин ёзиладиган асар авом ҳалққа тушунарли, содда, равон тилда, айни пайтда, маърифатли кишилар эътиборига лойиқ тарэда битилишини сұраган эди. *Демоқчиманки*, мана Сиз ҳам „Улуг салтанат“ эпопеясида Сохибқирон Амир Темур – буюк зотнинг оиласи оламига кириб, ота-бала муносабатлари, аҳли аёлита күрсатған меҳрибонликлари, шу аснода ул зотнинг бунёдкорликка, олимларга, боғ-роғларга ва энг муҳими, одамларга бўлган муносабатларини оддий ва ёрқин рангларда кўрсатиб бердингиз! „Улуг салтанат“ – тўртта салмоқли роман Амир Темур ва темурийлар ҳакида XX аср охири ва XXI аср бошида ўзбек адабиётида яратилган илк тетралогия сифатида ҳар жиҳатдан ўрганишга, эътибор қаратишга лойиқ асардир.





Тұртқынчы бүлім

САНДИҚҚА СОЛИНМАГАН ЙИГИТЛАР

ТАРИХ ТИЛГА КИРАДИ БИР КУН

Тұлқин Хайит:

— Узоқ мозийга, олис тарихимиз қаърига назар ташласак, юртимизга неча бор ёв бостириб келган бұлса, ота-оналар арзанда фарзандларини ҳам сандиққа яшириб қўйған эмаслар, акс ҳолда, тўмарислар, широқлар, жалолиддинлар каби ўз юртининг нон-тузини оқлаган, она сутини ҳалоллаб, Ватанига бостириб кирган ғанимларга, душманларга қарши курашган қаҳрамонлар етишиб чиқмасди ва яна акс ҳолда, „Боқий дунё“ шеърий асарингиздаги Насриддин, Жалол, Қудрат ва Азимбой, Суюнбойларни ҳам тилга олмас әдик.

Мұхаммад Али:

— Мен 1898 йилнинг 17 майдан 18 майга ўтар кечаси босқинчиларга қарши қўзғалган Андижон қўзғолони, 1916 йилдаги Жиззах қўзғолони, Кўкон мухторияти фожиаси ва жадидчilik ҳаракати мисолида қалқымизнинг босқинчиларга қарши курашгани ҳақида асар ёзишини ният қилган әдим ва шу маънода „Боқий дунё“ шеърий романи юзага келди.

Тұлқин Хайит:

— Устоз, бу сұхбат, сиз билан менинг қарашларим, демек, бир йұналишда, бир қолипда бўлмайди: шу асарингиз билан боғлиқ бир воқеанийтсан: эҳтимол, „томдан беҳуда хас тушмайди“, деган ҳикматнинг ўзи қам беҳуда эмас. Ўтган XX асрнинг саксонинчи йиллари бошида отанамга қарашиш учун бир оз муддат ўз туманимиздаги мактабда ўқитувчilik қилдим. Ўша даврда, биласизки, бизга жамоа хўжаликларининг ғаислари хўжайин бўлиб, уларнинг режасини бажариш ҳам елкамиздат юк әди. Шу туфайли Ҳудонинг берган куни ўқувчиларни далага олиб

чиқардик. Бир куни қарасам, ўқувчилардан бири майдон четидаги пахта хирмони ортида яшириниб китоб ўқиш билан машғул. Уни қўрдим, лекин ўзимни кўрмасликка олиб ўтиб кетдим. Бу ҳол икки-уч кун қайтарилиди. Уша ўқувчини кузатсам, кунлик режасини ҳам бажариб қўйган экан. Кейинги куни тушлик пайтида, пахтани тарозиларга тортиб олиш вақтида уни атайин сұхбатга тортиб, қанақа китоб ўқиётганини сўрадим. У ялт этиб қаради. „Китоб ўқиган ўқувчи мактovга лойиқ, кесак ичидагам китоб ўқишига вақт топаётганингни кўриб, сендан яхши одам чиқишига ишоняпман“, деганимдан сўнгтина у пахтадек очилди: „Домла, Жалол билан Гулсунга қизиқиб қолгандим“, деди. Англадимки, у „Боқий дунё“ ни ўқиётган экан. Шу мисолнинг ўзи ҳам асарнинг уша пайтнинг ўзида ўқувчи қалбига етиб борганини кўрсатади.

Соҳибқирон Амир Темур дейдиларки:

„Ёзилган нарсалар авлодлар хотирасида бажарилган ишлардан ҳам узокроқ яшайди“.

Мұхаммад Али:

— Китоб — буюк ҳикмат. „Китоби йўқ уй жонсиз танага ўштайди“, деган экан донолардан бири. Китоб ўқиган одам ҳаётнинг оқу қорасини таниб боради, энг муҳими, юрагида ҳаётта, одамларга меҳо-муҳабbat ортади. Ўзингиз айтинг, бизга жоҳил одамлар керакми ёки китоб ўқиб, инсонлигини англаған кишиларми?!

Жоҳил одам китобнинг қадрига етмайди ва ўзи ҳам ҳалокатта учрайди. Бир мисол. Ўтган асрнинг 30–40-йилларида мўйсафидлардан бири дала четида уч-тўрт қўйини бокиб, китоб мутолаа қилиб турган экан, жамоа хўжалиги раиси келиб қолиб: „Хой чол, далага, пахтага чиқсанг бўлмайдими?!“ дей дағдага қилибди. Бу ҳам етмагандай, кела солиб, унинг қўлидаги китобни тепиб юборибди. Отaxon эса шу заҳоти ерга таппа ётганча: „Раис, китобни тепманг, мана мени тепинг!“ дей оёқларини кучоқлаб олибди. Уша китоб Қуръони Карим экан. Раис тез орада оёқдан қолиб, шишиб кетиб, бир неча ойга ҳам етмасдан вафот этибди.

Тўлқин Ҳайит:

— Устоз, бу сўзингиз мени яна бир воқеани эслашга мажбур этди. Узр сўрайман, хотира-да бу, рухсат берасиз. 1990 йилмиди, мен ишлатгандагазетада Сизнинг „Ўз-ўзингни англаб ет“ мақолангиз босиладиган

ўлди. У пайтларда ҳозирдагидек техник имкониятлар йўқ. Бош муҳаррирдан буйруқ бўлдики, тезда коллаж тайёрлаш керак, яъни сарлавҳа учун шифма расмлардан иборат сурат бўлиши лозим. Рассом қиз касал бўлгани чун ўша куни ишга чиқмади. Турган гапки, бу вазифа менинг зиммамга ушди. Кечаси соат тунги иккиларгача ишхонада қолиб, коллажни бишрдим, у пайтларда мен газетанинг масъул котибига ёрдамчи эдим, расом бўлмаган кезларда коллаж ҳам тайёрлар эдим. Ҳуллас, ўша мақола юсилиб чиқди.

Сизнинг ўша эссеингиз нафақат республикамиизда, балки бошқа миллат вакилларида ҳам қизиқиш ўйботди. Баҳслар ҳам бўлди. Эсседа „Ҳақ талашмоқ ёмон нарса, аммо ҳақиқат учун курашмоқ ҳам қарз, ҳам рараздир“, деган сўзлар бор.

Муҳаммад Али:

— Буюк файласуф ва донишманд Суқроғтнинг: „Ўз ишингни қилгину, ўз-ўзингни англаб ет“, деган машҳур ҳикматида иккита катта маъно бор: „Ўз ишингни қилгин“ — ҳаёт, тақдир, инсон зиммасига юкланган вазифа, бурчни англаб етмоқ ва уларни уddaлаш лозим; „Ўз-ўзингни англаб ет“ — ўзингни, ҳаётингни, дўстларингни, жамиятни, ижтимоий қадр-қимматни, тарихингни англаб ет, дегани.

Тўлкин Ҳайит:

— Яқинда бир газетада Самарқанд сўзининг келиб чиқиши ҳақида анчайин баҳсталаб мақолани ўқидим, ваҳоланки, Сиз ўша мақолангизда буни тарихий исбот билан муҳрлаб қўйган эдингиз.

Муҳаммад Али:

— Маҳмуд Кошфарийнинг „Девону луготит турк“ асарида жуда кўп тарихий ҳақиқатлар борки, уларни тез-тез ўқиб туришимиз, ёшларга сўзлаб беришимиз керак. Мана, бир мисол. Аллома шундай ёзади:

„Кент – ўғизлар ва улар билан яқин турувчилар тилида қишлоқ. Кўтчилик турклар наздида вилоятдир. Шунинг учун Фарғонани Ўзкент – ўз шаҳримиз, дейдилар. Самарқандни катталағиги учун Семизкент – семиз шаҳар, дейдилар. Буни форсийлар Самарқанд тарзида қўлмайдилар...“

Алишер Навоий ҳазратларининг „ўзга тилларни ўрганинг, аммо ўз тилингизни муқаддас билинг“, деган сўзларида катта маъно бор. Одам ўз она тилини йўқотиб қўйса, кулги ва нафратга дучор бўлади.

Тұлқиннан Ҳайит:

— XIV асрда, аниқорғи, 1350 йилларда яшаган Мұхаммадхұја деган бир илтифотли ҳоким шоир Хоразмийга „Очунда порсий дафтарларинг бор. Тиларменким, бизинг тил бирла пайдо Китобе айласанг бу қиши қотимдо (қошимда)“, дея тилак билдиради. Аввало, үз она тиляда асар үқимоқчи бўлган ўша ватанпарвар ҳокимга миннатдорлик билдирамиз. Шундан сўнг Хоразмий 1353 йилда „Мұхаббатнома“ достонини ёзади. Ниҳоятда гўзал достон, тилини айтмайсизми?! 1989 йилда „Вафомаликаси“ асаримни бошлаган пайтимда, мен шу достонни үқиши билан машғул эдим, шоирнинг кўнглимга абадий нақшланиб қолган сатрларини ҳеч иккиланмай асаримга кирийтдим. Бу ҳам менга Ҳудонинг марҳамати бўлди, деб ўйлайман. Эҳтимол, Амир Темур бобомизнинг руҳлари ва Ўлжай Туркон оқанинг руҳлари ҳам шод бўлгандир. Ўша сатрларни ўкувчиларга ҳам илиндим:

Яротқон ким, тан ичра жон яротти,
Сени кўркликлар узра хон яротти.

Қуёш янглиғ юзунгизни ёрутти,
Фалактек бизни саргардон яротти.

Мұхаммад Али:

— Биз бугун Хоразмийни XIV аср ўзбек адабиётида дунёвий лириканинг ривожланишига чиндан ҳам муносиб улуш қўшган улуг шоирлардан бири сифатида эъзозлаймиз. Ўзбек адабиётида илк бор „нома“ жанрини бошлаб берган ҳам шу соҳиби қаламдир. Қолаверса, битта амалдорнинг ўз даври шоирига берган маслаҳати туфайли шундай нодир асар дунёга келди ва бугун ҳам жаранглаб турибди.

Фалак ишқинг йўлинда бесару пой,
Исирганг донаси Зухра, юзунг ой.

Ёки

Шакар ирнинг наботи Ҳизрға ўшшар,
Аёғинг кимки ўпса, мангу яшар.

Бу сатрларни унча-мунча қалам аҳли битолмайди. Үқиши осон, янгилик яратиш қийин. „Исирганг донаси Зухра“, „Шакар ирнинг наботи Ҳизрға ўшшар“. Ўтли, чарос, попук сатрлар кўнгилни эритиб юборади.

Гузалликка ошно бўлган қалб ўз юртнинг ҳам, инсоннинг ҳам, ижодкорнинг ҳам қадрига етади. Ижодкор дегани асаларига ўхшайди, яъни борчарнинг энг сара гулларидан тоза ҳосил йиғиб, уни инсонга узатади.

Тўлқин Ҳайит:

...Дарвоҷе, устоз, „Муҳаббатнома“ нинг асл қўлёзмаси бизда эмас, дейишади?

Муҳаммад Али:

— Чиндан ҳам, бу қўлёзма Британия музейида сақланади. Ундан элинган фотонусха асосида илмий ишлар амалга оширилган. Асарнинг ёзилиш йилини шоирнинг ўзи ҳижрий 754-йил (милодий 1353 йил) деб айтган. Бундай асарлар халқимизнинг бебаҳо мулки ҳисобланиб, асрлар ўтган сайин қиймати ошиб бораверади.

Тўлқин Ҳайит:

— Асрлар элагидан тушиб қолган асарлар ҳам анчагина. Демак, фақат қалбагина хизмат қилган асарлар умрбоқийдир.

Шоир дейдики:

„Азалда қилди Хоразмийни муҳтоҷ,
Тоғи манзурини султон яротти.

Китобат бошладим анжома етгай,
Муҳаббатнома Мисру Шома етгай“.

Ният холис эди, бугун кўрамизки, шоирнинг орзулари амалга ошиб, достони дунё кезмоқда. Ҳалқ мулкига айланган асарларнинг қадри йиллар ўтган сайин ошиб боради, зеро, мақсад худбинлик, ўзибўларчилик ё бирор бойлик илинжи эмас, тунларнинг сочини оқартиришу кўз нури ва куч-куватни сарф этишдан мурод юрга, элга холисона хизмат қилиб, тирикликни инсонийлик мақомида тутишдан иборатdir.

Темурийлардан етишиб чикқан шоирлардан бири Сайид Аҳмад айтадилар:

„Ҳикоятким, „Таашшуқнома“ бўлғай,
Улуғлар қошида аллома бўлғай“.

❖❖❖

Сайид Қосимий айтадилар:

„Ки туркий бирла назм этсам китобе,
Анинг ҳар ҳарфи бўлса фатҳи бобе.

„Ҳақиқатнома“ қўйсам анинг отин,
Баён қилсам бурунғилар сифотин.

Жаҳонда бокий қолса яхши отим,
Ниёзу дарду сўз ўлди сифотим“.

Юқорида тилга олинган достондан ташқари, Юсуф Амирийнинг „Даҳнома“, Сайид Қосимиининг „Садоқатнома“, Ҳайдар Хоразмийнинг „Гулшани ул-асрор“ асалари ҳам ўзбек мумтоз адабиётининг нодир намуналари ҳисобланади. Буларнинг бари ҳар томонлама ўрганишга, татбиқ этишга арзийдиган достонлардир.

Бугунни олинг: ижодкор зоти, айниқса, тарихимизни ўрганиш, қоронги жиҳатларини ёритиш учун ҳамма имконият, шарт-шароитлар етарли. Айтиш керакки, „Улуг салтанат“ тетралогиянгиз мустақиллик меваси, мана шу имкониятлар натижаси, ҳалқимиз маданий ҳаётидаги катта ютуқлардан бири. Бунгача анча йўл босиб ўтилган, яъни қанча уйқусиз тұнлар, кўз нурингиз, куч-қувват, соғлиқ ва қанча илмингизни сарф этиб ёзилган асарларингиз борки, ғалвир сувдан кўтарилганда, ҳаммаси қайта ойдинлашди. XX асрнинг олтмишинчи йилларида тарихимиз ҳақида бир қатор назмий тизмалар, „Гумбаздаги нур“ достони, „Боқий дунё“ шерьији романингиэда тилга олинган тарихий ҳақиқатларни ҳеч ким инкор этолмайди. Ҳаётга, ён-атрофга қараб туриб, гоҳида күясиз, гоҳида куласиз. Ижодкор зоти ҳам ҳар хил бўлади: кимдир даврга қараб қалам суради, кимдир бошқа орзуда; чинакам ижодкор-чи, деган саволга келсақ, улар йўлни бошданоқ тўғри танлар эканлар. Ва изоҳга ҳожат йўқ, энг муҳими, танлаган йўлингиз иқболга, яъни эзгу орзулар сизни янги истиқболлар оламига бошлиб келди.

Недан менинг шодлигим дуркун?

Недан ғамгин кулишим маним?

Тарих тилга киради бир кун

Бугунча мен айтай билганим.

Мен бу сатрларни илк бор ўқиганимда, фақатгина „*Тарих тилга киради бир кун*“ деган сатрингизга қўпроқ эътибор қаратган эдим ва ўша пайтдаги ҳолатимни тушунса бўларди. Мактабдалик давримизда тарихимиз деярли ўқитилмади. Ўша пайтларда ўзбек боласи Киев Руси, Москва князликлари, Иван Грозний, Пётр биринчи, Степан Разин, Емельян Пугачёвни яхши биларди-ю, лекин, очигини айтганда, биргина „Ином Мотуридий ким?“ дега сўралса, талаба ё ўқувчи, ҳатто домлаларимиз ҳам бир оғиз сўз айттолмасди. Нақадар аянчли ҳолат! Ана шундай даврда Сизнинг „*Тарих тилга киради бир кун*“ деган фикрингиз биз ёшлар учун чақмоқдек йилт этган янгилик эди. Нашотки, бир кун келиб, ўз тарихимизни ўрганиш учун йўллар очилса, деган фикримизга нисбатан ўта шубҳа билан қарадир, чунки ўша пайтларда ҳарбий-техник жиҳатдан устунликка эга совет тузумининг кунпаяқун бўлишига ҳеч ким ишонмас, айниқса, ёт ғоя турлари билан бутун онг-шуури ўраб-чирмаб ташланган омманинг „пахтадан бошқа ифтихори“ йўқдек эди. Бу томонда бой тарих — беҳисоб дурдона, олтинлар „инграб“ ётар, — „*Недан менинг шодлигим дуркун?* *Недан ғамгин қулишим маним?*“ деган сатрларингизда ана шу моҳият ўз ифодасини топган эдики, „*Бутунча мен айтай билганим*“ — қалбингиздаги она тарихнинг бир зарраси янгроқ куйга айланиб, ёруғ оламга чиқди ва „*қачон ҳалқ бўламиз*“ деган қалбларни бир-бир чертиб ўтди.

Бир томчи ёш ва бир қатра қон
Пайдо қилур минг битта достон.

Тўғрисини айтиш керак, талабалик йилларим маърифатпарвар зиёлилар ва Ватан учун қайғуриб яшайдиган фидойи инсонлар орасида ўтди, ўзимиз билмаган ҳолда янги оқимга қўшилиб қолган эдигу, аммо барча орзу-истаклар фақат қалбимиэдан нарига чиқмасди. Биздан бир кўйлак ортиқ кийганларнинг „ўзларингни эҳтиёт қилинглар“, деган ҳадикларида ҳам „*қатиқни ҳам пуллаб ичган яхши*“, деган танбех бор эди. Айнан шу даврда — 1969—1979 йилларда „*Боқий дунё*“ шеърий романнинг ёзили ва Ёзувчилар уюшмасида ўтган муҳокамадан сўнг „*Шарқ Юлдузи*“ журналида эълон қилинди. 1981 йилда эса китоб ҳолида нашор

этилди. Түғрисини айтсам, ўша йилда мен институтни битираёттан эдим. Бу пайтларда янги етишиб чикқан ижодкорларнинг баъзи шеърларида, кичик асарларида ҳам миллий қаҳрамонларимиз сиймолари булат орасида йилт этиб қолган қүёшдек кўриниб қолар ва бу ҳолатлар биз каби ўз дарёларимизнинг ширин сувларига ташна ёшларнинг назаридан четда қолмасди. Кўнглимизда қачонлардир Ватанимизни озод кўриш орзулари пинҳона жавлон уради. Бундай орзуларга жавобни бадиӣ асарлардан излар эдик. „Боқий дунё“ эса, бошқани билмадим-у, мен учун янги сахифа очди. Яна узр, нотўғри тушунилмасин дейман-да, мен асар ҳакида гапирмоқдаман. Ўзимни қизиқтирган саволларга жавоб изламоқдаман. Дукчи Эшонни асарга қаҳрамон қилиб олиш учун қанчалар журъат керак? Бу жуда жиддий масала... Роман уч қисмдан иборат бўлиб, „Сукунат“, „Шабада“ ва „Бўрон“ деб номланган эдики, бу қочиримлар назардан четда қолиши мумкин эмасди. Биз бу асарни ётоқхонанинг бир бурчида, овлоқ жойларда ҳамфир дўстлар билан ўқиб чиқдик ва менга таъсир қилган бир жойини бу ерда алоҳида айтиб кетмасам бўлмайди. Бу асар қаҳрамонларидан бири Қудратнинг исёни:

„Пётр! Сарт ҳам бир инсон ахир,
Ҳакки бор-ку ёруғ дунёда...
Ўлдирмоққа уни сенга ким
Ҳукуқ бериб қўйибди, дўстим?..“

Сиз бу ерда „дўст“ сиймосини чизгансиз. Демоқчисизки, бутун дунё аҳли аслида бир илдиздан, бир ота-онадан, бир-бирига дўст, биродардир, аммо... Жиззах қўзғолони туфайли икки дўст орасида низо қўлади ва бу ерда Қудратнинг таънаси орқали „босқинчилар қули“га айланган „дўст“ аҳволи ёрқин киноя орқали содда, лўнда ифода этилган эдики, асар ўқилаётган ўша кезларда ёнимда ўтирган дўстимнинг „оҳ“ деганини тушуниш керак эди. Ўша „оҳ“нинг иddaоси шу икки сатрда жо эди.

Елка қисди Пётр Пётрович:
Бу хусусда ўйламабди ҳеч...

У ҳам итоаткор, у ҳам зомби. У ҳам ўз фикри билан қўзғолонни бостираётгани йўқ. Сизнинг фикрингиз шуки, ҳалқ ҳалққа душман бўлол-

майдын, фаним, душман дегани бошқа! Нима демоқчиман, устоз, жеч бир асар ўз-ўзидан ёзилмайды, улар замон зарурати, давр талаби, вақт талаби билан қофозларда нақшини — ифодасини топади.

Мұхаммад Али:

— Мустамлакачилик мағкураси Үрта Осиё республикалари халқарини, шу жумладан, халқимизни ҳам феодализм қобиғида турған мамлекаттар қаторида күрар ва фақат „Октябрь инқилоби туғайлыгина социализмга әрищдилар“, деб жар солишиб, миллатимиә нұқул камситилар әди.

Тұлқин Хайит:

— Устоз, чинакам ижодкор бир қолипда яшай олмайды, деган гап бор. Чиндан ҳам, ўз асарлари орқали янги маъно топмаган ижодкордан нима кутиш мүмкін? Ҳаётдан нусха күчириш, мустамлака даврига мадхиябозлик, қарсак чалиш ва ёки қалам ҳақи, ёки ўша замон мукофотлари илинжида ёзилган асарларни ҳозир бирор эсламайды ҳам. Ва, ўйлайманки, юқоридаги фикрни давом эттирган ҳолда айтиш керакки, Альбер Камю таъкидлаганидек, „муаллифнинг кучи асарга“ янги маъно касб этишида“ ёрқин акс этади. „Боқий дунё“ — янги охандар әди. Асар ҳақида ўша пайтнинг ўзида ўн олтита мақола эълон қилинганинг ўзи ҳам бу фикримизни исбот этади. Икки марта ўзбек тилида нашр қилингани ва истеъододли рус шоираси М. Кудимова томонидан рус тилига таржима этилиб, унга машҳур шоир Евгений Евтушенконинг юқори баҳо бергани ҳам бежиз әмас. Абадиётшунос А. Алимбековнинг маълумотига күра, асар қирқ мингдан ортиқ нусхада чоп этилган.

Мұхаммад Али:

— Албатта, Амир Темур ҳақида Фарбу Шарқда ёзилган асарлар бехисоб, кимдир мингдан ортиқ деса, яна кимдир бир ярим мингдан ортиқ дея құшимча қиласы, бу фақат Фарбда дейди. Бунга ҳар йили ўнлаб бадиий, публицистик асарлар нашр этилаётганини ҳам құшсак, аниқ рақамни айттолмай қоламиз. Лекин нима бұлғанда ҳам, бизнинг бобомиз, улур ҳукмдор Амир Темур тұғрисида шунчалик күп асарлар битилаётганинг бөш сабаби миллатимиәздининг, халқимизнинг неча асрлік бой

маънавияти, инсонийлик йўли борасида тутган адолатли ўлмас қадрият-
ларидир, десак муболага бўлмайди.

Иккинчи жиҳати шуки, у асарларнинг услуби ва хизмат даражаси
ўзгача. Амир Темур сиймосини тасвир этишда ўз услугларини кўллар
еканлар, ўзга халқ вакиллари ўз ғоялари йўлида қалам тебраттанилар.
Масалан, Сергей Бородиннинг „Самарқанд осмонида юлдузлар“ трило-
гиясини олинг. Нега у „Дмитрий Донской“ асарини ўта юксак пафос
 билан ёзди-ю, Соҳибқирон Амир Темурдек улуғ инсон, ҳатто ўша Дмитрий
Донской юртини чингизийлар зулмидан озод этган буюк ҳукмдор
тўррисида ёлғон сафсата сўқди?! „Ёлғоннинг умри қисқа“ дейди халқимиз.
Ҳақиқат қуёши нур сочиб, борлиқ мусаффо бўлгач, қатағон мағкура
буортмаси билан ёзилган бу асарнинг ёлғон ва сохталиги билиниб қол-
ди. Демак, бу ҳам биз учун катта сабоқ.

Тўлқинн Ҳайит:

— Дарвоқе, ҳаёт сабоқлари бизга кўп нарсаларни ўргатади. Қарсак
чалувчилар ҳамиша топилади, аммо ёлғон олдида довдираб қолмайдиган
мардларни топиш қийин. Шу боис ҳам, ижодкор дегани гоҳо қайса рик
 билан бўлса-да, ўз сўзида сабит туриб, ҳақиқатни ёқлаши шарт.

Воқеа

Қайси бир газетада ўқиган эдим: 1914 йилда немис ирқчи журналист-
ларидан бири атоқли француэ адиби Ромен Роллан билан учрашиб, унга
шундай савол бериди:

— Ҳозир Европа халқларининг олий ирққа мансуб эканлиги ҳақида
шов-шуввлар кўпайиб қолди. Бу масалада Сизнинг фикрингиз қандай?

— Сунъий равишда ифлослантирилган сув мизожимга тўғри кел-
майди. Мен доимо улкан дарёларнинг шарқираб оқкан сувидан чанъо-
ғимни қондиришни истайман! — дея жавоб қилган экан адиб.



Амир Темур сўзи:

„Бир кун келадики, золим ўз бармогини тишлиайди“.
Ирқчиликни тарғиб этган фашизм нафақат бармогини тишилади, бал-
ки ер билан яксон бўлди.

„САРБАДОРЛАР“НИНГ ЁЗИЛИШИ

Тўлкин Ҳайит:

— Коинотшунослар эътироф этишганидек, биз яшаб турган азиз ман — яккаю ягона бошпанамиз бўлган Ер улкан коинотдаги энг чиойли сайёра: чиндан ҳам, ҳаво кемалари орқали олинган тасвиirlарда у атофатли ҳолатда мовий товланадики, кўриб ҳавасингиз келади. Ана шу изал сайёранинг жаннатмакон жойларидан бири бизнинг Ўзбекистон, еган гап, албатта, янгилик эмас, аммо бор ҳақиқат. Уни ҳаммамиз севаиз, чунки дунёга меҳро, аввало, одамнинг ўз юртидан, унга бўлган муноабатидан бошланади. Олайлик, сизнинг „Сарбадорлар“ романингиз ҳам, звало, шу юртга бўлган ширин тўйғунинг меваси эди.

МУНОСАБАТ

Адабиётшунос Адҳам Алимбеков фикри:

„1966 йилда ёзилган „Машраб“ достонининг дастлабки номи „Сарбадор“ бўлганини айтиб ўтган эдик.

Балхда дор интизор бу дарбадарга
Қаро ер бўлғуси ёлғиз маскани.
Ҳаётдан тегмиши шу сарбадорга...
Аммо Навоий ҳам, Сино ҳам, яъни
Ҳаёт йўлларида ким топса маъни,
Ўша сарбадордир... —

б ёзади шоир. Достонда мана шу ажойиб фикрни ўртага ташлаганда, эир 24 ёнда эди. ...Демак, ижодкорнинг сарбадорлар мавзусига қайши тасодифий ҳодиса эмас, унинг илдизи ўша илк достонига бориб занади. Бу бир томондан, муаллиф ижодининг бошиданоқ қилинган тта ғоявий ниятининг қоимлиги ва ҳаётийлигини, иккинчи томондан, муаллифнинг ўз идеалларига содиқлигини кўрсатади“.



Дунёга боқиб, унинг ишларидан ҳайратта тушасиз: дарахт гуллайди, мева гади, инсонни тўйинтиради, куз келгач, яна яланроҷ қолади, ҳатто баргларини остига тушаб, ўзини ўзи озиқлантиради, яна деңг, изгирин, бўроnlардан юн чиқиб, оптоқ гуллари билан баҳорни яшнатиб, кўзни қувонтиради...

Одам ҳаёти ҳам худди шундай: бобо, буви, ота-она, фарзандлар, нева-ралар ва ҳоказо — дунё янгиланиб давом этади. Эҳтимол, сўзим узайиб кетаётгандир, аммо бор ҳақиқат шуки, коинотда ақл бовар қилмас ҳодиса мавжуд — коинотдаги бирор юлдуз сўнаётган бўлса, гравитация (гироскопик итаришнинг эидли) шу қадар кучли бўладики, бошқа барча ней-тронлар унга бардош беролмай, шиддат билан эрийди.

Бу физик ҳодисанинг мазкур сұхбатга нима алоқаси бор, деган фикр ҳам туғилиши табиий. Бир оз шошмайлик, бу шунчаки оддий ҳодиса эмас, балки унда энг муҳим ҳақиқат бор: ана шу жараёнда улкан қора туйнуклар ҳосил бўлади ва юлдузларни ютиб юборади. Қаёкка кетади улар? Вахима, даҳшатми?! Йўқ, аксинча, вахима ҳам, даҳшат ҳам эмас. Куръони Карим бу ҳодисани „Таквир“ (81), 15-оятда аниқ, лўнда тушунтириб беради: „Фало уқсиму биъл хуннас, Ал жаворил куннас“, яъни „у ҳолда хуннасга қасамки“, „хуннас“ — арабчада икки маънода келади: бири — „бурчакка тортилган“ демақдир, лекин бу ўринда қиёсан қўлланилса, терс ҳаракат қилиб, ичига тортилган деган маънени беради; „куннас“ ҳам қиёсан қўлланилса, том маъноси билан, гироскопик ҳаракат кучини ифодалаётганини қўрамиз. Мазкур сирли ҳодисани узоқ йиллар илмий ўрганган Бостон университетининг профессори Реймо Ровини уни „қора туйнук“ ҳодисаси деб атади, рус олимлари эса „юлдуз жойлари“ деган иборани олға сурдилар, аммо биринчи фикр қўпроқ оммалашиб кетди. Ҳўш, бу физик ҳодисани мисол келтириш билан нимани назарда тутмоқчимиз? Унча-мунча ўқувчига бу физик ҳодиса тафсилоти бир оз Қийинроқ туюлади ва уни ҳазм қилолмаган ўқувчи бошни оғритиш нимага керак, лўндасини айтиб қўйган яхши эмасми, дейиши ҳам мумкин. Аммо ўрни келганда айтиш керакки, бизнинг ҳар битта яхши ёки ёмон ҳаракатимиз ҳам ана шу „қора туйнук“ ларга бориб тақалади, Темурбекнинг сарбадорлардан бири Мавлонзоданинг ҳаётини сақлаб қолиши асосида ҳам шу ҳолатни қўрамиз. „Сақлаб қолиш“ — нимаики яхши бўлса, албаттга, сақлаб қолинади, бу энди оддий ҳолат эмас, бу — намуна, қўрсатиш, таъкид, ибратдир. Ўша ояти каримадан чиқадиган аниқ фикрга келсак, ҳайратимиз янада ошади: „Киёмат куни, худди „юлдуз жойлари“ нинг ақл бовар қилмас сирлари каби, сизларни бошқа маконга ўтказам“, деган сўзлар ўлим тушунчасининг якуни эмаслигига ёрқин мисол-

дир. Қаранг: сарбадорлар тарих қатларыда йўқликка кетмади, гравитация орқали қайтадан ҳётимиизга кириб келишди ва 1989 йилда ўтмиш тарихига ташна халқ уни „қоникиб ичди“.

Албатта, бу ўринда сизнинг хулосаларингиз янада муҳум. Ўқувчиларидан қолганларини ўзингиздан эшигандарни маъқул. Бу асарни ёзишга профессор Пирмат Шермуҳамедов сабабчи бўлган экан. Бу тўғрида нима дейсиз?

Мұхаммад Али:

— Биз адид ва олим Пирмат Шермуҳамедов билан Гафур Гулом юмидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бирга ишлардик. Сұхбатларинг бирида сарбадорлар ҳакида анча тұхталдик, Пирмат ака, шу мавзуда жеттариқ асар ёзсангиз-чи, деб қолди, тұғриси, аввалига қўлим бормади, у тишининг таклифини ҳам ижодкорлар ўртасидаги самимийликка йўйиб ўя қолдим, аммо пешанада бўлса, тақдир неъматидан ёки бошқасидан ёч қаёққа қочиб қутулиш мумкин эмас.

Тўлкин Ҳайнит:

— Албатта, Сиз учун сарбадорлар мавзуси янгилик эмасди: шеърий уркумингиздаги „Сарбадорлар қўшиғи“ни битганингизни, „Машраб“ остоинингизнинг ilk номи ҳам „Сарбадор“ бўлганини яхши биламиш.

Мұхаммад Али:

— Чиндан ҳам шундай. „Боқий дунё“ шеърий романини ёзиб бўлгач, асрда ҳам қалам тебратиш ҳакида ўйлай бошладим. Тўғриси, шу пайт-ача насрда битта қисса тугул дурустроқ ҳикоя ҳам ёзган эмасдим. Ўитта-иккита ҳикоячаларим бўлган. „Қўрқканга қўша кўринар“, деган ап бор, „Чумчукдан қўрқкан тариқ экмайди“, дейишади. Лекин сарбадорлар юксак төр эдиким, унинг соясида қўрқув ҳам, иккиланиш ҳам аъфарон ҳолда қолиб кетди назаримда ва шиддат билан материал йира ошладим. Нега шиддат билан? Гап шундаки, юртимиэда илиқ шабада-ар эсиб қолган, лекин халқимиз ўз тарихидан унчалик хабардор эмасди, унончи, сарбадорлар ҳакида тўлиқ маълумотта эга бўлмаганлар ҳам кўпчи-икни ташкил этарди. Айни пайтда, бу мавзу кичик достонга сифасди, ккинчи томони, тарихий ҳакиқатни бузмасдан қўрсатиш керак эди. Оманин характеристер тутиб туради. Характер эса тирик одам деганидир.

Тўлқин Ҳайит:

— „Романинг моҳияти муаллифнинг ҳаётий тажрибаларини маълум мақсадга бўйсундириш ва унга янги маъно касб этишда кўринади“, деган эди Альбер Камю ўзининг „Исёнкор одам“ китобида ва бу гапни Сиз „Роман ҳақида ўйлар“ („Танланган асарлар“, 2-жилд) мақолангизда келтириб ўтгансиз.

Мұхаммад Али:

— Роман — қунту сабот билан тикланган қаср; учдаги ҳар бир пишти тошнинг ўз ўрни, ўз вазифаси бор. Мен ҳамиша ҳаётни эпик кўламда кенгроқ тасвирилаш тарафдориман.

Тўлқин Ҳайит:

— Шу сўзингиз билан Сизнинг қарашларингиз ойдинлаша боради, устоз. Ҳикоячиликнинг ўз усталари мавжуд, лекин эпик жанр ўзбек адабиётида оқсаётган, ортда қолиб кетаётган эди.

Мұхаммад Али:

— Сарбадорлар ҳаракати ҳам кенг кўламда кўрсатишга арзигулик тарих, энг аввало, озодлик ҳаракати эди.

Тўлқин Ҳайит:

— Кўпгина сұхбатдошларимнинг гапларидан янги фикрлар туғилади одамда. Бу сўзингиз ҳам менда бир фикр уйғотди. Амир Темурнинг түннич ўғли Жаҳонгир Мирзо нима учун бор-йўғи 20 ёшида ҳалок бўлди? Оддий йўсинда „ҳалок бўлди“ дейишимиз унинг шаънига тўғри келмайди. Бир хорижлик тарихчи ҳам: „Ҳали ҳам эски қолипда фикрлайдиганлар бор экан“, деганида, қалб кўзлари уятдан ўзини олиб қочди. Дарвоҷе, Жаҳонгир Мирзо юртни ҳимоя қила туриб, ҳалок бўлди. Демак, у бизнинг миллий қаҳрамонимиз. Биз унга ана шу қоядан қарашимиз ва баҳо беришимиз керак. У кичкина навкар эмас, „баҳодир“ унвонига эга ўз Ватанининг мард жангчиси эди. Чунончи, ҳар бир сарбадор ҳам, масалан, самарқандлик сарбадорлар ҳам ўша пайтда юрт эгаси бўлган Амир Ҳусайн бажаролмаган ишни бажардилар — Ватанларини чингизийлар босқинидан асрраб қолдилар.

дир. Карап: сарбадорлар тарих қатларыда йүзлилкка кетмади, гравитация орқали қайтадан ҳётимизга кириб келишиди ва 1989 йилда үтмиш тарихига ташна ҳалқ уни „қониқиб ичди“.

Албатта, бу ўринда сизнинг хулосаларингиз янада муҳим. Ўқувчиларимиз қолганларини ўзингиздан эшитгандар маъқул. Бу асарни ёзишга профессор Пирмат Шермуҳамедов сабабчи бўлган экан. Бу тўғрида нима дейсиз?

Муҳаммад Али:

— Биз адид ва олим Пирмат Шермуҳамедов билан Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бирга ишлардик. Сұхбатларнинг бирида сарбадорлар ҳақида анча тўхтадик, Пирмат ақа, шу мавзуда каттароқ асар ёзсангиэ-чи, деб қолди, тўғриси, аввалига қўлим бормади, у кишининг таклифини ҳам ижодкорлар ўртасидаги самимийликка йўйиб қўя қолдим, аммо пешанада бўлса, тақдир неъматидан ёки бошқасидан ҳеч қаёққа қочиб қутулиш мумкин эмас.

Тўлқин Ҳайит:

— Албатта, Сиз учун сарбадорлар мавзуси янгилик эмасди: шеърий туркумингиздаги „Сарбадорлар қўшиғи“ни битганингизни, „Машраб“ достонингизнинг илк номи ҳам „Сарбадор“ бўлганини яхши биламиз.

Муҳаммад Али:

— Чиндан ҳам шундай „Боқий дунё“ шеърий романини ёзиб бўлгач, насрда ҳам қалам тебратиш ҳақида ўйлай бошладим. Тўғриси, шу пайтгача насрда битта қисса тугул дурустроқ ҳикоя ҳам ёзган эмасдим. Битта-иккита ҳикоячаларим бўлган. „Қўрқанга қўша қўринар“, деган гап бор, „Чумчуқдан қўрқан тариқ экмайди“, дейишади. Лекин сарбадорлар юксак тоғ эдиким, унинг соясида қўрқув ҳам, иккиланиш ҳам заъфарон ҳолда қолиб кетди назаримда ва шиддат билан материал йига бошладим. Нега шиддат билан? Гап шундаки, юртимиизда илиқ шабадалар эсиб қолган, лекин ҳалқимиз ўз тарихидан унчалик хабардор эмасди, чунончи, сарбадорлар ҳақида тўлиқ маълумотта эга бўлмаганлар ҳам кўтчиликни ташкил этарди. Айни пайтда, бу мавзу кичик достонга сиғмасди, иккинчи томони, тарихий ҳақиқатни бузмасдан кўрсатиш керак эди. Романинни характер тутиб туради. Характер эса тирик одам деганидир.

Тўлқин Ҳайит:

— „Романинг моҳияти муаллифнинг ҳаётий тажрибаларини маълум мақсадга бўйсундириш ва унга янги маъно касб этишда кўринади“, деган эди Альбер Камю ўзининг „Исёнкор одам“ китобида ва бу гапни Сиз „Роман ҳақида ўйлар“ („Танланган асарлар“, 2-жилд) мақолангизда келтириб ўтгансиз.

Муҳаммад Али:

— Роман — қунту сабот билан тикланган қаср; ундаги ҳар бир пишту тошнинг ўз ўрни, ўз вазифаси бор. Мен ҳамиша ҳаётни эпик кўламда кенгроқ тасвиirlаш тарафдориман.

Тўлқин Ҳайит:

— Шу сўзингиз билан Сизнинг қарашларингиз ойдинлаша боради, устоз. Ҳикоячиликнинг ўз усталари мавжуд, лекин эпик жанр ўзбек адабиётида оқсаётган, ортда қолиб кетаётган эди.

Муҳаммад Али:

— Сарбадорлар ҳаракати ҳам кенг кўламда кўрсатишга арзигулик тарих, энг аввало, озодлик ҳаракати эди.

Тўлқин Ҳайит:

— Кўлгина суҳбатдошларимнинг гапларидан янги фикрлар тутилади одамда. Бу сўзингиз ҳам менда бир фикр уйғотди. Амир Темурнинг тўнрич ўғли Жаҳонгир Мирзо нима учун бор-йўғи 20 ёшида ҳалок бўлди? Оддий йўсинда „ҳалок бўлди“ дейишимиз унинг шаънига тўғри келмайди. Бир хорижлик тарихчи ҳам: „Ҳали ҳам эски қолипда фикрлайдиганлар бор экан“, деганида, қалб кўзлари уятдан ўзини олиб қочди. Дарвоҷе, Жаҳонгир Мирзо юргани ҳимоя қила туриб, ҳалок бўлди. Демак, у бизнинг миллий қаҳрамонимиз. Биз унга ана шу қоядан қарашимиз ва баҳо беришимиз керак. У кичкина навкар эмас, „баҳодир“ унвонига эга ўз Ватанининг мард жангчиси эди. Чунончи, ҳар бир сарбадор ҳам, масалан, самарқандлик сарбадорлар ҳам ўша пайтда юргани эгаси бўлган Амир Ҳусайн бажаролмаган ишни бажардилар — Ватанларини чингизийлар босқинидан асраб қолдилар.

Мұхаммад Али:

— Жаҳонгир Мирзо борасида, кези келганды, сүз юритамиз, яхши эсга солдингиз. Сарбадорлар ҳаракати эса үша давр учун катта аҳамиятта эга бўлди: зулм бор жойда ҳалқнинг тоқат қилолмаслигини, бирлашса, катта кучга айланиб, ёвни ер тишлатиши мумкинлигини ва, айни дамда, чингизийлар зулмига барҳам бериш пайти пишиб етилаёттанини қўрсатди.

Бу ҳаракат Ҳурросонда туғилиб, Сарбадорлар давлатини вужудга келтириди ва 1337 йилдан 1381 йилгача, яъни қарийб 45 йил яшади. Уларнинг ижтимоий талаблари нималардан иборат эди, деган саволга шундай жавоб бериш керакки, сарбадорлар ҳамма ер ва бойлигу неъматларни дехқонларнинг умумтасарруфига бериш, умумижтимоий тенгҳуқуқликни ўрнатишини кўзлаган эдилар.



Сарбадорларнинг таъсирида 1350 йилда Мозандаронда, 1365 йилда Самарқандда, 1370 йилда Фийлонда, 1373 йилда Кирмонда шундай ҳаракатлар бўлиб ўтди. Булар ичida Самарқандда юз берган ҳаракат алоҳида ажralиб туради.

Тўлқин Ҳайит:


— Мұхтарам үқувчиларимиз биладиларки, бу ҳаракат Самарқандда атиги бир йил давом этган эса-да, ота-боболаримизнинг ҳамиша озодликка интилганларининг ўзлари биз учун нақадар катта аҳамиятга эга ҳодисадир. Менимча, сарбадорлар ҳаракатини ўрганиб, „Сарбадорлар“ романини ёзганингиз, аввало, ҳалқимизни үша давр воқеаларидан хабардор этганингиз алоҳида аҳамиятга эга бўлса, „Улуғ салтанат“ эпопеясининг ёзилиши учун мустаҳкам замин бўлди, десак янгишмаймиз. Чунки биргина „Сарбадорлар“ асарингизни ёзишингиз учун Абдураззок Самарқандийнинг „Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн“, Давлатшоҳ Самарқандийнинг „Тазкират уш-шуаро“, Фасих Ҳавофийнинг „Мужмали Фасихий“, Мухаммад Мусовийнинг „Ассаҳ ут-таворих“, Ибн Баттутанинг „Саёҳатнома“, Шарафуддин Али Яэдийнинг „Зафарнома“, шунингдек, хориж тарихчи олимлари ҳамда рус шарқшуносарининг бир қанча асарларини ўрганишингизга тўғри келган эди.

Мұхаммад Али:

— Тарихий асар битиш чиндан ҳам мураккаб иш. Муаллиф нафақат үша давр манбалари билан танишиши, балки үша замон ва қаҳрамон-



Оқсарой битиги. Шахрисабз.



Мұхаммад Али ва Тұлқин Ҳайит.



«Темур тузуклари» китобининг янги нашри устида. 2007 йил.






Тұлқин Ҳайитнинг
«Вафо маликаси»
романи муқоваси.



Мумтоз Маҳалбеким.



Улугбек мадрасаси. Самарқанд.



Кошингорлик ишларидан намуналар. Самарқанд.

лари рухига кириши даркор. Тарихий мақола ёзиш нисбатан осонрок; манба етарли бўлса, тўғри хулоса чиқаришга унчалик қийналмайсиз.

Сарбадорлар ҳаракати ва Амир Темур ўртасидаги муносабатларга келсак, тарихий ҳақиқатлар бузилган ўринлар йўқ эмасди. Ваҳоланки, 1360 йилларнинг ўрталарида Мовароуннаҳрда учта сиёсий куч кураш майдонига чиққан эди: бу пайтда юрт бошлиғи Амир Ҳусайн ҳам тўзғиб кетган амирларнинг бошларини бир жойга бирлаштириб, катта давлат тузиш орзусида юради; Амир Темурнинг ҳам ўз тақдир битикларидан воқиф ҳолда вақт етилишини куттани аниқ; учинчи куч эса босқинчи мўғулларни ҳайдаб юборган сарбадорлардир.

Амир Ҳусайнни ғанимга қарши тура олмагани учун айблаш мумкин, Амир Темур унга итоаткор эди. Амир Ҳусайн нима учун сарбадорларни қатл этди, деган саволга уларнинг Амир Темур билан бирикиб кетишидан чўчигани учун шу хунрезликни амалга оширгани аён, деган фикримиз жавоб бўлади.

Тўлқин Ҳайит:

— Устоз, шу ўринда „Сарбадорлар“ асарингизнинг „Конигида“ қисмидан бир парчани кўздан кечирсак. Бу ерда воқеалар аниқ очилади ва Амир Темурнинг сарбадорларга бўлган муносабати ҳам ойдинлашади.



— „Мана Амир Ҳусайндан бир нома келибдири... — деди сарбадорлар сultonни ва номани ўқиб берди.

— Султоним! — Амирлашкар қаттиқ ҳайратта тушганини яширмади. — Ақли қосирим дерки, биз Амир Ҳусайн ва Темурбеклар билан дийдорлашувдан воз кечишимиз жоизэдир... Бу таклиф ҳийла эмасликин, деган шубҳам ҳам бордур.

Абу Бакр Калавий жилмайди:

— Ўзлари ҳам бисёр гумонпарастликка берилбидирлар.

— ...Аммо номанинг ушбу ерига назар этинг. „Биз то Ўрдани Конигил яйловига олиб бормагунча сиз истиқболга чиқмангиз...“ Англамайдурмен, не дегани бу?

...Хўрдак Бухорий деди:

— ...Фақат бир шарт: биз билан қўшин бўлмоғи зарур!

Наврӯз арафасида Амир Ҳусайн билан Темурбекнинг Конигилда чодир тикканлари ҳақида хабар келди.

Сарбадорлар салтанати кенгаши аъзолари Абу Бакр Калавий, со-хубдевон Мавлонзода, амиrolашкар Ҳўрдак Бухорий, Уста Кулол, Қодир Ҳаирови, Лакшман, Нозим Мөхмёт, Исоқ этикдӯз, Шаҳриёр, Абулмансур Ахий Жаббор бошчилигида яхши қуролланган қўшин кузатувида катта совға-саломлар билан Конигилга жўнадилар.

...Олисдан пахтагулли жома кийганилар келаёттанини кўрган Амир Ҳусайн:

— Ана сарбадорларингиз, Темурбек! Самарқандда салтанат тузган ялангоёқлар! — деди заҳарханда аралаш.

...Темурбекнинг ғаши келди, аммо билдирамади.

Сал фурсатдан кейин меҳмонлар истиқболига чиққан Давлатшоҳ баҳши Самарқанд сарбадорларини бошлаб келди. Машшоқлар „Шодиёна“ куйини чалдилар.

— Бугун ҳамалнинг биринчи куни — Наврӯз айёми сиз Самарқанд сарбадорлари Мовароуннаҳро ҳукмдори меҳмонидурсиз! — деди босиқ Амир Ҳусайн. — Сиз Мовароуннаҳрони мўғул обёғидан тозалашда чунон саъӣ-ҳаракат кўргиздингизким, бунинг баҳоси улуғдир! Жангти жадални унутингиз, салтанат ташвишларини бир четга отингиз! Фароғат, ҳордик чоғидир...

Бир оздан сўнг косалар яна бир давра айланди... Базми жамшид авжига чиқди.

Амир Ҳусайн чодири олдида бугун кечагидан кўпроқ одам тўплаганди.

Мамнун сарбадорлар, ҳеч нарсадан бехабар эллик қадамча берида тўхтадилар. Отдан тушар эканлар, Амир Ҳусайннинг саропардадан чиқиб келганини, кеча дастурхон ёэилган жойга етганда, уч бор қарсак урганини эшилдишлар. Шу памла ҳукмдор: „Отил!“ деб қичқирди. Қаёқдандир норгул-норгул аскарлар пайдо бўлиб, ҳайратда қолган сарбадорларга ташландилар. Қўз очиб-юмгунча ҳаммасини қуролсизлантириб, қўлларини орқасига боғладилар. Ғақат Абулмансурга тегмадилар, аксинча, У амиrolашкар Ҳўрдак Бухорийни, Мавлонзодани банди қилишда аскарларга кўмак берди:

— Бадбахт, сотқин! — Тиш орасидан деди Мавлонзода. — Ҳақиқий башаранг энди очиуди!

Абу Бакр Калавий бу гапни эшитди-ю, Мавлонзоданинг „Абулман-сурни салтанатта яқинлаштирумак хатарлидир...“ деган сўзларини эслади. Афсус! Сарбадорлар сultonи алданганини кеч англади.

— Эй, Амир Ҳусайн, бу не қилик? Мардлар ишими бу найранг?
Амир Ҳусайн ҳеч нарсани эшитмагандай жавоб бермади.

Тақдирнинг бу ўйинига ҳайрон қолган Мавлонзода ўзига ўзи деди:
„Нима бўлмакда ўзи? Сарбадорлар амирларга душманлик зоҳир этмадилар-ку! Амир Ҳусайн-ку, тўғри, феъли бад биро маҳлук... Аммо Темурбек-чи? Темурбек қаерда? Нега у кўринмайдур? „Менинг қўнглим сарбадорлар тарафиндадур“, демагонмиди?“

Нақоралар қокилди, ташвиши садолар юракларни сирқиратиб ўтди.

Қошлари қоп-қора Мавлонзода бошини ғоз тутиб, дор тагига қараб юрди... Мана, яна дор! О, қисмат!

Шу топда:

— Тұхта!!! Тұхтангиз!!! — деган кучли овоз эшитилди.

Ҳамма овоз келган томонга қаради. Уч юз қадамлар нарида шаҳардан кимдир от чоптириб келарди. Бу — Темурбек эди.

— Бу ёғи қандоқ бўлди, Ҳусайнбек?! Бу бандаларнинг гуноҳи не? Булар ҳам Ҳудонинг бандалари-ку?

Амир Ҳусайн таҳтда ўлтирар экан, Темурбекнинг бирдан келиб қолиб, ишга халал берганидан ранжиганини яширомас, унга боқмай, ҳадеб навкарини жеркир эди...

— Ҳусайнбек, сиздан сўраётирман: сарбадорларнинг гуноҳи не? — Темурбек таҳт олдига яқинлашди. — Бу қандай мусулмончилик ахир? — Сарбадорлар мард одамлардир. Сиз билан биздай амирлар қилоимагон ишни үшалар адо этдилар... Улар биэнни одам, деб ўйладилар, ишондилар. Ишониб, Конигилга келдилар. Биз шундай яхшиликка нима билан жавоб бердик? Дорга осиш билан!.. Келажак авлодларга Амир Темур ўз улусининг одамларини ўзи дорга осибдур, деб масал бўлғоним алам қиласадур, холос... Афсус, гафлатда қолдим!

— Эхха... билмабмиз-да, Темурбек... Сарбадорлар сизнинг дўстларингиз экан-ку! — Амир Ҳусайн шаллақиликка ўтди...“

Тарихий жараённинг ўзи кимнинг ким эканлигини кўрсатди: Амир Ҳусайннинг мунофиқлиги, иккюзламачилиги унинг қай даражадаги „амир“ эканлигини намоён этади.

Низомиддин Шомий ўзининг машхур „Зафарнома“ сида қўйидаги.

ларни қайд этади:

„Амир Ҳусайн Самарқандга еттач, сарбадорларни дорга осиб, ҳалқ-ни уларнинг шарридан кутқаришни буорди.

Амир Соҳибқирон Мавлонзода учун шафоат тилаб, уни ҳолос этди.

Амир Ҳусайн (тахтга) ўрнашиб олгач, унинг табиатидаги хасислик тоғиб келиб, мол тўплашга берилиб кетди... амир Чоку, амир Сайфиддин, Оқ Буғо баҳодир, Элчи баҳодир, Давлатшоҳ баҳодир каби Амир Соҳибқироннинг мулоғозимлари бўлган бир гурӯҳни мұхассилга топширди. Бу амирлар бошидан турли савдолар кечганлиги боисдан Амир Ҳусайн (тилаган) молни тўла йигиб бўлмади. Амир Соҳибқирон уларнинг ишига бош қўшиб, мадад ва ёрдам қўрсатди: қўт олтину кумуш сарфлади, жумладан, ўзининг никоҳида бўлган амир Ҳусайннинг синглиси улуг ода Ўлжой Туркон оқанинг зираги ва билагузутини ҳам олиб, амирларнинг мусодара этилган моллари ҳисобида топширди. Молларни Амир Ҳусайн олдига келтирғанларида, буларни таниди, аммо унинг баҳридан ўтишга баҳиллиги йўл қўймади“.

Албатта, ўз синглисининг сепини қўра-била туриб, аниқ таниб ҳам очкўзлигидан қайтмаган кимса қандай қилиб Мовароуннаҳр тахтига муносиб бўлиши мумкин эди.

Иккинчи жиҳати, жаҳон тарихидан қўрамизки, ҳар бир ҳалқ ўзининг миллий қаҳрамонларини бошларига қўтариб, номларини эъзозда тутишган. Ижодкорлар эса улар ҳакида йиринк-йирик асарлар ёзишган. Испан эпосини олинг. „Сид ҳакида қўшиқ“ испан қаҳрамонлик эпосининг энг яхши намуналаридан бири. „Қўшиқ“ 1140 йилларда юзага келган бўлса-да, факат XIX асрнинг бошларига келиб ёзиб олинган. Бизда эса „Ўғузхон“, „Тўмарис“, „Алпомиш“, „Широқ“ каби қаҳрамонлик эпосларимиз қадим ёзма тарихга эга.

Дарвоқе, Сид (Сайд) образи худди сарбадорлар каби оташин ватанпарвар сифатида тасвирланиб, қиролга қарама-қарши қўйилади. Қирол унга бошпана бермаслик ҳакида фармон чиқарганда, ҳалқ ўзининг ажойиб баҳодири – Сидга ачинади, лекин ёрдам беришга ботина олмайди. Худди шунингдек, олмон қаҳрамонлик эпосининг „Нибелунглар ҳакида қўшиқ“, „Гудруна“ достонларида ҳам бош қаҳрамонлар баҳодир, мард ва олижаноб инсонлар сифатида гавдаланади. Қузиқ томони шун-

даки, „Нибелунглар ҳақида құшиқ“ достони бизнинг „Алпомиш“ дос-
тонимизга яқиндир.

Мұхаммад Али:

— Ҳали ҳалқимизга қайтарилиши керак бўлган ва ёзилиши зарур
бўлган қаҳроамонлик эпослари жуда кўп. Бизнинг тарих — уммон. Мен
ўйлайманки, ҳар бир ижодкор ўз ҳалқининг ва жаҳон ҳалқларининг
тарихига жиддий муносабатда бўлиши, уларни чуқур ўрганиши ва шу
тарих ҳақида ёзиши керак. Масалан, бутун дунё тарихчи олимлари, ижод-
корлари, санъатшунослари, драматурглари Амир Темур ҳақида шунчалик
кўп асарлар битишганки, санаб улгурмайсиз. Инглиз адабиётининг
йирик вакили, шоир Жорж Гордон Байрон нафақат Буюк Британия
ҳақида, балки бутун дунё тарихи тўғрисида асарлар ёзган. Шекспир-чи?
Биз эса ҳозирча бой тарихимиздаги сиймолар ҳақида асарлар ёзяпмиз,
лекин бу ҳали кам. Масалан, Аҳмад Чароний Устурлобий ҳақида қачон
яхши асар ёзиб, ўқувчиларимизни бу машҳур аллома ҳақиқатдан
хабардор этамиз? У Бағдодда яшаб, устурлоб ясаш бўйича дунёда ягона
муҳандис-олим бўлган.

Тўлқин Ҳайит:

— Сизда бошданоқ ана шундай фикр бўлгани учун шу орзулар
қўйнида яшагансиз, эпик асарлар яратиш тоғаси сизни ҳамиша қизиқти-
риб келган. Ўз пайтида ҳинд эпоси „Рамаяна“ни, Байроннинг „Шиллон
тутқуни“ каби асарларни, қорақалпоқ эпосларини таржима этиш жараё-
нида тажрибангиз ҳам оша борди. Тарихчи олимлар Бўрибўй Аҳмедов,
Ҳамид Зиёевларнинг тарихий асарлари, жонли сұхбатларидан кўпроқ
маълумот олишга мұяссар бўлдингиз. Албатта, бу саъй-ҳаракатлар сизни
ўтмишимизга янада жиддий бокишга сабабчи бўлди.

Мұхаммад Али:

— Ўтмиш тарихимиз ура-урачилик, ёт ғояларнинг ташвиқоти остида
қолиб кетаётган эди. Яратган эгам тарози палласини доимо тўғри қўяди.
Қайси бир бандасининг кўнглига яхшилик уруғларини сепиб, уни эзгу-
ликлар сари чорлайди. Оддий мисол: мана, олайлик, бирор ҳовлининг
эгаси йўқ, нима бўлади, албатта, эгасиз ҳовли хароб бўлади, ҳар бир жой,
ҳар бир гўша ўз эгаси, ўз соҳиби билан файзли ва обод бўлиб туради.

Керак бўлса, тош ҳам одамнинг меҳрига зор. Худди шундай, сарбадорлар ҳаракати пайдо бўлган вақтда мамлакат эгасиз эди. Туркистон диёрининг ҳар бир вилоят, шаҳрида бир ҳоким ўзича бош эди, масалан, тарихий маълумотларга кўра, Тошкент, Самарқанд, Қарши, Бухоро ва Ҳўжанддаги ҳокимлар сира ҳам бир-бирларига бўйсунишмас, ўзлари хон, кўланкалари майдон эди. Ташқи ғаним эса айнан ана шу тарқоқликни кутиб туради ва босқинчиликни амалга оширади. Турган гапки, чингизийлар Туркистонни ҳам ўзларининг вассали ҳисоблашар ва унга эгалик қилиш ҳукуқини сақлаб қолишини истардилар. Шунинг оқибатида, уруш-жанжамлар 1358 йилдан то Амир Темур давлат тепасига келгунча, яъни 1370 йилгача мамлакатда ҳаражу мараж (анаҳхия) давом этди. „Сарбадорлар“ дилогиясининг „Тахтсиз мамлакат“ боби билан бошланишига эътибор беринг.

Сарбадорлар ҳаракати ана шу йилларда кенг қанот ёэди. Улар мамлакатни яна Жета, яъни қароқчи мўғуллар асорати остида қолишини истамадилар ва тизгинни ўз қўлларига олдилар.

Тўлқин Ҳайит:

— Озод яшаш, зулмдан кўра, эркинликни афзал билиш азалдан инсон табиатидаги хислатлардан биридир. *Ливаннинг зукко шоири Жуброн Ҳалилнинг асарларида* инсон орзуси, эрки, озодлиги; ўзи туғилиб ўсган Лубнон төғларининг улуғворлиги, дарёларининг майин шовуллашлари, боғлардаги турфа гулларнинг атри жуда нафис ҳолда назоқат билан тасвир этиладики, қалб улардан бир олам лаззат ва завқ олади. Жуброн дунёга келгунча ўз дарду ғамларини, қувонч, ҳаяжонларини ҳеч кимга айтолмайдиган Ватан „соқов“ эди, дея беҳуда айтишмайди.

Унинг қўйидаги мансурасини бирга ўқиймиз:

„*Бу воқеа шундай юз берган эди. Мен яшаётган мамлакатда барча фуқаролар ўзининг асл қиёфасини билдирамаслик учун юзларига етти қават ниқоб тутиб юрадилар. Узоқ йиллар ухлаб қолган эдим. Бир куни уйғониб қарасам, менинг етти хил қиёфада кўринадиган ниқобларимни ўтирглаб кетишибди. Сакраб туриб, „Лаънати ўғрилар“, деб қичқирганимча, одамлар гавжум кўча ва майдонларни гир айландим.*

Ниқобсиз эканлигимни кўриб, эркагу аёллар мени масхара қила бошлидилар. Баъзилар қўрққанидан уйларига кириб, беркиниб олдилар. Бир уйнинг томида варрак учиринб турган шўх бола мени кўриб:

— *Каранглар, никобсиз одам қандай чиройли!* — деб қичқириди.
Мен томга қараган эдим, қуёш нурлари яланроch юзимга тушиб, бу-
тун вужудим роҳатланди. Қуёш илк бор юзимни ўтиб олганда, қалбим-
бўлган қизиқиш сўниб, улар мен учун кераксиз матохга айланди. Ни-
кобларимни олиб қочтан ўғриларни: „Илоҳо, охиратда сизларга ҳам жан-
нат жойларидан насиб этсин!“ дея дуо қилдим. Шундай қилиб, никобла-
рим йўқолгач, мен чин маънода Мажнун бўлиб қолдим ва шу орқали
эркинлигимни кашф этдим. Никобларни тақиб юрганимда, кимларгадир
кул сифатида хизмат қиласдим. Энди эса, мен ҳеч кимга қул эмасман.
Энди мен ўз ақлим билан яшаёттанимдан хурсандман“.

Мұхаммад Али:

— Эҳтирос тўла ҳақиқат. Яхши ашъор ҳалқ қувончи ва даридан
туғилади, деб бехуда айтмайдилар. Жуброн Ҳалилни дунё эркинлик
куйчиси сифатида яхши танийди. Ота-онаси билан ўз ватанида жабр-
зум, ноҳақликларни кўрди. Шу туфайли ҳам, у 12 ёшга тўлганида Аме-
рикага кўчиб кетдилар. Бу ерда унинг истеъдодини кўрган маърифатли
аёл Элизабет Ҳаскелл уни ўз фарзандидай ёқтириб қолди ва Париж
шахрининг Инжа санъат мактабида таҳсил олишига йўл очиб берди.
Жуброн бу ерда мусаввир бўлиб етишди, наср ва назмда нозиклик билан
қалам тебратиб, кўзга кўринди. „Пайғамбар“ асари, мансуралари одамга
қанот бағищлайди.

Мен ҳам унинг „Шодлик қўшиғи“ мансурасини жуда ёқтираман.
„Инсон мени — шодликни севади, излайди, ундан узоқлашсам, соғинади.

Мол-дунё инсонни шодликдан узоқлаштириб, ғам-ташвишлар ола-
мига ташлайди.

Шодлик инсонни билимлар уйида, ибодатгоҳ, масжидларда кутади,
мол-дунё эса уни худбинлик, бузуқлик, ёмонликлар сари бошлайди.

Инсон шодланишини севади, УНИ ЎЗ ИШЛАРИДАН излайди, лекин
уни ИЛОҲИЙ ХИЛҚАТларда топади.

Инсон шодликни топиш учун айёрлик ва мол-дунёни восита қила-
ди, аммо шодлик бундай воситачиларни ёқтиромайди. У факат ҳалол меҳ-
нат, яхши хулқини ҳурмат қиласди“.

Шодлик айтади: „Мол-дунё дүсти — инсонни дод, фарёд ва бакир-чақириларга ўргатади. Мен бўлсан инсонни сабр-қаноатга, қўнгилдан ийғлашга ва кулишга ўргатаман. Чунки мен унга дўстман“.

Биз ҳам шодликмиз, ҳаётга ҳам, қаламга, ўқувчимизга ҳам дўстмиз!

Тўлқинн Ҳайнт:

— Мен фикрингизни англадим, устоз, биз ўқувчиларимизга ҳам яхшилик истаймиз. Эсимда: қиши куни, сандалимиз совуқ, уй зах, қалбларимиз титроқда эди, кимдир бир челак чўғ олиб келиб солди-ю, танамизга илиқ ҳарорат кириб, юзларимизга қайноқ қон югуриб, қўнглимиз чароғон ёришди. Нафакат катта асарлар, балки ҳар бир сўзимиз ҳам, ўша сандалга солинган чўғдек, қалбларга ёқимли ҳарорат баҳш этсин. Сарбадорлар ҳаракати ҳам — шодлик қўшиғи, у ээгулик учун баҳор каби юз очган эди. 1968 йилда ёзилган „Сарбадорлар қўшиғи“ шеърингизни ўқиб, бунга амин бўлдим. Суҳбатни шу жойда тўхтатиб туриб, шу шеърни биргаликда ўқисак.

САРБАДОРЛАР ҚЎШИҒИ

Икки дарё орасида
Сарбадорлар ватани,
Афсонадай яшади-я,
Лол қолдириб ҳаммани
Сарбадорлар ватани.

Мискин, гадо, ўқсилларга
Абу Бакр бўлди бош.
Кулу факир эрк, эрк, дея
Қўлларига олди тош!
Абу Бакр бўлди бош.

Бир замонлар, бир замонлар
Озод бўлган ўлкада,
Тугилмоқда гўдаклар ҳам
Қамчи изи елкада,
Озод бўлган ўлкада.

Эрк бер, дея кутиб турмас,
Эрк излайди сарбадор.

Гарчи доим боши узра
Кулоч ёзиб тургай дор,
Эрк излайди сарбадор!

Киличингни қиндан сугур!
Дўстлар, курашда нажот.
Бўйин эгсанг, бўйнинг эзгай
Бўйинтуруқ умрбод.
Дўстлар, курашда нажот!

— „Дўстлар, курашда нажот!“ деган сатрингиз ўша пайтлар учун анча хатарли эди ва Ойбек, Мақсуд Шайхзода ва бошқа ўзбек адибларининг бошига тушган кулфатлардан чўчимадингизми?!

Муҳаммад Али:

— Сталиннинг вафотидан сўнг, айниқса, 1960 йилларда тарихга бир оз муносабат ўзгариб (эрувгарчилик), зифирча бўлса-да, эркин мурожаат қилиш имконияти туғилди ва бу ҳодиса то Иброҳим Мўминовнинг 1968 йилда ёзилган „Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида туттан ўрни ва роли“ митти рисоласи босилиб чиққунча давом этганини ҳам айтиб ўтиш керак.

Тўлқин Ҳайит:

— Шубҳасиз, Ўзбекистонда Иброҳим Мўминовнинг мазкур рисоласи жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олингани бор ҳақиқат, шу билан бирга, Марказнинг ногорасига ўйнаган ва тирноқ остидан кир қандириб юрганлар учун баҳонаи сабаб топилиб, олимга қарши ифво ҳаракатлар авж олди. Москвада нашр этиладиган „Вопросы истории“ илмий журналида танқидий мақола ҳам босилиб чиқиб, унда И. Мўминовнинг Амир Темур шахсини „идеаллаштириб“, унга файрилмий ёндашгани, ғоявий-сиёсий хатога йўл қўйгани каби ноўрин айблар тиқиширилган эди. Ҳатто юқори даражадаги мафкура йиғилишларининг бирода ҳам бу тўроида айюҳаннос солинди.

Ўша буюртма мақолани ёзган бегона эмас, И.Мўминовнинг ёнида юрган кимсалардан бири эди, дейишади. „Амир Темур қабридан овоз“

деган шеърингиз эсимга тушди. Таъкидлаб ўтиш керакки, бу шеър ҳам 1968 йилда ёзилган эди.

Эй, тарихчи, этма умримни тарож!
Бас, бундай гапларга эмасман мухтож.
Тори узилса ҳам — соз аталур соз,
Бошдан тушганда ҳам тож — барибир тож!

Сотқин кимсани Худо ҳам кечирмайди. Кимлар сотқинлик қилиш: мумкин? Ақли ожиз ва муте кимса узоғни кўра билмайди ва унинг учун ўз жони ва манфаати ҳамиша биринчи ўринда туради. Лекин уларнинг борадиган жойи ва тарихдан оладиган „насиба“лари аниқ: халқ кимни сийлашни-ю, кимга қора тамға босишни яхши билади.

Мұхаммад Али:

— Мустақилликдан сўнг, 1993 йилда „ФАН“ нашриёти томонидан И.Мўминовнинг мазкур рисоласи 50 минг нусхада чоп этилиб, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирилди. Элу юрт учун қилинган улкан меҳнатлар ҳеч қачон ерда қолиб кетмаган, кетмайди ҳам. Шу биргина рисоланинг шуғча кўп нусхада чоп этилиши ҳам сўзимизга яхшигина исботдир.

Юқоридаги саволга қайтадиган бўлсак, ўтган эски тузум даврида тўсиқларга кўп бора дуч келган адилар кўплигини биласиз. 1986 йилда Ўзкомпартияning III пленумида ҳам яна Амир Темур ва Бобур Мирзозоларга тош отилди. Ҳатто ўйлаб-нетиб ўтирасдан, бу шахслар ҳақида асалар кўпайиб кетди, деган таъналар билдирилди, ваҳоланки, ҳали бу пайтда Амир Темур тўғрисида ўзбек адилари бирор-бир катта асар, сахна асари ёзишган эмасди.

Катта минбарлардан айтилган бу баразли гаплардан мақсад бой тарихимизни қайта қоралаш асосида халқимизни янада қаттиқроқ мутеникда сақлаш, шу мавзуда қалам тебратаетган адиларга руҳан зарба бериш эди. Чунки битта яхши асар бутун халқнинг кўзини очиши мумкин.

Тўлқин Ҳайит:

— Ўша йиллардаги анчайин кулгили воқеа ҳамон тилдан-тилга ўтиб юради. Эмишки, 37-йилларда қатағон қилинган адилардан бири-

нинг юбайлей кечасига юқоридан келган шўро мафкурачиси: „Юбилар-
нинг ўзи қани? Президиумга чиқсинлар!“ деган ва бу ҳолат қўпладарнинг
энсасини қотирган экан.

Мұхаммад Али:

- Шундай воқеалар ҳам бўлган.

Тўлкин Ҳайит:

- Шу воқеа эсимга тушаркан, В. В. Бартольднинг ҳам сарбадорлар
тариҳини ўрганишда Ибн Арабшоҳга мурожаат қилмаганини қўрдим.
Сиз ҳам шундай йўл тутгансиз. Чиндан ҳам Амир Темурнинг мўғул
хўмдори Чингизхон каби вайронкор, шафқатсиз бўлганига ҳеч ишон-
гинг келмайди, ахир Соҳибқирон ҳақида сон-саноқсиз ҳикоя, ривоятлар-
ни эшитар экансиз, уларда унинг кечиримли ва меҳорли бўлганини, Ҳирот,
Уранч, Бағдод шаҳарлари таслим бўлгач, аҳолисига нисбатан самимий
муносабатда бўлиб, вайрон бўлган жойларни қайтадан тиклаганини, ҳар-
бий юришлари давомида қишлоқ хўжалигини, савдо-сотиқли ривожланти-
риш, савдогарларнинг йўллардаги хавфсизлигини таъминлаш учун, керак
булса, шаҳарлар, роботлар қурганининг гувоҳи бўласиз. Буни инкор
этиш мумкинми?! Бошқаларга қарайлик. Чунончи, мамлуклар ҳўмдори
султон Бойбарс 1263 йилда Антиохияни забт этганда, унинг буйруғи
 билан 1600 навкарнинг боши сапчадек узиб ташланган, шаҳарнинг 10
минг аҳолиси қул қилиб сотилган эди. Тарихчи В. Гатцук эса ўзининг
„Шавкатли Темур“ асарида ёзадики, „Амир Темур Олтин Ўрданинг
силласини қуритиб, Дмитрий Иванович Донскойдан тортиб то Иван III
гача бўлган Москва Русининг буюк князларига қараганда, Руснинг
мўгуллар зулмидан озод бўлишларида кўпроқ хизмат қилган эди“, дейди
ва у ҳам асосан ишончли манбаларга суюнади.

Шахсан ўзим гувоҳ бўлган бир воқеани ҳам айтиб ўтишим керак.
1989 йилда Москвада Михаил Куэнцов деган тарихчи билан та-
нишиб қолдим. Кузбасслик экан. Ана шу қария жуда қизиқ воқеани
тапириб берди. Ўша пайтларда совет тузумига қарши туроётган янги
кучлар етилиб келаётган эди. Ўша қариянинг аввало „ҳадемай, мустақил
бўлиб кетасизлар“, деган башоратига унчалик ишонмадим, аммо Амир
Темур тўғрисидаги ҳикояси мени ҳаяжонга солди. Унинг айтишича, 1918
йилда Кизил Армия қўшинларининг саркардалари учун „Кизил комис-

салар“ курсларида Михаил Фрунзе билан рус ёзувчиси Аркадий Гайдар¹ бирга үқишишган. Қариянинг таъкидлашича, то 1936 йилгача, яъни Сталин совет тузуми учун кимни оқ, кимни қора, дейишни белгилаб берган вақтгача, рус зиёлилари орасида Амир Темурга нисбатан ёмон қайфият бўлмаган, ҳатто ул зот ҳақида саҳна асарлари намойиш этиб турилган. Ҳуллас, ана шу курсларда Амир Темурнинг ҳарбий тактик усулларидан сабоқ берилган ва унинг ғалабаларига сабаб бўлган асосий омил одилона ҳаракатларининг натижаси, деб баҳоланганд. Турган гапки, ҳар иккала шахс ҳам Соҳибқирон Амир Темурга ҳурмат ва ҳавас билан қарашган. Бир гал улар Амир Темур ҳақида гап талашиб қолишганда, Михаил Фрунзе: „Мен ўғил кўрсам, исмини Тимур қўяман“, дейди. Аркадий Гайдар эса: „Яқинда аёлимнинг кўзи ёрийди, ўғил бўлса, мен ҳам унга шу зотнинг исмини бераман, лекин ҳисобда Сиздан олдинга ўтиб кетаман!“ дей сирли жилмаяди. Михаил Фрунзе ҳайратланиб, бунинг сабабини сўраганда, у: „Мен Амир Темур тўғрисида роман ёзман!“¹ дейди. Чиндан ҳам, уларнинг ҳар иккаласи ҳам ўғил фарзанд кўрганларида, уларга Тимур деб шавкатли исм берадилар.

Қариянинг ҳикоясида жон бор эди. Аниқ фактларга мурожаат қилсак, бу масала янада ойдинлашади:

Аркадий Гайдарнинг (Голиков) ўғли Тимур Гайдар Россиянинг номдор кишиларидан бири бўлди, набираси Игорь Тимурович Гайдар эса Россия ҳукумати бош вазири лавозимигача кўтарилди.

Михаил Васильевич Фрунзенинг ўғли Тимур Фрунзе эса Иккинчи жаҳон уруши жангларида жасорат кўрсатиб, 1944 йилнинг охирида Германиядаги жангларнинг бирида мардларча ҳалок бўлди.

Мұхаммад Али:

— Амир Темур шахсига нисбатан буюк инсонлар ҳамиша ҳурмат билан қараганлар ва бундай воқеалар чиндан ҳам жуда кўп. Қўшимча қилиш мумкинки, чиндан ҳам Аркадий Гайдар ўз сўзида турди, Михаил Фрунзега нисбатан Амир Темур хотирасига икки баравар кўп ҳурмат

¹Бу ерда А. Гайдарнинг „Тимур и его команда“ китоби кўзда тутиляпти.

кўрсатди, қайси маънодаки, менимча... менимча, етилиб келаётган қатагон, Сергей Есенин ва Владимир Маяковскийларнинг ўлими сингари воқеалар, эҳтимол, уни чўчитган кўринадики, гарчи Амир Темур ҳакида роман ёзишга журъат этмаган бўлса-да, аслзода эйли сифатида ақдли иш туди, яъни „Тимур ва унинг гуруҳи“ („Тимур и его команда“) қиссанини ёзишга улгурди. Шу нарсанинг ўзи ҳам, балки, Сиз эшигтан юкоридаги воқеанинг тасдиги бўлса, ажаб эмас.

Энди бояги мавзуга қайтадиган бўлсак, таъкидлаш керакки, „Ўзбекистон адабиёти ва санъати“ газетасида 1992 йилда босилган „Амир Темур ва сарбадорлар“ сухбатида (у 2012 йилда „Шарқ“ бош таҳририяти томонидан чоп этилган „Танланган асарлар“ нинг иккинчи жилдига киритилган) бу мавзуга батафсил тўхталинган. Чунончи, Ибн Арабшоҳ „Самарқанд бузуқилари ва шутторлари“ ҳакида ўз асарида сўз юритган ва кўрамизки, у сарбадорлар ҳакида тулиқ маълумотта эга бўлмаган, анироғи, „кўча гапи“ни китобига киритиб қўя қолган, шу боис ҳам, унинг сарбадорлар ҳакидаги гаплари чукур иммий аҳамиятта эга эмас. Сабаби, уларда на бир сана, на бир сарбадорнинг исми ёки воқеа содир бўлган жойнинг номи келтирилади. Қолаверса, Ибн Арабшоҳ мазкур асарини ёзётган йилларда Туркистондан, юртимиздан узоқда эди. Бир ўринда Шайх Ҳасан Журийни Сабзавор ҳокими, деб нотўри маълумот беради. Аслида Ҳасан Журий бу воқеалардан анча олдин, яъни 1342 йилда вафот этган эди. Яна бир воқеа, шайхнинг Сабзаворда Амир Темурни ҳаджалар билан қаршилагани ҳам Ибн Арабшоҳнинг сарбадорлар тарихини яхши билмаганини кўрсатади. Шу боис бўлса керакки, В. В. Бартольд сарбадорлар ҳакида ёзар экан, Ибн Арабшоҳга эмас, Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий ва Муъиниддин Натанзийларнинг фикрларига суюниб иш тутган.

Тўлиқин Ҳайнит:

— Сиз тарихни ўрганишда, изланишда француз файласуфи Рене Декарт йўлини тутишимиз лозим, деб ҳисоблайсиз. Мен шу баҳона файла-сүфнинг ҳаёт йўлига ва ёзган асарларига назар солар эканман, унинг чиндан ҳам донишманд бўлганини, шахс даражасига етиб, фаранг олами-

сарлар" курсларида Михаил Фрунзэ билан рус ёзуучиси Аркадий Гайдарлар бирга ўқишиган. Карияниң таъкидлашича, то 1936 йилгача, яъни Сталин совет тузуми учун кимни оқ, кимни қора, дейишиңи белгилаб берган вақтгача, рус зиёлилари орасида Амир Темурга нисбатан ёмон кайфият бўлмаган, ҳатто ул зот ҳақида саҳна асарлари намойиш этиб турилган. Хуллас, ана шу курсларда Амир Темурниң ҳарбий тактик усулларидан сабоқ берилган ва унинг ғалабаларига сабаб бўлган асосий омил одилона ҳаракатларининг натижаси, деб баҳоланганд. Турган гапки, ҳар иккала шахс ҳам Соҳибқирон Амир Темурга ҳурмат ва ҳавас билан қарашган. Бир гал улар Амир Темур ҳақида гап талашиб қолишганда, Михаил Фрунзэ: „Мен ўғил қўрсам, исмини Тимур қўйман“, дейди. Аркадий Гайдар эса: „Яқинда аёлимнинг кўзи ёрийди, ўғил бўлса, мен ҳам унга шу зотнинг исмини бераман, лекин ҳисобда Сиздан олдинга ўтиб кетаман!“ дея сирли жилмаяди. Михаил Фрунзэ ҳайратланиб, бунинг сабабини сўраганда, у: „Мен Амир Темур тўғрисида роман ёзман!“¹ дейди. Чиндан ҳам, уларнинг ҳар иккаласи ҳам ўғил фарзанд кўрганларида, уларга Тимур деб шавкатли исм берадилар.

Карияниң ҳикоясида жон бор эди. Аниқ фактларга мурожаат қиласак, бу масала янада ойдинлашади:

Аркадий Гайдарнинг (Голиков) ўғли Тимур Гайдар Россияниң номдор кишиларидан бири бўлди, набираси Игорь Тимурович Гайдар эса Россия ҳукумати бош вазири лавозимигача кўтарилиди.

Михаил Васильевич Фрунзениң ўғли Тимур Фрунзэ эса Иккинчи жаҳон уруши жангларида жасорат кўрсатиб, 1944 йилнинг охирида Германиядаги жангларнинг бирида мардларча ҳалок бўлди.

Мұхаммад Али:

— Амир Темур шахсига нисбатан буюк инсонлар ҳамиша ҳурмат билан қараганлар ва бундай воқеалар чиндан ҳам жуда кўп. Қўшимча қилиш мумкинки, чиндан ҳам Аркадий Гайдар ўз сўзида турди, Михаил Фрунзега нисбатан Амир Темур хотирасига икки баравар кўп ҳурмат

¹ Бу ерда А. Гайдарнинг „Тимур и его команда“ китоби кўзда тутиляпти.

кўрсатди, қайси маънодаки, менимча... менимча, етилиб келёттган қатарон, Сергей Есенин ва Владимир Маяковскийларнинг ўлими сингари воқеалар, эҳтимол, уни чўчитган кўринадики, гарчи Амир Темур ҳақида роман ёзишга журъат этмаган бўлса-да, аслзода зиёли сифатида ақлли иш туди, яъни „Тимур ва унинг гуруҳи“ („Тимур и его команда“) қиссанин ёзишга улгурди. Шу нарсанинг ўзи ҳам, балки, Сиз эшиштган юзоридаги воқеанинг тасдиги бўлса, ажаб эмас.

Энди бояги мавзуга қайтадиган бўлсак, таъкидлаш керакки, „Ўзбекистон адабиёти ва санъати“ газетасида 1992 йилда босилган „Амир Темур ва сарбадорлар“ сухбатида (у 2012 йилда „Шарқ“ бош таҳририяти томонидан чоп этилган „Танланган асарлар“ нинг иккичи жилдига киритилган) бу мавзуга батафсил тұхталинганд. Чунончى, Ибн Арабшоҳ „Самарқанд бузуқилари ва шутторлари“ ҳақида ўз асарида сўз юритган ва қўрамизки, у сарбадорлар ҳақида тўлиқ маълумотта эга бўлмаган, аникрои, „кўча гапи“ ни китобига киритиб қўя қолган, шу боис ҳам, унинг сарбадорлар ҳақидаги гаплари чуқур иммий аҳамиятта эга эмас. Сабаби, уларда на бир сана, на бир сарбадорнинг исми ёки воқеа содир бўлган жойнинг номи келтирилади. Колаверса, Ибн Арабшоҳ маэкур асарини ёзётган йилларда Туркистондан, юртимиздан узоқда эди. Бир үринда Шайх Ҳасан Журийни Сабзавор ҳокими, деб нотуғри маълумот беради. Аслида Ҳасан Журий бу воқеалардан анча олдин, яъни 1342 йилда вафот этган эди. Яна бир воқеа, шайхнинг Сабзаворда Амир Темурни ҳадялар билан қаршилагани ҳам Ибн Арабшоҳнинг сарбадорлар тарихини яхши билмаганини кўрсатади. Шу боис бўлса керакки, В. В. Бартольд сарбадорлар ҳақида ёзар экан, Ибн Арабшоҳга эмас, Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий ва Муъниддин Натанзийларнинг фикрларига суюниб иш тутган.

Тўлқин Ҳайит:

— Сиз тарихни ўрганишда, изланишда француз файласуфи Рене Декарт ўйини тутишимиз лозим, деб ҳисоблайсиз. Мен шу баҳона файла-сүфнинг ҳаёт йўлига ва ёзган асарларига назар солар эканман, унинг чиндан ҳам донишманд бўлганини, шахс дарражасига етиб, фаранг олами-

да ўзига хос ўрин тутганини кўрдим. Ўтмиш тузум мустамлакада бўлган миллат фарзандларини шахс даражасига кўтаришга йўл қўймас эди. Сабаби эса аён, изоҳ ортиқча. Рене Декарт айтадики, „Ўзликни англашдан кўра, сермаҳсулоқ машғулот йўқдир“.

Кези келганда, руҳлари шод бўлсин, аждодларимизни эслаб ўтмасам, бўлмас! Ота-боболаримиз бир пайтлар Самарқандда яшаб, кошинкорлик ва савдо билан шуғулланганлар. Коратоғлик Хуржунли эшон деган мўътабар кишида тарихий китоб бор эди. Фурқат жияним ундан менга кўчирма олиб берди. Самарқандда нотинч бўлган йилларда аждодларимиз Муҳаммад Солихон бобо бошчилигида Ҳисор тоғларидан бошпана топган эканлар. Болалигум ўтган Дашибодда юз эллик метр пастдан сув чиқаришган ҳам ўша боболар. 1970 йилда шу ариқ ўзани бўйича канал лойиҳалаштирган муҳандиснинг айтишича, бундай сув иншоотини бунёд этишга фақат алгебрадан хабари бўлган, ўта хат-саводли одамгина бош бўлиши мумкин экан. Ариқ юқорилаб келиб, коризлар орқали маҳаллаларга сув етказиб берарди. Ким билсин, балки улар ҳам сарбадорлардан бўлиб, Амир Ҳусайннинг қатлидан чўчиб, 40 хўжалик Самарқандни тарк этгандир. Бу фикрлар менга сира тинчлик бермасди.

1910 йилда туғилган Муҳаммад бобомиз эса: „Самарқандга борсанг, Шердор мадрасаси пойида ёттан Жўмард қассоб қабрини ҳам зиёрат қил, у катта бобомиз бўладилар“, деб тайинлашни канда қилмасдилар. Ўқувчилик йилларимда „Жўмард қассоб ким?“ деган савол ҳамиша фикру зикримда турди. Улғайиб, Самарқандга келгач, катта бобомизнинг қабрини зиёрат қилдим: қабр мармар билан зийнатланган эди. Унча-мунча одамга бундай муқаддас жойда мангу қўним топиш насиб қилмаслигини ҳисобга олиб, „бу киши ким бўлдийкин?“ деб излана бошладим, лекин бирор маълумот тополмадим. Аммо уринишларим зое кетмади. 1991 йилда „Камалак“ нашриёти томонидан чоп этилган Абу Тоҳирхўжанинг „Самария“ китобидан ниҳоят панбобомиз ҳақидағи хабарни топдим-у, дунёй бойлигини қўлга кириптан одамдек бениҳоя теримга сизмай шодландим.

Абу Тоҳирхўжа ёзди:

„31.(42-бет) Ҳазрат Ҳожа Муҳаммад Қатағон мозори. Қабз мозори ҳам деб аталади. Бу мозор шаҳар ичиди, Шердор мад-

расасиншиг ташқари саҳнидадир. Дерларким, у ҳазрат султон Ҳожа Аҳмад Яссавий наслидан ва турк шайхларидан эди. Баъзилар ушбу мозор эгаси Мұхаммад Даشتнаботийникидир, дейдилар Даشتнабот Ҳисори Шодмон вилоятида бир ўринидир.

То ўтган XX асрнинг бошларигача Дашибод Бухоро амирлигига қарашли Ҳисори Шодмон вилоятининг нуфузли кентларидан бири ҳисобланган. Бир пайтлар Дашибод ўзининг ширин анорлари билан довруқ таратган эди.

Бир ривоят ҳам бор

Эмишки, шу манзилдан ўтаётган карвон бошлиғи бир хонадан ёнида тұхтаб, сув сұраганда, унга анор шарбатини тутқазишибиди. Ташнамитини қондирған карвонбоши: „Бу шунчаки шарбат әмас, Даشتі новвот эканку!” деган экан ва шу-шу бу кент Дашибод номи билан аталадын бўлибди.

Сарбадорлар баҳона күнгилдаги гапларни ҳам айта олаётганимдан мамнунман. Негаки, буларнинг ҳар бири ҳам бизга тегишли тарих. Ажаб әмаски, Самарқанддан кўчиб кетганлар ҳам сарбадорларнинг вакиллари бўлса!

Мұхаммад Али:

– Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Сиз бу тұғрида сира гапирмаган әдингиз: қизиқ тарих экан, ҳикоя қиласа бўлади. „Оққан дарё оқаверади”, дейдилар-ку!

Тўлқин Ҳайнт:

– Сизнинг „Сарбадорлар“ романингиз баҳона бир неча мавзуларнинг ранг-баранг әшикларига бош сүқдик, кимлардир „үтлаб кетишибди”, дейишса, очиги мен қўшилмайман, яна таъқидлаш керакки, сұхбат шакли аслида шунақа бўлиши керак, агар у бадиа ёки ҳикоя, қисса, романга үхшаб қолса, унда нима кераги бор бу жанринг?!

1989 йили Сизнинг романингизни ўқиб чиққач, кўнглимда йиғилиб юрган булоқнинг кўзи очилгандек бўлди: Бибихоним ҳакида афсона, ривоятлар кўп, уларни халқимиз яхши билади, аммо мўгулларнинг таъқиблари туфайли сарсон-саргардон юрган йилларида Амир Темур би-

лан бирга бўлиб, ҳаётнинг зарбаларига дуч келса-да, чидаган, садоқат илкида турган суюкли аёли – Ўлжой Туркон оқа ҳақида яхши билиш мас, бу ҳақиқат деярли унтилишгача борган эди. Тарихимизнинг ана шу қоронғи нұқтасини ёритиб, халқимизга (қўлдан келганча!) бир асар ҳадя этишни кўтдан орзу қилиб юрадим. „Сарбадорлар“ чиққач, суюниб кетдим. „Мана, ёса бўлар экан-ку“, дега ўйладим ва кўнглимда умид учқунлари порлади. Журъат пайдо бўлди... Ва „Вафо маликаси“ романни қозозга туцди...

„УЛУФ САЛТАНАТ“НИНГ ЁЗИЛИШИ

Тўлқин Ҳайит:

– Кейинги ўн йил ичида юртимнинг мен бормаган қишлоғи, манзили, овули қолмади ҳисоб. „Бўлди, энди сайру саёҳатни камайтириб, ёзишга ўтираман“, дега ният қиласман-у, лекин ҳар сафар янги-янги режалар кўндаланг бўлиб, яна йўлга отланаман, албатта, қаердадир муҳлислар билан учрашувлар белгиланган, қаердадир ўқувчи-ёшлар ё талабалар кутишяпти, хуллас, замонавий, тезюорар „Шарқ“ поездига ўтириб ё Бухорои Шарифга, ё „Насаф“га чиқиб кўхна Қаршига, енгил машиналарда ҳайбатли довон ошибб, Фарғонаю Андижонга, ё энг замонавий темиручар „Афросиёб“да ҳайратларга кўмилиб, замин сайқали бўлган Самарқандга, ёки ўзимизнинг „Ил-114“ га чиқиб, „қайдасан, Термиз“, дега жўнаб қоламан. Буларнинг бари завқли, бари ажиб ва гаройиб! Ҳар доим ўзимча бир янгилик топаман, ўзимча янги туйғуларни кашф этиб, баҳри дилим очилади. Фарғонанинг муаттар ҳавосидан, Андижонда Бобур Мирзо изларидан кўтарилаётган ҳовурдан, Наманган гулларининг ҳидидан маст бўлади одам, шаҳарларнинг янги қиёфаси мени ҳайратга солади, бунёдкор ҳалқим бор, бу ҳалқ нафақат ўз юртини, балки мўйсафид дунёни ҳам ёшартириб юборади, дейман ўзимча завқланиб.

Термиз – қадимий шаҳар. У бир пайтлар Бухоро, Самарқанд каби номдор шаҳарлардан бири бўлган. Клавихо ўз кундаликларида унинг ниҳоятда серсув, ям-яшил ва обод шаҳар бўлгани ҳақида тўлқинланиб ёзган. Бу қадим манзилгоҳ тарихини ёёсак, неча-неча жилдлик китоблар бўлади.

Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Термиз Археология музейи бизни жуда ҳайратга солди. Музей Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги арафасида 2002 йилнинг 2 апрелида очилган эди. Бу ердаги ноёб экспонатлар бой тарихимизнинг энг қадим нуқталаридан ҳайратланарли сабоқлар беради. Мазкур музей қурилишининг ташаббускори Президентимиз Ислом Каримов эсадалик альбомида шундай ёзганлар:

„Ҳар қайси одам ўз Ватани, ўз юртининг тарихини билмасдан туриб, ўзини маданиятли инсон, деб ҳисоблаши қийин...“ Бу сўз ҳар биримиз учун сабоқ, албатта.

Музейда милоддан аввалги IV асрда ясалган сопол ванна мавжуд. Бундан тўрт минг йил олдин-а, бир тасаввур қилиб кўринг-а! Кўргонзол ёдгорлиги бўлмиш мазкур ваннанинг топилиши жуда катта шов-шувларга сабаб бўлди. Ёки Тиллабулоқ ёдгорлигидан топилган қадими мухро-чи?! Мазкур муҳро милоддан аввалги учинчи минг йиллик бошлирига мансуб экан. Демак, ўша қадим замонларда ҳам ота-боболаримиз қонунга, одамийликка, эзгуликка риоя этишган. Зараутсой ёдгорликлари эса оламга машҳур. Термизлик олимлар мазкур қоянинг 200 дан ортиқ расмлари ёшини ўн минг йилдан ортиқ деб баҳоламоқдалар. Бир нарсага эътибор беринг: бундан ўн минг йил бурун мактаб, устоз кўрмаган кишилар қандай қилиб, бундай ҳайратланарли расмларни қояларда муҳораб қолдиришган экан?! Ёки бунисига эътибор беринг: ўн минг йилдан буен қизиши ранглар аслидай турибди. Илмсиз кишилар шундай ўчмас бўёқларни тайёрлашлари мумкин эмас. Ўзингиз мулоҳаза юритинг: демак, бундан ўн минг йил бурун Сурхондарё ҳудудида табиат ва коинот сирларини ўрганадиган мактаблар мавжуд бўлган, деган тахминни бемалол илгари суриш мумкин. Умуман, қадим Сурхон замини мактабларида таҳсил олиб, инсоният маънавий оламига муносиб ҳисса қўшган зотлар кўплаб топилади.

Шу заминда яшаган Ҳаким ота ҳаётига бир назар солайлик. Ҳаким ат-Термизий дунёни чуқур идрок этадиган инсон эди. У зот нафакат инсонни, балки унинг атрофида мавжуд бўлган бутун жонзотни, табиатни авайлаб-асрашни ҳар бир кишининг, жумладан, ўзининг ҳам инсонийлик бурчи, деб билган. Ваҳоланки, биз энди, бутун табиатни, ҳар бир гиёҳни, жамики жониворларни асрар ҳакида бош қотиряпмиз.

Фаридиддин Атторнинг „Таэкират ул-авлиё“ китобида шундай воқеа тилга олинади.

Шайхнинг қўлбона капасидан бўлак бошпанаси йўқ эди. Бир гал келиб қараса, кала ичиди ит ётиби. Итни қувишга кўнгли чопмади. Саксон марта капасини тебратса ҳам, ит чиқиб кетмади. Шундан сўнг ўзлари қоя остига бориб, кечани ўша ерда ўтказдилар.

Албатта, у зотни зиёрат этишга борган ихлосманд борки, Улур Она дарё – Амударёни тавоф этмасдан қайтмайди. Ҳамроҳим – шоир Файрат Мажид билан Термиз отани зиёрат қилгач, тепага чиқдик. Қатор терилган пишиқ ғиштлар, минг бир воқеаларга гувоҳ деворлар – ўтмиш ва бугун кўз олдимиизда яққол жилоланади. Шамол гуррос-гуррос эсади. Ана, Она Амударё! Юртимнинг ой юзли зебоси каби соchlарини силкитиб мавж уради.

Ассалом, эй муқаддас дарё, дейман ичимда. Кўз олдимда улур бобосини кутиб олаёттан Мирзо Улугбек, унинг нозик бармоқларини авайлаб тутган Бибихоним... Нега айнан уларни эслаяпман. Чунки... чунки айнан шу ерда, шу баракали манзилда тўрт яшар Улугбек узоқ Ҳиндистондан ўлжа келтирилган тилмою жавоҳирлар орасидан устурлобни танлаб, Улур Амир бобосини суюнтирган эди. Эй, биродар, бу тупроқ кимларни суюнтиргмаган. Юртимнинг бир зарра тупроғи.

Кутилмаганда нуроний отахон бир момо ва невара билан ёнимизга келадилар. Бобо мамнунлик билан Она Амударёга ишора қиладилар:

– Кўрдингми, кампир, манов пастдаги Амударё бўлади. Уни қара, ҳайқириб оқишини қара! Одамнинг ҳаваси келади-я тўлқин уришига!

У киши билан танишамиз.

– Ув, болаларим, Сизлар Тошканнанми? Шоирмисизлар! Манам тил ва адабиёт ўқитувчиси бўлганман. Сила минан тонгтacha „Алпомиш“дан ўқишим мумкин!

Дала одами-да: кўнгли тоза, асл ўзбек, дангал гап бошлагани бизга ёқди ва унга очиқ юз билан боқдик. У эса сўзида давом этди:

– Бизди томонларга қачон ўтасизлар! Бир кеча қуюқ сухбат қурсам сила минан! Мана, қаранг, қандай гўзал бўлди юртимиз. Ислом бобога

рахмат. Мана бу зиёратта илгари келомас эдик, Мустакиллик бўлиб, бу жойлар шунчалик ўзгариб кетдики... Андижоннинг „Ўзбекистон“ кўчасини кўриб, бир яйрадимки... Тошканни айтмайсизми! Одам адашиб кетади-её! Бу кунларни қадрига биз етамиз, болаларим! Ҳозирги ёшлар ҳам етсин!

Мен қизиқиш билан отахоннинг исмини сўрадим. У киши қороз, ручка олиб, манзилларини ёзиб бердилар. Ҳуснихатлари мошқичири соълларига ўхшаб чиройли экан. Ҳатга қарадим: „Денов тумани Чагам маҳалласи, Ҳасанов Пирмамат“. Ҳатто имзо ва сана қўйишга улгуридилар. Оббо, ўзбекнинг зукко отахони-её! Назокатни ҳам жойига қўяр эканлар-да. Бор бўлсинлар! Кулишиб-кулишиб хайрлашдик.

Пастга тушяпману, оёғим остидан шовуллаб тўклиётган тупроқ юрагимга кўчгандек бўлганини сезаман. Юрагимга юртим тупроғи кўчялти. Ҳар зарраси кипригимга тўтиё! Дунёга келганимда мени қаршилаган шу тупроқ эмасми? Шу тупроқ эмасми, барчамизни едириб-ичириб, ўстирган, улрайтирган. Санайверайми? Саноғи бормикин хислатларининг?!

Кўз олдимда Термиз ҳам, Амударё ҳам, Пирмамат бобо ҳам янги қиёфада жонланади. Янги туйгуларнинг ҳароратли бағрида хушбўй ҳидлардан яна маст бўламан. Ватан ҳиди, юрт ҳиди! Амир Темур бобомиз бу ердан неча марта Фарбу Шарқда ўтганлар. Эҳтимол, у зот узоқ сафарлардан, юришлардан қайтганларида, дарё бўйида туриб, Ватан тупроғи ҳидини кўзларига тўтиё айлаган бўлсалар, не ажаб! Бу аниқ, чунки Содиқиён сафарга кетишдан олдин ҳам, сафардан қайттанда ҳам Термиз отани зиёрат қилиб дуо олиб ўтардилар.

Деновда журналист ижодкор Тоштемир Турдиев билан юрт ҳақида сұхбат қурдик. Ажаб-ажаб гаплари бор-да отахоннинг. Аввал Сиз ҳақини гизда сўрадилар ва: „Улуғ салтанат“ни ўжиб чиқдим. Шу ёшлиарида эпопея ёзган эканми, Деновга келса, эгнига бир зарчопон солгум бор“, дедилар. Адабиётни яхши тушунади бизнинг ҳалқ. Ўз адилларини қадрлашни ҳам билади.

— Мана энди, бир воқеани гапириб берай, — деди у киши. — Шу деновлик Чори деган йигитнинг гапи юрагимда мангу мухрланиб қолди. Шу йигит, десангиз, уч йил шартнома асосида Кореяда ишлаб келди.

„SAMSUNG“ деган телевизор йигадиган хусусий корхонада. Ўша корхона раҳбарининг ҳатто хусусий турар жойи ҳам, бола-чақаси ҳам йўқ экан.

Бизнинг Чоривої ҳам дангалчи йигит-да, чапани. Корейс раҳбарига нима дебди, денг?!

— „Пулингиз, маблагингиз етарли. Ўй-жой сотиб олсанги, уйлансанги бўлмайдими? Ёшингиз ҳам ўтиб боряпти, бундан ташвишга тушмаяпсизми?!“ — дебди Чориси тушмагур.

— „Йўқ, бу нарсалар шарт эмас мен учун, — дея жиддий жавоб қилибди корхона раҳбари. — Ҳар куни „Бугун Ватанимга қандай фойда келтираман?!“ деб ётогимдан чиқаман. Давлат бой бўлса, унинг ҳалқи фаровон яшайди. Банқдаги пулимдан давлат фойдаланаётган экан, бундан хурсандман!“

— „Бу дунёга ҳеч ким устун бўлмайди, биро кун келиб бошингиз ёстиқка етса, бутун бойлигингиз давлатга қолиб кетади-ку!“ — дея уни синашда давом этибди Чори.

Корхона раҳбари эса:

— „Бу яхши-ку!“ — дебди бамайлихотир оҳангда.

Чори гапининг сўнгида: „Корейслар Ватанини ана шундай яхши кўришади“, дебди.

Мана, Ватан туйфуси!

1991 йил 1 сентябргача бу руҳ „синдиришгача“ олиб келинган эди.

Ҳиндларнинг Ватан туйфуси ҳакида ҳам кўп гапиришади.

Инглизлар мустамлакаси остида бўлган йилларда Ҳиндистон шахларидан бирида йўлнинг бир томонида Англия савдогарлари дўкони бўлса, иккинчи томонда ҳиндларники жойлашган экан. Инглизларнинг моллари арzon ва сифатли бўлиб, ҳиндларники аксинча, қўлда ясалган ва сифатсиз экан. Хорижлик меҳмонлар ҳар икки томон дўконларидан савдо-сотиқ қилишса, ҳеч кимнинг иши йўқ экан, лекин бирор ҳинд адабиҳи инглиз савдогарлари дўконига кириб қолса, кузатиб турганлар унинг кўлтиғидан олиб, четга чиқаркан-да: „Эй, биродар, сен ҳинд эмасмисан, ҳалқингни журмат қилмайсанми?!“ дея уялтирар экан.

Гапни жуда узоқдан олиб келганимнинг боиси ҳам шуки, қалам аҳли Ҳубекистонни ўша корейс раҳбардан ҳам кўпроқ севади. Бир бозорчи: „Китоб ёзибсиз, неча миллион беришди?!“ дея сўради қизиқиб. Мен ҳам шартакилик билан: „Адабиёт бўстони бозор эмас, ижодкор пулни

ўйлаб китоб ёзмайди, Алишер Навоий бобомиз ҳам ёзганлари учун бирордан бир чақа олган эмаслар, аксинча, топғанларини ҳалққа берганлар“, дедим. Шоиримиз айтганларидек, ижодкор қаламга ўхшайди, ширасини элу юртга бериб, ўзи яланғоч қолади, яъни қалбини миллат манфаати ва келажаги учун нисор этади.

Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,
Низомий панжасига панжа урмоқ...
Керак шер олдида ҳам шери жангি,
Агар шер ўлмаса, бори паланги, —

деган эдилар Ҳазрат Алишер Навоий бобомиз. Гарчи биз мақтовни унчалик ёқтиромайдиган ҳалқ бўлсак-да, лекин ўрни келгандা, тўғри сўзни айтишини ҳам канда қилмаймиз. Сўзимиздан мақсад шуки, Низомиддин Шомийдан бутунгача, агар „Улур салтанат“ тетралогияси яратилган кунгача бўлган даврни, яъни қарийб 650 йиллик даврни олиб қарайдиган бўлсак, Амир Темур ҳақида ёзилган асарларнинг саноғига етиш қийин, демак, бу катта майдон, катта уммон, шунча темуршунос ижодкорлар, тарихчилар ва фан арбоблари, олимлар орасида бу мавзуга панжа уриб, бу даражага етиш ҳам, албатта, осон эмас.

Мұхаммад Али:

— „Китоб ёзмоқ — юракка ханжар урмоқ“ билан баробар, Сиз одамларга янги нарса берасиз, яратиш, албатта, қийин, қолаверса, Аллоҳ таоло яхши кўрган бандасига қалам беради, ижодкор деган номга сазовор этади. Космик кема соҳиби бўлиш мумкин, ҳайдовчи, пулдор ҳам бўлиш мумкин, аммо ёзувчилик касб эмас, буюк неъмат, бунинг қадрига етган инсон ўзининг ўрнини, ким эканлигини, нима вазифа берилганини яхши англаб, шу йўлдан боради. Лекин бу йўлнинг нони оғир, сўқмоқлари хатарли, аммо чўққисида роҳат ва фароғат бор. Аммо, борлиги тўғримикин.. „Авесто“ замонида қанча давлатлар, қанчадан-қанча улкан иншоотлар бор эди, қанчадан-қанча зукко ҳукмдорлар ҳукм сурарди, биринши билсак, иккинчисининг номини тамом унугланмиз, лекин „Авесто“ китоби яшаб келмоқда. Амир Темур бобомиздан „Темур тузуклари“ қолди, ўша замондан „Зафарнома“лар қолди. Китоб нондай азиз, онадай мўътабар, отадай улуг. Боиси, биз китоб ўқиб, дунё таниймиз, китоб ўқиб, олим бўламиз. Агар китоб бўлмаганида, жаҳолатта мингандан оломон ал-

лақачон Ерни еб тутатган бўларди. Тирикликни ушлаб турган китоб ўқиган одамлардир, китоб ўқиб, дунёнинг тубига етган кишилардир. Бу тўғрида кўп гапирамиз, аммо поёнига етмаймиз.

Тўлқинн Ҳайит:

— Энди бевосита „Эпопея“га келадиган бўлсак, агар бу тўғрида биргина одам гапирганда, бу ҳеч нимани англатмас эди, лекин кўпчилик гапира бошладими, унга диққат қилмоқ вазифамиздир. „Улуг салтанат“ ҳақида ҳозиргача матбуотда бир қанча тақоиз, фикр-мулоҳазалар эълон қилинди. Бу одамни қувонтиради. Демак, аввало, яхши китоблар кўпайиб, китобхонлар сафи кенгаймоқда. Китоб ўқиган одамга ишонса бўлади, деган гап ҳам бор. Айниқса, бу эпопеяни ўқиб чиққан киши Амир Темур ва темурийларнинг бой маънавиятидан сабоқ олади ва ўзига керакли хулосани чиқаради. Бу китоб бутунги ёш авлоднинг маънан баркамол ўсишига, комил инсон сифатида шакланишига ҳам ёрдам беради. Ўзбек адабиётининг, керак бўлса, айтиш керакки, мустақиллик йилларида шундай катта асарга эга бўлганимиз, чиндан ҳам қувончли воқеадир.

„Улуг салтанат“ эпопеясининг биринчи китоби — „Жаҳонгир Мирзо“ асарингизда миллий колоритга хос жиҳатлар қўп. Сурхондарё, Қашқадарёning барлос лаҳжасида сўзловчи кишилар ҳозирда ҳам „Хушёр бўл!“ ўрнига „Ҳазир бўл!“ иборасини қўллайдилар. Романда биргина шу иборанинг берилиши унинг қийматини оширган. Бу гап Амир Жоку барлос тилидан берилади. — „Жаҳонгир Мирзога қўмакка кетдим! — дейди у Амир Сарифугора: — Ёшлик ғуури уни тинч қўймайди! Бу ёғига ҳазир бўл!“ — деб тайинлайди. Ана шу биргина ибора билан амирларнинг Жаҳонгир Мирзога бўлган меҳр-муҳаббатлари ифода этилганига гувоҳ бўламиз.

Асарда қаҳрамонларнинг ички оламини ёритиш билан бирга, уларнинг сиймолари аниқ акс эттирилган. Масалан, Сароймулхонимнинг сиймоси чизилар экан, ҳатто унинг кийимларига ҳам эътибор қаратилган.

„Сароймулхоним... эгнидаги волойи мовий рангдаги қўйлак, белини сириб турган авра аргувоний тўн маликанинг бутун кўрку латофатини намойиш этар, шамол эса бошидаги қизил илак такасини берилib ўйнарди“.

Бундан ташқари, Жаҳонгир Мирзонинг ҳақиқий баҳодир, тахтга муносиб номзод эканлигини кўрсатиш учун унинг ўқ тегиб, ярадор бўлган ҳолатини тасвиrlар экан, табиб Намозхўжа Шоший унинг ярадор оёғидаги

қалюқча ўқли эт ичидан кесиб олиб, қызиган сихни жизиллатиб босгани, наизани сууриб олганда, сих оёқнинг у томонидан чиққани, аммо ана шундай пайтда ҳам 14 ёшли Жаҳонгир Мирзо „их“ деган овоз чиқармагани аниқ тасвиrlанган. Ўша замонда баҳодир унвонига сазовор бўлган наукарнинг оғриқдан киприк қоқиши ҳам уят ҳисобланар эди. Бу ерда ана шу тарихий ҳақиқат ҳам исботини топган.

„Келинлик либосидаги Хонзода хоним етти яшар Султон Мухаммад Мирзони бағрига босар экан, ҳеч кимга билдиrmай ич-ичидан мунграб, ўқсиб, бағор ўйилиб ийғлади“. Эътибор беринг: „мунграб, ўқсиб, бағри ўйилиб...“ Суюкли ёридан айрилган ва яна мажбуран узатилаётган тул аёлнинг ҳолати, юзидағи изтироб қалбингизга қўйилиб, сизни ҳам ўйга толдиради.

Тарих шундай бетимсол дунёки, у сартарошнинг қайчисидек шакиллашни, ортиқча мақтовни ёқтиромайди, адолатни устувор билади, унинг ҳақиқати минг йилдан сўнг ҳам очилмасдан қолмайди, дангалини айтганда, ҳамма халқларда, миллатларда ЭПОПЕЯ ёзишга арзийдиган бунчалик кўп бой тарих, бой имкониятнинг ўзи йўқ. Ўтмишимиznинг ҳар бир асри эса бир неча эпопея бўлишга арзийди ва бундан ҳар қанча кувонсак ярашади. Сиз шу ғоят муҳим ишга умрингизнинг йигирма йилдан ортиқ энг гуллаган даврини сарфлдингиз. Бу қанча кўз нури, қанча соғлиқ, қанча асад толаларининг сарф бўлгани ва биз билмаган яна, яна нималардир. Энг муҳими, тарих ҳақиқати ўз ўрнини топди, янги эпопеялар сари кенг йўл очилди.

Инглиз тарихчиси Сигдем Балим-Хардинг айтадики: „Ўзбек тарихини ўқитиш борасидаги ҳар қандай ёндашув, даставал, Амир Темур ва унинг меросини ўқитиш билан чамбарчас алоқададир. Бу масала Фақаттина Ўзбекистон учун эмас, балки жаҳон тарихини ўз дастурларининг бир қисми сифатида ўргатувчи барча мамлакатлар учун доизарб мавзудидир“.

Мұхаммад Али:

— Самимий сўзларингиз учун раҳмат. Лекин эпопея ҳақида, ўзингиз таъкидлдингиз, кўп айтилди, кўп ёзилди. Ҳали асарда камчиликлар бор, беайб парвардигор, дейдилар, ҳозир ҳам асар устида ишлаб тураман... Сұхбатимиз бошида китоб ва бинолар ҳақида ҳам гаплашамиз, дегандик. Шу мавзуга ўтайлик.

КИТОБ ВА БИНОЛАР ҚИСМАТИ

Тұлқин Ҳайт:

— Маъқул. „Темур тузуклари“ ни ўрганиш бүйича шу пайтгача форс тарихиси Абутолиб Ҳусайнининг туркійдан форсчага таржимаси ҳамда инглиз зобити, майор Вильям Дэвининг 1783 йили Лондонда Оксфордда нашр эттирган үша форсчадан инглиз тилига таржимасидан фойдаланиб келинмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ҳам: „Шахсан мен Соҳибқирон бобомиз бизга мерос қилиб қолдириган „Тузуклар“ни ўқисам, худдикі үзимга қандайдыр катта рухий күч-кувват топғандек бўламан“, дея эътироф этганлар. Чиндан ҳам, „Тузуклар“ни ўқир эканси, ундаги теран фикрлар, инсон ва инсоният тақдирни борасидаги маънавий дурлар; илм-фан, бунёдкорлик, боғлар яратиш тўғрисидаги бебаҳо мушоҳадалар; солиқ тизими адолати, дўст ва ғаним ҳақидаги холисона ҳукмлар ва гўёки бутун бошли донишмандлар айтган ўгитлар, ҳарбий юришлар ва улардан кўзланган адолат мезонлари — Сизни ҳайратга солади. Айтиш керакки, „Тузуклар“ни ўқиган ва ўзлаштирган раҳбар бошқарувда қийналмайди, талаба ўқиса, бир олам маънавий сабоқ олади, бола ўқиса, дунёни танийди. Хуллас, „Темур тузуклари“ни ўқиб, бундай ихчам, лўнда ва теран ёзилган ноёб китобни фақатгина кўпни кўрган, кўпни билган буюк қалб соҳиби бўлган Амир Темурга ўшаган буюк ҳукмдоригина битиши мумкин, дея имон келтирасан киши.

Бир гал дафтаримга қўйидагиларни ёзиб қўйган эканман:

„Темур тузуклари“ дек китобни ёзиш учун қандай инсон бўлиш керак:

- яхши тарбия кўрган инсон;
- ладуний илм соҳиби;
- йирик салтанат ишларининг пири;
- йирик иқтисодчи;
- моҳир дипломат;
- буюк бунёдкор;
- ҳарбий даҳо;
- йирик файласуф, ўта донишманд;
- дунё тарихини яхши билган;
- ислом олами мутафаккири;

- фиқҳ олими, йирик ҳуқуқшунос;
- маърифатпарвар;
- мусиқашунос;
- моҳир шатранжчи;
- адабиётшунос;
- им аҳлинини, олимларни хуш кўрадиган;
- йирик солиқшунос;
- бир неча тилни билиш;
- аёлни онадек ҳурмат қилувчи;
- оиласпарвар;
- болапарвар;
- ўз сўзида турувчи;
- кечиримли;
- дўстликни қадрловчи;
- дехкончилиқдан яхши хабардор;
- табобатдан хабардор;
- китобатчиликни яхши билган;
- сугориш ишлари назариётчиси;
- Фарзандларга муносиб ота...

Бу ёзганларимга яна қўшимча қилиш мумкин, аммо шуларнинг ўзи ҳам кўп нарсани англатади. Чунончи, оддий қаламқаш сифатида айтишм мумкинки, ҳеч бир адаб ё файласуф бундай нодир битикни ёзишга қодир эмас, айниқса, давлатчилик ва ҳарбий соҳаларни бу қадар ёритиш ва бу қадар содда, ихчам, аммо доноларча баён этиш учун камида Амир Темурдек инсон бўлиши керак. Шунинг учун ҳам бой тарихимизнинг бебаҳо ёдгорлиги, ноёб ва бетакрор „Темур тузуклари“ ҳақида етти ўлчаб бир сўз айтмоқ лозимдирки, бу ҳақда бир оғиз нотўри айтилган сўзининг жавоби ҳам оғирроқ бўлиши шак-шубҳасиздир.



Айтадиларки,
 „Бутун дунёга донги чиққан, тарихларда достон бўлган (Амир) Темур каби буюк қаҳрамон, жаҳон қўмондони ҳам шу Ўзбекистондан чиқмишдир. ...Бу қаҳрамон йигирма етти пойтахтли ерни ўэига бўйсунди-

риб, шунчалик кўп турлик ташвишлар ичидага яшаб турганига қарамай, яна бу китобни ўзи ёзил, бизга эсдалик қолдирмишдир... Бу олтин китоб асли ўзбек (туркий) тилидан форсчага ўтирилган эди“.¹

* * *

Мұхаммад Али:

— „Темур тузуклари“ айнан Амир Темурнинг орэуси туфайли амалга оширилган, ёзилган ноёб асарки, бунга шак-шубҳа йўқ: „...салтанатни бошқариш ҳақида қўлланма ёзиб қолдирдим“, деган сўзлар бор „Тузуклар“ да — бу бир исбот. Инглиз олими Майор Деви 1783 йилда Оксфордда нашр этган „Темур тузуклари“ нинг титул сахифасида шундай сўзларни ўқиймиз: „Institutes political and military, written originally in the mogul language by the great Timour, improperly called Tamerlane; First translated into Persian by Abu Taulib Alhusseyn and thence into English, with Marginal Notes, by Major Davy“. Таржимаси: „Асли Буюк Темур (Тамерлан деган нотўғри лақаби бор) томонидан мўгул тилида ёзилган сиёсий ва ҳарбий тузуклар; даставвал, форс тилига Абу Толиб Ҳусайнин томонидан таржима қилинган ва ундан батафсилизоҳлар билан Майор Деви инглиз тилига ўтирган...“ Бу жуда муҳим ҳужжат, у асарни Амир Темур ёзмаган, ўзбек тилида ёзилмаган, деган даъволарни йўққа чиқаради. Қўшимча қилиб, шуни айтиш керакки, форсчада, ҳатто ундан қилинган инглизча таржимада кўплаб ўзбек сўз ва ибораларининг борлиги, асарнинг оригинални эски ўзбек тилида ёзилганини тасдиқлади. Бу — иккинчи исбот.

Инглиз таржимони, гарчи „Тузуклар“ нинг ўзида „мўгул“ деган сўз бўлмаса ҳам, „мўгул тилида ёзилган“, иборасини қўшиб, хатога йўл қўяди.

„Темур тузуклари“ даги бўлимнинг номланишига эътибор беринг.

„Сейистон, Қандаҳор ва Афғонистон мамлакатларини забт этиш ҳақидаги кенгашим“.

Эй, барака топкур, ўзимиз тарихчи олим, арбоб бўла туриб, нега Амир Темур замонида „Афғонистон“ деган давлатнинг ўзи йўқ эканлигини айтмаймиз ва хатони тўғриламаймиз: ахир „Темур тузуклари“ ни таржима

¹ Темур тузуклари. Алихонтўра Соғуний таржимаси. „Гулистон“ журнали, 1967 йил, 2-сон.

қилган ҳам одам, ожиз банда, эҳтимол, у таржима билан шугулманаётган пайтда бу давлат мавжуд бўлгандир. Аслида бу атама 1756 йили Аҳмадшоҳ Дурроний мустақил Афғонистон давлатини эълон қилганидан кейнгина муомалага кирганини ҳамма билди-ку! „Темур тузуклари“ Ҳинронлик қилган йилларда қайта таҳрир қилинган, балки ундан кейнги даврларда яна қайта ўзгартиришлар натижасида „Афғонистон“ атамаси китобга кириб қолган бўлиши ҳам мумкин.

Мана буниси — учинчи исботки, мабодо „Темур тузуклари“ нинг асл нусхаси топиладиган бўлса, ҳаммаси ойдинлашади-кўяди.

Тўлқин Ҳайит:

— Устоз, ҳаммага маълумки, хоҳлаган асарнинг таржимаси ҳеч қачон унинг асл нусхаси ўрнини босолмайди. Жумладан, Абу Толиб Ҳусайнининг таржимаси ҳам Сиз тилга олган камчиликлардан холи эмас. 2011 йилда чоп этиладиган янги нашр бўйича бир йифилишда: „Оригинал (муаллиф ҳаёт бўлмаса) таҳрир қилинмайди, уни шундоқлигича беруб, изоҳ ҳавола этилади, таржимани таҳрир этиш мумкин“, деган гапни айтганингизни яхши эслайман.

Мұхаммад Али:

— Эсимда, эсимда! Ўшанда Ашраф Аҳмедов, Абдулла Аъзам, Шоҳмуҳиддин Мансуров ва Сиз билан мен ҳам бор эдим. Мунозара бўлдики, мана, 1991 йилдаги нашрда Амир Темур „дин янгиловчиси“ деб таржима қилинган ва „мураввих“ сўзи ишлатилган. Албатта, бу тўғри эмас эди, агар ҳар келган қудратли шахс динни янгилайверса, унда нима бўлади, деган савол туғилади. У ҳолда ҳаражу мараж бўлмайдими? Хўш, бу сўзни ўзгартириш мумкинми? Ўзгартирсак, унинг ўрнига қайси сўзни қўллаш керак? Шу саволлар ўртага ташланганда, кимдир: „Абу Толиб Ҳусайнинин ўзгартириш мумкин эмас“, дея оёқ тиради.

Тўлқин Ҳайит:

— Ўшанда жуда хафа бўлганим эсимда. Нега оёқ тиравади, унинг ўрнига Фикрини айти қолса бўларди-ку, деб ўтирган эдим. Кейин Сиз, Ашраф ака, Абдулла Аъзам...

Мұхаммад Али:

— Эсімда: биз „Амир Темур динни ривожлантирувчи“, деган жумаланы киришиңи таклиф этдик. Китобдаги „мураввиж“ сүзи шуны ифода этади.

Тұлқин Хайит:

— Ва бу ибора ҳаммага маъқул түшди!

Мұхаммад Али:

— Дарвоқе, „Темур тузуклари“ нинг янги нашри шунчаки нашр этилгани йүқ, балки уни нашрға тайёрлашда жуда күп баҳслар бўлдики, агар уларни бирма-бир қоғозга туширасак, сухбатимиз яна ҳам чўэилиб кетади.

Тұлқин Хайит:

— Бир нарсаны қўшимча қилиш мумкинки, асл нусха ҳақида ҳам анча гап-сўзлар бўлиб ўтди. Қанийди, уни топсак. Лекин мени бир нарса ҳайрон қолдиради: нега айнан асл нусха йўқотиб юборилган? Бунинг сири нимада? Ёки у қайсиdir бир кутубхонанинг бурчагига тиқиб ташланганмикин?! Ҳар ҳолда, бу ерда нимадир бор. Адоватми, ичи қораликми? Яна нимадир!

Мұхаммад Али:

— Чунки „Темур тузуклари“ нинг ҳар бир сўзини кўриб чиқиш, ҳар бир жумлага эҳтиёткорона муомалада бўлиш зарур эди. Сиз билан Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонада неча кунлаб ишладик. Майор Давининг нашрини кўздан кечирад эканмиз, ҳатто унинг баъзи бир ўзбекча сўзларни тушунмадим, деб изоҳлаганини ҳам кўрдик.

Тұлқин Хайит:

— Мен ҳам „Темур тузуклари“ нинг асл нусхаси қайси бир кутубхонанинг ёки шахсий кутубхоналарнинг қай бир бурчагида излаётган соҳибини кутиб турганига чин дилдан ишонаман. Ҳаёлим, фикрим алдамайди. Шу баробарида, „Тузуклар“ ёзиш турк ҳукмдорлари учун янгиллик бўлмаган. Масалан, хитойликларнинг „Бейшу“, „Сийшу“ манбаларида Самарқанд ҳукмдорининг саройида „Жазолар тўғрисида

түзуклар" и бўлгани ҳакидаги маълумотлар сақланиб қолган. Шундан холоса қилиб айтиш мумкинки, Чингизхон ҳам турк мирзоларининг билимларига суюниб, „Яса“ („Ясоқ“) қонунларига тартиб берганига ҳеч шак-шубҳа йўқ. „Ясоқ“ — мўгулча „джасақ“ сўзи „конун“, „карро“, „бошқариш“ маъноларини беради. Шу тўғрида бир оз тўхталсак, нима дейсиз, устоз?

Мұхаммад Али:

— Албатта, мавриди келди, ҳар сўзниңг ўз қолипига тушгани яхши. „Яса“ дастлаб Чингизхон томонидан Онон дарёси бўйида чақирилган курултойда кучга киритилган ва „Чингизхоннинг улуф ясоғи“ деган ном олган. Мўгул давлати ташкил топгач, у қайта ёзилиб, уни сақловчи, қўриқловчилар ва қозикалон тайинланган.

Тўлқин Ҳайит:

— „Қўриқловчи“ сўзига эътибор қаратсак, устоз. Чиндан ҳам, у маҳфий сақланган бўлса, „Темур тузуклари“ ҳам худди шундай шахзодалар учун маҳфий қўлланма бўлган.

Мұхаммад Али:

— Албатта, шундай. Масалан, 1240 йиллардаги „Мўгулларнинг маҳфий тарихи“ хроникасида ҳам бу тўғрида аниқ ёзилган. „Ясоқ“ маҳсус сандиқда сақланган, маҳсус қўриқчилар доимо зийрак турганлар, улардан фақат Чингизхон ва унинг ӯғилларигина фойдаланганлар. Амир Темур ҳам „Тузуклар“ хавфсизлигини таъминлаган ва уни ўзгалар қўлига тушиб қолишидан эҳтиёт қиласан. Шу боис ҳам, унинг Самарқанддаги ёки ўзи билан олиб юрган китобларидан маҳсус рухсатномаси бўлган кишиларигина фойдаланганлар. Ҳатто Улугбек Мирзога ҳам шундай рухсатнома берилган. Яна бир сири, давлат аҳамиятига эга бундай китоблар нусхаси атайлаб қўпайтирилмаган ҳам.

Тўлқин Ҳайит:

— Айрим манбаларда, „Ясоқ“ нинг бизгача тўлиқ етиб келмагани ҳакида ўқиб қоламан ва, яхшиямки, бизгача „Темур тузуклари“ нинг ҳеч бўлмаса, таржимаси етиб келганига шукур қиласанки, акс ҳолда, бутун „Қайсарлар“ олдида бир оз хижолатда турган бўлардик. Бу марҳамати учун Алмоҳга шукур, дегингиз келади.

Мұдаммад Али:

— Минг шукур, деймиз, албатта.

Саволингизга келсак, чиндан ҳам „Ясоқ“ нинг тұлиқ матни бізгача етиб келмаган. Унинг бізгача етиб келган парчаларида халқ урф-одатлары ва эътиқодидан ташқари, давлат, турли ҳуқуқий мөйерлар, құшин тушиб, унга құмандонлик қилиш ва бошқа қоидалар үрин олған. Бу манбалар қандай етиб келган, деган саволга шундай жавоб беріш мүмкінки, Ибн Баттута, Рашидиддин, Алоуддин Жувайній, Григор Магания каби олимларнинг ҳамда европалик сайёхлар — Плано Карпини, Виллема Рубрук ва Марко Поло асарларидаги маълумотлари орқали етиб келган. Қарангки, китобнинг аҳамиятини, ҳатто уларни тарихнинг олтин қўприклари, деса бўлади.

Тұлқин Ҳайит:

— Яхши ниятда ушбу сұхбатни уюштиряпмиз, эсингизда бўлса, бу ишни 2009 йилда бошлаган эдик. „Ҳар ишда Ҳудонинг белгилаган куни, дақиқаси бор“, деганларидек, мазкур сұхбатимиз Соҳибқирон Амир Темурнинг 680 йиллиги арафасида яқунига етди. Бу ҳам яхшилик белгиси!

Яна „Ясоқ“ ҳақида шуни айтиш керакки, у ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас, юқорида айтганимиздек, унинг юзага келишида қўпгина халқларнинг анъаналари таъсири бор.

Мұдаммад Али:

— Шарқшунос олимларнинг фикрлари ҳам шундай. Масалан, В. Рязановский, А. Полияк, П. Пелли каби олимларнинг тадқиқотларыда шу маълумотлар кўзга ташланади. Ва айниқса, ўнлик тизими асосидаги ҳарбий-маъмурӣ бўлиниш тартиблари, тахтга ворислик, ҳарбий санъат илдизлари ҳуналар ва қадимги турклар даврига бориб тақалади. Дунёда жеч бир нарса ўз-ўзидан яралмаганидек, „Ясоқ“ ҳам маълум маънода, ўзидан олдинги давлатчилик анъаналарига суюнган.

Тұлқин Ҳайит:

— Қадимги битигимиз — „Ўғузнома“ бу борада бизга ишончли манба бўлади. Ўғузхон дедиким:

„Мен сенларга бўлдим қоғон,
 Олайлик қўлга ёй ва қалқон,
 Тамғамиз бўлсин бизнинг – олижаноблик,
 Кўк бўри бўлсин бизга ўрон,
 Темир чўқмор олур дармон“.

Ўғуз қоғон тўрт томонга ёрлиқлар жўнатди,
 Баённома битиб, элчилар орқали бериб юборди.¹

Устоз, ажратиб кўрсатилган сўзларни шарҳлашга ўтсак: менимча, „қоғон“ сўзи ҳаммага тушунарли, яъни ҳукмдор маъносида; „ёй ва қалқон“ – ўзини ҳимоя қилиш; „тамға“ – бу ерда шиор маъносида келган, яъни „олижаноблик“, демак, бугун биз ҳам шундай олижаноблик билан савъ-харакат қиляпмиш, минг-минг йиллик яхши анъаналар давом этмоқда; „ўрон“ – бугунги тил билан айтганда, „яширин сўз“, „белги“, „руҳсатнома“, европача айтганда, „пароль“ демакдир. Эътибор беринг, „Кўк бўри“ уларнинг яширин руҳсатномаси бўлган. „Кўк бўри“, „Биз кўк бўриларданмиз“, деган атамаларнинг қаердан келиб чиққанлигини ана шундан билса бўлади. Ҳатто даврлар ўтиб, бу тўғрида турли афсоналар тўқилганки, уларнинг баъзилари фақат тўқималардан иборат ривоյтлардир, холос. „Темир чўқмор олур дармон“ деганини мен ўзимизни таниш, гуноҳ қилмасликка асос, деган маэмунда тушундим. Лекин буни асослашга манбалар етарли, устоз!

Мұхаммад Али:

– „Ўғузнома“ нинг давомини ўқисак, масала ойдинлашади. Унда ёзилишича, эрта тонгда Ўғуз қўрғонига кун нуридан оппоқ ёғду тушади ва унинг ичидан кўк ёлли бўри чиқиб келади. Бу манба „биз бўрилардан тарқаганмиз“ деган чўпчакларга нуқта қўяди. Бўри Ўғузхонни ортидан әргаштириб, Итил дарёси бўйига етаклаб келади. Ва шундан сўнг Ўғузхоннинг тарихи баён этиб борилади. Биз бу ерда баъзи сўзларга эътиборни қаратсак: „адақ“ – ҳозир „адори“ деймиз, масалан, „даланинг адори ҳов йўлдан бошланади“; ашамоқ – емоқ; ачқич – камит, кулф; аштум – ҳозир ҳам ишлатамиш, „етмиш ёшдан ошдим“; болиғ – шаҳар, масалан, Пекин қадимда „Хонболиғ“ деб аталган; ақа – оқа; йази –



¹ Ўғузнома. 15-бет. Тошкент, „Ўзбекистон“ НМИУ, 2007 й.

яқин йилларда ҳам чорбони „изи, яъни „очик дала жой“ деб аташарди; йарлик – фармон; йуруту – саёжат („йўр“ ўзакка эътибор беринг); йиғоч – дараҳт; йалбарғу – ибодат, топиниш, ёлбориш, бу сўзни, ҳозир ҳам ишлатамиз „раҳбардан шуни ёлвориб сўрадим“; чираги – юз, афт, ўкуз – дарё; ўгуз – тиш сути ва ҳоказолар. Хулоса шуки, „Ўғузнома“ – ноёб ёдгорлигимиэ, унинг бошқа нусхаларини ҳам топиб, нашр этиш лозим, биз фойдаланаётган манбада чалкашликлар мавжуд, чунончи, унинг 1992 йилда уйғур ёзувидаги нусхадан кирилла кўчирилганлиги ҳам одамни бир оз шубҳада қолдиради. Масалан, Ўғузхоннинг Ўрусбекни учратиши ва уни қариндош сифатида танишига келсак, бу ўтган асрнинг 30–40-йилларида туйғуларнинг натижасидек кўринади. Эҳтимол, бундай эмасдир, аммо шубҳа бўлдими, уни текшириб кўриш керак. Амир Темур ҳам айтади, „ишон, лекин шубҳа қил!“ Бизга тиқиширилаётган ҳамма манбалар ҳам „тариҳда шундай экан, бунга ишонишимиз керак“, деган ҳуқуқни бермайди.


Тўлкин Ҳайит:

— Мозий манбаларининг оҳанраболарига мафтун бўлиб қолиш яхши оқибатларга олиб келмаслиги аниқ. Фикрлар саёзлашган жойда ҳар қандай ечим кемаси тиқилиб қолади, шу боис ҳам, ранг-баранг манбаларни ўрганиб, битта тўғри хулоса чиқармоқ Амир Темурнинг ҳам олижабоблигидан, қарашларининг одиллигидан дарак беради. Чунончи, устоз, яна „Темур тузуклари“ га қайтсак.






Америкалик тарихчи Ричард Нельсон ёзадики, Амир Темурнинг мақсади уруғ ҳокимлигидан устун бўлган қонунийликни юзага келтириш эди. Олмон олими Берт Фрагнер эса: „Амир Темур ҳеч қачон ўзини Чингизхоннинг издоши, деб ҳисобламаган. Шунинг учун ҳам у ўз фармон ва фармойишларини чиқариш учун ўзига хос алоҳида дипломатик тамойиллар ишлаб чиқиши зарур бўлган“, дейди ва бу борада „Темур тузуклари“ га ишора қиласди. Украиналиқ тарихчи олим Омеллан Прицак: „Амир Темур Чингизхон салтанатининг авлодларидан эмас, барча эришган ютуқларига ўз дахоси билан етди: авваламбор, ўз уруғи бўлмиш барлослардан куч тўплади, сўнгра Чигатой улусининг бошлири бўлиб сайланди, ва, ниҳоят, Эрон ва Турон замини устидан ҳукмронлик




Амир Темур
мақбараси.
Самарқанд.



Темурийлар тарихи давлат музейи.



Темурийлар тарихи давлат музейи күргазма заллари.



Кастилия қироли элчиси Амир Темур хузурида.
Рассом А. Сагатов.



Руи Гонсалес де Клавихо.



Руи Гонсалес де Клавихо.
«Самарқандга –
Амир Темур саройига
саёҳат кундалиги»
китоби муқоваси.

хилди", деб ёзади. **Хуллас**, бундай фикрларни күтгаб келтириш мумкин-
ки, уларнинг барчасида Амир Темурнинг адолати ҳақида сўз кетади ва,
албатта, унинг қонунлари – „тузуклари“ доирасида фикр юритилади.

Мұхаммад Али:

– Китобхон дегани жуда синчков бўлади ва уни биринчи галда
янги фикрлар қизиқтиради, албатта, биз бу сұхбатлар билан янги Америка
очамиз, деган фикрдан йироқмиз. Кези келганда, айтадиган бўлсақ, „Те-
мур тузуклари“га жиддийроқ разм солсак, масала янада ойдинлаша бо-
ради, яъни Амир Темур ўз „Тузуклар“ида Тұхтамишоннинг хиёнатла-
ри оқибатида юзага келган жанг тафсилотлари, Ҳиндистон юриши ва
Илдирим Боязидни қандай маҳв эттани ҳақида батафсил тұхталмайди,
зътибор берсак, „Тузуклар“дан уларга жуда қисқа жой ажраттан, дар-
воке, бу воқеаларни ёзишни Низомиддин Шомий каби тарихчиларга
жолдирған, ўзлари бўлса, саркардалик маҳорати, одамларга, навкарларга,
ўзга мамлакатларга, дин вакилларига, улуғларга, шунингдек, солиқ, қишлоқ
хужалиги, иқтисод ва ҳалққа қандай муносабатда бўлиш масалаларига
зътибор қараттан, масалан, унинг фикрича, лашкар – саркарданинг та-
наси бўлиб, ҳукмдор унинг ҳар бир бўлагини ўз ички аъзолари, қўли, қўзи,
юраги ва ҳоказо каби ҳис қилиб, бошқармоғи керак. Оқилона фикр
эмасми?!

Тұлқин Ҳайит:

– „Темур тузуклари“ни варақлаб, ундаги сўзларга қўз югуртирсак,
юридаги фикрларимиз янада ойдинлашади:

„Ишларимнинг барини кенгаш билан юргизиб, уни битиришда тұғри
тадбир қўллар эдим“.

„Мен тажрибамдан шуни билдимки, юз минг аскар қуолмаган ишни
бир тұғри тадбир билан амалга ошириш мумкин экан“.

„...Давлатим ва салтанатимга борлаган биринчи тузугим шулким,
Тангри таолонинг дини ва Мұхаммад мустафонинг шариатига дунёда
ривож бердим“.

„Давлатим ишларини тұра ва тузукка асосланған ҳолда бошқардим“.
„Салтанат түнини кийгач, ўз түшагимда роҳатда ухлаш ҳузур-хало-
ватидан воз кечдим“.

„Турон мамлакатини фатҳ этган қуним ва пойтахт Самарқандда салтанат таҳтига ўтирганимдан сўнг, дўсту душман билан (муомалада) бир текис йўл тутдим“.

„Адолат ва инсоф билан Тангриминг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим“.

„Золимдан мазлумнинг ҳақини олдим“.

„Саййидлар, уламо, машойих, оқилю доно, муҳаддислар, тарихчиларни сара, эътиборли одамлар ҳисоблаб, иззату ҳурматларини ўрнига қўйдим“.

„Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улугларни оға қаторида, кичикларни фарзанд ўрнида қўрдим“.

„Ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим“.

„Ҳакимлар ва табиблар билан иттифоқда беморларни даволатардим“.

„Ҳар мамлакат ва диёр саёҳатчиларию мусофиirlарининг бошини силадим“.

„Султон ҳар нарсада адолатпарвар бўлсин“.

„Подшолик ишларини тамоман бошқага топшириб, эркни унинг ихтиёрига бериб қўймасинким, дунё бевафо хотин каби, унинг хуштори кўпдир“.

„Юмшоқлик лозим бўлса, мулоҳимлик қилдим... Қайси ишни чораю тадбир билан битиришнинг иложи бўлса, унда қилич ишлатмадим“.

„Қайси мамлакатни забт этган бўлсам, ўша ернинг обру-эътиборли кишиларини азиз тутдим“.

„Яна амр қилдимки, хирожни экиндан олинган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб йифсиллар“.

„Кимки бирон саҳрони обод қиласа ёки кориз қурса, ё бирон бор кўкартирса, ёхуд бирон ҳароб бўлиб ётган ерни обод қиласа, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз хошиши билан берганини олсинлар, учинчи йили эса олиқ-солиқ қонун-қоидасига мувофиқ хирож йифилсан“.

„Яна буюрдимки, йўл устига кузатувчилар, зобитлар тайинласинлар-ки, йўлларни қўриқлаб, йўловчилар, савдогарлар, мусофиirlарни кузатиб, мол-мулки ва бошқа нарсаларини манзилдан-манзилгача етказиб қўйсиллар“.

„Фақат гуноҳи тўрт кишининг гувоҳлик бериши билан исботланса, гуноҳига яраша жазоласинлар“.

„Амр қилдимки, ҳар ерда, вилояту шаҳар ва лашкар ўрдусида кундаклик воқеаларни ёзувчиларни тайин қилсунлар“.

Бүнисига эътибор беринг:

„Фақиру мискин, ногиронларга нафақа тайин қылсинар“.

Демак, бу удум Амир Темурдан қолган экан-да!

„Авлиёлар, дин пешволарининг мозорлари ва мақбараларига вакф-дан маблағ ажратсинар“.

„Сипохийларнинг ҳар бирига маош олиш ёрлиги топширилсин“.

„Яна буюрдимки, амирлар, мингбошилар раиятдан молу жихот (даромаднинг учдан бир қисми) йиққанларида, хирождан ортиқча соврун, қўналға (қўшхона бериш) ва шилон (халқдан олинадиган солиқ тури) талаб қилмасинлар“.

„Вазирлар... салтанатни ағдаришга жазм қилган бўлсалар ҳам, уларни ўлдиришга шошилмасинлар“; ўзлаштириб олган бўлсалар (текшириб кўрилсин). Агар ўзлаштириб олган маблағи ўзига тегишли ҳақ миқдоридан ошмаса, мазкур маблағ унга инъом ўрнида қолдирилсин, ...иккι барабар ортиқ бўлса, маошидан ушлаб қолинсин, ...уч барабар кўп маблағ олган бўлса, ҳаммаси тортиқ сифатида олинсин“.

Изоҳ:

Оғиздан-оғизга ўтиб келаётган чўпчакларда айтилганидек, „каптиқ жазо берилсин, осилсин, йўқ қилинсин, синдирилсин, ишдан ҳайдасин“, деган гаплар йўқ; демак, Амир Темур ўша замонлардаёқ катта ишларда хато бўлиши муҳаррар, бунинг учун раҳбарни дарҳол синдириш керак эмас, уни қадролаш ва қонун доирасидаги жарима билан кўзини очиш керак, деган хуносага келади. Буни адолат деса бўлади.

Муҳаммад Али:

— „Темур тузуклари“ да шундай ривоят бор:

Чигатойнинг бир вазири бўлган экан. Фаразгўйлар уни „хазинадан бир неча минг олтин ўғирлади“, деб хонга мактуб ёзибдишар. Мактубни хонга кўрсатганларида, у вазирни ҳузурига чақириб, „ғазаб“ қилибди: „Сен назари паст одам экансан. Мендек подшонинг вазири бўла туриб, хазинамдан атиги шунча ўзлаштирибсан, холос“. Доно вазир хоннинг бу қадар иззатидан мамнун бўлиби ва жамики тўплаган бойлигини келтириб, унга пешкаш қилибди. Бу билан хон олдида ўз мартабаси ва обў-эътиборини сақлаб қолган экан.

Амир Темурнинг фикрича, вазир танлашда тўрт сифатга эътибор қартиш лозим: насл-насаби асл ва тоза; ақлли, фаросатли; сипоҳу раи-

ятнинг ахволини яхши билиши ҳамда уларга мешрӯ кўрсата олиши; сабр. тоқатли ва тинчликни қадрловчи киши бўлиши лозим.

Тўлқин Ҳайнт:

— Амир Темур ҳар бир инсон қадрини ўрнига қўйиш учун тарихга мурожаат қилиб, тўғри тадбири орқали, яхши хизмат қилганларни сақлаб қолган пайтлар ҳам бўлган. Ийгу Темур билан боғлиқ воқеа бунга мисол бўла олади. „Чунончи, Даشتி Қипчоққа, Ўрусхонга қарши уруш учун юборган амирим уни енгигб қайтгач, амирни мукофотлаб, унга туман, тур, байроқ ва ногора бердим... Шунда ҳасадчилар унинг ҳақида турли ўйдирма гаплар тарқатиб: „Ўрусхоннинг улусини талон-тарож қилиб, молмулкини ўзиники қилиб олди“, дея унинг шаънига нолойиқ гап айтдилар“.

Ийгу Темур мард, жасур одам бўлиб, садоқат билан хизмат қилас, шу боис ҳам уни Амир Темур фоят қадрлар эди. Лекин ана шу ифво, тухмат туфайли шундай улуғ ҳукмдор ҳам икки олов ўртасида қолади. Аммо у узоқни ўйлаб иш тутадиган киши бўлиб, кечаси билан бу тўғрида бош қотиради. Энг ишонган саркардаси Ийгу Темурни саройдан бадарға қиласа, бошқалар нима дейди? Ишонган одамини йўқотди, биз унинг олдидда киммиз, деб ўзига қарши бўлиб қолмайдиларми?

Чиндан ҳам, бу ўринда Амир Темурнинг тарихни билгани ишни осонлаштириди. Яъни Баҳром Чўбин воқеасини эслаб, масалани ҳал этади.

Ажам мамлакатига раним ҳужум қилганда, подшоҳ Ҳурмуз ибн Нушировон ўзининг энг ишонган саркардаси Баҳром Чўбинга қўшин бериб, уларга қарши йўллайди. Душман тезда бартараф этилиб, ундан катта ўлжа олинади. Саройга қайтиб келган Баҳром Чўбинни извогарлар со-вук қарши оладилар ва подшоҳга ўлжанинг кўп қисмини ўзлаштириб олганини айтадилар. Подшоҳ ўйлаб ўтиромасдан ғазаб отига минади ва Баҳром Чўбинга аёл кийимини кийдириб, саройдан бадарға этади. Бу ҳолни кўрган сарой аёнларининг подшоҳдан қўнгли қолади. Орадан бир йил ўтиб, улар подшоҳни йиқитиб, ўрнига бошқасини ўтқазадилар.

Шу воқеани эслаган Амир Темур эртаси сарой аҳлини йириб, солиқ-чиларнинг дафтарлари асосида тафтиш ўtkазиб, душмандан олинган ўлжани барчага бўлиб беради ва шу билан Ийгу Темурни ҳам, ўзини ва давлатини ҳам омон сақлаб қолади.

„Тарих — ойна“ деб бекорга айтмайдилар.

Айрим хориж тарихчилари, йилномачилари тарихимизни жуда чал-
каштириб юборишгани бор ҳақиқат. Масалан, юнонлар ўзларидан бош-
тей“ асарида „Биз келдик варварлар юртига“, деган сатр бор.

Хитой йилномаларини ўрганар экансиз, танқидий кўз билан қараб,
уларни қайта идрок этишингизга тўғри келади. Йилномада „муваффа-
қият қозонилмади“, деб ёзилган бўлса, бу хитой қўшинининг тор-мор
этилганини ифодалайди. Яна „чегарани талади“ деб ёзилган бўлса, де-
мак, қўққисдан босқин бўлганини билдиради. Нима учун шундай? Йил-
номачилар Хитой ҳукмрон табақаларининг нафсониятига тегмаслик учун
шундай усулни қўллашга мажбур бўлишган.

Мұхаммад Али:

— Маълумки, „Темур тузуклари“ нинг ўзимизда мавжуд бўлган қўлёз-
маларида Амир Темурнинг Хитой юришига тайёргарлик борасидаги
қарашлари акс этган боб ҳам мавжуд. (Бу боб қаерда?) Афсуски, бу боб
ҳар гал нашрдан тушиб қолмоқда. Буни нега тилга оляпмиз. Бунинг асл
сабаби шуки, ҳақиқатан ҳам, худди ана шу боб „Тузуклар“ ни Амир Тे-
мурнинг ўзи ёки котибларига айтиб туриб ёздирилганини исботлайди.
Демак, „Тузуклар“ нинг охирги боби айнан Ўтрорда ўз тилимизда ёзил-
ган. Бундан мақсад шуки, биз айнан ана шу нусхани топишимиз керак.
Ишончим комилки, дунёning қайсиdir мўътабар кутубхонасида „Те-
мур тузуклари“ нинг эски ўзбекча нусхаси мавжуд, фақат биз уни қиди-
риб топишга ҳаракат қилмаяпмиз. Билга хоқон мактубини ўқисам, уялиб
кетаман. Нега биз бошқаларга қараганда, пассив ва эътиборсизмиз, фу-
қаролик бурчимиз қаерда қоялпти?! Тарихчи олимларимиз нима учун
„тарихий ҳақиқат“ мана бундай, деб айтмайдилар. Айтайлик, шу ноёб
мерос бошқаларда бўлганда эди, уни кундузи чироқ ёқиб бўлса-да, қиди-
ришар, излашар эди. Аллоҳ ҳам „Сендан ҳаракат — мендан баракат“,
дейди ахир. Агар, асл нусха топилса, кўп нарсалар ғидинлашади, хусусан,
биз тилга олаётган Хитой юришига оид тайёргарлик масалаларига ҳам
аничик киритилади. Энди, нега Амир Темур бу юришга мажбур бўлган
эди, деган саволларнинг пайдо бўлиши ҳам турган гап. Нозик масала.
Бунда Амир Темурнинг ўз „важи“ борлигини ҳам кўрамиз. „Одамнинг
кутига тегмасанг, ғаним ортиромайсан“, деган ибора ҳам бор. Гап шундаки,

1368 йыларда таңда Мир сүйенди. Атасының оғынан табиғаттағы
шын үздірбір борна мұнда Атасының оғынан жасалған орындың атынан
адылар. Чынсың Атасы Текүр мұнда Атасының оғынан жасалған
үлдермін күнделік үлесінде хандық болыптың оғынан борна мұндағы
шынса. Чынсың үлесінде Атасы Текүр мұндағы оғынан жасалған
жарылар ушағынан¹ жасалған оғынан жасалған оғынан жарылар
төбе сүйенди. Атасының оғынан жасалған оғынан жарылар
төбе сүйенди.

Айлан мүмкінші, 1604 Ертегінде көбін олар Ордуның
шығында Үзбекідә күннен күннең түркі Амир Тимурдегі
Ертегі, Ахмаджаннан көбінде салынған мұндан күннің көбінде айланып
жарып шығындағы жаңынан, алғандай. Негізгі тәсілдің оның
богандың көбінде жарып шығындағы жаңынан оның күннің көбінде
жарып шығындағы.

**ХИТОЙ МАМЛАКАТЫН ВАЛТ ЭТИШ ХАҚИДАГИ
КЕҢГАРИММАНА БУ ЭДИ**

Съкисимшия сън ти чай къмъ покойна Мария Сури и Род
Мълчанието ѝ във възгъбът на пълното юношество Съдър-
жателът ѝ и носителът ѝ отъръжътъ къмъ Пълнота Съдържателътъ
пече къмъ търговия за земеделие на българските земи и земи
на България. Също Хитровъ къмъ Сури и Родътъ на покойната
българска княгиня Елизабетъ Княгиня на България и покойната Елизабетъ
отъръжатъ на Хитровъ къмъ Сури и Родътъ на покойната Елизабетъ

100. *Pointe du Chiffre* - *Chiffre Point* - *Chiffre Rock* - *Chiffre Rock* - *Chiffre Rock*
- *Pointe du Chiffre* - *Chiffre Point* - *Chiffre Rock* - *Chiffre Rock* - *Chiffre Rock*
- *Pointe du Chiffre* - *Chiffre Point* - *Chiffre Rock* - *Chiffre Rock* - *Chiffre Rock*

JOURNAL

17. Oct. 1861. — From the same source as the preceding, we learn that the
Confederate Government has issued a decree, authorizing the
Confederate States to seize all vessels of the United States
belonging to persons who have engaged in the rebellion,
and to hold them as prizes. This decree is to be published
in the "Confederate States Gazette," and is to remain in
force for one year.

Надеялась, что она будет сама, но неожиданно для себя увидела на пороге Александра III, который вошел в залу, не имея никаких признаков опасения.

Масалан:

1. 1903 йили император Александр III музейи учун Амир Темур мақбарасидаги ноёб ойналар сўралганда, уларнинг кўти ўридан кўпорилиб, зудлик билан Санкт-Петербургга жўнатилди. Махаллий тўралар эса уларга ҳайбаракалмачи бўлдилар.

2. Бу ҳам етмагандай, 1905 йилда Амир Темур мақбарасининг пештоқидаги нафис ёзувли лавҳа ҳам ўғирланди ва 1906 йилда Берлиннинг Фридрих-Музеумнинг раҳбари Т.Бодега ўн минг франкка сотиб юборилди. Элчилар аралашувидан сўнг у Россияга қайтарили. Ҳозирда Эрмитажда сақланмоқда. Лавҳада: „Жаҳонгир Амир Темур Кўрагоннинг қабри, Ҳудо уни раҳмат қилсин ва абадий жаннатга мушарраф бўлсин“, деган ёзув битилган.



Юрагида ўти бор тарихчи Амридин Бердимуродов гувоҳлик беради:

„Амир Темур ва темурийлар, қолаверса, халқимизнинг ўтмишига қора чаплашда, бир пайтлар Узбекистон халқи мафкурасининг „хушёр посбони“ бўлган Рафиқ Нишоновнинг „хиссаси“ жуда каттадир.

Бу ҳақда унинг ўзи фахрланиб гапиришни яхши кўради. У „Известия“ газетасининг 1990 йил 1-сонида шундай ёзган эди: „Миллатчилик ниятлари билан Рашидов Темур каби ўтмишининг қонхўр босқинчиларини улуғлашга кўмаклаша бошлади. Эсимда, ўртамиэда жуда жиддий тортишувлар бошланди. Мен ўз нуқтаи назаримни Марказий Кўмитада қаттиқ ҳимоя қилдим. Рашидовнинг шубҳали ҳаракатлари ҳақида КПСС Марказий Кўмитасига, Суслов, Пономарёв, Демичев, Капитоновларга хабар қилдим. Улар менинг ҳикоямни (аслида чақимчилигини) хайриҳоҳлик билан эшилдилар, ҳаттоқи менинг берган баҳоларимга қўшилдилар. Бу мен учун ҳеч кутилмаган ечим билан тутади; мени КПСС МҚнинг чет эл билан ишлайдиган кадрлар бўлимига ҷақиришиб, СССРнинг Цейлондаги элчиси бўлиб ишлашни таклиф қилинди“.

Хўш, ўз юртини сотган, ўтган одамнинг ортидан ноҳақ гапларни айтган кимсалар ҳақида Ҳадиси шарифларда нима дейилган? „Чақимчилик нима, биласизларми? У — одамларнинг гапларини (уларнинг ўзаро муносабатларини бузиш ниятида) бир-бирларига ташимоқлиkdir“.

„Одамлар ичиди Тангрига ёқимсиэроги — ашаддий душманлик қилувчидир“.

Хар қандай лавозимда бўлсанг ҳам, ҳалқни сотиб бўлмайди. Бир кун нон-туз еган жойингга қирқ кун салом берсанг ҳам камлик қиласди, дейди донишмандлар. Бошқа изоҳ ортиқчадир.

Мұхаммад Али:

— Китоблар биэга кўп нарсалардан гувоҳлик беради. Юқорида анча-мунча фикрлар ойдинлаши. Мен яна қўшимча қилишим мумкинки, француз тарихчиси Л.Ланглэниг „Темур ҳаёти“ асарида Ибн Араб шоҳга жиддий эътироҳ билдирилади. Унинг жангда асир тушган Боязидни „кушдек қафасга солдилар“ ва базмда хотинини жориялар ўринида хизматга қўйдилар, деб ёзганини қабиҳ тухмат дейди ва бу сўзларни бир-бирларидан кўчириб олаётган ғарб тарихчиларини нохолисликда айблайди. „Ушбу уйдирмалар жаноб Вольтер томонидан ҳам инкор этилган эди“, деб ёзади у.



Ҳазрати шоҳи Нақшбанд айтибидилар:

Ҳар ким ўзгаларни хоҳласа, ўзини хоҳлабди,
Кимки ўзини хоҳлабди, билсинки, ўзгани хоҳлабди.



Таниқли тарихчимиз, тарих фанлари доктори, профессор Ашраф Аҳмедов ўзининг „Темурга тегманг“ мақоласида Бухородан Ҳиндистонга кўчиб бориб, муazzзам ҳукмдор — Жалолиддин Акбар подшоҳ саройидан паноҳ топган Мутрибий ал-Асамм ва унинг „Тарихи Жаҳонтирий“ асари ҳакида маълумот берганки, бу биз учун жуда қимматлидири.

Мазкур маълумотлар билан танишишимиз ва уларни таҳлил қилишимиз зарурки, уларнинг ҳар бири бизга ўша даврдан қимматли манбаларни етказиб берган. Ўқувчига қулайроқ бўлиши учун биз уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида номладик.

Акбаршоҳнинг тиллоси

„Тарих тўқиз юз саксон иккода (милодий 1574–75) ...бу подшоҳ роэй (Акбаршоҳ Бобурий) ўзининг буюк ва мўътабар аждоди бўлган Соҳибқироннинг дахмасини таъмирлаш учун Самарқандга бир фил олтин юборди“.

Тұлқин Ҳайит:

— Бобурыйлар ота юртларини, буюк боболари Соҳибқирон Амир Темурни сира унутмаганлар. Мазкур воқеа ҳам шундан далолат беради.

Мұхаммад Али:

— Бобур Мирзо ниҳоятда жиддий тарбия күрган зот эди. У мұман, темурийлар даврида бола тарбияси ҳақида қатор илмий изланишлар олиб борилиши керак. Бу илмий изланишлар рисола, китоб ҳолида нашр этилса, бутунги ота-оналар учун құлланма бўларди.

У зотнинг отаси Умаршайх Мирзо ҳам үз даврининг етуқ ҳокимларидан бири эди. Айтишларича, Фарғона довонида Ҳитой савдогарлари ҳалок бўлганда, уларнинг молларини хатлатиб, ҳатто Ҳитоғига одам жүнатиб, ана шу молларини, ҳатто игнасигача эгаларига қайтартирган экан.

Ёки бўлмаса, Бобур ҳақида ривоятни олинг.

Бир куни устози олти яшар Бобурбекни Умаршайх Мирзонинг ҳузурига бошлаб кирибди-да:

— Ҳукмдорим, мен амирзодага таълим беролмай қолдим, шунақа қийин саволлар беряптиki, тишим ўтмаяпти. Гуноҳ орттиришдан чўчийман. Фарзанди аржумандингизни бошқа устозга бера қолинг! — дебди ёлворган оҳангда.

Умаршайх Мирзо бошини ушлаб:

— Устози олам, мамлакатимда Сиздан ўтадиган донишманд йўқ, энди кимга арз-ҳол қиласмиш?! — дебди.

Бобурбек эса:

— Падари бузруквор, рухсат беринг! — дебди-да, ичкари кириб, тўккизүнта китобни зўрга кўтариб чиқиби. Бу китоблар Мұхаммад ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Ар-Розий, Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний ва Бурҳониддин Марғинонийларнинг жаҳонга машҳур асарлари экан.

Устози:

— Энди Сизни тушундим, Бобурбек, буларни ўқир экансиз-да! — дебди ҳайрат билан.

Тұлқин Ҳайит:

— Юқорида айттанингиздек, биз болаларга қўпроқ маънан сабоқ бўладиган китоблар беришимиз керак.

Ховуз

„Бу машхур даҳманинг кириш жойи шаҳарининг шимолий қутб томонида бўлиб, дарвоза ва гумбаз билан бошланади. Агар ундан кирилса, кенг ҳовли кўринади, унда мевали ва мевасиз дараҳтлар бор. Ундан чап тарафда бир ҳовуз бўлиб, мисли кавсардек зилол сув тўла“.

Мұхаммад Али:

— Бу тасвиrlардан кўринадики, кириш жойи деганда, ҳозирги арк дарвоза бўлmasa керак, демак, бу ерда мажмуя ҳақида гал бормоқда. Ҳовуз ўрни қаерда? Буни ҳам аниқлаш керак. Бу нарса бизга Амир Темур мақбарасининг ўша пайтдаги тасвирини беришда жуда асқатади.

Тўлкин Ҳайит:

— Сиз Амир Темур мақбараси, деб тилга оляпсиз. Самарқанддаги мақбаранинг ўзида ҳам шундай ёрлиқ ёзиб қўйилгани яхши иш бўлди. „Гур“ сўзи совуқ маънони беради ҳамда шундай табаррук масканли ўз номи билан аташ тўғрироқдир.

Мұхаммад Али:

— Дарвоҷе, мустақилликдан сўнг бой тарихимизнинг ҳар бир қатами, ҳар бир номи жой-жойига қўйилаёттани одамни қувонтиради.

Наврӯз кунларида

...Бобур подшоҳ замонидан бери нишонланадиган одатта қўра, Самарқанд аҳли... Наврӯз кунлари ҳафтада тўрт кун шу ҳовлида тўпланадилар ва ҳаммалари таҳриқадор (идишларда олов билан) яна Самарқандга қайтадилар.

Ҳожибий Оталиқ дўрмон замонида бу одат бекор қилинди, сабаби ҳалойиқ даҳманинг томига чиқа бошлаган эдилар.

Аммо яқинда ҳозир Туровнинг подшоҳи И момқули Баҳодурхоннинг ҳукми билан Самарқандга ҳоким этиб тайинланган буюк амир Надр Девонбеги ҳукм қилдики, „Ҳар ҳафтанинг сешанба куни қадимги подшоҳларнинг дастури билан ул манзили табаррукда йиғилсунлар. Лекин шу шарт биланки, ҳеч киши ул табаррук даҳманинг устида кўнгил очмайдилар“.

Мадраса

.... Ховлининг чап қўл тарафида эшик ва даҳлиз кўринади. Агар ундан кирилса, бу мадраса бўладики, уни султон Улугбек Кўрагон бино қилган. Унинг икки ошёнаси бор, тўрт тоқилик, ҳаммаси кошинкор ва нақшинкор. Тоқиларидаги китобасида ушбу сурә: „Инно фатаҳно ва аммиҳ ва таборак“ ёзилган. У ерда қарийб 60 та ҳужра бор. Унинг икки тарафида икки баланд гумбаз бино қилинганки, гумбазларни тибби тида чиғатой подшоҳзодаларининг гўрхонаси мавжуд“.

Ошхона

.... Ховлининг ўнг қўл тарафида дарвоза бор. Гумбазнинг ичидагахманинг ошхонаси жойлашган. Унинг бир нечта ҳужраси бор. У ерда катта бир қозон ҳам борки, унда ҳар куни фақирларга, даҳмадаги мужтаждиларга ва мадраса талабаларига овқат пиширилади“.

Куръони Карим нусхалари

„Амир Саййид Бараканинг қабри рўпарасида ўттиз поралар солинган тўрт сандуқ турибди. Панжаранинг ичи ҳаммаси талабалик сепоралари билан тўлган бўлиб, уларни ҳазрат Соҳибқироннинг набираси, шахзодаи мағфур Мирзо Муҳаммад Султон ўз қўли билан тилло сувида сулс хатида ёзган. Таҳрирни, елимлашни, жадвал ва жилдларни ўзининг муборак қўли билан амалга оширган. Улар бу даҳмаи табаррукнинг вақфига берилган“.

Шиша шамдонлар

„...Даҳма гумбазининг шипи тилло суви, ложувард ва жезлар билан нақшланган. Унинг атрофида ранго-ранг шамдонлар ўрнатилган“.

Тўпчининг ўлими

„...Гумбазда соф тиллодан ясалган қандил устувор қилинганки, унинг ёруғи атрофда кўринади.

Султон Саййидхоннинг тўпчибошиси Мир Тўлак 975-йилда (1567-68) маст ҳолатда бу қандили табаррукка туффанг(милтиқ)дан ўқ узди ва унинг юз эллик мисқолча (700 грамм) миқдорини шикастлади...“

Тұлқин Ҳайит:

— Устоз, воқеа давоми шундайки, Мирзо Үлугбек давридан бүён Наврұз кунларида, сайил пайтида бир тепалиқ устига ҳұқыз терисидан нишона үрнатиб, уни түпдан үққа туттанлар. Султон Сайиидхон ҳам ана шундай мусобақа уюштиришни амир этиб, Мир Тұлакни бунга жалб этади. Фармони олийға биноан шу мусобақа учун үн учта үқ ясалади. Үққар шу даражада оғир әдіки, иккитасини бир түя зұрға құтарған. Үша куни Мир Тұлак 13 үқни ҳам нишонга теккиза олмай шарманда бұлғани ҳам бор ҳақиқат. Бундан хафа бұлған Султон Сайиидхон яна битта үқ ясашга бүйрүқ беради.

Мир Тұлак ясалған үқни түп ичига солиб, таёқ билан жойламоқчи бұлғанда, учқун бұлғанми ё бошқа сабабми, түп оташхонаасидан олов չыкыб, отилиб, Мир Тұлакни ҳам ҳавога ирғиттган. Бу ҳолатдан Наврұз байрамига келгандар дахшатта тушишган. Түпчибошининг парча-парча бұлған этларини эса ҳар жойлардан териб олишган. Халойиқ бу фожиа-ни үша қандил воқеаси туфайли, деб билган.

Мұхаммад Али:

— Дүнёнинг ёзилмаган қонунлари бор. Айтайлық, бирорвнинг күнглини орнитсак, бир кун түсатдан панд еб қоламиз-да, сүнтра ох-воҳ қылғыб юрамиз. Амир Ҳусайн Қуръони Каримни үртага қўйиб: „Темурбек, энди сиз билан бундан кейин сира адоваратга бормаймиз“, деб қасам ичган эди. Мовароуннаҳр подшоси ҳам бұлди, аммо үзининг бетайинлиги, тутуриқ-сизлиги туфайли Кайхусравнинг қиличи билан ҳаёт шами сұнди. Юқорида күп бор тилга олдик, Зиндашым Опардий, Ҳусайн Сұфи, Йилдирим Боязид ва бошқалар үзларининг нотұғри хатты-харакатлари, одамийлик-дан йирок қылғлари, манманлыклари туфайли инқирозга учрадилар.

Тұлқин Ҳайит:

— Устоз, оз әмас, күп әмас, етмиш уч ёшдасиз. Ҳам давлат ишлари, бошқа катта-кичик юмушлар, боз устига мана бу сұхбат, демоқчиманки, чарчатыб қўймадикми?

Мұхаммад Али:

— Бой тарихимиз ҳақида, Амир Темур тұғрисида шундай әркін гапирадиган, ёзадиган күнлар келди, бу ҳузур-халоват, роҳат-фарғат-дир; бундай күнларда, юқорида ишлатған иборани қайтарадиган бұлсақ, жім үтириш уят, ишлаш керак; сұхбатимиздан үзимда ички роҳат сез-япман: бу китоб яхшиликка хизмат қиласы, одамларга мозийдан хабар келтиради, ёшларға үгіт, маслаҳат беради, юртта, дүнёга тинчлик тилайди, үтмиш хатоларидан сабоқ чиқаришга чақиради. Бу нақадар олижаноб иш! Бундан фақат қувониш, шодланиш керак, деб үйлайман.

Тұлқин Ҳайит:

— Ҳозирча мазкур бўлимга шу ерда нұқта қўйсак, Сизга яхши кай-фият тилайман. Кейинги бўлимдаги сұхбатимиз бундан ҳам қизиқ бўлади, деб үйлайман.



Бешинчи бўлим

ИККИ ДУНЁ – ИККИ ОЛАМ

*Ёхуд кечиримли бўлиш ҳамманинг ҳам қўлидан келадими?!
Бир рубоийнинг баҳоси*

Тўлкин Ҳайит:

– Устоз, ана энди яна Амир Темурга қайтайлик. Ҳўш, унга қайсарлик қилган буюк истеъодлар йўқмиди?! Биргина ҳуруфийларнинг ашаддий тарафдори бўлган Сайийд Имомиддин Насимиини олинг!

XIV–XV асрларда вужудга келган ҳуруфийлик Эрон, Озарбайжон, Рум ва Сурияда тарқалган бўлиб, улар „Оlam abadij, инсонда Худонинг қиёфаси акс этган, олам тараққиётининг ҳар бир босқичида Ҳудо қиёфаси инсонда мужассамлашиб намоён бўлади“, деган фикрни олға сурғанлар.

Ривоят қилишларича, Амир Темур билан шоир Насимиининг учрашувлари, ўзаро қаттиқ баҳслашувлар билан ўтар экан. Бадиий адабиётда ҳам бу нарса ўз аксини топган. Эмишки, мулоқотни кузатиб турган мавлоно Абдулжаббор ва беклар уни жазолашни талаб қилганлар, аммо биламизки, адабиётни жон-дилидан севган, илм-фан кишиларини эъзоз-ла туттан Соҳибқирон Амир Темурдек эот бундай инсонларга ҳамиша мурувватли бўлган. „Сен озодсан, шоир, кетишинг мумкин“, – дейди у бамай-лихитир оҳангда.

Абдулжаббор такрор ўрнидан туриб:

– Бу ҳуруфийни озод қўйиб юбориш мумкин эмас, умматларимизни ўлдан оздиради, – дейди ташвиш билан.

Амир Темур:

– Инсон қалбини фатҳ этган шоирнинг, беҳад гўзал мисралар соҳиби-нинг қонига сабаб бўлиб, қонли қўлим билан тарихга кирмоқчи эмасман! – дей ўз қарорини кескин оҳангда баён этади.
Шоир чикуб кетгач, Амир Темур унинг қўйидаги мисраларини ўқиган экан.

Мунаввар наргисинг турку, ақл уйин торож этди,
Мұғул қайга борар бұлса тушар торожу яғмога.

Насимий чун сени топди, бу оламдан воҳид үлди,
Кечибон мову манлиқдан етишди зоти яктога.

Билъакс, Сайийд Имомиддин Насимий қилич ҳукмрон бўлган ўша замонда, 1417 йилда Ҳалабда Миср сultonи Muайяддиннинг ғазабига дучор бўлиб, тириклайн териси шилинди.

Мұхаммад Али:

— Амир Темур эса кечиримли зот бўлиб, Ибн Арабшоҳ таъкидлаб ўтганидек, у ҳузурига бош уриб келган ғанимини кечира олар, ўз юрти учун курашган ғаним жангчисининг саъй-ҳаракатларини одилона баҳоларди. У неча бор лафзини ҳаром қилиб, қайта-қайта хиёнат қилган Зиндашмни ҳам, нонқўр Тўхтамишхонни ҳам кечира билган эди.

Кўп бора таъкидлаб ўтилганидек, Амир Темур ёшлигида Қуръони Карим руҳида, Мұхаммад алайхиссаломнинг ҳадислари, Шарқ алломалиари, қадим оила маданиятимиз руҳида етук тарбия топган инсон эди, билъакс, у зот пайғамбаримизнинг Ҳадиси шарифларидағи: „Ҳайрун наси ман янфаъун наса“, яъни „Одамнинг эзгуроги бошқа одамларга фойда келтиргани“, деган ҳикматларига қатъий амал қиласардики, бу ўринда кечиримли бўлиш ҳам инсоннинг энг яхши фазилати эканини таъкидлаш кифоядир. Лекин бу фазилатнинг юксак тоғига чиқиб бориш, унга эришиш учун ҳамманинг ҳам иродаси тоб беролмайди. Кечиримли бўлиш фазилатига юксак ақл ва улкан сабр орқали эришилади, деган гапларда жон бор.

Тўлқин Ҳайит:

— Одам зоти шаклан бир хил, аммо фикр юритиши, одамга баҳо бериш бўйича турфа хил. Масалан, бир куни лифтда ишхонага кўтарилаётган эдим, ёнимдаги таниш йигитнинг қўлида китоб бор эди, бошқа газетада ишлайдиган бундайроқ бир муҳбир йигит: „Китобни ўқиудиган одам кўтариб юрса ярашади“, — деди истеҳзо билан ва лифтдан тушиб қолди. Китоб кўтарған йигитни яхши танирдим, биз кўпинча ўқиган китобларимиз бўйича ҳам фикр алмашиб турардик. У бетамизларча айтилган гапдан жуда хафа бўлди.

Бир воқеа

Ҳазрат Амир Кулодан нақл қыладиларки, у зот бир мажлисда Ҳаж
штиш қиссаси ҳақида сүзлаб турғанларида, бир нодон сабр қылмасдан:
“Ҳазрат Каъбатуллога бормаганлар-ку! Ҳеч бўлмаса, умрида бир марта
Каъбани зиёрат қилган киши бу гапларни айтса, ярашарди”, дей киноя
қылди. Ҳазрат Амир мажлисдан сўнг ҳалиги одамнинг қўлидан тутиб:
“Эй нодон, кўзингни оч ва юқори қара!” дедилар. У юқорига қараса,
Ҳазрат Амирнинг боши уэра Каъба жилва қилиб турарди. Нодон ким-
са шу заҳоти унинг оёқлари остига ўзини ташлаб, тавба қылди. Ҳазрат
Амир буюрдиларки: „Эй нодон, қай бир кимсаки, ўзида ҳеч вақо йўқ
бошқаларда ҳам ҳеч нима йўқ, деб гумон қилур. Шуни унутмагинки, то
ҳақиқий (ботиний, қалб кўзи) кўз очилмагунча, ҳеч нарсани (ҳақиқатни)
куриб бўлмайди.

Кўзингни юм, токи кўзга айлансин кўнгил,
Бу кўз била энди кўргил, жаҳонни кўргил.
Ҳақ зикрига ланг очгину қалб эшлигини,
Фалакда не бўлса ани томошо қилгил.

ҚАЛБ КЎЗИ! Ҳамманинг қалб кўзи очиқ бўлганда, инсон бирор кун
ҳам турбатда яшамасди. Афсуски, ҳаётда бунга эришиб бўлмайди. Лекин мени бир нарса ҳайрон қолдиради: Темурбекнинг ёшлигидан қалб
кўзи очиқмидики, болалиги тўғрисида қолган бир-иккита воқеаларда ҳам
унинг ўта ақлли бўлгани эътироф этилади.

Мұхаммад Али:

— „Бўладиган бола бошидан маълум“, деган гап бор. Темурбек ёши-
лигидан кучли хотираси, қувваи ҳофизасининг бекиёслиги билан ўз дав-
рининг етук олимларини, алломаларини ҳайратга соглан. Мактабдошла-
ри ичida ҳам ўзининг ҳайратомуз ҳаракатлари билан тенгдошларидан
ажралиб турган. Тўққиз ёшида Қуръони Каримни ёд билгани, кўпгина
масалаларда катталардек фикр юритиб, ўша давр олимларининг меҳрон-
ни қозонгани ҳақида айтадилар. Қиёс қилинг: ёш Алишер Навоий ҳам
олти ёшида Қуръони Каримнинг олтмиш етти сурасини ўқиб то „Та-
борак“ сурасигача борган эди, ўн минг байт шеърни ёд биларди. „Бўла-
диган бола бошидан маълум“ лиги шундан қўриниб туриби.

Темурбек ҳали ўсмирик пайтиданоқ мустамлака юртинг «юрак азоблари»ни англаб, ғаними кимлигини, ҳалқининг озод бўлишини, тенглар ичра тенг яшашини орзу қилган. Ўсмир ёшида ҳамма ҳам эл-юрт ахволини бу даражада идрок этолмайди.

Темурбек Жалолиддин Румийнинг «Маънавий маснавий», озарбайжонлик шоир Маҳмуд Шабистарийнинг «Гулшани роз» («Сирлар гулшани») китобларидаги шеърларни ёд олган эди.

Оила мухити, Шаҳрисабзининг имл доираси аҳлининг таъсири унинг етук шахс сифатида шаклланишида бош омил бўлди, десак муболага эмас. Кўпгина инсонлар шарт-шароит таъсирида ўзгарадилар, ўзларини ўйқотиб қўядилар, аммо Амир Темурда кўрамизки, бир яхши фазилат ўрнини иккинчиси тўлдириб борган ва у албатта, ҳамиша ана шу инсоний эътиқодида содик турган.

Низомиддин Шомий ёзди:

„Шероз Амир Соҳибқироннинг шарафли қадами билан бир неча вақт амонда бўлиб, ободонлашди. Кишилар айшу фароғатга яқин ва қийинчилигу балолардан узоқ яшадилар. Бир қанча мавзеларда хайрия иморатлари, масжиду мадрасалар қурилди ва шаҳарнинг баъзи маҳалларига оқар сувлар келди“.

Хофиз Шерозий воқеаси эса ағсонанинг ўзи...

Нақл қиласидиларки, буюк Соҳибқирон шоирнинг Самарқанд, Бухоро шаҳарлари ҳақида ёзган ғазали учун ҳузурига чақирирган эмиш. Ўша ғазалдан бир байт келтирамиз.

Агар кўнглимни шод этса ўшал шерози турк жонони,

Қора холига бахш эттум Самарқанду Бухорони.

Бу икки мисра, биринчидан, Амир Темур қайта сайқал берган Самарқанд билан Бухоро шаҳарларининг киши ҳавас қиласа арзидиган, нуфузи ҳақиқатан ҳам дунёда машҳурлигини намоён этган бўлса, иккинчидан, Соҳибқироннинг ўз одати бўйича улуғ шоирга катта эҳтиром кўрсатанини ҳам билдиради. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бу улуғ зотнинг ўзи тарих, адабиёт ва санъат муҳлиси, шайдоси бўлган ва бу туйғу авлодларига ҳам мерос бўлиб ўтган. У маърифатпарвар ҳукмдор эди! Ахир жаҳонда қайси ҳукмдор ўзининг оламшумул аллома набираси билан мақтана олади? Фақат Соҳибқирон Амир Темур! Тўғри топдингиз, Мирзо Улугбекни назарда тутмоқдаман.

Тұлқин Хайит:

— 1386 йилнинг бошида Тұхтамишхон 90 минг қүшин билан Табризга кириб, уни ғорат қылди, Озарбайжоннинг башқа шаҳарларини талонтарож этди. Ана шундай шароитда Амир Темур унинг үйлини түсди ва Эронни янги мұғуллар истилосидан асраб қолди.

Мұхаммад Али:

— Аниқ тарихий маълумотлар күрсатады, XIV асрнинг иккінчи ярмида Эрон алохida мустақил давлат әмасди. Унинг бир томони Жалойирлар давлати (1336—1441) бўлиб, Озарбайжонга, иккінчи томони сарбадорларга (1336—1381) тегишли эди. Шероз томонлар музafferийлар сулоласига қаради. Сулолалар ўртасида зиддиятлар ҳам етарли эди. Бундан фақат халқ жабр-зулм кўрмоқда эди. Шу боис ҳам, улар ёрдам сўраб, Соҳибқирон Амир Темурга мурожаат қылган эдилар.

Тұлқин Хайит:

— Мусулмон оламида қонунлар қаттиқ бўлиб, Амир Темур ислом қоидаларининг оёқости бўлишига йўл қўймас, бу нарса унинг инсонийлик бурчига ҳам, шаънига ҳам тўғри келмас эди, қудратли ҳукмдор сифатида бу ишларда ўзини масъул сезарди. Лекин яна юзимиз эски тузум томонга бурилиб кетади: ўқувчилар ҳасратлари кўп экан, демасинчару, айтиш керакки, шуро ҳукумати Афғонистонга босиб кирганды, унинг ҳалқидан хат олиш у ёқда турсин, ҳатто эълон ҳам қилган әмас.

Соҳибқирон Амир Темурнинг мақсади аниқ бўлгани учун ҳам, 1381 йилдаги юриш маҳалида курдлар сулоласидан бўлган Фиёсиддин Пир Али ҳам, ҳатто Сарбадорлар давлати ҳам, яъни Ҳожа Али Муайднинг ўзи ташаббус кўрсатиб, давлатини Амир Темурга ишониб топшириди. Муаррих Давлатшоҳ Самарқандий ўзининг „Тазкират уш-шуаро“ асаридаги бу воқеани аниқ қайд этган.

Шу боис ҳам тарихчи олимлар Амир Темур тарихини ўрганишга алоҳида муносабатда бўладилар.

Мана, яна бир мисол.

Буюқ британиялик тарихчи олим Сигдем Балим-Хардинг: „Ўзбек тарихини ўқитиш борасидаги ҳар қандай ёндашув, даставвал, (Амир) Темур ва унинг меросини ўқитиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Бу масала фақат Ўзбекистон учун эмас, балки жаҳон тарихини ўз дастурларининг бир қисми сифатида ўргатувчи барча мамлакатлар учун дол зарб мавзудир¹.

Муҳаммад Али:

— Инсоннинг барча яхши ёки ёмон ишлари унинг шахсияти билан боғлиқ. Амир Темур лодунний билимга эга бўлиб, жаҳон сиёсатини, иқтисодини, тарих, фалсафа, илм-фаннынг турли соҳаларини яхши билар, бунёдкорлик, меъморчилик ва бошқа кўпгина сир-асрорлардан хабардор эди. Унда авлиёлик қобилияти ҳам бор эди, десак янгилишмаган бўламиз. Ана шунинг учун ҳам, у ҳукмдор сифатида ўэзининг энг биринчи вазиғаси уруш эмас, балки Аллоҳнинг бандаларига бўлиб берган манзиллари ва у ерда яшаётган фуқаронинг тинчлиги, манфаати деб билар эди. Дунёнинг ўша даврдаги машҳур олими Ибн Ҳалдун 35 кун мулоқоти ҷоғида айнан ана шулар ҳақида тўхталади.

Тўлқин Ҳайит:

— Устоз, мен Ибн Ҳалдуннинг эсадаликларини ўқиганимдан сўнг 1996 йилда „Ибн Ҳалдуннинг туяси“ деган мақола ёздим ва у „Туркистон“ газетасининг бир нечта сонида босиб чиқарилди. Мен бу мақолага битта нарсани киритолмадим, яъни Ибн Ҳалдун Бухтаннаср ҳақида гап очганда, аввалига Амир Темур: „Сен Бухтаннасрни Ҳусрав, Қайсар, Искандарлар билан бир қаторда зикр этдинг“, дея ўз эътирозини билдириб, Бухтаннасрнинг уларга тенглашолмаслигини, яъни унинг бор-йўғи форс қўшинларининг қўмондони бўлганини ва ўзини ҳам бор-йўғи таҳт соҳибининг ноиби эканлигини қистириб ўтади.

— Бухтаннаср қайси тоифадан? — деб сўрайди у яна.

Ибн Ҳалдун:

— Бу хусусда одамлар орасида ихтилофлар бор, айримлар уни набоийлардан, Бобилнинг охирги ҳукмдори, деб биладилар. Бошқа бирорлар уни илк эронликлардан, деган фикрда юрадилар, — деб жавоб беради.

¹ „Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни“ мавзуидаги Ҳалқаро конференция тезислари. 30-бет. Т., 1996.

Амир Темур:

- Яъни у Манучехр авлодидан, — деб аниқлик киритади.
- Ҳа, шундай гап бор, — дейди Ибн Халдун.
- Оналаримиз томонидан бизнинг ҳам Манучехрга қариндошлиги миз бор! — дейди Амир Темур.

Мен „наботийлар“ ни биламан, яъни араблар Бобил ҳалқини, аниқларни византияларни „наботийлар“ дейишар эди. Лекин Амир Темурнинг бу гапи онаси Такина Моҳ бегимга бориб тақалмаяптими?!

Чунки Бухорои Шарифда „садр аш-шариъа“ лавозими мавжуд бўлиб, бу мансабга, яъни бу „раис“, „бошлиқ“ ликка ўша замоннинг энг олд кишилари тайинланар эди. Садр аш-шариъа Убайдуллоҳ ибн Тоҷ аш-шариъа Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Маҳбубий ал-Бухорий ҳам то вафотига қадар — ҳижрий 747-(1346—47) йилгача шу лавозимда ишлаган ва бу нарса Амир Темур она авлодлари ўқимишли, юксак маданиятли кишилар бўлганини кўрсатади. Чунончи, Амир Темур Манучехро авлодлари, деганда, масаланинг ана шу томонини кўзда тутмаганмикин?!

Устоз, ана шу масалага ойдинлик киритиш мумкини?

Мұхаммад Али:

— Гапнинг очиғи, бу мени ҳам кўпдан ўйлантириб келади. Нимага асосланиб Амир Темур, она томондан Манучехрга қариндошлигимиз бор, деган эканлар? Бу ерда икки жиҳат бор. Биринчиси, биз бу маълумотни Ибн Халдун орқали билмоқдамиз. У қанчалар тўғри англаб ёзган, бу ҳақиқатми, бизга қоронғу. Иккинчидан, Манучехро афсонавий пешдодийлар сулоласига мансуб, деб ҳисобланади. Пешдодийлар сулоласи (эралмиздан олдин) 2441 йил подшолик қилган деб айтилади „Шоҳнома“да. Достонда Манучехрнинг юрт талашиб Турон подшоси Афроснёб билан жанг қилгани ҳам тасвиirlанган. Демак, Манучехро билан Амир Темур замони ўртасида кўп асрлар үтган. Робита йўлларини кузатиш мушкул, балки имкони йўқ. Агар бу фараҳ бирон ҳужжат (чунончи, шажара) билан тасдиқланса бошқа гап эди. Учинчидан, Амир Темурнинг она тарафидан пешдодийларга боғланиши ҳақида бошқа ҳеч қандай манба да маълумот учрамайди. Шулардан келиб чиқиб, Амир Темурнинг Манучехрга қариндошлиги гумонлигича қолаётир, десак тўғрироқ бўлади.

Асл мавзуга қайтсан. Амир Темурнинг аждодлари ҳам замонасининг эртиборли кишиларидан эди. Маданиятли оиласда яхши инсонлар

тарбия топадилар. Кузатишимча, айниңса, адабиётта меҳон бор ҳукмдор борки, у дунёни теранроқ тушунади. Амир Темурни ҳам биз ана шундай инсон сифатида таниймиз. Алишер Навоий ҳазратларининг ул эот ҳақида айтган сўзлари жуда машҳур. Олимлар, тарихчилар, ҳатто мактаб ўкувчилири ҳам бу сўзни хушнудлик билан такрор этадилар. «Темур Қўрагон – агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хуб маҳал ва мавқеъда ўкубдурларким, анингдек бир байт ўқурони минг байт айтқонча бор». Бу ўринда, унинг «Темур тузуклари» да Амир Ҳусайнга ёзган байти шоирлик иқтидори борлигига ёрқин ишора эмасми?!

Ёрга еткур, сабо, ким макр қилмишдири манга,
Қилди эрса кимга макр, қайтадур бир кун анга.

Манбаларда темурийлардан ўттиздан ортиқ шоирларнинг яшаб ўтгани ҳақида етарли маълумотлар бор. Ҳазрат Алишер Навоий бобомиз 22 темурий ижодкорнинг исм-шарифларини зикр этиб, қисқача тўхталиб ўтган. Улар орасида Ҳалил Султон, Улугбек Мирзо, Бойсунтур Мирзо, Абулқосим Бобур Мирзо, Ҳусайн Бойқаро, Шоҳ Фарид Мирзо ва бошқалар бор.

Бу даврда ўзбек тилида Мавлоно Лутфий, Мавлоно Атоий, Мавлоно Амирий, Мавлоно Яқиний, Мавлоно Гадоий, Мавлоно Муқимий, Мавлоно Латифий, Ҳайдар Ҳоразмий, Дурбек, Саййид Ҳасан Ардашер, Аҳмадий кабилар яшаб, ажойиб шеър ва достонлар битдилар. Шу билан бирга, форсийзабон шоирлар – Амир Қосим Анвар, Мавлоно Котибий, Ҳожа Исматилло, Мавлоно Бисотий, Мавлоно Яхё Себак, Мавлоно Тусий, Бобо Савдойи, Мир Шоҳий, Мавлоно Шарафуддин Али Яздий, Мавлоно Мухаммад Муаммойи, Ҳожа Масъуд Қумийлар ҳам шеъриятнинг турли жанрларида муваффақият билан ижод этдилар.

Самарқандда ўша даврнинг энг атоқли шоирлари жам бўлган эдилар. Мавлоно Камол Бадахший уларга сардор эди. Улугбекнинг ўзи ҳам шеърлар ёзар, шоирлар унга ўзларини яқин тутар, унинг шеърият ҳақида турушунчалари ниҳоятда юқори бўлганини Саккокий ўз қасидаларининг бирида алоҳида таъкидлаб ўтган.

Мирзо Улугбек Мавлоно Лутфий шеърларини XV асрнинг машҳур шоири Самон Соважий шеърлари билан тенг кўрган эди.

Тұлғаннан Ҳайит:

— Шу билан бирга, Амир Темур ва темурийлар даврида рассомчик-мик, наққошлик санъати ҳам юксак тараққий эттанини айтиб үтишимиз керак. Дунёға машхур Камолиддин Бекзод ва Шоҳ Музаффар номлари бу даврнинг энг күзга қўринган намояндадар сифатида тилга олинади.

Амир Темур саройида Абдулла деган мусаввирнинг яшаб ижод этгани маълум. Самарқандда Ҳўжа Абдулҳай, Мавлоно Шаҳобиддин Абдулла, Мавлоно Захириддин Аэҳар, Устод Шамсиддин, Жунайд Накош, Пир Аҳмад Богишамолий ва бошқалар китоб безаш билан машғул бўлганлар.

Хожа Мирак Накош хитой чиннисини ясаш ва унга безак беришда тенги йўқ уста әди. Тарихчи Мирхонднинг ёзишича, у кейинчалик соат ясаб, ёғоч сандиққа ўрнатган.

Мұхаммад Али:

— Бу даврда хаттотлик санъати ҳам ривож топганини тилга олиб үтишимиз керак. Султон Али Машҳадий, Рафиқий тахаллусини олган Мир Али Мажнун, Камолиддин Маҳмуд, Хожа Абдулқодир Марофий каби хаттотлар бу санъатни юқори погонага кўтаришида муносиб ҳисса кўшидилар.

Биз ўша давр манбаларида мусиқа санъатининг юқори даражага кўтарилганининг гувоҳи бўламиз. Самарқандда ракқосалар, қўшиқчилар ва мусиқачилар кўп әди. Улар орасида Ғарвеш Аҳмад Қонуний, Султон Аҳмад «девона», Султон Аҳмад Удий Самарқандий, Мавлоно Девонаи Самарқандий ва бошқалар ажралиб туради.

Абдулқодир ибн Гайбий «Мақосид ул-алҳон» («Мусиқанинг мақсадлари») деган рисола ҳам ёзган.

Бастакорлар:

Абдулла Марварид, Ҳофиз Шарбатий, Паҳлавон Мұхаммад.

Хонандалар:

Мавлоно Айний, Ҳофиз Қозоқ.

Созандалар:

Хожа Камолиддин Удий, Али Кармал, Ҳўжа Абдуллоҳ Садр ва бошқалардир.

Темурийлар даврида тилшуносликка ҳам катта эътибор берилгач, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийдан ташқари, Ҳожа Жалолиддин Фазуллоҳ Абулайсий, Абулқосим ибн Абу Бакр Лайсий Самарқандий, Исимиддин Иброҳим ибн Мухаммад ибн Арабшоҳ Исфаронийлар тилшунослик соҳасида жуда катта асарлар ёзиб қолдирғанлар.

Шулардан ҳам кўринадики, Амир Темур ва унинг авлодлари ҳукмронлик қилган йилларда нафақат юртимиэда, балки жаҳонда ҳам ҳар соҳада ривожланиш, кўтарилиш, ўсиш ва тараққиёт даври бўлган эди. Шу билан бирга, адабиёт ҳам янги босқичга кўтарилиди.

Тўлқин Ҳайнит:

— Адабиёт юксакликка кўтарилиган жойда, инсоний муносабатлар ҳам етук даражага етганки, бу ҳақда тарихда мисоллар кўп. „Мусҳафдан мурод инсон ҳақиқатидир“ деган машҳур бир сатр бор. Бу ҳақда Амир Темур ҳам, Ҳожа Аҳорори валий ҳазратлари ҳам сўз юритганлар.

Бу мисра ҳазрати қутб ал-авлиё Султон Абу Саъид Абулхайрнинг машҳур рубоийсидан олинган бўлиб, тарихий манбаларда айтилишича, уни бемор бошида ўқиш расм бўлган.

*Хуро баназори ниғорам саф зад,
Ризвон з-таажжуб кафи худ бар каф зад,
Он холи сияҳ барон руҳон мутраф зад,
Абдол з-бийм чанг дар Мусҳаф зад.*

Маъноси:

*Ҳурлар сафландилар ниғоримга қараб,
Ризвон таажжубдан қарсак чалиб қолди,
Рӯҳлардан хурсанддир қора хол яйраб,
Қўрқанидан абдол Қуръонга чанг солди.*

(Форсийдан Тўлқин Ҳайнит таржимаси.)

Устоз, бу шунчаки машқ, ўзим учун таржима. Гоҳо ўзга тиллардан ўқиган шеър ёки бирор мисра ёқиб қолса, у хоҳ инглизча, хоҳ арабча бўлсин, таглама таржима қилиб, маъносига етишга, шарҳлашга ҳаракат қиласман. Улугларнинг бир сўзи ҳам дунёча маъно беради ва одам дегани, албатта, бу маъно дентизининг тубига ошиқиб, ундаги жавоҳир, дурлар нуридан баҳраманд булишни истайди. Бу худдикি боғоннинг бирор

ноёб дарахтни экиб, ҳосилини кутгандек ва ундан баҳраманд бўлиш учун жонини азоб ўтида тоблагандек бир гап. Энди, мухтарам ўқувчилари-мизнинг ҳазрати қутб ал-авлиё Султон Абу Саъид Абулхайр ҳакида сўровлари ҳам бўлади. Бу саволни очик қолдириб кетмасак. Мен баъзи манбаларни кузатганимда, бу зотнинг 967 йилда туғилиб, 1049 йилда 82 ёшларида дорулфандан дорулбақога риҳлат қылганлари ҳакида мавъумотга эга бўлдим.

Мұхаммад Али:

— Соҳибқирон Амир Темур бу зотни яхши билганлар ва кўплаб назмларини ёд билганлари ҳам аниқ. Хусусан, юқорида тилга олинган машҳур руబоййдан бир сатрни сарой аҳли олдида ўқиганлари бор ҳақиқатдир. Бу тўғрида Хўжа Аҳорори валий ҳам кенг фикр билдирганларки, кейинроқ бу тўғрида тўхталамиз.

Манбаларда айтилишича, Султон Абу Саъид Абулхайр Хуросоннинг Ховарон вилоятидаги Мехна қишлоғида туғилган. У зеҳни ниҳиятда ўткир, ўта қобилиятли, шу билан бирга, ўта хушовоз бола бўлган. 11 ёшларида Куръони Каримни ёд билган ва жуда хуш овозда ўқиган, айтишиларича, Ҳофизи Куръон унвонига ҳам сазовор бўлган. Бир қанча устозлар қўлида таълим олиб, тариқат одоби, диний илмларини камолот даражасига етказиб, иршод даражасини олади ва ўз хонақоҳини очиб, юзлаб шогирдларни тарбиялаб вояга етказади. Улар орасида Мұхаммад Газзолий, Абу Наср Ширвоний каби ислом ва тасаввуф оламида машҳур арбоблар бор. Ҳатто бу зот тиббиёт оламининг даҳоси Абу Али ибн Сино билан Нишопур шаҳрида учрашиб, уч кечаю кундуз сұхбатлашган.

Накъ қилишларича, Ибн Синодан: „Шайх ҳакидағи фикрингиз қандай?“ деб сўраганларида ёки у зотдан: „Аллома ҳакидағи фикрингиз қандай?“ деб сўраганларида, ҳар икки донишманд ҳам бир хилда, яъни: „Ҳар неники мен ҳис қилдим, у билади“, дейя жавоб беришган.

„Султон ул-орифин“ деган улуғ номга сазовор бўлган Абу Саъид Абулхайр ҳазратлари оташин ваъзлар ўқиб, халқни Ҳақ ўйлига ҳидоят қылган. Қабри Мехнада.

Ҳозирда маҳаллий аҳоли бу жойни „Мона бобо мозори“ деб тилга олишади. Адабиётларда эса Мехнавий тахаллуси билан зикр этилади.

Тұлқин Ҳайт:

— Устоз, мен ҳам құшымча қылсам: Ҳазрат Алишер Навоий бобомиз ҳам үзларининг машұр „Насойим ул-муҳаббат“ асарларида бу зот ~~хакида~~ зикр қилиб үтгандар. Шайх Абулқосим Бишр у зотнинг келажагини башорат қилиб, „олам аниң била тирилгусидир“, деган әкан.

Ул зотнинг рубоийларидағи ёрқин бадиийлик назм таъбининг ~~нақа-~~ дар үткір бўлганини ҳам кўрсатади. Бир-икки рубоийларини ёд олсақ, руҳлари шод бўлсин!

Сен теша каби ўйлама ўзингни фақат,
Ё ишни қилиб қолма қуруқ ранда сифат.
Сен аррадан ол сабоқ ҳаёт мактабида,
Ярмини ўзингта олу, ярмини узат!

—————

Ошуфта юзимдан туну кун зар ёғади,
Ё ўрнига кўздан ўт саросар ёғади.
Ишқингнинг алангасида ёндимки чунон,
Севгимни булутидан самандар ёғади!

Мұхаммад Али:

— Ўтли рубоийлар. Ҳар сўзда сеҳр бор, деганилари рост. Ҳулосани қаранг: теша ёки рандадан эмас, аррадан ўрнак ол, жуда ёрқин ўхшатиши. Мен бу рубоийларни эшита туриб, шундай ҳулосага келдимки, мана, бутунги ёшларимиз, насиҳатни унчалик ёқтиромайдилар, аммо насиҳатни фақат ақмали одамлар эшита билишларини ва ундан тўғри ҳулосалар чиқаришларини ҳам англашимиз керак. Демак, насиҳат яланғоч ҳолда эмас, бутун ҳам бадиий ифодаларда сайқал топса, кўнгилга етиб бориб, маҳкам ўрнашади.

Тұлқин Ҳайт:

— Инсондан қайсари йўқ, деймиз, лекин ҳар бир қалбни Амир Төмур бобомиз сингари тушуна билиш ҳам керак, деб ўйлайман.

Мұхаммад Али:

— Афсуски, бундай зотлар минг йилда бир марта түғилади, аммо нима бўлганда ҳам, ҳамиша инсон сифатида қолиш, жаҳл келганда ақини йўқотиб қўймаслик ҳам саодатдир.

Тўлкин Ҳайит:

— Суҳбатимиз қизиб бораётгани туфайли ҳам баҳсга берилиб кетиб, ўз ўринда айтилиши керак бўлган фикрларимиз эсимиздан чиқуб кетяпти. Юқорида „саросар“ ва „самандар“ сўзларини учратдик. Тўғри, адаммо айрим ёшларимизга бу сўзларинг маъноларини биладилар, олиб, маъноларини изоҳлаб ўтсак. Устоз, бошлаб беринг!

Мұхаммад Али:

— Луғатларимизда мавжуд бу сўзлар, лекин бу ўринда шарҳ бериб ўтишимиз лозим. „Саросар“ни биз „бутунлай, бошдан-оёқ“ деган мазмунда тушунамиз, „самандар“ эса, афсоналарга кўра, олов ичидаги түғилиб, олов ичидаги яшовчи, ранги ҳам шу хилдаги жонивордир.

Тўлкин Ҳайит:

— Юқорида тилга олганимиздек, энди Ҳўжа Аҳорори валий ҳазратларининг ана шу „Хурлар сафландилар нигоримга қараб...“ номли рунон ҳақидаги фикрларига тўхталсан, зеро, Амир Темур бобомизнинг нима учун айнан мазкур рунонга аҳамият қараттанлари янада ойдинлашади, деб ўйлайман.

Ул зот айтадиларки, бу ўринда қўлланган „хурлар“ мазкур рунонни ўқиётган вақтларида bemor боши узра турасидан фаришталардир, бу тўғрида Ҳадиси шарифлар нотиқдир; „Нигор“дан мурод инсон руҳидурки, у муҳаббатлик мақомидадир, бу ҳақда Аллоҳ таолонинг „У уларни яхши кўради, улар уни яхши кўрадилар...“ сўзи гувоҳдир; „Ризвон“дан мурод эса дил боғи (жаннат)ни қўриқловчи ақлдир. Дилга жаннат номи берилиган хабарлар бунга далилдир, аммо дил беҳиштига табиат дўзахидан ўтмагунча етмайсан. „Таажжуб“ эса руҳ чиқаётган вақтда дилнинг ўзидан узоқ нарсаларни билиб қолишидир. „Абдол“дан мақсад нафсоний қуввадурки, инсон моҳиятида ҳар хил ўзгаришлар ясайдиган нарсадир. „Мусҳаф“дан мурод эса кулл мазҳари жаъмлик нусхаси бўлган инсон ҳақиқатидир. „Чанг солиш“ эса ўзларининг рутбаси пасайиб, руҳ мартабаси олий бўлганлигидан руҳга ёпишишдир.

Киссадан хисса:

Мазкур рунонни Ҳақнинг муҳаббатига эга инсон жон қуши қафас кўкрагини тарқ этаётган банда бошида ўқиса, унинг маъносини фахмла-

са, ғоят шодланади ва зеро, тириклик дунёсидаги лаззат аслида Мұхаббинг маҳбуб билан учрашувидан оладиган лаззат әмас, аслида у бошқа-дир. Ҳамма гап ана шуни англашда!

Әнди бу рубоййнинг Амир Темурга қандай алоқаси бор, деб сүрарсиз. Гап шундаки, ул зот фарзанди амирзода Мироншоҳ Мирзо давлат ишларида хатоликларга йўл қўйганда, Табризга бориб, тафтиш ўтка-зишни буюрдилар. Жазога гирифтторлар орасида мусиқашунослардан Ҳожа Абдулқодир ҳам бор эди. У қаландар кийимини кийиб, жазодан қочиб қолади, аммо Бағдодда қўлга тушиб, Амир Темур ҳузурига олиб келинади. У ичкари кирган заҳоти ўзини ерга ташлаб, Қуръони Карим-дан ғоят ширали овозда тиловат қиласди.

Алишер Навоий ҳазратлари ёзадиларки, „Ул ҳазрат (Амир Темур) нинг ғазаби лутфа мубаддал бўлиб, фазл ва камол аҳли сори бокиб, бу мисраъни ўқидиким.., — яъни Соҳибқирон Амир Темур жилмайганча биз юқорида тилга олган сатр — „Абдол з-бийм чанг дар Мусҳаф зад“ни ўқиди. — Андин сўнг Ҳожага (Абдулқодир) итифот ва тарбиялар қилиб, ўз олий мажлисида надим ва мулоғозим қилиди“.

Бу сафар ҳам кўрамизки, Амир Темур гуноҳкорни кечирди, илм аҳлидан бўлган мусиқачини кечирди. Дарвоҷе, „Улуғ салтанат“ да, устоз, бу ҳақда нақл қилинган. У ерда ёзилишича, пири муршид Мир Сайид Барака мазкур рубоййни бундай шарҳлайди: „Нигор — Аллоҳни кўрганда жаннатдаги ҳурлар ҳамма ишни тўхтатиб, уни қутлаш учун сафга тизилиб-дурлар. Ҷаннат ҳам, ўзи қанчалик чиройли бўлмасин, Аллоҳ дийдоридан ҳайратланиб, қарсак чалиб юбориби, дарвиш эса бемисл иқтидор, ҳокими мутлақ жамолидан қўрқиб кетиб, дарҳол Қуръонга чанг солиб ўқишга киришибди...“ Ҳа, бу рубоййда турли маънолар мужассам, поёни йўқ... Мен ҳам шу тўғрида бир ҳикоя ёзган эдим, неча бор газеталарда, журналларда босилди.

Шундан сўнг бастакор Ҳожа Абдулқодир „Амали тарона“ деган кўй яратади. Унинг яратилиши ҳам қизиқ. Бастакор дастлаб темирчи билан келишиб, тялар учун турли қўнғироқчалар ясаттиради. Ҳар бир қўнғироқча бир зарбга мўлжалланган, яъни басталанган эди. Сўнгра карvonбоши билан келишиб, шу қўнғироқчаларнинг қайси бирини қайси тиянинг бўйнига осиш кераклигини ҳам тушунтиради.

Бу пайтда Амир Темур Ироқ йўлида эди. Туялар йўлга тушгач, чор-атрофни фоят ажиб тарона оҳанги эгаллаб олади.

Биламизки, Соҳибқирон Амир Темур жуда сезгир ҳукмдор эди. У мусиқашуносарнинг пешқадами Ҳожа Абдуллоҳ Лурийни ҳузурига чорлаб, деди:

— Муганий, эшитяпсанми, қўнгироқчалар чиройли куй чалмоқда. Лурий Амир Темурни воқеадан огоҳ эттач, Ҳожа Абдулқодирга шоҳона марҳамат кўрсатилади. Кўрингки, Амир Темур нафақат тарихчи ё шоирларни, балки мусиқа санъатини ҳам яхши тушунган ва жиноятичи бўлса-да, Ҳожа Абдулқодирнинг истеъдодини эъзозлаб, уни нафақат гуноҳидан ўтган, балки ижод этиши учун яна қайтадан шарт-шароит яратиб берган.

Бир тұхмат билан ҳамманинг олдида қашқа бўлиб юриш кимга ёқади, дейсиз. Ижодкор зоти ҳам одам, у ҳам хато қилиши мумкин, лекин унга ёрдам қўлинни чўзганларни Ҳудо ҳам, ҳукмдор ҳам сийлайди, деганлари шу бўлса керак.

Мұхаммад Али:

— Фоят мароқли ҳикоя ва кўнгил ҳислари! Ҳамма ҳам Амир Темур бўломайди.

Назмни яхши тушунар экансиз, бу яхши. Боз устига, Ҳожа Аҳорон валийнинг мазкур рубоий ҳақидаги бениҳоя теран фикрларини айтиб ўтдингиз.

Тўлқин Ҳайит:

— Мазкур бўлим бўйича сұхбатимизни якунлар эканмиз, устоз, мумкин бўлса, темурийзода шоир Сайид Аҳмаднинг машҳур „ Таашшукнома“ шеърий достонидан парчани ўқувчиларимизга ҳавола этишни истардим, зоро, бу ўзбек адабиёти тарихида ўрганилиши эарур бўлган асардир.

Мұхаммад Али:

— Китобимизнинг қиймати ҳам ана шундай нодир асарларнинг бўйи билан баҳоланади. Ўқувчиларимиз, айниқса, илмга чанқоҳ ёш авлод бу асардан баҳраманд бўлсинлар.

„ТААШШУҚНОМА“

Саййид Ахмад

КИТОБ САБАБИ

Тушумда бир кечә күрдүм саҳаргох,
Ки Мажнун бирла бўлдум йўлда ҳамроҳ,
Менга дедиким: эй шўрида ахвол,
Чиқар бошдин такаббур қилма эҳмол,
Ки ошиқлар мақоми карбалодур,
Кишиким бўлди ошиқ мубталодур.
Чу сен ҳам мубтало бўлмишсен охир,
Жафодин гул бикин сўлмишсен охир.
Бу йўлда қўй сару сомон адам бўл!
Агар васл истасанг собит қадам бўл!
Тахайюл бирла назм эт бир ҳикоят,
Валинеъмат қошинда қил ривоят.
Ҳикоятким, «Таашшуқнома» бўлғай
Улуғлар қошида аллома бўлғай.



Аё, ҳусну малоҳат ичра фохир,
Не бўлдиким унуттунг бизни охир.
Сочингдур лайлатулқадру юзунг ой,
Бўюнг тубоу ҳуснунг жаннаторой.
Сенинг ишқинг бало бўлғайму, эй дўст,
Бало десам раво бўлғайму, эй дўст.
Евуз кўзлар юзунгдин дур бўлсун,
Жамолингдин жаҳон маъмур бўлсун.
Тишингнинг васфини ҳар хома билмас,
Гуҳарнинг қадрини чун оми билмас.
Кулар гул кўрса чеҳранг шодлиқтин,
Суюнур сарв ҳам озодлиқтин.
Қиёмингдин қиёмат қўлқусидур,
Ўтурсанг фитна ҳам ўлтурғусидур.
Ярошур ноз ила сизга ўтурмоқ,
Кўнгуллар хирманига ҳам ўт урмоқ.



Юзунгдур нарғису гулдур яноқинг,
Магар оби муаллақдур сақоқинг.
Иликингдур яди байзо нишони.
Ки бордур Ҳақ таолодин нишони.
Мунаввардур юзунгдин барча оғоқ,
Муаттардур сочинг исидин учмох.
Жафо оз қылсанғиз не бұлғай, эй жон,
Билурсизким вағосиздур бу даврон.
Ажунда құлсизин султон хуш әрмас,
Нечукким дарди бедармон хуш әрмас.
Сулаймонсен шахо мен бир қоринча,
Дуогүймен санго то жон боринча.
Фироқинг зулмидин дод истарам, дод,
Рақибинг дастидан фарёд-фарёд.
Әшиттил айтойин күнглум ниёзин,
Құбуз құбсаб тузуб ушшоқ созин.

ҒАЗАЛ

Иноят чоғидур эй ёр-эй ёр,
Ки күп қылди жафо ағёр-ағёр.
Еңуқсиз түкмагил қонимни охир,
Билурсенким әмас хунхор-хунхор.
Бұлур ўз хижлатидин ҳайрат олиб,
Құруб ҳуснунгни дар гулзор-гулзор.
Бұлур мушкин нағаснинг ҳасратидин,
Қачон бұлғуси ҳар аттор-аттор.
Аё Сайди санамлар машрабиндин,
Тамаъ тутма вафо зинхор-зинхор.

ҒАЗАЛ

Тутубтур дунёни ҳуснинг саропой,
Жамолинг чун бұлубтур оламорой.
Сенинг базмингда, эй султони хубон,
Аёқчи Мехру соқи Зұхрау ой.
Қаро зулфунг қылур күнглумни гүмрох
Қароқинг худ жафо қылмокқа худрой.
Висолинг давлати бұлмас мұяссар,

Фирокинг зулмидин, эйвой, эйвой.
Агар жаврунг чириклаб келса биэзго,
Бўлур Сайди Аҳмадий бечора манглой.

КИТОБ ХАТМИН АЙТУР

Худовандо ёзуқлуқ бандадурман,
Ёзумдин басе шармандадурман.
Қулунгнунг сендин ўзга йўқ паноҳи,
Нечаким йўқтурур журму гуноҳи.
Саодат ганжидин кўрсаттил эҳсон,
Ало, эй подшоҳи подшоҳон.
Сўзумни бу улуг султон қотинда
Карам қил яхши кўрсат хиэматинда.
Шаҳеким адлидин Эрону Турон,
Тузуклук топти-ю, топмади нуқсон,
Ажунда то анингтек шоҳ бўлғай,
Дуогўи ибн Мироншоҳ бўлғай.

ИЛТИМОСИН АЙТУР

«Таашшуқнома»ни ҳиммат бўлуб ёр
Тугаттим етти кунда бемададкор.
Секиз юз ўттузу тўккузда эрди,
Ки сўз поёна элтмак даст берди.
Сўзумни ким ўқуб қиласа дуойи,
Илоҳи кўрмасун ҳаргиз балойи.

АЛЛОҲ ОЛИМЛАРНИ ХУШЛАЙДИ

Муҳаммад ал-Ғаззолий дейдиларки:


„Эй фарзанд, кечаларн китоб ўқиб, уйқунгни ҳаром қилдинг, бундан мақсад не? Агар мақсадинг...хулқингни покламоқ ила ёмонликка буорувчи нафс бўйинни синдиримоқ эрса, унда сенга шарафлар бўлсин!“

Донишмандлар дейдиларки:

„Ҳар бир яхшилик садақадир.“

Лев Толстой нашр эттирган „Ҳазрати Муҳаммад“ китобидан:

„Ҳақиқий олим улдурики, билганини ҳаётга татбиқ этар“.



Самарқанд бозори. Рассом А.Алиқулов.






Ўзбекнинг дўпилари
ранг-баранг ва сержило.



Халил Султон
портрети.
Рассом А.Алиқулов.



Халил Султон Ҳинд күшинидаги филларга қарши жангда.




Амир Темур ва темурийлар даври
қарбий кийимлари.



Амир Темур давлат рамзларини қабул қылмоқда.
Рассом М. Нуридинов.



Тўлқин Ҳайит.
«Шоҳи Зинда», рисола.



Шоҳи Зинда. Туман Оқа бегим
мақбараси. Самарқанд.

Тўлкин Ҳайит:

- Кўнглимда ҳамиша садо бериб турган бир Фикр борки, уни тақорламасам бўлмас, чиндан ҳам шундай — ота юртида тинчлик бўлганда эди, эҳтимол, Амир Темур ё аллома, ё буюк олим сифатида донг таратарди. Масала шундаки, Амир Темурнинг тафаккур дунёси — уммон, қобилияти ҳайратланарли даражада бўлганлигини барча яхши билади. Бундай инсонлар илмга жуда қизиқадилар. Чунончи, шунча катта оғирлика эга Ер ниманинг ҳисобига бўшлиқда турибди ва ниманинг ҳисобига ўз ўқи атрофида, қуёш бўйлаб мукаммал айланади? Нега оғиб кетмайди ё ўз вақтидан чиқиб кетмайди?.. Коинотта қарасак, сир ва жумбоқлар кўп. Инсоннинг турган-битгани ҳам жумбоқ. Ёшлиқдан тўкур илм олган Амир Темурдек инсоннинг олимларга ҳавас билан қарагани ва улар билан тахтдан тушиб сұхбат қургани замирода ҳам катта маъно бор. Яна айтиш керакки, невараси Улуғбек Мирзоининг буюк инсон сифатида камол топишида ҳам айнан унинг хизматлари бекиёсdir. Ҳозир ҳам кўпгина боболар ўзлари эришмаган натижаларга ўнла ва невараларининг мушарраф бўлишларини орзу қиласидилар.

Устоз, бу гапларни айтаёттанимдан мақсад шуки, мени бир нарса доимо ўйлантариб келади. Амир Темур бирор ҳукм чиқармоқчи бўлса, доимо Аллоҳ кўз олдида турган, яъни ҳаёт қонунларига, хусусан, Қуръони Каримга асосланиб иш тутган, машварат, кенгашга қулоқ осиб, ҳақни ноҳаҳдан ажратиб, фармон берган. Булар ҳақида, албатта, кўп галирилган, яхши ўйлайманки, Қуръони Каримни ёддан мукаммал билган ва бу мукаддас китобга суюнган буюк ҳукмдор — Соҳибқирон Амир Темурни замин тақдири ҳам қизиқтирмасдан қолмаган... Демоқчиманки, Амир Темур Ернинг думалоқ шаклда эканлигини билган. Абу Райхон Беруний, Аҳмад Фарғоний каби олимлар эса бу тўғрида Николай Коперникдан бир неча асрлар бурун айтиб кетишган.

Мухаммад Али:

- Албатта, Соҳибқирон Амир Темур фаолияти жуда серқирав. Бу зотни нафакат ҳарбий илмлар, балки жуда кўп бошқа соҳаларга ҳам ҳизикканини кўхна тарихдан яхши биламиз.

Бу ўринда Николай Коперникнинг илмий башорати нима учун керак бўлганини ва у Ернинг думалоқ әканини исботлашга уринганини айтиб ўтиш керак. Шарқда, чиндан ҳам, бу исботга ҳожат бўлмаган. Куръони Каримда айтиб қўйилган ҳақиқатга ким ҳам қарши бора оларди, аммо Farbda бу ҳолат анча оғир кечди. Шу боис ҳам, Чор истилосидан сўнг ва советлар даврида ҳам бизга Farb нуқтаи назаридан баҳо бердилар.

Тўлқин Ҳайит:

— Эсимда, институтда ўқиган йилларимда Фалсафадан бизга ҳам ана шу нуқтаи назардан сабоқ бериларди. Бир гал фалсафа ўқитувчимиз билан Мусо Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Аҳмад Фарғонийларнинг Ер шари ҳақидаги қарашлари тўғрисида сұхбатлаша туриб: „Домла, Сиз бизга тескари гапларни айтдингиз, буни қандай тушуниш керак?!” деб сўраганимизда, у киши айбини тан олиб: „Мен буюрганини бажаряпман!“ дей ўзининг ожизлигини тан олган эди. Хуллас, Сиз Европа нуқтаи назари ҳақида гапираётган эдингиз, устоз!

Мұхаммад Али:

— XIII асрнинг ўрталарига келиб, Европанинг қатор давлатларида, хусусан, Италия, Франция, Англия ва Германияда черковнинг қўлдан-қўп таъқиб ва ножӯя хатти-ҳаракатларига қарши ҳалқ қўзғолонлари, оммавий норозиликлари бўлиб ўтгани тарихдан маълум. Биргина Бенедикт IX ни эсга олайлик. У жангари ҳамтовоқларининг ёрдами билан ўн ёшида Римни қўлга олади ва қароқчилар тўдасини атрофига тўплаб, бегуноҳларни қатл этиш, уйларни ёқиш, турли бузғунчиликларни амалга ошириш билан шуғулланади. Албатта, бу ҳалқнинг норозиликларига сабаб бўлмасдан қолмади. Ана шу паллаларда Европада ҳамон Ер коннотнинг маркази, деган тушунчага қаттиқ амал қилинар, бунга қарши бош кўтарған борки, аёвсиз жазоланарди. Шарқда эса, юқорида айтинимиздек, бунга ҳожат ҳам йўқ эди.

Европадан ана шу сийқа тушунча туфайли қанчадан-қанча буюк инсонлар жабр чекдилар. Энг қонхўр инквизитор деб ном олган Томас де Торквемада буйруғи билан 10 мингдан ортиқ кишининг ёстиғи курганини ҳали оқсоқ тарих унугтан эмас.

Европанинг энг таниқли ўғлонлари ҳам инквизиторларнинг жабр-
зумларига дучор бўлдилар:
Жордано Брунони жаҳон билади, 1600 йилнинг 1 февраль кунидан
Римнинг Гуллар майдонида оловга ташланди.
1619 йилда италиялик маърифатпарвар Жулио Чезаре Ванини ҳам
ўтла куйдирилди.

Шуларни ўйлаганда, беихтиёр кўз олдимишга Шарқ манзаралари ке-
лади. Каранг, Амир Темур бобомиз замонида бирор-бир олим ёки шо-
ирнинг эътиқоди учун худди Европадагидек ўтга ташланганини, жазо-
ланганини билмаймиз. Аксинча, Соҳибқирон фозилу фузало, алломаю
уламоларни иззат-икромда тутиб, ҳурматларини жойига қўйиб, фаоият-
лари учун имконият яратиб бердилар. Доимо уларни ўз сұхбатларига
чорлашни, маърифий гурунглардан баҳраманд бўлишини яхши кўрар эдишар.

Тўлқин Ҳайит:

— Айни ҳақиқат, устоз. Яна Жордано Брунога қайтсак. Мен ҳам
унинг ҳаёт йўли билан бир пайтлар қизиқиб кўрган эдим. Жордано
Брунонинг 1548 йилда Италияда таваллуд топганини биламиш. Ёшлик
йилларида хусусий мактабда савод чиқаради ва илмга ҳавас қўяди. Ху-
сусий мактабни тутатгач, уни Муқаддас Доминик ибодатхонасига таҳ-
сил олишга берадилар. Бу ерда у 12 йил давомида илм ўрганади ва
айнан шу ердаги руҳонийларнинг қабиҳликлари, разилликларидан наф-
ратта тўла боради ва эндиғина ҳаётга кириб келаётган қалбнинг дард-
чили ҳасратлари омма орасига сингий бошлайди. Айғоқчилар иғво йиға-
дилар. Кейинчалик маълум бўлишича, унга қўйилган айблар 130 дан ҳам
ошиб кетади. Шу тариқа уни ибодатхонадан бадарға қиласидилар. Каерда
бўлмасин, у қайси даврага кирмасин, „Ер — коинот маркази эмас, унда
башк塸 сайёralар ҳам мавжуддир“, деган сўзида қатъий туради. Ва шу
тариқа 16 йил олам кезиб юради. Венецияга қайтиб келганда эса уни
тутиб олишиб, инквизиторларнинг қўлларига топширадилар. Сўзингдан
қайт, деб неча марта айтсалар ҳам, эътиқодидан бош тортмайди ва охири
ҳалок бўлади...

1610 йилда машҳур итальян олими Галилео Галилей ўзининг „Юл-
дузлар ҳабарномаси“ китоби учун инквизиторлар чангалига тушди.

Яна бир италиялик машхур маърифатпарвар олим Томмазо Кампа-нелла ҳам турли тазийкларга учраб, бир неча йил қамоқда ўтириди.

1415 йилнинг 6 июнида Чех халқининг улуг фарзанди Ян Гус ўтда куйдирildи ва хоки Рейн дарёсига сочиб юборилди.

Мұжаммад Али:

— Үзлари ёқсан даҳшатли фожиалар олови ўртасида қолган Европа најот излаб, үзини ўтга-чўққа ураётган паллаларда Шарқнинг адолатли ҳукмдорини эслаш, унинг тўғрисида китоблар битиш анъанага айланиб бормоқда эди. Европада қудратли, ибратли шахсларга эҳтиёж кучли эди. Хўш, нима учун Фарбу Шарқ тарихчилари, адилари Амир Темур сиймосига қайта-қайта мурожаат қилдилар? Европада ана шундай таъқиблар бўлиб турган бир пайтда, Шарқда Амир Темур ҳукмдорлик қилган Турон давлатида илм-фан намояндлари юксак қадрлангани учун ҳам унинг номи тилдан тушмас эди. Тўғри, бу асалар маълум ғояларга қаратилган бўлса-да,ammo моҳияттан худди Амир Темур тутган йўлни кўзлар эди. Улуг бобомизнинг хориж адабиётида яратилган сиймоси ҳақида кўплаб тасаввурларга эгамиз, бироқ хориж театри ва санъатида қандай асаларга ўрин берилганлиги тўғрисида ҳамиша ҳам гапиравермаймиз. Йиллар ўтган сайин бу зотнинг фавқулодда сийратию суратига, шахсига бўлган қизиқишининг янада ортиб бориши кузатилмоқда. Бильякс, орадан мана 680 йил вақт ўтяптики, дунёning барча мамлакатларида унинг ҳаёти билан манаман деган сиёсатчилар, давлат арбоблари, адилар, тарихчилар, санъаткорлар, меъморлар турли илмий анжуманлар ташкил этишиб, маърузалар билан чиқмоқдалар, бадиий ва саҳна асалари ёзмоқдалар. Уларнинг сон-саноғи йўқ. Бу жараён давом этаверади. Айни бир пайтда унинг давлатчилик ишларига, бунёдкор ва қонунчилигига, одамийлигига тўғри баҳо бераётганлар ёки ҳамон уни эскича қарашлар билан табаррук номига қора чаплашга уринаётганлар ҳам йўқ эмас. Лекин айнан бутун ҳам Европада, ҳам Россияда Амир Темур тўғрисидаги тарихий ҳақиқатнинг ғалаба қилаётгани қувонарли, табиий ҳолатдир.

Бир пайтлар Англия тобора кучайиб, дунёга ҳукмронлик режасини тузатганда, ана шундай ижтимоий-сиёсий муҳитда уларнинг назарлари буюк ирода ва енгилмас куч-райрати дунё тақдирини ўзгартириб юборган, ислом динига ривож берган, қудратли ҳукмдор ва буюк бунёдкор Амир Темур шахсига ва давлатчилик тарихига қаратилди, бу нарса ижодкор зотининг „қалами“ га илҳом бермасдан қолмади. Машхур инглиз шоири, қиролича Елизаветанинг драматурги Кристофор Морлоу (1564–1593) Амир Темур образи яратилган „Буюк Тамбурулейн“ (асл номи шундай) трагедиясини 1590 йилда нашр эттириди. Чарльз Саундерс деган инглиз драматурги „Буюк Тамерлан“ асарини саҳнага қўйдириди (1681). Неаполь опера мактабининг вакили – Александро Скарлеттининг 1706 йилда Римда саҳнага қўйилган „Буюк Амир Темур“ операси унга катта шуҳрат келтириди. 1722 йилда эса худди шу мактабининг яна бир вакили Леонардо Лео (1694–1744) ўзининг опера-буфф услубида яратилган „Боязид – Туркия императори“ асарини саҳнага олиб чиқди. Италиялик машхур композитор Никола Порпора (1686–1768) нинг „Амир Темур“ операси 1730 йилда Турин театри саҳнаси юзини кўрди. Олмониялик Георг Фридрих Гендель (1679–1729) ўзининг Амир Темурга бағишланган операсини 1724 йилнинг октябрь ойида ёзиб тутатди... Даравоқе, 2015 йилда Гендель операси либреттоси шоир Гулом Мирзо таржимасида ўзбек тилида китоб ҳолида босилиб ҳам чиқди.

Тўлқин Ҳайит:

– Устоэ, агар биз „Амир Темур библиографияси“нинг хаёлий нусхасини кўз олдимизга келтирсан, ул зот ҳақида 1404 йилдан то шу кунгача неча юзлаб китоблар яратилганини кўрамиз, бир сұхбатда уларнинг бўй-бастини кўрсатишга имконимиз йўқ, аммо қайд этишимиз лозимки, дунёда саноқли – икки-уч ҳукмдор ҳақидагина шунчалик кўп асарлар ёзилмоқда, уларнинг ичига Амир Темур энг олдинги ўринни эгаллайди. Унинг васиятидаги: „Адолат ва озодлик – дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин“, деган сўзлари эса бугун ҳам инсоният учун эзгу шиор ва оғоҳликка чақириқдир. Биргина ана шу даъвати учун ҳам дунё унга пешвоз чиқмоқда. Биз ҳам ана шундай эзгулик тарафдоримиз.

ФИТНАЧИ АЁЛЛАР

(АМИР ТЕМУРНИНГ АЁЛЛАРГА МУНОСАБАТИ,
БИБИХОНИМНИНГ САДОҚАТИ, ИВАН ГРОЗНИЙНИНГ
САККИЗ ХОТИНИ ВА УЛАРНИНГ ФОЖИАСИ)

Тұлқин Ҳайт:

— Сұхбат үз номи билан, албатта, икки кишининг ҳар хил қараашлари, фикрлари, мулоҳазалари, холос. Шу боис ҳам, уларга илмий жиҳатдан әмас, маънавий асосда қаралади, деган умиддамиз, зеро, адолатли қараашлар асосида турли хуосалардан ҳосил бўлган маънавий нур қалбни чароғон ёритиб, инсонда ҳаётга, ён-атрофга тўғри муносабатда бўлишина таъминлайди. Сиз билан бу бўлимда тилга олмоқчи бўлган мавзу дунёда одамзод пайдо бўлибдики, Фарбу Шарқни ҳам, Шимол ва Жанубни ҳам ўйлантириб келади, мулоҳазаларга чорлайди, турли баҳс ва қарама-қаршиликларни, бир оғиз ширин сўздан тортиб, мисли қўрилмаган фожиаларни келтириб чиқаргани билан ҳамон бизни титратиб туради. Бу, албатта, инсоннинг йўлдоши бўлмиш аёл ҳақида, эркақдан гўзалроқ, гулдан нозикроқ, пўлатдан қаттиқроқ, гоҳо нина, гоҳ замбарак ўқи, гоҳо бутун мамлакатни осойишта этишга қодир қудратли куч — ойни уялтирувчи соҳибжамол, волидаи муҳтарама, оила соҳибаси, пазанда, хуллас, ҳали ҳамон таърифга сифмаган ҳаё ва иффат, меҳро-муҳаббат, тинч-тотувлик рамзи, шу билан бирга, турфа тортишувлар, турли фожиалар, қонли тўқнашувлар; севги ва ўлим, садоқат ва хиёнат сабабчиси бўлмиш одам жуфти ҳалоли тўғрисида тўхталамиз. Нимага, деган саволга эса, муҳтарам ўқувчиларимиз, сұхбатимиз давомида жавоб топадилар, деб ўйлаймиз.

Афсона:

Нима учун Аллоҳ аёлни эркакнинг бошқа аъзоларидан әмас, айнан қовурғасидан ясади? Бунда ҳам ҳақиқат бор:

- аёлни бошдан яратмайин, токи у кибрли бўлмасин;
- уни кўздан яратмайин, токи қизиқувчан бўлмасин;
- қулоқдан яратмайин, пойлаб эшитувчи бўлмасин;
- оғиздан яратмайин, сергап бўлмасин;
- қўлдан яратмайин, ҳар тарафни титкилаб юрадиган бўлмасин;
- оёқдан яратмайин, беҳуда ялло қилиб юрадиган бўлмасин.

Мұхаммад Али:

— Жаҳон маданияти тарихига назар ташласақ, Амир Темур ва унинг авлодлари салтанатлари даврида аёлларга құрсағылган ҳурмат-эътибор, эъзоз ва ғамхұрлық, уларни түшуниш, қадрлаш каби хислатлар бошқа Шарқ ҳукмдорларида кузатилмайди.

Темурий маликалар нафакат эъзозланди, балки давлатчилик ишларда, айниқса, илм-фан ва бунёдкорлик соҳасида фаолият юритишларига катта ва кенг имкониятлар яратиб берилдікі, бунинг натижасида Сароймұлхоним, Туман оқа, Гавҳаршодбеким, Султон Ҳусайн Бойқаро Мирзонинг онаси Ферузабегим ва завжаси Ҳадичабегим, Жаҳонгир Мирzonинг завжаси Севинбека (Хонзода хоним), Бобурнинг бибиси Эсондавлатбеким, онаси Қутлугнігорбеким, әгачиси Хонзодабеким, суюкли завжаси Моҳимбеким, қизи Гулбаданбеким, Ҳумоюн Мирzonинг завжаси Ҳамидабону бегим, Комрон Мирzonинг қизи Гулрухбеким, Жаҳонгир Салимшоҳнинг завжаси Нуржаҳонбеким, Шоҳ Жаҳоннинг завжаси Аржумандбону бегим (Мұмтоз Махал) ва қизи Жаҳонорбеким, Аврангзебнинг қизи Зебуннисобеким сингари илм-фан ва маданият соҳасига ўз ҳиссаларини құшган темурий маликаларнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Тұлқин Ҳайит:

— Устоз, сүзингизга Ибн Арабшоҳнинг машхур фикрларини құшимча қилиб үтиш керакки, Сохибқирон ҳузырида аёлларни гиібат қилиш, уларни ҳұрлаш ва ҳақоратлаш ҳақида сүзлаш қатыяян тақиқланған.

Мұхаммад Али:

— Хонзода хонимнинг Мироншоҳ томонидан тазиикқа олинганини әшіттін Амир Темурнинг бир ҳафта ҳеч ким билан гаплашмагани, яғни үғлдан ранжигани бор ҳақиқат. Бу билан киғояланмасдан, ўзи Султонияга бориб, ҳокимиятдан четлаштиради, ҳамманинг олдіда эътиборсиз қолдіради. Сароймұлхонимга аatab „Боги Чинор“, Туман оқа учун „Боги Биҳишт“, Хизрхожанинг қизи Тұқал хоним учун „Боги Дилкушо“, Мироншоҳнинг қизи — невараси учун „Боги Шамол“ боғларини бунёд әттирган ҳам шу зотдир. Самарқандда опаси Қутлұр Туркон оқа, сингелиси Ширинбека оқа ва Бибихонимнинг онасига аatab мақбаралар қурдіргани ҳам тарихдан яхши маълум. Йилдирим Боязид устидан ғалаба

қозонгач, ҳарамдаги аслзода Ангелина, Кателина ва Мария исмли қизларни озод қилиб, юртига жўнатгани ҳам афсоналарга айланиб кетган.

Амир Темур жўнатган элчилар қаторида Муҳаммад Кеший номи ҳам тилга олиб ўтилган. Кастилия ва Леон қироли Ҳенрих учинчининг унга жуда катта илтифот кўрсатгани ҳам манбаларда ўз аксини топган.

Тўлкунн Ҳайит:

— Устоз, ижозат берасиз, бу ҳақда „Улуг салтанат“ да жуда батафсил ёзилган. Ўша ердан бир парча келтириб ўтмасак бўлмайди. Мана, ўша парча:

„*Бу гаройиб ҳодиса ҳақида, Соҳибқирон ҳиммати туфайли озодликка чиқарилиб. Кастилия қиролига тухфа этилган насроний қизларнинг ажаб тақдиди түғрисида ўша давр испан адабиётида гўзал балладалар, лирик шеърлар яратилган. Қизлардан бирни Мария Венгрия қиролининг набираси эди. Кастилия қироли зодагонларидан бўлган, Ангорага келган элчи Пайо де Сото Майор бир қарашдаёқ ҳурилиқо Мариага ошиқ бўлиб қолади ва Испанияга келгач, Водий ул-Кабир дарёси бўйидаги Ходар шаҳрида, фаввора ёнида қизга ўз севгисини изҳор этади... Кейин у қизга уйланади ва ўғимлик бўлади. Уларнинг севгисига бағишилаб ёзилган балладада шундай сатрлар бор:*

*Ходар шаҳри фаввораси ёнида
Шаҳло кўзли гўзал лиқони кўрдим.
Кўрдим, кўрдим, ўтлар ёнди қонимда,
Новакидан шу дам қурбони бўлдим.*

Иккинчи қизнинг оти Ангелина бўлиб, у юонон ҳукмдорларидан бирининг қизи эди. Ангелина Испаниянинг Севиля шаҳрида Дон Диего Гонсалес де Контеррас исмли кишига турмушга чиқиб, ўз баҳтини топган. Ўша давр испан шонри Франциско Империал бундан илҳомланиб, шеър ҳам биттан. Ундан тўрт қатор келтиришни лозим топамиш:

*Ул тотор қизими эрди, билмадим,
Балки юонон қизи бўлсами керак.
Лек гўзал чехраси, қадди-қомати
Улур толеидан берарди дарак...“*

Ўзимизнинг Кўкбулоқ қишлоғида содир бўлган воқеа ҳам бугунги кунда тилдан тушмайди. Урнида биз ҳам уни такрор тилга олиб ўтишимиз керак, деб ўйлайман.

Ривоят:

Эмишки, Амир Темур бир аёлнинг от етаклаб кетаётганини кўриб, унинг эрини чақиртириб келиб: „Нечун завжангизга от сугоришни бу-юрдингиз, бу эркакнинг, сизнинг ишингиз эмасми?!“ дег сўрабди.

— От боқиши, уни сугориш, албатта, эр кишининг иши, лекин уйимда котлонсифат тўрт нафар навкарингиз боркин, улардан иккى қизимни кўриксашга мажбур бўлдим! — дебди аёлнинг эри қўлини кўксига қўйиб.

Шу воқеадан сўнг Амир Темур навкарларини хонадонларга жойлаштиромасликка, бундан буён фақат чодирларда яшашларига буйруқ берган экан.

Мұхаммад Али:

— Ўз пайтида шафқатсиз, бераҳм деб танилган Иван IV, яъни Иван Грозний ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш мумкин, лекин мавзумиз аёллар ҳақида бўлгани учун биз фақат нафақат Руснинг ўзида, балки бошқаларда ҳам қора хотиралар уйғотган бу шахснинг саккиз нафар аёли ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Россияда нашр этиладиган „Аргументы и факты“ газетасининг 2007 йил 13 сонидаги „Тираннинг 8 хотини“ сарлавҳали мақолада ишонарли манбалар асосида фикро юритилган. Унда нақл этилишича, Иван Васильевич аёлларга ўч бўлган, боярлар уни чалғитишни истаб, турли гўзалларни унга рўпара қилиб турганлар. Бу кимса ҳали 13 ёшидан бошлаб хонимчалар билан айшу ишрат мазасини тотиб юрган. Унинг биринчи хотини — 16 ёшли Анастасия Захарина бўлган эди. Гарчи қиз ўртаҳол оиласдан бўлса-да, Иван Васильевичга ёқиб қолгани учун ҳам унинг никоҳига кирган эди. Ваҳоланки, шоҳга жуфти ҳалол танлаш учун ўша пайтда бутун Русдан энг гўзал хонимлар таклиф этилганди. Аммо шоҳнинг айттани айтган, дегани деган эди. Анастасия 13 йил давомида 6 фарзанд кўрди, лекин улардан фақат иккитаси — Иван билан Фёдоргина ўсиб вояга етишди.

Анастасиянинг саъй-ҳаракатлари натижасида бирмунча пайт Иван Грознийнинг попуги пасайиб, хулқи яхши томонга ўзгаргандек бўлди, ҳатто қатл этиш, айиқ ва бошқа ҳайвонлар ёрдамида одамларга жароҳат етказиш каби ёмон одатларни йиғишириб қўйди. Лекин боярлар шоҳ Қаттиққўл бўлмаса, ҳеч ким уни назар-писанд қилмайди, деб жигига тега бошладилар ва бу „нина санчишлар“, албатта ўз таъсирини ўтказмасдан

қолмади, оқибатда, ҳукмдор ўз соясидан ҳуркиб, яна аслига қайтди ва яна қатл қилиш, шафқатсизларча жазо қўллашга киришиб кетди.

Ўз сўзини бузиб, хиёнат йўлига ўтган эркакни оилам деган ҳеч бир аёл кечира олмайди. Анастасия ўз ёғида ўзи қовурилди, оҳ-воҳ қилиб, ғам тубига ботди. Ғам одамни ейди, деганлари рост. Бечора аёл шамдек ёна-ёна, атиги 30 ёшида жон омонатини ўз эгасига топширди. Гулдай хонимнинг ҳаёти Иван Васильевичнинг шафқатсиз ишлари туфайли ана шундай якун топди.

Тўлқин Ҳайит:

— Иван Грознийнинг иккинчи хотини — қоракўз Кучина исмли энг соҳибжамол қиз бўлди. Унинг отаси Темурик деган черкас киши эди, қизи ҳам отаси каби жанговар, довюрак, ҳар қандай асов отни жиловладиган, турли қуролларни ишлатишга қодир тоб қизи эди.

Подшоҳ оиласи қонун-қоидаларига кўра, бўлажак келин православ динини қабул қилиши ва янги ном олиши керак эди. Соҳибжамол Кучина ҳам тақдирга тан берди ва Мария Темурикова исми шарифини қабул қилди.

Янги умр йўлдошининг одатлари бир оз ёввойироқ ва дағалроқ бўлсада, дастлабки пайтларда бу нарса подшоҳга ёқиб тушди, ҳатто унинг энг оғир шартларини ҳам ерда қолдирмай бажаришга мажбур эди. Ана шундай оғир шартлардан бири, Мария ўз укаси — 18 ёшли Пётр Темуриковни юқори лавозимга кўтаришни сўраб, мурожаат қиларкан, агар шарти бажарилмаса, уч олишини ҳам писанда қилишдан тап тортмади. Иван Васильевич эса мийигида айёrona кулиб қўйди-да, ҳеч нарса демади, аммо ўша туннинг ўзида соҳибжамол малика оқ чойшаб билан ўзини бўғиб қўйишига озгина қолди ва тасодиф туфайлигина уни омон сақлаб қолишиди. Черкас аёлининг бу қилигидан чўчиган шоҳ шундан сўнг унга ён босишга мажбур бўлди, аммо тақдир аёлнинг шоҳга бўлган муҳабатини кўп кўрди: 1569 йилда касалликка чалиниб, кўп ўтмай оламдан ўтди.

Мұхаммад Али:

— Яна ҳамма оёққа турди. Кимсан, рус императори Иван Грознийнинг ёғириз яшashi сира мумкин эмас, бу на бирор қонунга, на бошқасига, ҳеч бир қолипга сигмайдиган ҳолат эди. Бутун Русь оёққа қалқиб, мам-

лакатнинг бурчак-бурчакларидан, турли манзилларидан 1500 дан ортиқ соҳибжамол қизни саройга келтиришди.

Тўқини Ҳайит:

— Бунақаси Шарқ ҳукмдорларининг тушига ҳам кирган эмас. Соҳибжон Амир Темур замонида эса бир оиласинг соҳибжамол қизини зўрлаб саройга олиб келиш миллат урф-одатларини оёқости қилиш билан баробар бўлиб, бундай зўравонлик учун жазо муқаррар эди. Масалан, Амир Темур соҳибжамол Тўкал хонимга уйланиш учун унинг ҳурматини қилиб, Самарқанддан унинг истиқболига борган эди. Ёки унинг дилбар невараси Бобур Мирзони олинг.

Гулбаданбегим ўзининг „Хумоюннома“ асарида ёзадики, Рано Санто фатҳидан сўнг, онаси Моҳимбеким билан Кобулдан Ҳиндистонга боради. Ана шу ерда ҳам Бобур Мирzonинг чиндан ҳам дилбар шахс бўлгани ёрқин ифода этилган.

„...подшо ҳазратлари бизни Жалолий чўлида қарши олишини мўлжалаган эдилар. Намозшом пайти бир киши келиб: „Ҳазратни икки курва нарида қолдириб келдим“, деди. Подшоҳ бобом ҳазратлари, то от келтиргунларича тоқат қилмай, пиёда йўлга тушиб, Нинчамоҳим уйлари оғизда биз билан учрашдилар. Онам отдан тушмоқчи бўлдилар, лекин подшоҳ бобом қўймасдан ўзлари онамнинг отлари жиловини ушлаб, ўз уйларига келгунча пиёда келдилар“.¹

Эътибор беринг, кимсан, Ҳиндистон подшоҳи Бобур Мирзо икки курва — қарийб икки километр пиёда юриб келиб, ўзлари от жиловини тутиб, шунчалик саховат қўрсатдики, ҳозирги эркаклар бундан ҳар қанча ўрнак олсалар, арзийди.

Мұхаммад Али:

— Бобур Мирzonинг ўз аҳли аёлларига, қариндошларига жуда са-
мимий муносабатда бўлганини Гулбаданбегим ёрқин мисоллар ёрдами-
да янада аниқ қўрсатиб ўтган:

„Ҳар жума кунлари аммаларини кўргани борардилар. Бир кун ҳаво
ниҳоятда иссиқ эди, онам ҳазратлари: „Бутун ҳаво ниҳоятда иссиқ, бир
жума кўргани бормасангиз, нима бўлади, бегимлар бундан хафа бўлмаса-

¹ Хумоюннома. 35-бет. Т., ЎзФА нашриёти, 1959 йил.

лар керак“, деб сўрадилар. Подшоҳ онамга бундай деб жавоб бердилар: „Моҳим, сиздан бу галнинг чиқиши таажжуబдир. Ҳазрат Абу Саййид Мирзонинг қизлари ўз ота ва биродарларидан жудо бўлиб, бу ерга келган, агар мен уларнинг кўнглини олмасам, унда нима бўлади?“¹

Яна кўрамизки, Бобур подшоҳ бу билан кифояланмасдан ўзининг энг моҳир устаси Ҳўжа Қосимга „Менинг аммаларим, мураббийларим-нинг орасида ҳар қандай зарур ишлари бўлса, жону дилинг билан ўрнига қўйгин“, яъни қандай иморат хоҳласалар, улар айтганидек бунёд этти, дея тайинлайди ва бу билан қониқмасдан, Аграда, сув бўйида катта иморат солдиради. „Тошдан ясалган бир иморатни — ўзларининг хилват-хоналарини ҳарам ва боғ ўртасига солишни буюрдилар, девонхонада ҳам тошдан ясалган бино солинди. Бу бинонинг ўртасига ҳовуз ва бинонинг атрофидаги тўрт бурчагига ҳужралар қилинди, дарё қирғонига бир чав-канди солинди“, деб қайд этади.

Бу манбада кўрамизки, темурийлар қаерда бўлмасин, улур боболари Амир Темурдек, бир парча ерни ҳам обод этганлар. Иккинчи муҳум жиҳати, Гулбаданбегим „чавканди“ сўзини қўллаганки, бу сўз ҳозирда ҳам Фарғона, Сурхондарё вилоятларида муомалада юради, яъни „чавканди“ — шийпон бўлиб, хонадонларимизда бутунги кунда ҳам ёз кунларида бу жойларда сұхбатлар қурилади, меҳмон кутилади. Дарвоҷе, асарда қўлланилган шунга ўхшашиб сўзлар анча-мунчани ташкил этадики, улар орқали миллий урф-одатларимизнинг Ҳиндистонга ҳам етиб борганини, бобурийлар ота-боболаримизнинг энг яхши анъаналарини давом эттирганликларини кўрсатади.

Тўлқин Ҳайит:

— Устоз, асосий мавзудан анча чалғидик, тўғри, таққослаб баён этиш ўқувчиларимизда кўпроқ таассурот қолдиради, энг муҳими, тарихий маъ-навий билимларини оширади. Менинг тарихим — жонажон тарихим. Ўз тарихини севиш — оёғимиз остида пояндоз каби тушалган майса ва гиёҳларни эъзозлаш, асраш; ота юрт тупроғини кўзга тўтиё айлаш, севиш, ҳар томчи сувини табаррук билиш, пок сақлаш; хуллас, инсон ўзини англаб этиш йўлидаги ноёб бойлиқ, катта уммон, бебаҳо неъматлардан бири десак ҳам муболага бўлмайди. Демак, мавзуга қайтамиз, устоз!

¹ Ҳумоюннома. 33-бет. Т., Ўз ФД нацириёти, 1959 йил.

Мұхаммад Али:

— Иван Васильевич яккахокимликни яхши күрар ва күпинча, үйлаптадан үтказгунча, бир эмас, бир неча ой үтиб кетди. Ва, ниҳоят, улар ораси-уларни онадан туғилғандай ҳолатда ҳам күриқдан үтказишиди. Марға Собакина ниҳоятда хушрой, күхликкина, худди ҳайкалтарош тарошлагандай бекаму күст офтобжамол эди, аммо никоҳдан бир ҳафта үтар-үтмас, тұсатдан оламдан үтди. Шундай қилиб, бу сафар ҳам Иван Васильевич бүйідоқ — бева бўлиб қолди.

ФИКР:

Кези келганды, айтиш керакки, ота-боболаримиз аслзода аёлларни ҳамиша эъзозда сақлашган. Аслзода аёл деганда, биз имми, соғлом ва бақувват ожизаларни тушунамиз. Соғлом аёлдан соғлом бола туғилади. Амир Темур ҳам буни яхши билган. „Келин бўлгувчининг етти пуштини суриштирар эдим“, дейди у зот. Иккинчи томони шуки, Шарқда бир ҳукмдор танаэззулга учраса, унинг ҳарамини сақлаб қолишган, чунки айнан шу тоифа аёллар миллат учун ҳукмдор фарзандлар тарбиялаб беришга қодир бўлганлар. Ва биз агар тарихимизга назар солсак, Амир Темурнинг ҳар икки томондан боболари ҳам ўз даврининг етук кишилари бўлишган. Шу боис ҳам, Амир Темур Амир Ҳусайннинг ҳарамига ҳам ана шу нуқтаи назардан қаради.

Тўлқин Ҳайит:

— Устоз, яна Иван Васильевич ҳақида тўхталсак. Сиз айтгандек, үчинчи аёлидан айрилгач, вазият анча таранглашди, сабаби, православ қонунлари бўйича шоҳ 3 марта уйланишга ҳақли эди, холос. Аммо руҳнйилар бу ишни хамирдан қил супургандек, осон битиришиди: Бутун Руспубликага шоҳи учун қонунни ўзgartириш нима деган гап! Қоғозлар қораланди ва кўрибсизки, Иван Васильевич учун тўртинчи марта уйланиш имконияти яратилди-қўйди. Амир Темур ҳеч қачон қонунни бузмас эди. Энг мураккаб, энг қийин вазиятларда эса Қуръони Каримга қараб иш тутар, лекин ҳеч қачон „мен дунёнинг улуг ҳукмдориман, нимани ҳоҳласам, шу бўлади“, демасди. Ўғли Мироншоҳ Мирзо давлат ишларида

катта хатоларга ийлүк қўйгани учун уни лавозимидан маҳрум этди, аммо жону имонини бутун сақлади.

Мұхаммад Али:

— Аммо Иван Васильевичнинг жаҳлига эрк бериб, исён күттарган фарзандини бир зарб билан нариги дунёга жўнатгани ўзига ҳам оғир тушгани аниқ. Фарзанд жигардан бўлади, дейдилар. Бундай фожиалар бир умр иснод бўлиб қолади. Аллоҳнинг ўзи кечирсин бизни, ўрни келиб қолганда, эслаб ўтятмиз, токи, келажак дунё бундай фожиалардан холи яшасин.

Мавзумизга қайтадиган бўлсак, бу сафар қаҳрои қаттиқ шоҳ хотин танлаш танловини ўтказмади, аксинча, олдинги сафар кўз остига олганларидан бирини — 18 ёшли соҳибжамол Анна Калтовскаяни танлади. У анча уддабурон чиқиб қолди. Секин-асталик билан Иван Васильевични қўлга олиб, бутун бошли „опричнина“ни бутунлай йўқ қилди: бир йил ичиди барча раҳбарлари қатл этилди, қолганлари сургунга жўнатилди.

Аннанинг тақдирини ҳам фожиали яқунланди. У ё боярларга ёқмади ёки бўлмаса, атиги бир йилда Иван Васильевичнинг меъдасига тегди: кутилмаганда, Вила қишлоғига сургун қилиб, ёлғизликка маҳкум этилди. Қайғуга ботган Анна кўп ўтмай дунёдан кўз юмди.

Тўлқин Ҳайнт:

— „Қайғу одамни қаритади“, дейдилар. Бу шунчаки азоб-уқубат эмас, балки қандайдир қийноқ ва зуғумлар ҳам ўтказилган бўлиши керакки, атиги бир йил шоҳ никоҳида яшаган соҳибжамолнинг тезда вафот этиши мумкин эмасди. Нима дедингиз, устоз?

Мұхаммад Али:

— Иван Васильевич атрофида фитналар кўп эди, буни унинг ўзи ҳам биларди. Бу сафар тақдир уни қаттиқ жазолади. 1573 йилнинг нояброда Мария Долгорукая деган хонимни ўзига хотинликка танлади ва бешинчи марта уйланди, аммо Мария тўшакда пок чиқмади ва бундан газабланган шоҳ уни жуда хўрлаб ўлдириди. Ўзи бўлса, соҳибжамоллар билан машнатини давом эттириди.

Тўлқин Ҳайнт:

— Устоз, энди Иван Васильевичнинг олтинчи „хунари“ни ҳам айтмасак бўлмас. Тарихий маълумотларга кўра, князь Пётр Васильевич

билан у апоқ-чапоқ эди. Пётр Васильевичнинг Анна исмли қизи ўзимонга келган шоҳ уни кўриб қолди-ю, дарҳол қўлини сўради, аммо қизнинг отаси гарчи шоҳ дўсти бўлса-да, жуда мағрур инсон бўлгани учун турар экан: „Мен албатта, унга уйланаман“, деди-ю, эшикни қарс ёпиб икки оёғи бир этикка тиқилиб қолди, энди шоҳнинг таклифини рад этса, боши кетиши аниқ эди. Шундай қилиб, соҳибжамол Анна шоҳ саройига олиб келинди ва атиги уч ой умр кўрди, холос. Унинг ўлими ҳамон сирлигича қолиб келмоқда.

Мұхаммад Али:

Шоҳ Грозний деган лақаб беҳуда берилмаган.

Тұлқин Хайит:

– Бу сафар у қизнинг отасини ҳам ўлдириб юборади.

Мұхаммад Али:

– Гўзал Василиса Иван Грознийнинг яқин одами Никита Мелентьевнинг қизи эди. Ўта нозик чиройи билан ҳаммани бир зумда ҳайратта солиб қўядиган Василиса шоҳга шу қадар ёқиб қолдики, Мелентьевга уни зумда саройга олиб келишини буорди. Аммо уч кун ўтса ҳамки, шоҳнинг буйруғи бажарилмади. Қаҳро қаттиқ Иван Грозний Мелентьевга дўқуриб, бунинг оқибати яхшилик билан тутамаслигини айтганда ҳам у пинагини бузмади. Очифини айтганда, бутун Русь зодагонлари, бойлари шоҳга қиз беришдан безиллаб, чўчиб қолишган эди. Бир эмас, Руснинг манаман деган олтита соҳибжамол қизи тўшакдан чиқмадими, қолгани ҳам унинг ғазабига дучор бўлиши аниқ. Лекин Иван Грозний сўзини иккита қиласидан тоифасидан эмасди. Ғазабга минганидан қайсар Мелентьевни заҳарлаб ўлдиририб, мақсадига эришди, еттинчи марта уйланди.

Василиса ҳам анойилардан эмасди. У шоҳни қўлга олди ва икки ийл давомида саройда тинчлик хукмрон бўлди. Аммо малика шоҳни эмас, Иван Количев деган хушсурат йигитни ёқтирад, у билан донашиб юради. Кунлардан бирида швед элчисини қабул қилаётган шоҳнинг кўнгли бир

ёмоъликни сезиб, маликанинг тушагига бостириб кирди. Василиса Ҳар доимгидек уни лабда табассум билан кутиб олди, аммо қўзларида ҳадик- сираш, ташвиш аломатлари бор эди. Қаҳрга минган шоҳ хосхонани титиб чиқишиларини буюрди ва кўп ўтмай каравот остига яширинган гўзал йигитчани, худди қуёнчадек, чийиллатганча судраб чиқишиди.

Тўлқин Ҳайит:

- Тарих бу фожиани унутмайди.

Мұхаммад Али:

- Шундай. Фазабга минган Иван Грозний ўша ернинг ўзида ёш йигитни чавақлаб ташлайди. Эртаси куни эса дағн маросими ўтказида. Ўртада иккита тобут турар, улардан бирида шоҳ томонидан бўғизланган Иван Количевнинг жасади бўлса, иккинчисида эса малика қўл-оёғи боғланган ҳолда ётарди. Боши қотган руҳоний эса тобутлардан қайси бири Василисага тегишли эканини билмай икки ўт орасида аро-сатда қолди.

Тўлқин Ҳайит:

- Гувоҳи бўлганимиздек, бу сафар нафақат малика, балки ёш йигитнинг умри ҳам хазон бўлди.

Мұхаммад Али:

- Тарих гувоҳлик беришича, ана шу воқеадан кейин одамларни қатл этиш оммавий тус олди, жумладан, Количевнинг қариндошлари ҳам тиғдан ўтказилди.

Шоҳнинг кейинги хотини — соҳибжамол Марияга уйланиш тақдирни ҳам қизиқ. Унинг отаси пойтахтдан бадарға қилинган эди, лекин Иван Васильевичнинг „қулоқлари“ унга муносиб малика бўладиган фақат битта қиз борлигини, лекин уларнинг оиласи сургунда эканлигини айтишганда, шоҳ шу заҳоти Фёдор Нагойни кечирганини ва пойтахта қайтиши мумкинлигини эълон қилди. Албатта, Фёдор Нагой қаҳори қаттиқ шоҳнинг кутилмаган бу хотамтойлигидан аввалига ажабланди, пойтахтта келгач, хотинбоз шоҳнинг мақсадини англаб, тепа сочи тикка бўлди, лекин энди иложи қолмаган эди. Шундай қилиб, шоҳ зўрлик билан яна

Руснинг бир соҳибжамол Мариясини хотинликка олди. Шоҳнинг раза-
бига дучор бўлган Дмитрий ана шу соҳибжамолдан турилган эди.

Тўлқин Ҳайит:

— Иван Грознийнинг тўққизинчи марта уйланиш нияти бўлгани
ҳақида ҳам гапириб ўтиш керак, деб ўйлайман.

Мұхаммад Али:

— Маълумотларга кўра, Англия қироличаси Елизаветанинг қарин-
дошларидан бирини кўз остига олган эса-да, аммо шафқатсиз шоҳ бу
сафар мақсадига эришолмади. 1584 йилда шахмат ўйини устида тұсат-
дан жон таслим қилди-ю, шу билан ўз «бахти»ни тополмай дунёдан ўтди.

Бутун Руснинг қаҳори қаттиқ шоҳи — Иван Грознийнинг ўз аёлла-
рига бўлган муносабати ана шу дараражада эди.

Сиз бирор нима қўшимча қылмоқчисиз шекилли?

Тўлқин Ҳайит:

— Ҳа, шундай: кўпдан буён менга Иван Васильевич, албатта, афсона-
вий юртимиз билан қизиққан бўлиши керак, деган фикр тинчлик бермас-
ди, чунки Искандар Мақдуний, араблар ва бошқалар ҳам бу бой, серунум
заминга беҳуда бостириб келмаган эдилар. Ва, албатта юртимиз доврути
Иван Грознийни тушларида ҳам безовта қилгани аниқ эди. Кеча Рұсь
шоҳининг ҳаёти ҳақида янги маълумотлар билан танишар эканман, қуй-
даги воқеага дуч келдим.

Иван Грознийнинг инглиз әлчиси Бухорои Шарифга келганда,
уни ҳаммомга олиб киришган экан. У: „Бу нима? Қандай бино?“ деб
сўрабди. Унга бу жойнинг ҳаммом эканлигини, ҳамма шаҳарларда ўнлаб
ҳаммомлар мавжудлигини айтишади. Сўнгра уни ҳаммомга таклиф қўланб,
түхумнинг оқидан тайёрланган маҳсус суюқлик билан сочини ювишади,
ҳодимчилар маҳоратларини ишга солиб, уқалаб, танасига енгиллик баҳш
этишади. Айниқса, буғона әлчига жуда ёқиб тушади. Ҳаммомдан чиқ-
қач, Грознийнинг инглиз әлчиси тан олиб: „Онадан қайта турилгандек
бўлдим, дунё кезиб, бунақа ҳаммомни кўрмагандим“, дейди.

Садриддин Айний ришта касали билан оғриганлигини ёзар экан,
ундан қандай қутулганини баён этган-у, аммо бунинг келиб чиқиши

хакида лом-лим демаган. Ўзингизга савол бериб кўринг: нега энди Амир Темур замонидан то 1920 йилгача Бухорои Шарифда ёки бошқа шахарларимизда бундай касаллик сира учраган эмасди. Гарчи мавзудан четлашиб бўлса-да, ана шу масалага ойдинлик киритиб ўтсак, устоз!

Мұхаммад Али:

— Шу масалага аниқлик киритилиши керак, ҳамон кўпчилик бу тўғрида етарли тасаввурга эга эмас, айниқса, Фарбнинг баъзи табақаларида ўғринча назар билан қараш ҳамон мавжуд. Асл ҳолат шуки, 1920 йили шўро босқинчиларининг бошлиғи М. В. Фрунзе томонидан Бухорои Шариф ўқса тутилгач, шаҳарнинг сув тизими ишдан чиқиб, беш, ўн асрдан бўён қувурлар орқали тоза сув келиб турган қудук ва ҳовузлардаги сувлар туриб қолиб, бузила бошлади ва ундан истеъмол қилган аҳоли ришта касалига дучор бўлди. Сулолалар ҳукмронлиги, хонликлар даврида ҳам аҳоли бундай оммавий касалликка дуч келган эмасди, чунончи, бизда озодагарчилликка қадимдан жуда қатъий амал қилиб келинган: „сувга туптурма, гуноҳ бўлади“, „ниҳолни синдирма, уволига қоласан“, „экинни пайҳон қилма, дўзахи бўласан“, деган панд-насиҳатлар ўша замонлардан қолган. Еки мусулмон кишининг беш вақт таҳорат қилиши, кун бўйи кийимларини покиза тутиши, жума кунлари тирнокларини олиши, сочини қирдириши ва, албатта, ҳаммомга тушиб, покланиши азалий озодагарчиллик қоидаларидан бири бўлган. Ҳўш, ана шу озодагарчиллик қоидалари бузилса, нима бўлади? Шўролар бошлаган босқинчилик, уруш, вайронагарчилик, одамларнинг ҳалок бўлиши, ҳатто мачит, мадраса ёки кенг майдонларда беозор юрган қушларга қирон келиши ҳар қандай манзилнинг санитар ҳолатига жиддий таъсири этмасдан қолмайди. Ришта ҳам ўшаларнинг касофати эди. Ришта, тери остида қортларнинг пайдо бўлиши, демакдир. Садриддин Айний ўз эсадаликларида бу тўғрида жуда батафсил айтиб ўтган. Кейинроқ шўроларнинг ўзлари шаҳар сув тизимини ишга туширишда яна уста боболаримизнинг кўмакларига муҳтож бўлдилар. Бундан холоса шуки, Бухорои Шарифда доимо покиза, шаффоф, тоза сув истеъмол қилинган, бунинг учун шаҳарда 200 га яқин ҳовуз ва қудуқлар мавжуд бўлиб, улар ўзаро сопол қувурлар орқали бир-бирига борланиб, тоза сув билан таъминланниб турилган. Ҳатто ҳар бир мачит ва

мадрасада ҳам қудуқлар мавжуд эди ва ҳозир ҳам уларнинг сувлари қаёқка кетаётганини кўпчилик билмайди.

Тўлқин Ҳайнт:

— Устоз, мен бутунги чиқинди оқаётган ариқларга қарасам, юрагим тутайди. Кечагина, яъни ўтган асрнинг 60-йилларида биз болалар ариқ бўйларида ётиб олиб, сув ичардик. Агар бирорта бола сувга бирор нарса ташласа, қаттиқ дакки, танбех эшитар, ҳатто ота-онаси изза қилинарди. Энди бўлса, чиқиндини челаклаб ағдараёттан болага беэътибор қарайдиган бўлиб қолдик: сув — тирик ҳужайра, унинг ҳам жони бор; уни зарарлаб, сув экотизимига зарар етказамиз, натижада, сув жоноворлари зарарланади, дараҳт меваларига зиён етади ва бунинг натижасида кўриб турибмиэки, бугун ёш болаларда ҳам аллергия авж олмоқда, одамларда тури тери касалликларининг сурункали давом этиши кузатилемоқда. Бу вахима эмас, инсон бор экан, яхши ва ёмон ҳаёт мавжуд экан, муаммолар ҳам бўлади.

Бир воқеанин айтай.

Бир пайтлар пойтахт Тошкентнинг анҳори бўйида бир яхши ошхона бўларди. Биз ора-орада ўша ерда тушлик қилардик. Бир куни қарасам, хизматкор йигит бир чelак чиқиндини топ-тоза зилол сувга — анҳорга ағдарди. Жаҳдим чиққанидан, бу қилғиликлари учун яқин орада ошхоналари таг-тути билан йўқ бўлиб кетади, деб юбордим. Шеригим: „Худодилингизга солди шекилли!“ деди. „Тавба қилдим, Ўзи кечирсин!“ дедим гуноҳга ботишдан чўчиб. Лекин орадан уч-турт ой ўтмай ўша ошхона чиндан ҳам таг-томири билан йўқ бўлиб кетди.

Ўйлайманки, сувга хиёнат — инсониятга душманликдан бошқа нарса эмас. Ўзимизга, боламизга хиёнат. Сувга бўлган муносабатимизни отабоболар даражаси миқёсида ўрнига қўймасак бўлмайди.

Мұхаммад Али:

— Ҳалқимизда: „Хато қилиш айб эмас, уни тузатмаслик айб“, деган пурмаъно мақол бор. Ота-боболар даврларида ҳам бир эмас, ўнлаб муаммолар юзага келган. Милодий 1370 йилда Турон таҳтига ўтирган Амир Темурга ярим вайрона мамлакат, мъянавияти таназзулга учраб турган жамият насиб этган эди. Ул зот нафақат ўз мамлакатини, балки

дунёни ҳам тузатди-ку! Нега бугун инсон шунчалик техник тараққиётта эришаётган пайтда, сувни покиза сақлашга беътибор қарашимиз керак? Ҳаёт сувдан бошланади, демак, боғчадан, мактаб партасидан ана шу ҳикматта эътибор қаратишга тўғри келади. Одамзод минг-минг асрлардан бери сув, ҳаво, тупроқни, ҳатто оловни муқаддас билиб, асраб-авайлаб бизга етказган. Биз ҳам бу анъянани давом эттиришимиз керак. Битта иморат қуриш, вайрон бўлса, уни тузатиш ҳам ҳаётга муҳаббат белгиси саналади.



Амир Темур айтадиларки,

„Агар фуқародан бирининг уй-иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналарни етказиб, унга ёрдам берилсин“.



Тўлқинн Ҳайнит:

— Инсон. У қаерда бўлмасин, Ер учун масъул. Бу масъуллик оиласи асралардан, Ватанини севищдан, ободончилик ишларига ҳавас қўйишдан бошланади. Ватанини севмоқ нима, деган саволга, айнан, сувни асрамоқ ҳам Ватанини севмоқ, деб жавоб берилса, дуруст эмасми?!

Бугун телевизор мурватини бурашингиз билан, ур-ийқит, отиш-ўлдириш, вайронагарчилик, бузғунчилик ва энг ёмони фоҳишабозликни тарғиб этувчи жангари фильмларга қўзингиз тушади. Одамлар: „Телевизор – дилбузар“, деб бехуда айтмаяптилар.

Мұхаммад Али:

— „Яхши одам юрт тузар, ёмон одам юрт бузар“, дейдилар. Бутун дунёning қалқиб тургани ҳам янгилик эмас, демак, инсон яна катта синов олдида турибди. Сиз билан мен шу китоб баҳона ўз ўқувчиларимизни, айниқса, ёш авлодни әзгу ишларга чақириб, илм олинг, яхши хунар эгаси бўлиб, ота-онангизга „раҳмат“ келтиринг, Ватанинг содиқ фарзандлари бўлинг, десак, бу, албатта, савоб иш бўлади. Ватанга, ҳалқка хизмат қылган одам орадан миллион йил ўтса ҳам, номи унутилмайди. Мұхаммад ал-Хоразмийни ёки Жалолиддин Мангубердини, Амир Темурни, ўнлаб улуг-

ларимизни унутдикми? Ёки чет эллик донишмандлар – Арасту, Кон-
фудий ва бошқаларни халқ унутдими? Йўқ, унутмади. Мана, биз Амир
Темур таваллудининг 680 йиллиги муносабати билан сұхбатлашиб ўти-
риклик – оппоқ капалак, чиройли, ноёб, аммо қайтарилас неъмат;
умрингни гулга ўра, сендан ҳам яхши ном қолсин. Амир Темур мисоли-
ривожлантириб, ҳур яшашга, маънан баркамол бўлишга ундаяпмиз. Бу
йўлимиини хорижлик дўстларимиз ҳам қўллаб турибидилар.

Тўлқин Ҳайит:

– Ота-боболар булар борасида ҳуб яхши гап айтганларки, биз ҳам:
„Уларга Яратганинг ўзи инсоф берсин!“ дея такрорлаймиз!

МУОМАЛАНИНГ „ЧАП“ КЎЗИ

Тўлқин Ҳайит:

– Ажабо, муомаланинг ҳам „чап“ кўзи бўларканми?

Бўлади. Қанақасига? Тўғриси, бир андозадаги сұхбат ўзингизга ҳам
ёқмайди, кўнглингизни оздириб юборади.

Устоз, IV асрдан то XX аср бошларигача бўлган муомала маданиятимиз, тилимизнинг ранг-баранглиги билан танишар эканман, XX асрнинг атиги 74 йили ичida, халқимиз мустамлакачилик тазийклари остида қолган пайтларда она тилимизга бўлган зуғумлар туфайли тил бойликларимизнинг, муомала маданиятимизнинг анча хусусиятларидан мосуво бўлган эканмиз.

Европа ҳаётнинг аниқ щаклига қараб баҳо беради ва шу тарзда яшаиди.
Шарқ эса, минг бор тақрор-тақрор айтилганидек, жуда нозик. Масалан,
халқимиз бир нарсани ҳеч ҳам ҳазм қиломаяпти. Эҳтимол, Европада
компьютер сайtlаридаги „Наполеон, кучукча, майл, ру“ни табии қабул
қиласидилар, аммо биэда „Наполеон“ ўрнига улуғларимизнинг номини
қўйиб кўринг-чи, ҳамиятингизга тегмайдими? Ҳаётий воқеалардан мисол
келирсам, ҳавасманд отахонлардан бири компьютерлар эндиғина пайдо
бўлган кунларда, қарз-қавола қилиб бўлса ҳам, фарзандларига бундайроқ

компьютер олиб берибди. Орадан ойлар ўтиб, ўғлининг компьютер са-
водхонлиги билан қизиқиб ўтирган экан, юқорида айтилган ҳолатга дуч
келиби ва аччиғи чиқиб: „Улуғларимиз ҳақида оғиз тўлдириб сўзлашга
энди етишдик, энди сенлар уларнинг мұътабар номлари ортига „кутук-
ча“ тақайдиган бўлдингларми?!“ дебди-да, компьютерни йиғиштириб қўя
қолибди. Кейинроқ ўйлаб кўриб, бу тадбири ҳам ноўрин эканлигини би-
либ: „Болаларим, биз ўзбекларга бу сўз умуман тўғри келмайди, ўзбек ори
учун, ҳар бир сўзи учун жавоб беради, бошқа сўз ўйлаб топинглар!“ деган
екан, болалари мийигларида кулиб қўя қолишибди. Чиндан ҳам „собач-
ка“ дегани истеъмолга ёриб кирди, аммо „Эй биродарлар, Фарб ўз номи
билан Фарб, лекин Шарқ ҳамиша ўз сўзини айтган, „собачка“ бизнинг
менталитетимизга тўғри келмайди, ўзлигимизга хосини ўйлаб топайлик“,
деган мард топилмади ва, турган гапки, бу сўз четдан қандай кириб келган
бўлса, шундайлигича қабул қилинди. Аммо бу масала кун тартибидан
тушган эмас, устоз, шу боис ҳам, мен Сиз билан шу тўғрида суҳбатлаш-
моқчиман. Ва айтишим керакки, „Амир Темур ва темурийлар даврида
илем-фан ҳамда маданият“ мавзууда давра суҳбати ўтказаётганимизда,
шу мавзумизга оид қизиқ ҳолат юз берди. Мазкур суҳбатта таниқли
ижодкорлар, тарихчи олимлар, талабалар таклиф этилган эди. Тўлқин
Эшбек деган отдошимиз бор. Юзидан табассум, лабидан кулги аримай-
ди. Унга сўз берилганда, худди шу мавзуда тўхталиб: „Мен „собачка“
ўрнига „шербачча“ сўзини қўллашни таклиф қиласман!“ дейиши билан аввал
соғ беғубор кулги янграб, сўнгра гулдурос қарсаклар кенг хонани ларзага
келтирди. Ёнимда ўтирган отахонлардан бири: „Отангга балли, кўнгли-
мизни оғритиб юрган муаммони ўйладиган ўзбек ҳам бор экан-ку!“
деди хурсанд бўлганча қарсак чалиб, уни олқишилар экан. Айтиш керак-
ки, „шербачча“ жуда яхши ном. Аслида кучукча ҳам, шербачча ҳам бир
хил кўринишида бўлади, фақат улғайғач, улар ўзгача тус олади.

Мұхаммад Али:

— Қадимда аслзода аёлларимизга нисбатан ҳурмат ва улуғлаш ҳамда
даражаларини белгилаш юзасидан „хотун“, „оқа“ лақаблари номларига
нисбат берилган.

**Европа меъморлари билан баҳслашган уста. Нега бугунги
фишт ва қоришиналар, кошинлар қадимгилари олдида
„уялиб“ қолмоқда?!**

Тұлғин Ҳанит:

— Устоз, мен телевидение орқали кўрсатилаётган қадимги бинолар ҳақидаги кўрсатувларни ҳамиша мароқ билан томоша қиласман, аммо бар-часидан бир хилда қониқиши ҳосил қилиш қийин, тўғри, кўрсатувларнинг матни, режиссураси, тасвиirlарининг сифати ва ҳолати меъбер дара-жасида, лекин биз кўпинча қадим биноларнинг ташки кўриниши, қурилиши ва уларнинг муаллифлари ҳақидаги фикрлар атрофида ўралашиб қолиб, кошоналарнинг „қалбига киришга“ унчалик ҳам зътибор берма-япмиз. Мазкур биноларнинг ҳар битта фиштида бир илмий ҳақиқат, боболар илми ва устачилиги яширинган.

Эшитганим бор, бир уста тайёрлаш учун қарийб ўн икки йыл керак бўлган: бу даврда шогирд меъморчилик қонуниятларидан тортиб теша, пойтешаларни ишлатишгача, фишт териш, ганчкорлиқдан то андава тортишгача бўлган барча устачилик жараёнларини ўрганганд. Бари матема-тик, геометрик ҳисоб-китоблардан иборат, шогирд уларнинг барини му-каммал ўзлаштириши лозим бўлган. Сўнг... шогирднинг отаси бир жон-лиқни қурбонликка атаб, уста ва маҳалла оқсоқолларини уйига таклиф эттан; бу ерда ҳам шогирд синовдан ўтказилган ва унинг маҳорати ортиб, вояга етгани аниқ бўлгач, „оқ фотиҳа“ берилган. Яъни Шарқ, хусусан, ота-боболар удумлари нуқта-вергулигача ўз ўрнига қўйилган.

Бизнинг оиласи эда ҳам устачилик бўйича турли ривоятлар, маълум ҳақиқатлар айтилганини эшитганиман. Боболаримиз айтишларинча, пирбо-бомиз бўлмиш — яъни олти бобомдан катталари — Тоҳир полvon ҳам кошинкор уста, ҳам савдогар бўлган эканлар.

Эмишки, Самарқандни ёв босганда, улар оиласи билан қочиб, Қарши, Шаҳрисабз шаҳарларини оралаб, ўзларига маъқул манзил қидириб кели-шашётган экан. Қайси бир шаҳарда бир мадрасага дарз кетиб, уни йиқи-тиш пайида бўлиб туришганда, Тоҳир полvon бориб қолибди. Мадраса-ни айланниб чиққач: „Буни йиқитишинг ҳожати йўқ, ҳали кўп йиллар сизларга хизмат қиласи“, дебди. Бу гап ҳокимга етиб, у ҳам устанинг

фикри билан қизиқибди. Тоҳир полвон довотини ёнига қўйиб, қилқалам билан Самарқанд шохи қофозига мадрасанинг тарҳини чизиб, дарэ кетган ўрнида қандай устачилик ишларини олиб боришини аниқ кўрсатибди.

Усталар унинг тарҳи бўйича мадрасани бир ҳафта таъмирлабдилар. Ҳоким ҳам пухта одам экан. У бошқа меъморларни жалб этиб, таъмирдан чиққан мадрасанинг қанчалик мустаҳкам бўлганини аниқламоқчи бўлибди. Гап шунда эканки, мадрасада таълим олаётган талабаларга бирон-бир зиён етса, гуноҳ қилиб қўшишдан ҳамма қатори ҳоким ҳам жуда чўчир экан. Мадраса таъмир ишларини текширишга масъул бўлган усталар Тоҳир полвоннинг ишларини текшириб кўриб: „Уста ишларининг бирор жойида ҳам камчилик, нуксон йўқ, Худо хоҳласа, мадраса икки-уч юз йил туради“, деб унинг ишларига юксак баҳо беришибди.

Ҳоким шундай қўли гул устани ёнида олиб қолиш учун унга ўйжой, етарли маблағ таклиф қилибди, аммо Тоҳир полвон кўнмабди, чунки у бир кун ғаним бу ерга ҳам етиб келишини билар ва, албатта, ўзига хизмат қилишини истамаган устани жазолаши муқаррар эканлигини аниқ ҳис этган экан.

Бу балки ривоят, эҳтимол, ҳақиқатдир, лекин бунинг аҳамияти йўқ, зарур томони шундаки, қадим меъморчилигимиз чиндан ҳам катта салоҳиятга, илмий асосга эга бўлган. Совет даврида масаланинг ана шу томонига нотўри баҳо берилиб, ҳалқ устачилигимизни ҳатто ерга уришга ҳаракатлар бўлди. Агар қадим бинолар қурилиши илмий заминга эга бўлмаганда, 70–80 метрли биноларнинг битта фишти нотўри қўйилса, қулақ тушиши фанда исботини топган ҳақиқат. Ўйлайманки, устоз, қадим қурилишлар, айниқса, Амир Темур ва темурийлар давридаги қурувчилик, бунёдкорлик ишлари ҳақида қисқа бўлса-да, тўхталмасдан ўтиб бўлмайди.

Муҳаммад Али

— 1944 йилда архивлардан XVI асрга оид Бухоро меъморларининг чизмаси топилдики, бу жуда катта шов-шуввларга сабаб бўлгани ҳали-ҳануз эсланади.

Профессор Убайдулла Уватов ёзади:

„Мен хизмат юзасидан араб мамлакатларида бўлганимда, ислом оламининг йиринк уламоларидан бири: „Сиз буюк мамлакат

фуқароосиңиз, чунки ислом оламида илк олий ўқув юртларидан бирин – мадраса айшап сизнинг юртингизда, Бухорои Шарифда ҳам бунёд этилган эди“, деган гапни айтгандა, жуда гуурландим“.

Тұлқин Хайит:

– Устоз, мен ҳам меъморчилигимиз тарихи бүйіча бир нечта китобларни күриб чиқдым. Шулардан бири Мұхаммад Ахмедовнинг „Үрта Осиё меъморчилиги тарихи“ асари бўлиб, унда Сиз айтган гаплар китобнинг 112-бетида ҳам қайд этилган.¹ Менимча, Сиз тилга олган ўша китобни – Н. В. Бакланов томонидан чоп этилган китобни қайта нашр этиш керакки, бутунги ёшлар қадим меъморчилигимизнинг чиндан ҳам илмий асосга эга бўлганлигини билиб қўйсингар.

Қизиқарли тарихий маълумот

Бир йили Термизда бўлганимизда, қадим ганчкорлик ишларининг намуналари билан танишдик.

– Мана бу Чагониёндан, буниси Кушон, униси Бақтрия давлати пайтидаги ганчкорлик ишларидан намуналар...анавуниси эса Айритомдан топилган. Бу айритомликлар „липка“ қилишни ўша замончардан билишган экан, жўра. Бундан икки-уч минг йиллар олдин ҳам бизда ана шундай зўр ганчкорлик тараққий этган.

Сұхбатдошимнинг тўпори, лекин дангал гапириши, соддадиличиги қитигимни келтиргандек бўлди-ю:

– Шундай экан, жўра, „Евроремонт“ деб бошни қотириб нима қилдик, яхшиси „Айритомремонт“ деб қўя қолайлик! – дедим унинг гапини ҳазилга буриб.

Даврада самимий кулги янгради.

Бу кулгининг „эили“ шуки, биз тұлқинга ўхшаймиз: гоҳ тараққий этиб, юксакларга кўтариламиз, гоҳ ер билан битта бўламиз. Бизни ўйлантирадигани ана шу кейингиси: нима учун ва бунга кимлар сабабчи бўлади? Ўйлайманки, бизни ўқиб турғанлар булар тўғрисида ҳам ўйлаб кўрсалар.

¹ M.Aхмедов. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. „Ўзбекистон“ нашриёти, Т., 1995.

Лекин ҳозир Сиз билан қадим меъморчилигимиз, Амир Темур ва Тэмурийлар даври меъморчилиги түррисида сұхбатлашыпмиз. Мавзудан қалғимайлик.

Мұхаммад Али:

— Меъморчилигимиз тарихи чиндан ҳам узоқ тарихга бориб тақала-ди. Ангора деган сүз бор, меъморчилікка оид луғатларимизда, бу қорала-ма, яъни дастлабки чизма, хомаки, хомчұт дегани. Биз ҳозирда бу сүзни „лойиха“ деб айтамиз. Ёки „ахта“, яъни улғи деган атама ҳам мавжуд. Бу нақш тушириш учун маҳсус тайёрланған қоғоз, андаза. У ҳозир ҳам ишлатилади. Хуллас, қадим биноларнинг барчаси маҳсус тархлар асоси-да бунёд этилган.

Энг қадимги турар жойлар — бизда Хоразмда милоддан олдинги VI—IV асрларда мавжуд бұлған Қалъалиқир, Бозор қалъа, Фарғонадаги Элатон бузилмас ҳамда Мароқанд — ҳозирги Афросиёб харобаларини айтиб үтиш мүмкін. Қадимги юон манбаларыда эса Бақтрия ҳокими „минг шаҳар әгаси“ дейилган, Фарғона водийсида эса 70 тача катта ва кичик шаҳар бұлғанлиги тилга олинган.

Ҳазрат Алишер Навоийдан үқиймиз:

Назм этки они тархи тоза бұлғай,
Улусда майл беандоза бұлғай.

Қадим меъморчилигимиз асослари — ноёб меъморий құлөзмалар арабларнинг босқынлари даврида йўқолиб кеттан. Лекин XI—XII асрларда Мұхаммад Мусо ал-Хоразмийнинг „Китоб ал-мухтасари фи ҳисоб ал-жабр ва-л муқобала“, яъни „Алгебра“ китобида түртбурчак шакли, унинг диагоналлари ва томонлари орасидаги боғланишлар; Абу Райдон Берунийнинг „Қонуни Масъуд“ида масжидларнинг Қибла томонини топиш, Жамшид Гиёсиддин Кошийнинг (XV) „Арифметика қалити“ асарида эса қатор меъморий шакл ва тасвиirlарни чизиш усуllари баён этилган.

Тұлқин Ҳайнит:

— Устоз, айниқса, құшгумбазли, яккагумбазли чортоқ типидан келиб чиқадиган имараттарни лойихалаш осон иш әмас. Агар түккізета түртбур-

чак бўлинишда озгина хатоликка йўл кўйилса, ҳар қандай гумбаз бир зумда қулаб тушади.

Коший жаноблари мураббаъ (квадрат) диагоналининг ярмини унинг томони узунлигидан айриб, ҳосил бўлган кесмадан мураббаъ асосига параллел чизиқ ўтказилса, сўнгра шу амал тўрт томондан бажарилса, дастлабки олинган шакл тўққиэта тўртбурчакка бўлинишини илмий асослаб берган. Худди ана шу амал асосида гумбазли биноларни лойихалаш ва уларнинг горизонтал ва вертикал ўлчамларининг барчасини шу мураббаъ асосида топиш мумкин.

Мухтарам ўкувчиларимиз бизнинг математик амаллар ҳақида сўз юритганимиздан ҳайрон бўлмасинлар: гап шундаки, эски тузум даврида Ўрта Осиё меъморчилиги илмий асосга эга эмас, деган сохта айблар ҳам кўйилди. Ана шунда усталаримиздан бири жуда оғринган, жуда хафа бўлган эди. Иккинчи томони, ўкувчилик йилларимда қайсиdir фарб ёзуви чиеси ўз романида Ўрта Осиё, хусусан, Самарқанддаги обидалар сомон лойдан қурилган, дея саводсизларча ёзган эди. Ана шуларни ҳисобга олганда, мазкур илмий асослар сухбатимиизда акс этаёттани жуда ўринлидир.

Муҳаммад Али:

— Ҳали Шимолда одамлар ертўлаларда яшаган бир пайтда, чиндан ҳам бизнинг ота-боболар „олтин кесма“ни сув қилиб ичишган. Муаллиф Муҳаммад Аҳмедов ёзадики, бунинг „олтин кесма“ деб атанишига сабаб шуки, берилган кесмани шу нисбатта бўлсан, дастлабки олинган кесма билан ҳосил бўлган икки бўлакнинг каттаси қандай нисбатда бўлса, иккита ҳосил бўлган бўлаклар ҳам ўзаро ўша нисбатда бўлади.¹

Бу борада ҳам ривоятлар кўп. Масалан, Бухоро ҳукмдори Бицун Бухорхудот неча марта иморат қурдирмасин, ҳар доим бузилиб кетаверган. У ташвишга тушиб, ҳукамоларни маслаҳатга чақиради. Улар бинони „Етти қароқчи юлдуз“ шаклида етти тош устунда бунёд этишни тавсия қилишади. Шундан кейин бино сира бузилмаган экан.

¹ M.Aҳмедов. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. 114-бет. „Ўзбекистон“ нашриёти, Т., 1995.

Тұлқин Ҳайт:

— Устоз, Европада бир ривоят әшитган әдим. Эмишки, XV асрда савдогарлар билан келган самарқандлик уста Европа меймурлари билан сұхбатлашиб қолади. Гап айланиб келиб, меймур чизмасидан тарз чиқарыш йүлиға тақалганда, олмон усталари: „Бизга бу сирларни ошкор этиш қонун билан тақиқланған“, деб бу тұғрида сұхбатлашишдан бosh тортишади ва, аксинча, устадан билгінларини сұрашади. Самарқандлик уста ҳеч бир иккіланмасдан нағақат меймур чизмасидан тарз чиқарыш сирларини, балки шарқ мейморчилегининг эң мукаммал йұллари ҳақида ҳам илмий асослаб гапириб берибдикі, бундан ҳайратта тушган европалык усталар: „Биз қадимий мейморчилеккінің сирларини фақат баъзи жиһатларинигина билар эканмиз“, дея ҳайратта тушишган экан.

Мұхаммад Али:

— Биз Амир Темур ва темурийлар даври мейморчилегі ҳақида тұхталишимиз керак.

Олмон олимі Клаус Пандер үзининг „Амир Темур меросининг жаһоншумул муаммолари“ маърузасини: „Амир Темур ҳокимият тепасига келгач, шижиоат ва ғайрат билан үзининг қурилиш бүйіча үйлаб юрган режаларини рүёбга чиқарди, — деган сүзлар билан бошлаган. — У она шаҳри Шахрисабз (Кеш)да ҳайратта соладиган сарой билан бирга, пойтахти Самарқандда улуғвор ва ҳашаматли бинолар қурдирди. Туркистанда масжид-дахма қуришга амр қылды. Тошдан ясалған бу маҳобатли бинолар ҳозир тарихга алоқадор бўлиб қолди“.

Тури босқынлар, истилочилик йилларида Амир Темур ва темурийлар томонидан қурилган гүзәл ва нодир бинолар атайлаб вайрон қилинди. Ваҳоланки, Европада ва бошқа давлатларда бундан минг-минг йиллар олдин қурилган бинолар, қалъалар ҳамон қад күтариб турибди.

Тұлқин Ҳайт:

— Вайрон этилган биноларнинг баъзилари ҳақида қуйидагиларни айтиш мүмкін:

рус тарихчиси Н. И. Веселовскийнинг маълумотига кўра, ҳукмдорнинг арқи ичкарисида жойлашган ва ўзи томонидан қурдирилган Кут

бн Чодардахум мақбараси ҳам борки, у истиочилар томонидан 10 пуд портлатувчи модда воситасида яксон қилинган эди; ўзининг истиочилик қуроллари – бир қўлида мўйдалам ва бошқа қўлида милтиқ тутиб, босқинчилик, ёвузлик билан халқимизни кирғин-барат қилишда қатнашган рус зобити, рассом В. В. Верешчагиннинг „камла суюклари“ ижодий иши одамнинг вужудини титратиб юборса, унинг 1888 йилда „Живая старина“ журналида босилган мақолосини ўқиб, ўша кунларда Амир Темур арқидаги бинолар, унинг мухташам заллари, сарҳовузлари яхши сақланганини билиб оласиз-у, „эсиз-а, шунча нодир бинолар, ҳовузлар“, дея қўнглингиздан бир оғриқ кечиб, танангиз зирқирайди.

Рассомнинг кейинги эсдаликларини ўқиб, янада баттарроқ титроқка тушасиз: у қайд этадики, кейинчалик Самарқанддаги Амир Темур Арки ва шаҳар растаси, яъни бозори бузиб, ёқиб юборилади ва бу ерларда култепалар қолади, холос. Шундан сўнг бу ер Тупроққўргон номини олган экан. Бундан ташқари, Сиёб бозори яқинидаги Мадрасаи Хон биноси ҳам бузиб юборилган.

Кимdir гўзал бинолар қуради, кимdir эса уларни ҳеч иккичанмай яксон этар экан-да!

Мұхаммад Али:

– Ана шу гапларни эшигтганимда, гоҳо ўйлаб қоламан, биноларда нима айб?! Мана, инглизлар Ҳиндистонда қарийб юз йиллар ҳукмрончук қылдилар, аммо, хайриятки, темурийзодалар бунёд эттан Тожмаҳал ва бошқа нодир бинолар жой-жойида турибди.

Тўлқин Ҳайит:

– Абдулла Қаххор Ҳиндистонга бориб келгач: „Колонизаторга ҳам ёлчимаган эканмиз!“ деган экан. Балки адиг ҳам меморчилигимизнинг ана шу қисматини назарда тутгандир.

Мұхаммад Али:

– Эҳтимол, эҳтимол... Меморий меросимизнинг ҳали очилмаган жумбоклари беҳисоб. Айтайлик, қадимги ғишт ва кошиналар, уларда ишлар

тилган турли жозибадор ранглар ҳали-хануз сирлилигича қолмокда. Кейинги тадқиқотлар шуну кўрсатдики, бино шаклларининг мунтазамлиги ва мутаносиблигини аниқ белгилашда энг қулай усул — динамик квадратлар, деб аталган ўзаро боғлиқ бўлган квадратлар асосида тортиладиган чизиқлар тўри ҳал қилувчи аҳамият касб этган экан. Ушбу тўрдан фойдаланиб, унинг устига мўлжалдаги бинонинг тарҳи чизиларкан. Улурек мадрасасидаги асосий дарвоза ва йўлаклар ўрни ҳам динамик квадратлар чизиги билан белгиланган. Марказий Осиё меъморчилигида гириҳ деб аталган геометрик нақшлар ҳам динамик квадратдан фойдаланиш натижасида пайдо бўлган ва ривожланган. Шаҳрисабзда Амир Темур томонидан бунёд этилган Оқсаройнинг ўзи бунга ёрқин мисолдир. Лекин биз ўз даврида ягона бўлган, мазкур маҳобатли ишшоот ҳақида ҳикоя қилишдан олдин юртимизда бир эмас, учта Оқсарой мавжуд бўлганлигини айтиб ўтишимиз даркор.

Аввало, Амир Темур томонидан бунёд этилган Оқсарой қайси бирি эканлигини билиш foят қизиқарлидир. Тарихчи Пўлат Зоҳидовнинг маълумотларига кўра, Амир Темур 1379 йилнинг ёзида дастлабки Оқсаройни кўхна Урганч ёнида, аниқроғи, шаҳар қалъаси қаршисида бунёд эттирган. Низомиддин Шомийдан ўқиймиз: „Амир Соҳибқирон ўз хоссаи шарифи учун катта иморат тиклашни буюорди, уни тез орада қуриб биткаэдилар“.

Тўлқин Ҳайнит:

— Устоз, лекин ҳунузгача Хоразмдаги ушбу меъморий обида ҳақида йирик тадқиқот олиб борилмаган. Баъзи тарихчиларимиз уни „Тошқалъа“ ёки „Карvonсарой“ сифатида талқин этиб келишмоқда.

Муҳаммад Али:

— Ўйлаймизки, Амир Темур бунёд эттирган кўхна Урганчдаги Оқсаройнинг тўла тарҳи ўрганилиб, катта бир альбомга жойланса, бутунги авлод учун ажойиб совға бўлади, зеро, бунёдкорликни тарғиб этиш ҳам эл-юртга яхшилик тиласнинг бир йўлидир.

Гап айланиб, иккинчи Оқсарой ҳақида тўхталашибдан бўлсан, Самарқанд шаҳридаги Амир Темур мақбараси ёнида қурилган бино ўзи-

нинг гўзаллиги, нафислиги билан шу номдаги иншоотлар орасида, юлдузлар орасидаги ҳилол ойдек ажралиб туради.
Шаҳрисабздаги Оқсарой қасри эса 1380 йилнинг баҳорида шаҳарда, асосан, ўзимизнинг ота-боболар бош-қош бўлишган, шунингдек, бош-қоша жойлардан ҳам замонанинг моҳир усталари бу ишга жалб этилган, хусусан, улар орасида Мухаммад Юсуф Табризийнинг ҳам номи сакланниб қолган.

Тарихчи Шарафуддин Али Яэдий „Зафарнома“ асарида Оқсарой курилишининг бошланиши ҳақида қуйидагиларни ёзган:

„...Олий ҳазрат Соҳибқирон Кешнинг хушҳаво ва ром этувчи заминида шодлик нашъасини суреб, ором олмоқ азми билан бу ерда салтнат тахтини ўрнаттириди, сўнг Шаҳрисабз қўргонини куриш ҳақида фармон берди.

Кўк тоқига туташди кунгурасининг боши,
Ҳасадчи юлдузларнинг селдек оқди кўз ёши,
Оппоқ тобланган чоф тун ёноғидан ўпдилар,
Муаззинлар тонг отди, дея чаққон чопдилар.
Оқ елкасига ташласам деб назар арқонини
Донишлар нисор этди юз минг юрак жонини.
Ердан то само қадар кўтарилиган янги Ой,
Номи ила аталди танҳо гўзал Оқсарой“.

Улкан кошона курилиши олдидан катта тайёргарлик ишлари бажарилган, чунончи бир нечта хумдонлар қурилиб, кошинкор усталар учун барча шарт-шароитлар мухайё этилган. Ҳар бир фишт ва кошинларнинг сифатига етарлича аҳамият берилган. Иморатнинг сирти кошинлар билан қопланган. Кошинлар, айтишларича, етти хил маъдандан тайёрланган экан. Бинонинг икки томонига Қуръони Карим оятлари битилган. Оятлар алоҳида безакли тилло ҳал билан битилган. Худонинг муқаддас қаломларини оловда пишириш ман этилгани боис сўзларнинг ҳарфлари алоҳида хумдонларда тайёрланиб, маҳсус қоришмалар билан ёпиштириб чиқилган. Ёзувлар араб алифбосида сулҳ, раҳон ва куфа хати усуларида жуда нозиклик ва назокат билан битилган.

Оқсарой биноси бурж минораларида йирик куфий хатида мозаика услугида қорамтириштің юзасыда ҳаво ранг тұлдирилған оқ ранг билан биргаликта қуйидеги матнлар жойлаштирилған да үлар бир неча марта тақрорланған.

М а т н :

„Султон – Аллохнинг ердаги соясидир“.

Бинонинг шоҳустуни жануби деворларида рамка ичида шимол тоғонга қараган матн сақланған.

М а т н :

„**Таваккалим – Яратувчимга (Аллоҳимга), таваккалим – Ризқ берувчимга (Аллоҳимга)**“.

Фарбий шоҳустуннинг шарқий пештоқида йирик ва унча чуқур бўлмаган равоқнинг юқори қисмида, катта равоқ чекка тарафидаги битик.

„**Бу бинони қуришни Соҳибқирон, Турон ва Эрон султони, ...Ҳазрат амр этди**“.

Тарихнавис олим Малеҳо Самарқандийнинг қайд этишича, Оқсаройнинг баланд пештоқига ҳаммага маълум ва машҳур бўлган „**Кудратимизга шубҳа қилганилар, биз қурган иморатларга боксупилар**“, деган сўзлар битилган.

Оқсарой остонаси кенглиги, баланд шоҳустунлар узунлиги 22,5 метрни ташкил этган, олд пештоқ баландлиги 50 метрдан ортиқни, ундан ортдаги гумбаз таҳминан 20 метрларни ташкил этган, демак, бинонинг умумий баландлиги 71 метргача борган, бу ҳозирги 30–40 қаватли улкан бинога тенг демақдир ва Оқсарой ана шу маҳобати билан одамни ҳайратга солмасдан қолмаган. Бино ўз тарҳига кўра, узунчоқ, тўғри бурчакли иморат бўлиб, ҳовлисининг кенглиги (Клавихо уч юз қадам дейди) 120–125 метр, узунасига эса 240–250 метрдан иборат бўлган. Испан элчиси Клавихо фикрига биноан, иморат 3 қисмли бўлиб, маъмурий бино, қабулхона ҳамда бор ҳовлидан ташкил топган. Элчи бу тўғрида дикқатга сазовор қуийидеги сўзларни ёзиб қолдирган:

„**Эргасига, жума куни (1404 йилнинг 29 августи) элчиларни подшоҳнинг буйрути билан бунёд этилган катта саройга олиб борди-**

лар. Саройнинг кириш йўли жуда узун ва дарвозаси жуда баланд. Киринш жойида, ўнг ва чап томонда кошиилар ва турли нақшлар билан безатилган гиштиң арклар ҳад кўтарган. Арклар тагида эшикесиз хоналар бўлиб, уларнинг сатҳи кошиилар билан қопланган. Бу қоплама шунинг учун қилинганки, подшо саройга келган пайтда одамлар бу ерда ўтирадилар. Катта дарвозадан сўнг яна бошқа дарвоза бор. Ундан кейин оқ тахтатошлар ётқизилган ҳовли ва бой безатилган тимлар мавжуд. Ҳовли ўртасида катта ҳовуз бўлиб, ҳовлининг эни уч юз ҳадам. Ҳовли орқали саройнинг энг катта биносига ўтилади. Бу бинога киришда ҳам жуда катта ва баланд эшик бўлиб, у олтин, ложувард ва кошинлар билан моҳирона безатилган. Эшикнинг тепасидаги деворнинг ўрта қисмida қуёш нури қўламида акс эттирилган шер тасвири бор. Эшикнинг четларига ҳам худди шундай тасвиirlар чизилган. Бу эшик орқали тўртбурчак шаклдаги қабулхонага кирилади. Қабулхона деворлари ҳам олтин, ложувард ва кошинлар билан моҳирона безатилиб, устига тилло суви югуртирилган. Бу ерда злчиларни юқори қаватга олиб чиқдилар. Бу ерда хоналар шунчалик кўпки, уларни бирданига тасвиirlашнинг иложи йўқ. Бу ердаги безаш ишларининг барчаси олтин, ложувард ҳамда қимматбаҳо тошлиардан қилинганки, бунга ҳатто Парижнинг моҳиусталари ҳам қойил қолиши мумкин“.

Тўлқин Ҳайит:

— Устоз, бундан англашиладики, Оқсарой минг хонали бино бўлган, деган гаплар ҳакиқатга яқинdir.

Бобур Мирзо маълумотларига кўра, ҳовли ўртасида ҳовуз, тўрида гумбазли катта хона — девонхона, ёnlарида маслаҳатчилар учун кичик хона, ҳашаматли равоқли бостирмалар, ички томонда ҳарам ва амирнинг хонаси жойлашган. Девонхона пештоқида арслон ва қуёш тасвири ҳамда Амир Темур давлатининг уч ҳалқа шаклидаги нишони бўлган. Гумбаз ичи ва ёnlарига, бурчаклардаги минораларга кошин-ғишталардан қалқон шаклидаги гириҳ нақшлар ишланган. Бу нақшлар силлиқланган гишт ва

феруза рангли сиркор парчиндан ёзилган күфий хатлар замини ^{йўтон} белбокка үхшаш мужассамотни ташкил этган. Кечаси оқариб, жилоланиб кўрингани учун Оқсарой деб номланган.

Сарой тепасига мис, қўроғошин ва қалай аралашмасидан тайёрланган ута пишиқ қувурлар орқали Тахти Корача довонидан сув олиб келинган ва фаввора ясалган. Биринчи гумбазнинг нилий деразалари бўлган ва бу ердан чор-атроф кафтдек кўзга ташланиб турган. Шаҳрисабзлик қарияларнинг айтишларича, 70 метр баландликка Амир Темур „тактиравон“ да чиқкан. Алишер Навоий бобомиз ҳам:

Бермагай эл чекарга тобу равон,

Бу экин олма ичра „тактиравон“;

деб ёзганларки, бу ҳозирги лифтларнинг айнан үзиdir. Демак, Амир Темур үша замон моҳир усталари ясаган сандиқда, яъни „тактиравонда“ фаввора отилиб турган осмону фалақдаги гумбазости хонага кўтарилган бўлишлари мумкин.

Мұхаммад Али:

— Шарафуддин Али Яздий: „...Соҳибқироннинг майли иморат била...“ деб ёзганки, бу ҳақиқат Амир Темурнинг чин маънода бунёдкор бўлганини, Ер юзининг қай бурчи бўлмасин, обод этишни, у ерларда гўзал бинолар қуришни үзининг энг яхши машғулоти, энг сара иши деб билганини кўрсатади.

У ўзи бунёд эттирган Оқсаройда элчиларни қабул қилган, муборак ҳайит ва Наврӯз байрамларини нишонлаган, ҳалқ сайилларини уюштирган. Қадимги энг яхши анъаналар руҳида тарбия топган Соҳибқирон Амир Темур ана шундай бунёдкор инсон эди. Ундан ёдгор қолган обидалар ҳақида қанча гапирысак, шунча оз.

1707 йилда Бухоро хони Убайдуллахон Оқсаройда тож кийиб таҳтга ўтирган.

Тўлқин Ҳайнт:

— Устоз, „Бобур“ энциклопедиясида ёзилишича, Оқсарой 1868 йилда чор Россияси босқини даврида вайрон этилган.

Мұхаммад Али:

— Афсус, Самарқанддаги Кўксарой, Шаҳрисабздан Оқсанарой — XV аср давлатчиликимизнинг гўзал ва ноёб, бетакрор шоҳона саройла-ри истилочиликнинг зурумлари туфайли яксон этилди, агар улар сақлаб қолинганда, меъморчиликимизнинг гултожи сифатида қўзларимизни қувнатиб турган бўларди.



Дейдиларки,

Мусулмон оламида тўртта энг йирик масжидлардан иккитаси темурйлар томонидан бунёд этилган. Ўшалардан бири Машҳад шаҳридаги „Ином Ризо“ масжиди қурилиши ҳижрий 818 йилда бошланган бўлсада, мажмуадаги биноларнинг кўпи темурийлар ва сафавийлар ҳукмронлиги пайтида қад ростлаган. Шоҳруҳ Мирзо (1377–1447)нинг рафиқаси Гавҳаршодбегим мажмуадаги масжид қурилишига ҳомийлик қиласан. Умумий майдони 331 минг 578 квадрат метр. Юз мингтacha намозхонни сиғдира олади.

Яна бири — Покистоннинг Лоҳур шаҳридаги „Подшоҳ масжиди“ бобурий ҳукмдор Аврангзеб (1618–1707)нинг бўйруғи билан 1673–1674 йилларда қуриб битказилган. Саккизта минораси бор. Ташки минораларнинг баландлиги 62 метр. Олтмиш мингта намозхонга мўлжалланган.



Тўлқин Ҳайнт:

— Устоз, ўқувчиларимиз Ҳиндистонда Амир Темурнинг эвара-чеваралари томонидан бунёд этилган обидалар ҳақида унча-мунча маълумотларга эга, бу ҳақда кейинроқ яна тўхталармиз, аммо темурийларнинг Эрон давлати ҳудудида олиб борган бунёдкорлик ишларидан камроқ хабардорлар. Шу боис, ана шу тўғрида сўз юритсак.

Юқорида Гавҳаршодбегим ҳақида қисқа маълумот бериб ўтдик. Тарихга назар солсак, темурийлардан олдин Машҳад номдор шаҳарлардан эмасди, мисол учун 1404 йилдан сўнгги қурилиш ишларига назар ташлайлик:

1. Мирзо Шоҳрухнинг чорбоги

Мирзо Шоҳрух аввалига ўғли Мирзо Улугбекни, сўнгра иккинчи ўғли Бойсунғур Мирзони Фарбий Ҳурсон вилояти ноиби этиб тайинлади ва бунёдкорлик ишларига зўр берди. Ўзи бош бўлиб, Машҳад марказида чаҳорбог барпо эттироди.

2. Алишер Навоий наҳри

Шаҳар аҳолиси кўпайиб, сув тақчиллиги юзага келгач, Алишер Навоий ўз маблағи ҳисобига Тобирон шаҳрининг (Тус шаҳри яқинида) фарбий қисмидан Машҳадгача канал қаздирди ва Чашмаи Гуласб суви ни шу ёққа бурди. Ана шу тадбир туфайли шаҳарнинг 200 йил давомида гуллаб яшнашига асос яратилди.

3. Шоир қурдирган айвон

Маълумки, Алишер Навоий бир неча муддат Машҳадда яшаган. Унинг Имом Ризо (р.а) масжидининг қадимий саҳнида бунёд эттирган айвони ҳозиргача сақланиб қолган. Айвон тепа қисмидаги ёзувларда Султон Ҳусайн Бойқаронинг номи битилган.

4. Шоир қурдирган обида

Темурийлар даврининг яна бир нодир ёдгорлиги машҳур шоир Фаридиддин Аттор Нишопурин мақбараси бўлиб, у ҳам Алишер Навоий томонидан қурилган. Мақбара 4 та эшик, 8 та айвон ва кошинкор гумбазлардан иборат.

5. Тойбодий масжиди

Ушбу иморат Мавлоно Шайх Зайниддин Абубакр Тойбодий масжиди бўлиб, у Эроннинг Ҳурсони Разавий вилоятининг Тойбод қишлоғидаги темурийлар даврининг ёдгорлиги ҳисобланади.

Масжид Мирзо Шоҳрухнинг вазири Пир Аҳмад Ҳавофиининг қўрсатмаси билан қурилган.

6. Машҳаддаги Ду дар мадрасаси

„Ду дар“ — икки эшик, демакдир. Мадраса Мирзо Шоҳрух замонида ҳижрий 843-(1439—1440 йй.) йилда хожа Фиёсиддин хожа Юсуф баҳодир томонидан қурилган.

Булардан ташқари, Эрондаги темурийлар даврига тегишли Мұммад Маҳруқ мақбарасы, Темурийлар музейи зали, Язд шаҳри ёдгорлары, Амир Чакмоқ тарихий ёдгорликлар мажмуасини ҳам тилга олиб ўтиш керак.

Устоз, ўрни келди, Темурийлар меморчилигининг Ҳиндистондаги намуналаридан бири – Тожмаҳал ҳақида ҳам сўз юритсак. Уни Шахрисабздаги „Оқсаройнинг синглиси“ деганлар ҳам бор.

Мұхаммад Али:

– Бу гапда жон бор, чунки Шаҳрисабздаги Оқсарой Амир Темурнинг волидаи муҳтарамаси Тегина хотун шарафига бунёд этилганиги тарихдан маълум, шу баробарида Ҳиндистондаги Тожмаҳал ҳам аёл шарафига, яъни Шоҳ Жаҳоннинг суюкли рафиқаси Аржумандбону хотирасига қўйилган ҳайкалдир.

Тўлқин Ҳайит:

– Устоз, буни қарангки, темурий шаҳзодалар орасида энг кўп бунёдкорлик ишларини амалга оширган иккинчи ҳукмдор ҳам айнан Шоҳ Жаҳондир. У бир эмас, бир нечта маконларда, яъни Агра, Дехли, Кобул, Кашмир, Лоҳур, Амбал, Файзобод, Гвалиор каби шаҳарларда улкан иморатлар барпо этган. Аградаги Девони хос, Девони ом, Моти масжид, Муассман бурж, Дехлидаги Қўргон мажмуаси, Жоме масжиди, Кобулдаги „Бобуршоҳ боғи“ да амалга оширилган қурилишлар ўша давр меморчилигининг нодир намуналари ҳисобланади ва бугунги кунгача уларнинг кўкка бўй чўзиб тургани одамни ҳайратта солади. Булар ниманинг ҳисобига ана шундай мустаҳкам биноларни барпо этдилар!

Мұхаммад Али:

– Менимча, ҳамма гап яна маънавиятта бориб тақалади: бинокорлик, иморатсозлик ҳам нозик соҳа; қурилаётган иншоот ҳам ҳалолликни, тўғриликни ёқтиради, эски усталар беҳуда „Ҳар бир гиштнинг ҳам кўзи, қулоғи бор“, дейишмаган.

Тұлқин Ҳайит:

— Гапингиэни бўлаётганим учун уэр. Қайси куни телевизордан Иккинчи жаҳон уруши пайтида Гитлер учун қурилган қароргоҳни кўрса-тишиди. Тепа қисм бетонининг қалинлиги нақ саккиз метр экан; орадан эмлик йил ўтмасдан қароргоҳ биноси ўпирилиб тушибди. Шунинг ўзи катта сабоқ эмасми?!

Мұхаммад Али:

— Аржумандбону садоқати, севгисига вафоси учун шунчалик марҳа-матта сазовор бўлди, десак хато қилмаган бўламиз. Унинг васияти ба-жарилди. 1631 йилнинг июнь ойида Бурҳонпурда Аржумандбонуни тўлғоқ тутади...

Тұлқин Ҳайит:

— Устоз, нима учун Аржумандбону Дехидан бу ёққа келганини айтиб ўтсангиз!

Мұхаммад Али:

— Дарвоқе, жангари бундела қабиласи ҳокимиятта қарши бош кўтар-ган палла эди. Шоҳ Жаҳон 12 минг қўшин билан қўзғолонни бости-ришга муваффақ бўлади. Фалабадан масрур бўлиб турган бир пайтда қизи Жаҳоноро унга онасининг аҳволи оғирлашаётгани ҳакида хабар беради. Чиндан ҳам, 38 ёшли олинасаб малика қийналиб зўрга нафас олаётган эди, йиғлай-йиғлай видолашар экан, учта васиятининг бажари-лишини:

- эри бошқа уйланмаслиги;
- болаларига меҳрибон бўлиши;
- дунёда тенгсиз мақбара қуришини сўрайди.

Тўғри, Шоҳ Жаҳон суюклисини йўқотгандан сўнг анчагача ўзига келолмади, ҳатто давлат ишларидан ҳам бирмунча муддат кўнгли совиб, четда юрди. Лекин Мумтозмаҳалбегимнинг васиятлари эҳтимол унга куч бағишилагандир. Нихоят, у давлат ишларига қайтиб, мақбара тўриси-да ўйлай бошлади. Мақбара 1631 йилда бошланиб, 17 йил давомида қурилди ва поёнига етказилди. Ва иморатга Тожмаҳал — Сарой тожи деган тантанавор ном берилди.

Тўлқин Ҳайит:

— Бу ерда қизиқ маълумотни ҳам ўқувчиларга етказиш керак. Гап шундаки, Шоҳ Жаҳон яна иккита шундай номдаги бино қурдирган. Улар Ҳос Маҳал, Шом Маҳал деган иморатлардир.

Мұхаммад Али:

— Сиз ҳам жуда синчковсиз!

Тўлқин Ҳайит:

— Устоз, ўзингиз ҳамиша „Ижодкор дегани бошқалар кўролмайти-
ган рангларни илғай олиши керак“, дейсиз-ку! Қолаверса, Тожмаҳал ўз
маслакдошларим каби менинг ҳам кўнглим армонидир. Бобур Мирзога
ён берганларида, балки бу бино Андижон ё Самарқандда бунёд этилар-
миди?

Мұхаммад Али:

— Қурилиши ҳам мумкин эди, аммо Оқсаной ё Кўксаройнинг фо-
жиаси бошига тушмасди, деб ҳеч ким кафолат бера олмасди.

Тўлқин Ҳайит:

— Аллоҳнинг билгандари олдида банданинг ожиз ақли қалталик қиласи.

Мұхаммад Али:

— Тожмаҳални бунёд этишда самарқандлик юртдошимиз Мұхаммад
Шариф ва бухоролик Ато Мұхаммад каби усталарнинг борлигига ҳам
бири маъно кўраман. Умуман, мазкур „Севги, вафо қасри“ қурилишида
юртимиздан борган усталар билан бирга ҳинд, форс, араб, усмонли уста-
лар ҳам иштирок этдиларки, бу „дунёда яхшилик рамзи“ бўлган иншоот,
уни ўзаро аҳиллик иморати, десак бўлади. Кўпларнинг қўл меҳнати
натижасида бунёд этилган оламдаги энг гўзал мағбара ҳамон одамлар-
ни вафо-садоқатга чорлаб турибди. Мана шу воқеа ҳам темурий шаҳзо-
даларнинг комиллигидан далолат беради. Аёл зотига шунчалик катта
мехро, эъзоз, эҳтиром! Амир Темур ўз аҳли аёлини қандай азиз тутган
бўлса, унинг авлодларида ҳам бу анъана давом этди, давом этаверади
ҳам! Ҳусусан, шавкатли Шоҳ Жаҳон худди шундай йўл тутди.

Тұлқин Ҳайт:

— Шоҳ Жаҳон мазкур мақбара учун бутун бойлигини аямади ва яна мармар, билур, зумрад ва олмосларни Ҳиндистоннинг турли бурчакларидан, марварид, садаф ва маржонларни Ҳинд уммонидан, яшил мармарни Ўрол тоғларидан, ақиқларни Бағдоддан, ёқутни Бадахшондан, хризолитни Мисрдан келтиреди. Машхур „Кўхинур“ олмосини Мумто祚маҳал сағанасининг бош томонига қадаттириб қўйган эди. Кейинчалик бу қимматбаҳо тошлар ва олмосни Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ Афшор (1736–1747) босқини пайтида кўчириб олинди ва таланди. Инглизлар ҳам қолган-қутган марварид ва қимматбаҳо тошларни кўчириб олдилар.

Мұхаммад Али:

— Яна ўша гап-да, кимдир гўзал бинолар қуради, кимдир унинг бойликларини совуриб юборади.

Тұлқин Ҳайт:

— Бобурийзода Шоҳ Жаҳон улуғ бобоси Амир Темур томонидан бунёд этилган Шаҳрисабзаги Оқсаройга ҳавас қилиб Тожмаҳални қурдирган бўлса, не ажаб!

Мұхаммад Али:

— Айнан Шоҳ Жаҳон даврида Самарқанддаги Амир Темур мақбарасини таъмирлашга анча-мунча маблағ юборилиб турилган.

Тұлқин Ҳайт:

— Устоз, ҳақиқатан ҳам, бобурийлар ҳеч қачон ота юртларини унұтмадилар. Юртимиздан борган инсон борки, улардан меҳр топди. Бу ҳам уларнинг ота юртга бўлган меҳрларининг намунаси эди.

Қайси бир йили вилоятлардан бирига ижодий сафарга борганимда, тарих ўқитувчиларидан бири: „Сизлар бу түғрида кўпроқ ёзинглар, совет даври ёшларимизни ўз томонига оғдириш учун уларни алдаб, ораларига душманлик урууларини сочарди, шу боис ҳам, ўзбек ёшлари гуруҳ-гуруҳларга бўлиб ташланган, ҳатто улар орасида даҳанаки жанглар ҳам уюштириб туриларди“, деди. 1975–1981 йилларда ўзим ҳам талаба әдим ва бунақа уюштирилган „тепкилаш“ ларнинг кўп гувоҳи бўлганман. Ҳатто

бүр йигит: „Сен нега томошабин бўлиб турибсан, бизниkilарни дўппос-
лашяпти-ку!“ деб қолгани эсимда. Унга фақат ачиниб қарадим, холос.
„Шу ўр ақлинг билан юраверсанг, ўзинг ҳам ем бўласан“, деганимда у
хеч балони тушунмади. Мустакилликдан сўнг вилоятларнинг бирида
тўсатдан ўша йигит билан учрашиб қолганимда, бу ҳам тақдир битиги
бўлса керак, деб ўйладим, чунки орамиздаги масала очиқ қолган эди. Мен
бу воқеани „Тоғ тоғ билан учрашмайди, одам одам билан учрашади“
мавносида тушундим. Яратган эгамга шукурки, У доимо инсонлар ора-
сидаги ҳисоб-китобни ҳам тўғрилаб қўяди... Биз ўша йигит билан талаба-
лик йиллари ҳақида сухбатлаша туриб, ўша воқеаларни ҳам тилга олдик.
Мард йигит экан, ўша пайтларда онги пастлик қилганини, бунақа сиёсий
үйинларга ақли етмаганини тан олиб: „Мустакиллик қўзимни очди, эски
тузум ўзбек ёшларининг бирлашишини истамаган экан, афсус, айирма-
кашларга қўшилганимдан ҳали-ҳали афсусдаман, болаларимга бутун ҳушёр
бўлинглар, деб тайинлайман ҳар гапимнинг бирида“, — деди у яна. Сўнгра
бутун фарзандларини яхши касб әгалари — қурувчи, боғбон, мухандис-
лик касбларига иштиёқ руҳида тарбиялаганини ҳам қистириб ўтди. Ху-
сусан, Амир Темурнинг бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳам галириб ўтди.

Устоз, „Тарихнинг ўзи бизга қўл келади“. Шундай эмасми?!

Мұхаммад Али:

— Чиндан ҳам, шундай. Мана, масалан: Шарафуддин Али Яздий
ўзининг „Зафарнома“ асарида бунёдкорлик у зотда туғма эди, деб ёзади
ва Хоразм воқеаларига тўхталар экан, „подшолик марҳамати ҳижрий
793-(милодий 1391) йили Жанги Қавчиннинг ўғли Мусикани Хоразм-
ни обод этишга жўнатди. У Қоон маҳалласини қўргон қилиб ўраб олди
ва обод қилди. Ҳозирги пайтда (XVасрнинг 20-йиларида) Хоразм-
нинг (энг) обод жойи ўша эрур“ дейди.

Тўлкин Ҳайит:

— Раҳмат, устоз, мен Сиздан айнан шу гапларни кутган эдим. „Яхши
отта бир қамчи...“ деган мақолни ҳам эслатиб қўймоқчиман. Бу гапларни
қулогига қуйиб олган ёш борки, юртимизнинг ҳар бир боласи борки,
тўғри йўлдан бориб, баҳт-саодатга эришади.

Яқинда Самарқандга борганимда, „Шоҳизинда“ зиёратгоҳида ҳам бўлдим. Қайта таъмирлаш ишларидан сўнг у янада фусункор қиёфага кирган. Айланиб юрар эканман, ўн етти ёшлардаги бир ўсмирнинг: „Амир Темур бобонинг усталари шунчалик маҳоратли бўлган экан-да!“ деган сўзларини эшигдим-у, бугунги ёшларда юртта ҳавас бошқача деган қарорга келдим.

Мұхаммад Али:

— Ёшлар бутун ўз Ватани билан фаҳрланади. Мустақилликдан сўнг мамлакатимиз ёшларига шунчалик кўп имконият яратилдики, биз катта авлод уларга фақат...фақат ҳавас қиласмиш. „Шоҳизинда“ ҳақида эса соатлаб галириш мумкин. Айтгандай, қайси бир газетада Сизнинг „Шоҳизинда“ни кўрдим, деган мақолангизни ўқиган эдим.

Тўлқин Ҳайнт:

— „Моҳият“ газетасида 2009 йилда босилган эди ўша мақола. Үшандан парча:

„...Энди кўрдингизми, деб сўрасиз. Йўқ, уни аввал ҳам бир неча бор кўрганман. Аммо Шоҳизинданинг бу сафарги гўзаллиги мени ҳайратта солди: маҳобатли мажмуа кўз олдимда инсон яратган мўъжизаларнинг бири сифатида янги рангларда, янги нақш ва янги жилоларда, улуғвор ва бетимсол қиёфада бутун бор бўй-басти билан қад ростлаб, қалбимни бутунлай мафтун этди ва бу галги ҳайратим, бу галги таассуротларим тамом ўзгача; қадим ва улуғвор, дунёвий сир ва жумбоқларга тўла афсонавий Самарқанд қўйнидаги ҳайратли зиёратгоҳ баланд адирлар устида қуёш билан бўйлашиб, ой билан сирлашаётганга ўхшайди; тонгда келсангиз, унинг жилолари, ҳолати, файзи-таровати ўзгача; тушда келсангиз, Сиз тамом бошқа рангларни, бошқача дунёни кўрасиз; шомда эса Сизни тамом сирли ҳислар чулғаб олади; тунда эса гуёки фалакаро учасиз, руҳингиз енгил кезади, юрагингиз қанчалик пок, қанчалик тоза бўлса, Сиз шунчалик қувват оласиз...“

Мұхаммад Али:

— Шоҳизинда тўғрисидаги фикримизни давом эттириб айтишимиз мумкинки, мазкур афсонавий меъморий мажмуанинг аксарияти ҳам Амир Темурнинг топшириги ва кўрсатмалари асосида бунёд этилган эди. Тари-

химизнинг йирик билимдон олимларидан бири, Пўлат Зоҳидов: „Мақбараларда аксари Соҳибқироннинг аёл авлодлари дағи этилган. Манбазли бинони Қозизода Румий қабри устига Улугбек томонидан курилгани мақбара, деб эълон қилиниши ҳам ўша тарихни сохталаштиришнинг яна бир исботи, десак бўлади“, деб ёзган эди.

Тўлқин Ҳайит:

– Масалага теранроқ қарайдиган бўлсак, асл исми Камолой бўлган ва кейинчалик Үлжой Туркон оқа номи билан эъзозланган аёл – Амир Темурнинг бошига оғир қунлар тушганда ҳамиша ёнида юрган ва барча қийинчиликларга биргаликда бардош берган тан маҳрами, содик йўлдoshi, суюкли вафодори эди. Унинг 1366 йилда вафот этигани манбаларда ҳайд этилган. Шундай азиз ожизасини Амир Темурдек буюк зот унучиши мумкин эмасди. Албатта, унга атаб мақбара бунёд этириган, лекин унинг қаерда эканлиги муаммо бўлиб келаётганди.

Мұхаммад Али:

– Мана шу ўринда бизга Кастилия қиролининг элчиси Клавихонинг эсдаликлари қўл келади. У иккинчи чортоққа етмасдан жойлашган қўшгумбазли мақбара ҳақида ёзар экан, қуйидагиларни алоҳида қайд этади: „Сентябрь ойининг 29-сида якшанба куни Амир (Темур) Самарқанд шаҳрига йўл олди ва шаҳар дарвозасига яқин уйга қўнди. Бу уйни Амир ўз хотини Катта хоним (яъни Бибихоним) шарафига курдирган. Хотинининг онаси бино ичкарисидаги мақбарада дағи этилган. Бу уй жуда гўзал ва серҳашам...“

Тўлқин Ҳайит:

– Бу ўринда 1404 йил сентябрь воқеалари ҳақида сўз бормоқда, демак, ўша куни Амир Темур жаноблари зиёратта келганлар. Хўш, ул зот факат Бибихонимнинг онаси қабрини зиёрат қилиш учун келганимилар? П.Зоҳидов бошчилигига қабр очилганда, унда аёл жасади қолдиклари топилиб, бу воқеанинг жуда катта шов-шувларга сабаб бўлганини яхши биламиз. Иккинчидан, катта гумбазли хона пештоқи ичидаги арабий сулс ёзуви парчаси сақланиб қолган бўлиб, унда „оқа“ сўзини ўқиш мумкин. Агар, Үлжой Туркон оқанинг анча ёш вафот этиганини хисобга

олсак, дастлаб бу ерга унинг ўзи қўйилганлиги янада ойдинлашади. Ва яна ўқувчиларимизга шуни айтиш мумкинки, бу иморатнинг Қозизода Румий мақбараси, деб чалкаштирилганига сабаб, 1941 йилда М. Е. Массон ўзининг „Улутбек расадхонаси“ рисоласида ўйлаб ўтирмай бу тўғрида тахминий фикрини ёзиб юборган. Унга қаросак чалган В. А. Шишкін ҳам сафдошининг Фикрини маъқуллаган, кўрибсизки, тарихий ҳақиқат бузилган, ҳатто бу ўринда самарқандлик қарияларнинг Фикри ҳам инобатта олинмаган, ваҳоланки, шаҳарликлар бу иморатни „Она ва қиз мақбараси“, деб таърифлаб келишмоқуда.

Мұхаммад Али:

— Чалкаштирилган тарихий воқеаларни ўз ўрнига қўйиш ва бу борада уларни янада ойдинлаштириш давр тақозоси экан, бу борада турли фикрларни умумлаштириб, асл манбаларни халқимизга етказиш мақсад-вазифамиздир. Эҳтимол, қаердадир янглиш фикрлар ҳам бўлиши мумкин, беайб Парвардигор, дейдилар, ҳамма ҳам адашади. Тўғри фикрлар баҳсларда туғилади. Эътироzlар бўлса, жон деб қулоқ осамиз.

Тўлқин Ҳайнит:

— Ана шу ўйлар билан бугун қайтадан чирой очган Шоҳизиндани кезаман.

Тонг оқаради, қуёш ярим найза бўйи кўтариш-кўтариш, бу ер яна ҳар кунгидай зиёратчиларга тўлади.

Ўрта яшар аёл, ёнида дўппили эркак.

— Войбў, хўжайин, роса чиройли қилишибди-ю! Мана бу чиройли мақбара экан. Кимники бу! Ҳой, ука, экскурсоводмисан? Бу кимники? Бунча чиройли-а?

- Бу Амир Темурнинг суюкли хотини Туман оқага аталган мақбара!
- Ана, дадаси, кўрдингизми, қанақа эрлар бўлган! Сиз бўлсангиз...
- Шу ерда ҳам дийдиё қиляпсанми?..
- Нуқул уришасиз-а одамни!
- Оғзингни ёпсанг-чи, бу ер зиёратгоҳ жой!

Улар нари кетишади. Ҳаёллар бизни олисларга чорлайди. Туман оқа! Туман оқа!.. Шавкатли Амир Темур салтанатининг гавҳари! Унинг 1366 йилда туғилганлиги, Сароймулхонимнинг тоғаси Амир Мусонинг ҳусну латофатда беназир, суюкли ва дилбар қизи эканлиги, 1378 йилда

Соҳибқирон ҳазратларига узатилгани тарих китоблари зарварақларида муҳланган. Яна биз Амир Темур жанобларининг бу олижаноб ва шириңсухан маликага атаб «Боги Беҳишт»дек улкан ва беназир бор ва Шоҳизинданда бекиёс мақбара бунёд этганини ҳам биламиз. Мақбарага келгандан шуни айтиш керакки, у Туман оқага насиб этмади. Манбаларда айтилишича, малика Туман оқа Амир Темур вафот этгандан сўнг, орадан бир йил ўтгач, яъни 1406 йилда Шайх Нуриддинга узатилган. Амир 1411 йилда қатл этилгач, Туман оқа Хиротга олиб кетилган.

Шуни илова қилиш мумкинки, ўз пайтида Амир Темур салтанатининг гавҳари бўлган бу олижаноб аёлнинг арзирли ҳаётি ҳақида катта-роқ асар битилса, ҳаттоқи Клеопатралар ҳам унинг олдида хиралашиб қолади. Мен бу ўринда Шарқ аёлларининг назокатини назарда тутяпман. Шарқ аёлининг назокати!.. Биз бу тўғрида нима биламиз? Бугун рўзгор юмушларини ўз аёли елкасига юклаб қўйиб, бунга бошқаларни айбор қилиб қўрсатишдан сира ор қилмайдиган эркаклар учун ... дононинг: «Аёл учун аввало эркак жавобгар», деган гапларини эслатсан, қўнгиллари ранжиб кетар-ов!

Шўро даврида Туман оқа мақбараси ҳам тамом ҳароба ахволга келиб қолган, ахвол шу даражада давом этса, кўп ўтмай унинг вайронага айланиши ҳам ҳеч гап эмасди. Лекин Яратган эгамнинг хоҳиши, мисул фарзандининг улкан саъй-ҳаракати билан озодлик қўлга киритилгандан сўнг зиёратгоҳга жиддий эътибор қаратилди. 2004 йилнинг 16 июнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҷкамасининг „Шоҳизинда Мажмуасида қайта тиклаш, таъмирлаш ва обodonчилик ишларини ташкил этиш тўрисида“ ги Қарори эълон қилинганидан ҳам хабарингиз бор...

Осмонда қуёш чараклайди, зиёратгоҳда эса кўзлар, нилий гумбазлар, асрий кошинлар лов-лов ёнади. Отахон неварасини етаклаб чиқяпти.

— Бизникилар тириклиқдан ҳикмат излашади, болам! Газетада Шоҳизиндан қайта таъмирлаш ҳақидаги қарорни ўқиб, хурсанд бўлган эдим. Ободончилик яхши нарса. Қара, чиройли бўлибдими, болам!

— Жуда чиройли, бобожон!
— Қўллари дард кўрмасин. Юртга бир яхшилик қиссанг, сенга ўн яхшилик қайтади, болам! Сен буни англаб ол! Бу ерда мангубўним топган

ҳар бир улуг одам дунёдан ҳикмат излаган! Сенга „Шоҳизинда“ ҳакида бир китоб олиб берай. Тарихини яхшилаб ўқи!

— Қиммат-ку! Пулингиз етадими, бобо!

— Ҳикмат излайман, десанг, китобни пул билан ўлчама, болам!

Мұхаммад Али:

— Ким нима экса, шуни үради. Икки ёнда ётган улуғлар дунёдан әзгулик излашган әди. Бугун олихиммат инсонлар уларнинг рухларини шод этишіпти!

Машхур сайёҳ Ибн Баттутанинг маълумотларига кўра, VII асрнинг иккинчи ярмида, яъни Қусам ибн Аббос вафот этган йилда унинг қабри устига мақбара тикланган. XI асрда у яна давом эттирилиб, зиёратхона, катта масжид қурилган. XV асрнинг иккинчи ярмида, Амир Темур ҳукмронлиги даврида мақбара турфа хил кошинлар билан қопланган, қабр усти тилла сувиди ислимий ёзувлар билан зийнатланган. Кейинги йилларда йирик таъмирлаш ишлари давом эттирилди.

Биз Қусам ибн Аббосни тилга олиб ўтдик. Тарихий маълумотларга қараганда, унинг Ҳурросон ҳокимлигига тайинланган Усмон ўғли Сайид томонидан Самарқандга юборилганини биламиз. Абу Тоҳирхўжанинг „Самария“ китобида: „Самарқанд шаҳрининг Намозгоҳида Қусам ўқ тегиб шаҳид бўлди ва қутлур гавдаси Бону ножия қабристонида, гор ёнида кўмилди“, деган маълумот бор. Бу воқеанинг милодий 677-йилда содир бўлганини ҳам эслатиб ўтмоқ жоиз.

Халқ орасида унинг тўғрисида ривоятлар кўп. Улардан бирида Қусам ибн Аббоснинг шу ерда, гор ичидаги шоҳиб ғарбий тарбияни, шу боис унинг „шоҳизинда“, яъни „тирик шоҳ“ деб аталиши ҳам тилга олинади. Бу ривоятларнинг матбуотда кўп бора ёритилганини ҳисобга олиб, улар тўғрисида кенг тўхталиб ўтирмаймиз. Лекин Қусам ибн Аббос ҳазратлари ҳакида тўхталиб ўтиш жоиз деб биламиз. Унинг тўғрисидаги энг қадимий маълумотлар Қорахоний ҳукмдорлардан бири — Тамғоч Буррохоннинг вакф ҳужжатларида учрайди. Яна бир нодир ҳужжат — ҳижрий 405-йилда (милодий 1014) вафот этган Имом Абу Абдулло Мұхаммад бин Абдуллонинг „Тарихи Найсабур“ асари бўлиб, унда „Қусам ҳазратлари Самарқандда кўмилгандир“, деб ёзилган.

Бу зотнинг тўлиқ исми — Қусам ибн Аббос ибн Аҳмад Абди ал Муталибидир.

Пайғамбаримиз Мухаммад с.а.в вафот этганларида, у саккиз ёшда бўлган, Демак, у 624-йилда турилган. Яна манбаларда айтилишича, у айнан Мұхаммад пайғамбаримизга ўхшаш бўлган.

Тўлкин Ҳайит:

— Устоз, тарихчи Жавҳарийнинг фикрлари бу борадаги сұхбатимизни тўлдиради, деб ўйлайман. Унинг гувоҳлик беришича, Аббоснинг беш ўли бўлиб, улар тақдир тақозоси билан тури жойларда шаҳид бўлишган:

1) Ҳазрати Фазл

— Шом вилоятининг Ярмуқ деган жойида;

2) Ҳазрати Абдулло

— Макка музофотида;

3) Ҳазрати Убайдулло

— Мадинада;

4) Ҳазрати Қусам

— Самарқандда;

5) Ҳазрати Маобит

— Африкада.

Аббоснинг бошқа хотинидан яна беш ўғли борлиги маълум. Ҳатто уларнинг Ҳусан, Абдураҳмон, Ҳорис, Касиро ва Тамом исмлари келтириб ўтилган («Қомус ул-аълом», IV жилд, 3060-саҳифа).

Қусам ибн Аббос мақбараси томон секин одимлаймиз. Мовий пештоқлар, Аллоҳнинг 99 исми битилган чиройли битиклар. Ва, мана, бутун таъмирланган беш устунли, маҳбобатли ва ҳайратли қабр тоши. Бу ерда туриб, чуқур хаёлларга бериласиз. Орадан шунча асрлар ўтди, аммо инсоният азиз фарзандларини доимо эъзозда тутиб келятти. Асрлар бўрони, тури тизимларнинг зуғумлари улар учун ўткинчи, холос. Шўро замонида ҳароб ҳолига келиб қолган Қусам ибн Аббос мақбараси бутун қайта таъмирланиб, асл ҳолига келтирилгани мустақил юртимизнинг эзгулик йўлидан бораётгани, ўтмишга, мозийга, ўз қадрияларига жиҳдий ўтибор берилаётганидан дарак беради.

Мұхаммад Али:

— Сиз ҳинд киноларида ўтмиш аждодларимизнинг чин инсонларга берган баҳоларини, нозик ибора, ширин қаломларини эшигтансиз. Туron салтанатида Сароймулхоним „маҳди улे“, Бибихоним номлари билан

шарафланган бўлса, Кутлуг Туркон оқа бонуий кубро, деб улувланаарди. Маълумки, тарбияли ва назокатли аёллар ҳар мамлакатнинг баҳти, иқболи хисобланади. Битта ақлли аёл бутун дунёни ёнфиндан сақлаб қолиши ёки, аксинча, битта ичи қора заифа катта-катта давлатларни хароб этиши мумкин. Тарихда бунга мисоллар жуда кўп.

Шодимулк оқа Кутлуг Туркон оқанинг қизи. Биласизки, Кутлуг Туркон оқа Амир Темурнинг севимли эгачиси, маслаҳатгўйи бўлган. Манбаларда, Шодимулк оқанинг 1371 йилда вафот этгани қайд этилади. У ёш туриб оламдан ўтган, мақбара унинг шарафига қурилган эди. Шу сабабдан уни Шодимулк оқа мақбараси, деб аталади. Кейинчалик Кутлуг Туркон оқа ҳам шу ерга дағи этилган эди.

Мақбаранинг 1372 йилда қурилгани тарихдан маълум. Мақбарада усталарнинг исмлари аниқ кўрсатилган, масалан, унинг муқарнасларида Бадриддин ва Шамсиддин исмларини ўқисак, пештоқ равоқини кўтариб турувчи устун пойида Зайниддин ва Шамсиддин Бухорий каби меъморлар номларига қўзимиз тушади. Бу нарса Амир Темур усталарни бошқа юртлардан олиб келган, деган даъволарга ҳам соя ташлайди. Тўғри, баъзи меъморлар ва усталар олиб келинганд, аммо асосий ишларни отабобо усталаримизнинг ўзлари бажаришганини ҳам энди тўғри баҳолашмиз керак.

Кўриниб турибдики, Шоҳизинда мақбрасида мангут қўним топганлар оддий одамлар эмас, уларнинг ҳар бири улуғликка даъвогар шахслар, амирлар, амирзодалар ёки уларга волидалик, тан маҳрамлик қилган, ё сингил, ё опа бўлган аслзода аёллардир.

Тўлқин Ҳайит:

— Пўлат Зоҳидов ўзининг „Меъмор санъати“¹ китобида Шоҳизинда меъморий мажмууси қурилишида иштирок этган меъморлар, хаттотлар, наққошлар номларини тилга олиб ўтган. *Улар* — руҳлари шод бўлгур ота-ӯғил Шамсиддин ва Зайниддин Бухорийлар, Бадриддин Самарқандий, Али Насафий, Шайх Муҳаммад ибн Ҳожи Бандгир, устод Фахрали, Юсуф Шерозий, уста Сиддиқлардир. Бу номлар Амир Темур Самарқандни дунёning энг тўзал „келинчаги“ га айлантириш учун олам-

¹ F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1978.

нинг етти иқлимидан келган мөъморларнинг тажрибаларига суюнган, деган гапларни инкор этади: олиб келган бўлса, уларнинг ҳаётини саклаш, дунё мөъморчилик анъаналарини давом эттиришни кўзлаган, холос.

Муҳаммад Али:

— Биз тарихга мана шундай одилона баҳо беришни, янгича нигоҳ билан қарашни ҳам ўрганишимиз керак.

Кўл телефони жиринглаб, сұхбатимиз бўлинади.

Устоз: — „Ўзимдаман, майли, келинглар!“

Сұхбат шу ерда узилади.



Тўлқин Ҳайит:

— Устоз, ўтган сұхбатимизда Шоҳизинда мөъморий мажмуаси ҳақида-ти фикрларимиизни якунлаган эдик. Бугун дунёning ноёб тарихий ёдгорлиги Мирзо Улуғбекнинг Расадхонаси ҳақида сұхбатлашамиз.

Темурйлар даврининг энг маҳобатли иморатларидан бири, шакшубҳасиз, шавкатли ҳукмдор, донгдор олим Мирзо Улуғбек томонидан бунёд этилган Расадхонадир.

Аввало Мирзо Улуғбек ҳақида қисқа тўхталиб ўтсак: Мирзо Улуғбек 1394 йилнинг 22 март куни, ҳижрий сана 796 йил, жумодулавваз ойининг 19 куни дунёга келди. Бу пайтда Амир Темурнинг Эрон ва Яқин Осиё мамлакатлари бўйлаб, „беш йиллик юриши“ давом этаётган эди. Айнан ўша кунларда Умаршайх Мирзо ўғлидан айрилган, Соҳибкорон Амир Темур азадор бўлиб, аскарлари Мордин қалъасини ўраб турад эди.

Унинг Уғруқ карвони Озарбайжоннинг Султония шаҳонда тўхтаган, бунинг сабабларидан бири — кенжа ўғли, шавкатли амирзода Шоҳруҳ Мирzonинг саодатли жуфти ҳалоли, эзодагонлардан Фиёсиддин Тархоннинг қизи Гавҳаршодбегим юкли эди, ой-куни яқин бўлгани учун ҳам ўтиёт чоралари кўрилиши талаб этиларди.

Тарихчи, фалакшунос олим F.Жалолов Улуғбек Мирзо „туттилиш пайтида Асад юлдузи туркуми чиқаётган эди... Ҳамал юлдуз туркуми

яқинидаги Күёш бизга маълум нуқтадан аллақачон ўтиб, ерни кучли қиздира бошлаган эди”, деган тарихий маълумотларга асосланиб, „Асад юлдузи чиқаёттанда, Ҳамал осмон меридианидан 30 даража чамаси ғарбда бўлади, бинобарин, Улугбек, Султония шаҳрининг маҳаллий вақти билан тахминан соат 2 ларда (14) туғилган эди”, деган фикрни илгари сурган.

Орадан бир неча қун ўтди.

16 апрель.

Ироқда жанг олиб бораёттан Амир Темур Мордин шаҳрини қўлга киритди. Шаҳар аҳли қаршилик кўрсатгани учун жазога ва катта солиқ тўлашга мажбур эди.

17 апрель қунида Султониядан чопар хушхабар келтириди.

Набиралик бўлганини эшитган ҳукмдор беҳад шодланганидан Мордин шаҳри аҳолисини қуршовдан озод этиб, солиқлар тўловидан ҳам кечиб юборди.

Энди гап шуки, устоэ, биз Улугбек Мирзонинг қандай тарбия қўрғани, нималар билан қизиққани ҳақидаги эски гапларни такрорламасак-да, фалакиётшунос аллома, йирик математик олим Фиёсиддин Кошийнинг отасига ёзган мактубидан қўйидаги парчани ўқувчиларимизга ҳавола этсак, Улугбек Мирзо ҳақидаги тасаввурларимиз янада бойийди:

„Самарқандда ҳозир аҳвол ўзгачадир, чунки, аввало, ислом подшоси (яъни Мирзо Улугбек) донишманд кишиидур... аввало, у киши Куръони Каримнинг аксарият қисмини, унинг тафсирларини ва муфассирларнинг ҳар бир оят ҳақидаги сўзларини ёддан билади. Ҳар куни Куръондан икки сурани хатосиз ўқийди. У (араб тилининг) сарфу нахвини яхши билади. Арабчада роят яхши ёзади. Шу билан бирга, қонуншунослик (фиқҳ)дан яхши хабардор; мантиқ, адабиёт услубларини ҳамда мусиқа назария асосларини билади. Риёзиёт фанининг барча тармоқларини мукаммал эгаллаган“.

Бу сўзлар Улугбек Мирzonинг нечоғлиқ катта салоҳиятга эга инсон эканлигини кўрсатувчи далил-исботdir.

Мұхаммад Али:

— Ҳудди шу мактубда бир ибратли воқеа ҳам келтирилганки, бу ҳам Улугбек Мирzonинг оламшумул инсон бўлганига ёрқин гувоҳлик беради. „Бир куни отда кетаётib, 818-йил раЖаб ойининг ўнинчи ва ўн

бешинчи кунлари орасидаги (милодий 1415 йил 15–20 сентябрь) дүни бўлганлар. Шунга кўра, у отда кетаётib, хаёлий ҳисоб билан Кўш тақвимини градуслар ва дақиқаларигача ёддан ҳисоблаб чиқди ва отдан тушгач, ҳисоб тўғрилигини бу бандай бечора (Фиёсиддин Коший)дан сўраб олдилар“.

Фиёсиддин Коший у эотнинг хаёлий ҳисоб-китоб билан шу қадар аниқ тўғри хулоса чиқарганига тан беради ва дейди: „Бундай ҳисоблаш замондошларимдан ҳеч бирига насиб этмаган ва ҳеч ким бундай хаёлий ҳисобни амалга ошириши мумкин эмас“.

Шунингдек, Фиёсиддин Коший Улуғбек Мирзо саройининг деворига ўрнатилган соат ҳақида ҳам маълумот бериб, унинг тўғри чизигини аниқлашга имкон берадиган асбобни ўрнатмоқчи бўлганлари, лекин бу ишни ҳеч ким бажаролмагани, ўзи эса бу масалани бир кунда ҳал эттани тўғрисида ҳам маълумот бериб ўтган.

Тўлкин Ҳайит:

– Тўғри, Фиёсиддин Кошийни ўзига бирмунча юқори баҳо берган, деб ҳисболовчилар ҳам бор, балки бу мактубнинг келажақда катта нуфузга эга бўлишини олдиндан ҳис эттани, билгани учун ҳам шундай йўл тутгандир, эҳтимол, ўзини юксак билимлар эгаси сифатида кўрсатишга ошиқандир, лекин унинг отаси номига ёзган мазкур мактубидаги баъзи бир ортиқча фурурланиш ва камчилик, эиддиятларга қарамасдан, кўпгина маълумотларни, жумладан, Улуғбек Мирзо расадхонасида қўлманилан астрономик асбоб-ускуналар ҳақида бой манбаларни ёзиб қолдирганки, бутунги кунда дунё фалакшунос олимлари айнан Улуғбек Мирзо ишлатган астрономик асбоб-ускуналар ҳақида ҳамон бош қотирмоқдалар.

Мұхаммад Али:

– Сұхбат жараёни шуниси билан қизиқки, ўри келганда, зарурат түрлганды, тилга олинган воқеаларни тўлдириш, лирик чекиншлар қўлини мумкин. Биз ҳам астрономик асбоб-ускунлар тўғрисида сұхбатлашишдан олдин, мактубнинг қиймати катта бўлгани учун ҳам унга бутун дунё гарихчилари, фалакшунос олимлари мурожаат қилганликларини гапириб

үтишимиз керак, масалан, дастлаб, Техронда „Занбил“ журнали саҳифа-ларида Мұттамад үд-Давла тарафидан чоп этилди, 1940 йылда әронлик олим М.Табатабой үндан фойдаланиб, мактубнинг форсча нашрини чоп эттириди. 1959 йылда турк олими Сайдин Сайиллий Мадридда үтка-зилган халқаро илмий анжумандада мактуб ҳақида маъруза билан чиққан әди. Ф.Жалолов ҳам „Ғиёсиддин Жамшид Чустий (Кошний) – XV аср-нинг иирик астрономи ва математиги“ мақоласини эълон қилди.

Тұлғыннан Ҳайит:

— Мен ҳам анча китобларни титкилаб, олимнинг туғилған үилини тополмадым, фақат унинг 1429 йылда Самарқандда вафот этгани ҳақидағи маълумотни үқидим, холос.

Мұхаммад Али:

— Ҳали үрганилмаган нарсалар жуда күп. Балки уларнинг ҳар бири насибаси құшилған соҳибларини кутиб турған бўлса, не ажаб. Илм уммони тубсиз, унга шўнғиганингиз сайин янги-янги ғаройиботларга дуч келаверасиз. Юқоридаги мавзуни давом эттирадиган бўлсак, 1963 йилда Миср олими Аҳмад Дамартош мактубнинг Э.Кеннеди тайёрлаган инглизча таржимасидан арабчага үтирган әди. 1972 йили әса П. Г .Булгаков „Беруний ва Улугбек мактаби“ мақоласида ҳам мактубдан парча эълон қилганди. Бўрибой Аҳмедов ҳам ўзининг „Улугбек“ асарида бу мактубдан фойдаланган әди. Кўриб турганимиэдек, мактуб шу кунларда ҳам таъсир кучини ўқотмаган. Биз учун ҳам, мактубнинг айнан ана шу ўринлари қимматлидир.

Тұлғыннан Ҳайит:

— Мен ҳам мактубни бир неча марта синчилаб үқидим, ҳар гал менда янги-янги таассуротлар пайдо бўла борди. Улугбек Мирзо астрономик мактабининг буюклиги, билим ва тафаккур доирасининг кенглиги мени ҳайратта солди. Улугбек Мирзода бу қадар хотира ва истеъод, сабр-матонат, ҳам ҳукмдорлик ишларига куч-қувват, ирода топа билгани, зукколик билан иш юритгани, боз устига, Расадхона қурилиши ва уни бошқаришда ҳам, ҳатто ўз академиясида талабаларга дарс бериш-

га вақт топгани, шунчалик кўп ишларга улгурганини кўриб ёқа тутмай
мэложинг йўқ. Албатта, бу бошқа мавзу, устоз! Ёзаман, деса, катта илмий
ишга асос бўладиган манбалар. Биз эса ҳозир Сиз билан Расадхона
муриниши ва унинг асбоб-ускуналари ҳакида сұхбатлашмоқчимиз, бош-
балаога ҳам бу қизиқ бўлса керак, деб ўйлайман.

Мұхаммад Али:

— Тўғри, бу мавзуда йирик олимлар сўз юритишган, таҳлил ва хуло-
салар мавжуд, аммо биз ҳам бу ҳақида сўз юритсан, ортиқчалик қылмайди.
Дунё илм-фани учун катта меҳнат қилган олим ҳакида ўнчаб китоблар
ёсак ҳам кам, деб ўйлайман.

Мана, дикқат қилайлик.

Ғиёсiddин Кошийнинг маълумот берисича, Расадхона муриниши
бошланган кунда, Улугбек Мирзонинг ўзи ҳамда барча зодагонлар, манс-
абдорлар, фан арбоблари ва фаоллари, жами 500 нафарга яқин аъёнчар
жам бўлишган. Курилиш учун қандай асбоб-ускуналар зарур бўлса,
барчаси муҳайё этилган. Ўша куни Расадхонани жиҳозлаш учун ҳар томо-
ни тўрт ҳошимий газига teng бўлган маҳсус учбурчак ҳосил қилинган.

Тўлқин Ҳайнт:

— Тўрт ҳошимий газига teng. Бу қанча?

Мұхаммад Али:

— Келинг, маълумотнома китобларига мурожаат қилайлик: газ — бир
тираска тенг ўлчов бирлиги, яъни 62 см. Ҳошимий тиради учун ўрта-
ча ўлчов — 66, 5 см бўлган.

Мактуб муаллифи бу вазифани ўзи ечганини, аввал учбурчак расми-
ни чизиб, унга геометрик исбот келтирганини айтган. Яна у Иброҳим
номли мискар билан бирга ўз уйидаги армилляр сферани ясад туттат-
ни айтган. Гап „асбобни билишда эмас, — деб ёзди у, — балки
мискарнинг ишидадур, устурлоб ясашда эса бу иккала иш бир хил қийин-
чиликка эга. Мискарликда Иброҳим устоднинг (билимини) қўйидаги
мисолда шундай таърифлаш мумкин. Бандаи бечора (Коший ўзини
назарда тутмоқда) қутбнинг ўрнини аниқлаш учун бир ҳалқанинг бо-

тиқ, иккинчиси эса қавариқ томонларида икки нұктаны белгилаб, улар-нинг атрофларида унча катта бўлмаган доиралар чизиб қўйган-да, бу пармани ҳалқанинг бир томонига ўрнатиб, унинг ўнг томонида эса (бел-гиланган) нұктада тешик очди“.

Хуллас, Фиёсиддин Коший ўша асбобни қандай ясаганлигини, бундан ташқари, ўзини оддий манзилдан шундай дабдабали шаҳарга келиб, Улуғбек Мирзодек улуғ олим ва ҳукмдор назарига тушгани ҳамда илм эгаларининг орасида шундай нуфузга эга бўлгани учун шукронасини ҳам айтиб ўтган. Қозизода Румийни эса бир неча ўринда тилга олган, Мактуб давомида яна қурилиш ишларига 500 туманга яқин пишиқ фишт ва ганч сарф қулинганини, битта армилляр сферани ясад бўлишиб, иккисини бошлаганларини, бошқа асбоблар қурилишининг ҳам ярми бажарилганини, азимутал квадранти, диоптрия асбоби ва бошқа асбобларнинг қурилиши тугалланганини айтиб ўтган.

Тўлқин Ҳайит:

— Диоптрияни фалакшунослар, усталар яхши тушунишади, аммо оддий ўқувчи „бу нима ўзи?“ дея қийналиши мумкин. Шу боис, изоҳ бериб ўтсак. Яъни диоптрли асбоби доира чизғичдан иборат бўлиб, бу чизғичнинг ўртаси билан доира маркази шарнир орқали туташган бўлади. Чизғич учлари кўрсаткичлардан иборат бўлиб, улар чизғич доира марказида айланганда, унинг чеккасидаги рақамларни кўрсатади. Чизғичдаги иккита диоптр шу рақамларга мос қўёшнинг координатларини намоён этади.

Бу нарса аждодларимизнинг нақадар юксак билим соҳиби эканликларига ҳам ишорадир.



Тўлқин Ҳайит:

— Устоз, ишлар билан бўлиб, узоқ вақт сухбатлаша олмадик. Кеча қораламаларни кўздан кечирсан, „эндиги сухбатда азим Тошкент ва Аҳмад Яссавий бобо ҳакида сўз юритамиз“, деб ёзиб қўйган эканман. Чет эллик қайси бир ёзувчи иш столидан туришдан олдин кейинги ёзувларини аниқ қилиб қўяр экан. Мен ҳам шу яхши одатга қўнинканман.

Мұхаммад Али:

— Амир Темур Тошкентни яхши күрарди. У шу ерда бир неча бор түриб, ойлаб турған, шу ердан туриб, турли фармонлар берган, шу ердан амб келган. Ўн икки дарвоза бунёд этган. Зайнiddин бобо, Қаффол Шошний, Шайх Хованди Тоҳур бобо, Занги ота, Анбар она, Ҳўжа Амамбадор зиёратгоҳларини қурган, обод этган. Бу ҳақда кўплаб ёзилгани ўнун ҳам манбаларга такрор мурожаат этишга зарурат йўқ.

Соҳибқирон кўпдан бери Аҳмад Яссавий манзил топган жойни обод этиш режасини туэган.

1397 йил Амир Темур қишлоғни Тошкентда ўтказди. Баҳор бошлини билан Яссига йўл олди ва улкан, маҳобатли бино қурилишини бошлаб юборди. Сарой солномачилари маълумотларига кўра, мақбара иккى йилда қуриб битказилган. Ҳукмдорнинг яқинларидан бири — садр лавозимида ишлаган Мавлоно Убайдуллоҳ қурилишга раҳбарлик ўйланган. Бу мақбара ўзининг кўлами, мутлақ ўлчами ва меъморий-бадиий салоҳияти, маҳобати билан Марказий Осиёнинг XIV асрдаги энг йирик обидаси ҳисобланади.

Ҳожа Аҳмад Яссавий мақбараси ҳақида жуда кўп ёзилган, турли ҳажидаги ранг-баранг альбом китоблар чоп этилган. Мақбарадаги улкан қозон ҳам ҳамон барчанинг дикқатини ўзига тортиб келади. У темурийлар даври илм-фани, техникаси, кимёси, хаттотлиқ, кандалорлик намларининг энг ёрқин намунасиdir. Етти хил маъдан қоришмасидан қўйилган мазкур қозон ҳақида соатлаб гапириш мумкин.

Тўлқин Ҳайит:

— Устоз, ҳар гал Аҳмад Яссавий зиёратгоҳини тавоғ айласам, ларзага тушаман: кошинкорлик ва нақш безак ишлари билан шуғулланиб кўрганман ва тажрибамдан биламанки, кўзга осон кўрингани билан, бу иккى ҳунарнинг дикқатни тортиши ва foят қийинлигини фақат бошидан ўтказган кишигина билади. Ота-боболаримизнинг имми ва сабр-бардошларига тан бермасдан илож йўқ.

Ният қилганман, кошин ва нақшларнинг „қалби“га қулоқ тутиб, ўзгача китоб-альбом нашр этиш ниятим бор. Ишонаманки, Ҳазрати Султон бобомизнинг руҳлари мададкор бўлиб, бу иш, албатта, амалга ошади.

Мұхаммад Али:

— Одамда яхши ният бўлгани ижобий ҳолат, шу орзу билан яшаб, умрингизни нақшларга безасангиз, бу қандай ажойиб ҳодиса. Ўйлайманки, бу ният албатта ижобат бўлади.

Тўлқин Ҳайит:

— Суҳбатимиз жуда чўзилиб кетди. Бухорои Шарифдаги Сайфиддин Боҳарзий, Боёнқулихон, Чашмаи Аюб мақбаралари ҳам Амир Темур ва темурийлар даврининг ноёб ёдгорликлариdir.

Мұхаммад Али:

— Биз ҳамиша улуғларимиз олдида қарздормиз. Эски тузум даврида улар ҳакида ҳар хил ёлғон-яшиқлар айтилдики, булардан кўзланган айирли мақсад — нима бўлса ҳам, ўзбек ёшлари уларнинг ортидан ёргашмасликлари, ўзларининг улуг аждодларини феодал, қолоқ, деб бишлари керак эди. Лекин олtingа қора бўёқ суртган билан у қора бўлиб ўлмайди, ҳақиқат ёмғирлари бир кун уни ювиб юборади. Шундай бўлди ём. Шукур!

Тўлқин Ҳайит:

— Устоз, суҳбатимизнинг айнан шу жойида, албатта, бутунги ўзбек иеъморчилигининг улкан ютуғи, дунёning энг ноёб ва гўзал музейлари ан бири — Темурийлар тарихи давлат музейи ҳакида ҳам тўхталиши из ўринли, деб ўйлайман. Бу нодир музей биноси айнан муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва кўрсатмаси билан бунёд этилани ҳам диккатга сазовордир. Мамлакат раҳбарики музейга шунчалик ўтибор берган экан, бу ҳам халқимизнинг баҳти, десак муболага бўлмас. Ўу мақтов эмас, айнан яхшиликни таниш ва қадрлашдир, дегим келади.

Мен чин маънода дунёning баҳтиёр инсонларидан бириман, устоз. Ҳар куним, ҳар дақиқам ҳозир шу музейда ўтмоқда. Ишдан чиқар экан-

ман, ботаётган қуёшнинг парқув булутлар қошларига зарҳал чизиқлар тортгэганига кўзим тушиб, бундан неча йиллар олдинги воқеаларни бирма-бир эслайман: ўшанда ҳам худди шу ҳолатни кузатганман, ҳаво майин, атрофда бунёдкорлик, яратувчанлик ҳавоси кезиб юрар, қурилиш да ишлаётган қудратли машиналарнинг гуруллаши, ерга қоқилаётган тенгир устунларнинг даранг-дурунги чор-атрофни тутган, яъниким Темурйлар тарихи давлат музейи пойдеворига илк ришит қўйилаётган унтилласмас лаҳзалар әди. Ўйладимки, қуёш ботишни истамаяпти, минг-минг йиллардан кейин ҳам ҳайрат билан кузатиладиган улуғвор бино қурилишга унинг ҳам гувоҳ бўлиб қолишини истаётгани аниқ әди. Мен ҳам озод юртимнинг бағрида қад ростлаётган бу улуғвор бино қурилишини кўриб турганимдан жуда баҳтиёр әдим: катта паннода бўлажак музейнинг бетакрор қўриниши акс этган мовий ранг уйғунлашган суратта ҳавас билан қарапканман: „Жуда улуғвор кошона бўлади“, дея суюнадим. Дида фахр ва ифтихор туйғулари тошган әди ўшанда.

Озод Ватан, қанийди, бир зарранг бўлолсан!

Бу юртнинг бир зарра тупрогини кимлар орзу қилмаган, кимлар зориқмаган, унга не-не кишилар „шу тупроқни бир кўзимга суртсан әди“, дея ташна ўтиб кетмаган.

Бу замин дунё тамаддуни бешикларидан бири.

Ҳақли равишда айтиш керакки, бу донгдор заминда, жаннатнинг иккى дарёси оралиғида биз чиндан ҳам бирдан пайдо бўлиб қолган эмас-миз: олислардан, узоқ мозий қўйнидан „Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал“ деган садо келади, ўзбек бутун ҳам шу эзгуликни ёқлаб, неча инцироз бухронларини четлаб, келажакка дадил қадам ташламоқда. XI аср – „Беруний асли“, „Хидоя“ – тўғри йўл, „Ал-жабр“ нинг бир зарраси ўтто бугунги қўл телефонларига қувват ва нур беряпти, неча минг ҳадисларни ёд билган улуғ бобомизнинг заҳматлари бугун ҳам маънавиятилизни бойитмоқда. „Бу фикрни Махмуд Замахшарий айтганлар!“ дейишлари билан: „Бўлди, биродар, баҳсга ўрин ўйқ“, дейди араб дўстимиз; „Кўлинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин“, дейди Баҳоуддин Нақшбанд. Улуғбек Мирзонинг улкан Расадхонаси, 1018 юлдуз жо бўлган оламга

машхур „Зижи Кўрагоний“, „Хамса“дек улур асар битилган ниҳоятда бой тилимиз, „кураш“, „халол“ сўзларимизни эшитиб, севинчдан кўзларимиз намланади; қанийди, шу кунларни Абдулла Қодирӣ, Фитрат, Чўпон ва Усмон Носирлар кўрганида эди, „унутмас мени боғим“, тинчликни истаган, бунёдкорлик билан машғул Алпомишининг авлодлари сизни унумайдилар: бир пайтлар Алвасти қўприк деб аталган қўрқинчли жой бугун сизларни ёд этадиган „Шаҳидлар хотираси“ яшил, кўркам, бебаҳо майдон. Ўзбек топганини нимага сарфлайди: тўй ва қурилишга, „бунёдкор ҳалқимиз бор, бу катта ютуқ!“

Бунинг исботи: юртимда Темурийлар тарихи давлат музейининг пой-деворига илк ғишт қўйилаётган эди.

Пойдеворни суратга олиш давом этар, икки соатдирки, оператор ҳали-ҳамон бир лаҳза тин олмай, ҳеч кимга эътибор бермай завқ-шавқ билан ишлар, 12 килоли оғир камерани елкасидан олишни хаёлига ҳам келтирмаётган эди. Эрта-индин Ватан қўксида олтин узукдек жавоҳир бўладиган муҳташам бинонинг тасмаларга муҳрланиши зарурат эди. Бу лавҳалар Ўзбекистон телевидениесининг 1996 йил 9 апрель кунидаги „Етти иқлим ҳукмдори“ қўрсатувида намойиш этилгани ҳам, худди кечагидек, кўз ўнгимда! Ўшанда Қашқадарёга ижодий сафарга борганимизда, яқин ҳамкасларимдан бири: „Музей тўғрисидаги лавҳангизни кўрдим, зўр кошона бўладиганга ўхшайди“, деди ички фурур ва юксак севинч билан. Унинг бу гапи мени ҳам тўлқинлантирган эди ўшанда.

Оёғим остидаги яшил майсалар бизга пояндоэ ёэган, гулга кирган дарахтлар хушбўй ҳидлари билан қалбимизни сийлаётган, қуёш эса бизга қўшилиб, озод юрт хиёбонини томоша қилаётган ўша мафтункор ва унучилмас лаҳзаларни эсдан чиқариб бўларканми?!

„Олти аср адолати“¹ бадиалар тўплам китобини қўнимга олиб, тарихий маңбаларга кўз югуртираман ва ўқиганларимдан ўзимча хуласалар ясайман.

1996 йил 14 март.

Президентимиз Ислом Каримов пойтахт Тошкент шаҳрида Темурийлар тарихи давлат музейини бунёд этиш ҳақидаги фармонга имзо

¹ Олти аср адолати. Тўплам Ҳалқаро Амир Темур хайрия жамғармаси томонидан нашрга тайёрланган. Т., „Ўзбекистон“, 1998 йил.

чекди. Буюк Соҳибқирон ҳазратларининг кутлур түйига атиги бир неча ойлар қолган эди. Ана шу қисқа фурсат ичида минтақамизда ягона бўлган бундай улкан, салобатли кошонани қуриш айтишга осон эди, аммо Президентимиз ташаббуси ва бошчилигига ақл бовар қилмайдиган қурилишнинг пухта режаси ва хисоб-китоби аниқ мўлжалга олиниб, қурилиш ишлари жадал бошланганини бугун ҳаммамиз яхши биламиз. Ўрни келганда айтиш керакки, бу мустақил Ўзбекистоннинг дунёга ҳур овози ва керак бўлса, қудрати ҳам эди.

Муҳаммад Али:

— Музейнинг лойиҳаси устида жуда кўп баҳслар, тортишувлар бўлганини ҳам биламиз. Айрим меъморлар музейни Фарб услубида, тўртбурчак шаклида, Эрмитаж ёки Британия музейларига ушнатиб қуришни таклиф этдилар. Чин маънода, мазкур музейлар юксак дид ва зўр ихлос билан қурилган, аммо улар Европа услубида бунёд этилган, пойтактдаги музей эса шарқона, ўзимизнинг миллий шакл-шамойилда қурилиши керак эди. Бино лойиҳасининг доира шаклида, фусункор қуринишда бўлишини ҳам шахсан Президентимизнинг ўзлари белгилаб, кўрсатиб бердилар. Чиндан ҳам бу улуғвор ва бетакрор, муҳташам бино бўлди.

Музейнинг мовий, яшил ва оппоқ кошинларидан, серҳашам деворларидан акс садо қайтади: қурилиш ишлари жадал давом этадиган палладарни эслайман.

Дунёнинг бошқа томонларида эса:

ана у ёнда — қайсиdir мамлакатда бомба портлаб, неча бегуноҳнинг ёстиғи қурир, қайси бир жойда цунами ва қаердадир ўқ товушлари юракларни ларзага соларди.

Тўлқин Ҳайит:

— Тошкентликларнинг, шаҳарга келган мемонларнинг кошона қурилишига синчиклаб қараганлари ҳамон эсимда. Битта-яримта билмагани:

- Нима қуриляпти бу ерда? — дея қизиқиши билан сўраб қолади.
- Амир Темур музейи бўларкан!
- Худога шукур!

Эххе, бу сўзниг заминида қанчадан-қанча маъно бор, ёёсам, варажлар етишмайди, тақороламасам ҳам, буни замондошларнинг бариси яхши билади.

Кабина тепасида „1996“ ёрлиги бўлган улкан бульдозер, назаримда, кўлмакка тушган совуқ булатлар аксини эмас, 74 йиллик зулам занжирларининг қолган-қуттнларини ўрага сурниб ташлаб, юрт қўксисда янги замин, янги саҳифа очаётгандек эди.

Муҳаммад Али:

— Чиндан ҳам 1996 йил мамлакатимиизда туб бурилишлар йили бўлди, эххе, улар ҳақида неча жилди китоблар битиш мумкин. Биз бунга гувоҳмиз ва бундан мен чиндан ҳам фахрланаман. Ўша йил — Ўзбекистонда Амир Темур йили деб эълон қилинди. ЮНЕСКО бош қароргоҳида Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди, унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди. Тушга кирмаган воқеалар! Самарқанд, Шаҳрисабзда Соҳиб-қирон ҳазратларининг улуғвор ҳайкаллари қад ростлади. Кечагина гургут ҳам чиқармайдиган Ўзбекистон айнан ўша йилда „Тико“, „Дамас“, „Нексия“ енгил машиналарини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди, мустақилликдан олдин файзу таровати кетиб қолган Тошкент улкан қурилишлар майдонига айланиб, янги-янги бинолар қад ростлай бошлади. Айнан ана шундай улуғвор бинолардан бири Президентимиз ташабbusи ва ғояси билан кўркам Темурийлар тарихи давлат музейининг жуда қисқа фурсатда бунёд этилгани бизнинг катта ютуғимиз бўлди. Унинг салобати ва кўркамлиги кўпларнинг ҳавасини келтириди, ички шифтларидағи олтин суви юритилган безаклар келгуси авлодларда ҳам фахр ва ифтихор туйгуларини уйғотиши шубҳасиз. Узоқдан қараганда, у бамисли тождай кўриниади, тарихимиз, маданиятимизнинг олтин тожи! Ва Юортбошимиз таъбири билан айтганда, „Бу музей буюк бобокалонимиз хотирасини абаддийлаштириш, ҳалқимизнинг буюк зотга бўлган чуқур ҳурматини билдириш билан бир қаторда, асрлар давомида топталиб келинган ўзбек ҳалқи мислий фурурини қайта тиклаш, унинг ўзлигини англаши учун ҳам керак“.

Тўлқин Ҳайит:

— Мен гоҳо-гоҳо қадимий нақшларни машқ қилиб турман: роят мураккаб, роят майда иш, унча-мунча одамнинг иродаси бардош беролмай, юраги тарс ёрилиб кетади: доира — адолат рамзи бўлса, унинг мөвйилиги тинчлик ва гўзалликка ишора, ранг-баранг нақшлари эса ҳайрат

ва тафаккур дунёси; буни нақш чизиб юрган киши, хаттот ва усталар, рассомлар жуда чуқур англашади, фалон уста бундай нақш яратиби, дейишиша — „отасига тасанно“ дея мамнун бўлганларини кўрганингизда, ҳайратингиз ошади; кўриш ва баҳо бериш осон, яратиш ва тафаккур қилиш қийин; атрофингда фикрловчи кишилар йўқ экан, заргарнинг ҳам қадри бўлмайди; ўша пайтда „оч қоринга дабдаба керакми?“ деган бир тенгдошимиз бутун тан бериб: „Биз бурнимизнинг остидан нарини, қорнизидан бошқасини билмаган эканмиз, — деди қайси куни қайта таъмирланган музейнинг олдидан ўта туриб ва яна ўзи қўшимча қилди.

— Тилим бор деб бемаъни сайрагандан кўра, йўлдаги бир чукурчани симонлаб қўйганим яхши“. Ҳиёбонни айланиб, бое ҳавосидан баҳра олгач, бое яратишин орэу қилиб қолдилар. Қандай яхши! „Ковун қовунни кўриб ранг олади“. „Хон бўлсанг-да, бое ярат, гадой бўлсанг-да, бое ярат, бир кун мевасини татирсан“. Амир Темур бобомиз ҳам неча ўнлаб бөглар яратганлар. Отасига раҳмат. Мана, бизга қандай сабоқ бериб кетган эканлар!

Бобо ва невара — Буюк Соҳибқирон бино томида Мирзо Улутбекнинг қўлларидан тутганча юлдузларга ишора қилаётгандек тасаввур пайдо бўлади менда. „Мен юлдузларни кўп севарман, Мирзом, сиз ҳам уларни севинг!“ деган жарангдор овоз келади мозий қўйнидан.

Тошкенти азимнинг бу бетимсол кошонасига тикилар эканман, тинч ва хотиржам яшаётганимга минг-минг шукроналар айтаман. Қайси куни болакайлар билан бирга кирдим. Бир олам қувонч, бир дунё севинч. Амир Темур ҳазратларининг: „Чақалоқларни йиғлатмангиз, болаларга озор бермангиз — бу гуноҳи азим эрур“, деган гаплари қулоғим остида жаранглади. Руҳлари шод кезиб юриби, деб ўйлайман ўзимча.

Қисқача маълумот

Музей „Давлат ноёб илмий обьектлари“ рўйхатига киритилган, унинг хазинасида Ўзбекистон тарихини акс эттируви З мингдан ортиқ ашё сақланади. Булар Амир Темур ва темурийлар даврига оид қўлесмалар, ёзишмалар, кумуш ва мис тангалар, Амир Темур мақбарасидан олинган ашёлар, сопол ва мис буюмлар, меъморий қопламалар, XIX–XX асрларга оид китоблар, этнографик буюмлар ва ҳ.к. Бутунгача 2 миллионга яқин томошабин музейга ташриф буюорди.

Унинг „Фондлар ва архив“, „Маънавият ва маърифат“, „Экскурсиялар“, „Экспозиция ва кўргазмаларни бадиий безаш“, „Реставрация ва кимё лабораторияси“ бўлимлари мавжуд.

Бизга берган маълумотларга қараганда, ўн учдан ортиқ хорижий мамлакатларда сақланаётган темурийларга оид ашёларнинг усталар томонидан ясалган нусхалари „Жаҳон ҳазиналаридағи темурийларга оид жавоҳирлар“ кўргазмасидан ўрин олди. Шунингдек, Санкт-Петербург давлат Эрмитажида сақланаётган Гавҳаршодбегим ва Мироншоҳ Мирзалининг узук-муҳларидан нусха олиниб, музей фондига тақдим этилди.

Тошкент вилояти Оқкурғон тумани ҳудудида жойлашган XIV аср ёдгорлиги Шоҳруҳияда ўtkазилган археологик қазишмалар давомида топилган 400 га яқин ашё музей фондига топширилиб, „Шоҳруҳия қалъа шаҳри – Амир Темур ва темурийлар даврининг ноёб ёдгорлиги“ мавзудаги кўргазма томошабинлар учун муҳим „совфа“ бўлганини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Музей қошида ташкил этилган илмий гуруҳ томонидан „Амир Темур жаҳон тарихида“, „Хива минг гумбаз шаҳри“, „Мозийдан тарағлан зиё“, „Бухоро – Шарқ дурдонаси“, „Шаҳроисабз минг йиллар мероси“ каби муҳим китоб-альбомлар нашрга тайёрланди. Ҳозирда ҳам бу китоблар қайта-қайта нашр қилиниб, ҳамиша ҳалқимиз томонидан илиқ кутиб олинмоқда.

Мұхаммад Али:

— Мен доимо музейдаги воқеаларни кузатиб бораман. Менга ҳам ўн йил шу табаррук бинода ишлаш насиб этди, кўп қутлуг воқеаларнинг гувоҳи бўлдим.

Ҳар гал неча улур ва азиз меҳмонлар мустақилликнинг, озод ва эркин юртимнинг ноёб обидаси — мазкур музей биносини кўриб ҳайратлари ни яширомайдилар. Мұхтарам Президентимиз таклифига биноан давлат ташрифи билан мамлакатимизга келган Хитой Ҳалқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин жаноблари ҳам уни ҳайрат ва ихлос билан томоша қўпгина телетармоқлари қайта-қайта намойиш этдики, бу ҳам мамлакатимизга, унинг буюк келажагига бўлган ишонч ва ҳурмат рамзи эканлигини яхши аинглаймиз.

Тұлқин Ҳайит:

— Музейни айланиб юрган одамларга әзтибор бераман. Бирорлар-нинг сұхбатини тинглаш одобдан әмас, аммо рухга ёқар гаплар қулоққа чалинса, улар оппоқ қороз бетларига чирили нақшлар бүлиб түшсі, бүнинг нимаси ёмон?!

— „Армонингиз борми, бобо?“

— Менда армон қолмади, болам, әркимни күрдім, мана бу кошона-нинг ўзи мен учун бокий умр! Шуни қурғаннинг отасыга *раҳмат!*“

Шукроналиқ ва миннатдорлик: имонли одам тан олишни ҳам билади. Отага қараб, менинг ҳам армоним йүк дейман. *Наҳотки*, дейди қалбим. „Чиндан ҳам шундай, дейман үзимча, әнді овозимни барада қойиб, Ватан деб атайдыган улуғ маконим озод, үз тугим, үз мадхиям, үз Президентим бор, ота-боболарим орзу қылған озодлик ҳавосидан баҳра олиб яшаяпмиз!“ деде севинаман.

Үйлаб туриб, фикр юритиб, хулосага келаманки, озод юртим бунёдкор-литининг олий намунаси бүлган шу битта улуғвор кошона одамга шунчалик илхом, шунчалик қувонч ва завқ берадыки, уни сүз билан ифода-лашга ожис қоласан.

Мұхаммад Али:

— Чиндан ҳам, „Амир Темур хиёбони ғұзал бир узук бұлса, бу музей шу узукнинг ёқут күзи“ бўлди. Қўксингизни тўлдириб, ички бир ғуур билан нафас олар экансиз, „Менинг тинчликсевар юртим, бунёдкор әлим, мангы омон бўл! Илоҳим, кўз тегмасин сенга!“ дейсиз ва яна кошонага тикилар экансиз, уни асрлар оша абадий туришига, келажак насллар ҳам биз сингари айнан шундай улуғвор обидаларимиз билан фаҳранишлари-га ишончингиз яна бир карра ортади.

Сиз ҳам бир нима демоқчисиз шекилли?

Тұлқин Ҳайит:

— Ҳали бизда Амир Темур ва темурийлар даври меъморчилиги ҳақида мұкаммал илмий тадқиқотлар амалға оширилған әмас. Шахар-сөзлик шу даражада ўсган әдіки, ҳозир биз уни тасаввур ҳам этолмай-миз. Ёки коризлар бунёд бўлган, сув иншоотларини барпо этишда уста-чилик шу даражада тараққий этган әдіки, бутунги занжирлар, тишли-ша замон чириқларининг темирдан, пўлатдан ясалған намуналари-

дир. Оддий мато тўкиш дасттоҳини олинг: ўша ота-боболаримиз Қадимда ишлатган дасттоҳ ўзи бутунги тўкув корхоналаридаги замонавий тўкув дасттоҳлари!

Бу ерда мен тилга олмоқчи бўлган асосий нарса Амир Темурнинг гўзал „Кўчма масжиди“ бўлиб, у ҳақда аниқ маълумотлар талайгина эканлигини айтмоқчиман. Бу тўғрида Руи Гонсалес Клавинхонинг кундаликларида келтирилган қисқа маълумот ҳам эътиборлидир. Улуг Соҳибқирон беш йиллик, етти йиллик ҳарбий юришларида неча ўн минг, юз минглаб шерюорак сарбозларни, улар ортидан қанчадан-қанча содик ва фидойи хизматкорларни, дунёни сув қилиб ичган донгдор савдогарларни, манаман деган дўкондорларни, биз билмаган яна ким-кимларнидир эргаштириб бораф экан, кўчма уйлар, ўтовлару ҳаммомлардан тортиб, ошхонаю аслаҳаона, устахоналар, уларни зудлик билан ўрнатиш ва йигиштириб олиш, тезда қучни сарфарбар этиш муаммолари билан жиддий шуғулланишига тўғри келганини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Канийди, ёш темуршуносаримиэдан бири „Кўчма шаҳар“ ҳақида тўлиқ тадқиқот олиб бориб, бу тўғрида ҳалқимизга кенгроқ ва тўлиқ маълумот берса. Бу ҳам юртни севиш, улуғларимизни эъзозлашдек бир савоб иш демакдир. Боз устига, бутун биз асл тарихимизни элимиз хазинасига қайтараётган эканмиз, бу ишнинг нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини назарда тутамиз. Зоро, орадан яна ўттиз-қирқ йил ўтар, бир кун келиб келажак авлод бу кунларни сарҳисоб қилганида, албатта, меҳнатларимизни миннатдорлик билан кўзларига суртишларини ҳам ҳис этишимиз лозим, деб ўйлайман.

Мұхаммад Али:

— Сұхбат шу билан қадрлики, ундан катта-кичик ҳам бир нима олиши керак. Амир Темур ва темурийлар тарихи — катта уммон, биз, назаримда, бу уммонга энди яқинлашиб келмоқдамиз. Олдинда қанча улуг ишлар турибди. Бу ишларни эртанги ёшлар амалга оширишларига ишонаман!

Тўлқин Ҳайнт:

— Устоз, кўшк ҳақида ёшларга бир-иккита маълумот бериб ўтсан. Мен уларнинг дикжатларини маҳсус, усти берк маофа, тахтиравон деб аталган араваларга қаратмоқчиман.

Аввал, бир мулоҳаза.

Бугун кўрамизки, кўпгина фильмларимизда фақат қўжонаравалар кўрсатилади. XIX аср охири XX аср бошларида баъзи сабабларга кўра, дейлик, мутелик асоратлари оқибатида ҳалқ тантанавор „маофа“, „такти-равонлар“ га эҳтиёжи бўлмагандир. Фақат бир нарсани фарқлаш керак-ки, қўжонарава дехқон ва бозор учун яратилган юқ араваси эди. У ҳеч қачон одамни олиб юришга мўлжалланган арава бўлган эмас.

Устоз, қадимда ота-боболар қандай аравалардан фойдаланишган?! Ана шу саволга жавоб бериб ўтсак. Масалан, V асрда яшаган Ҳеродот туркларнинг усти берк аравалари ҳакида маълумотлар бериб ўтган.

Мұхаммад Али:

— Тарихда бу ҳақда маълумотлар талайгина. Масалан, Ибн Баттута „Сатуя хотунни кўм-кўк қимматбаҳо матолар билан қопланган, дераза ва эшиклари очиқ бўлган ўз аравасида кўрган эдим“¹, деб ёзган.

Дераза ва эшикли арава!

Бундай аравалар жуда дабдабали бўлган. Менимча, рассомларимиз уларнинг кўринишларини акс эттиришлари ва ҳалқимизга тақдим этишлари керак.

„Ҳар бир хотин аравада юради. Унинг аравада ўтирадиган жойи тилла билан сайдалланган кумуш ва ёғоч уйдан иборат. Уни тортиб юрадиган отлар ҳам тилла ипакли ёпинчиқлар билан безатилади“.²

Эътибор беринг, устоз, Ибн Баттута 1325 йилнинг 14 июнида 22 ёшида сафарга чиққан эди. 1333 йилнинг январида Ҳоразмга келди ва бу ерда уч ҳафта тургач, Бухоро, Самарқанд, Термизни кўрди ва биз учун жуда ноёб манбаларни ёзиб қолдирди.

Бобур Мирзо ёзган:

„Дилкушода ҳам улуғ кўшк солдурубтур, ул кўшкка Темурбекнинг Ҳиндистон урушини тасвир қилибтурлар“.

¹ Ибн Баттута. Саёҳатнома. 332-бет. Т., „Шарқ“ НМАК, 2012.

² Ӯша манба, 335-бет.

Мұхаммад Али:

— Мана шу мисол ҳам күрсатадыки, Амир Темур ва темурийлар ҳамда Ҳиндистонда бобурийлар даврида жуда күтілаб имаратлар билан бирға күшк имаратсоэлигига ҳам етарлы эътибор берилген.

Тұлқин Ҳайит:

— Устоз, ёддан күтарилемасдан олдин айтиш керакки, Пұлат Эсхидов күшк сүзининг келиб чиқиши ҳақида ўз фикрларини баён әтгандын. Унинг фикрича, қадимги турк күчманчиларининг „күчи“ аввал „күчик“ да айланған, бора-бора күшк күринишини олган. Бу сүз Үрта Шарқ орқали Европага үтган ва французчага, сўнгра русчада „киоск“ тарзидан қўлланилган.

Мұхаммад Али:

— Ҳар бир сўз инсон ҳаётининг зарурий эҳтиёжларидан келиб чиққан. Шу боис ҳам, лаҳжалар пайдо бўлган. Масалан, Сурхондарёning шимолий туманларида ошқовоқни „кади“ дейишади ёки Тошкентда товоқни „лаган“ дейишади, мабодо, жанубий вилоятларга чиқиб, „лаган“ дессангиз, тогорани тушунишади. Ҳаёт шуниси билан қизиқ-да. Тириклик бир хилда кечганда, инсон учун унинг ҳеч қандай қизифи бўлмасди. Демак, Яратган инсоннинг ҳаёт тарзини энг майдан нуқталаригача ҳисобга олиб қўйган.

АМИР ТЕМУРНИНГ АДОЛАТЛИ ДИПЛОМАТИЯСИ ВА ЕВРОПА ҚИРОЛЛАРИ БИЛАН ЁЗИШМАЛАРИ

Мұхаммад Али:

— Европа қиролларининг Амир Темур билан ёзишмалари биз учун ниҳоятда ноёб манбалар эканлигини яхши биламиз. Албатта, булар сұхбатимиздан ўрин олиши керак, деб ўйлайман. Улар нафақат биз учун тарих, балки ўзлигимизни күрсатувчи аниқ далил-исботларки, уларни кўзга суртиб ўргансак арзиди.

Тұлқин Ҳайит:

— Бир йили хориждаги Интернет танишлардан бири: „Ўзбеклар қанақа ҳалқ, қайси жиҳатлари билан улар бошқаларга ўрнак бўлишлари

мумкин.²" деб мурожаат қилди. Турган гапки, бундай пайтларда мақтамизни билмоқчи бўлсангиз, марҳамат, юртимизга келинг ва, мабодо, кечаси бориб қолсангиз ҳам, хоҳлаган эшикни тақиъматинг, ва уй эгаси Сизни иззат билан кутиб олиб, меҳмон қиласи. Агар шу хонадонда уч кун турсангиз, уларга қариндош бўлиб қоласиз ва бир умр улар билан оғани бўлиб яшайсиз", дедим.

У яна Амир Темур тўғрисида сўради: Соҳибқироннинг Тошкентдаги ҳайкалини суратларда кўрган экан, энди уни ўз кўзи билан томоша қилишни, Темурийлар тарихи давлат музейи билан ҳам танишмоқни орзу қилиб юаркан.

Мұхаммад Али:

— Биз ўзбеклар ҳакиқатни яхши кўрган халқмиз, Ватан, эл-юрт учун хизмат қилган киши борки, унинг ҳакида тўғри сўз айтишдан ўзимизни четга тортиб турмаймиз. Биздан ҳам олдин, яъни ўз давридаёқ дунёning диёнатли тарихчилари шавкатли Амир Темур жаноблари ҳакида рўйиност гапларни тарихнинг олтин саҳифаларида мовий ипаклар билан нақшлаб қўйганлар. Ўша имонли зотлардан бири, ўз даврининг кўзга кўринган тарихчиси Муиниддин Натанзий ёзадики, „Амир Темур адолат үрнашишда шу қадар ғайрат қилдики, унинг салобатидан фил пашшага тавозе қиласди“. „Темур тузуклари“да эса у зотнинг адолати янада ойдинлашади.¹ Мазкур ибора у зотнинг халқона дипломатиясида ҳам ўз аксими топган. Биргина Франция қироли Шарль олтинчига йўллаган „Салом ва тинчлик эълон қиласман!“ деган сўzlари билан бошланадиган мактуби ҳам фикримизнинг исботидир.

Амир Темур чиндан ҳам дунёning буюк дипломати эди. Шу боис ҳам, унинг тўғрисида эҳтиосли ширин тил билан ёзилар ва ҳамон ёзмоқдалар. Энг мухими, ҳозирги замон дипломатиясида Амир Темур туттган дипломатиядан кенг фойдаланилмоқда.

Биз ана шу зот дипломатиясининг айrim жиҳатларини кўриб чиқамиз. Бу анъананинг бутунги давлатчилигимизда ҳам мухим аҳамияти бор.

¹ Темур тузуклари. 130-бет. „Ўзбекистон“ НМИУ, Т., 2011.

Юқорида таъкидланганидек, унинг дипломатиясининг биринчи сўзи соғлиқ ва тинчлик эди. У ҳар қандай фаними томонга уч марта элчи юбориб, ўртадаги низони сулҳ йўли билан ҳал этиш тарафдори бўлганини ўзингиз яхши биласиз. Масалан, Амир Темурнинг Византия императори Мануэл II Палеологнинг ноibi Иоанн Палеологга йўлланган мактубида: „...Йилдирим Боязиддан тез орада элчи келишини кутмоқдамиз... Агар Боязид сенга фуқароларинг яшайдиган ерларни ва қалъаларингни қайтаргудек бўлса, етказган талафотларнинг зиёнини тўласа, унда мен у билан жангга кирмайман“, деб ёзган.

Тўлқин Ҳайит:

— Бу тўрида юқорида тўхталган эдик.

Маълумки, икки орадаги музокаралар натижасиз якунланиб, уруш бошлианди ва жанг Амир Темур қўшинининг ғалабаси билан тутаб, европаликлар орзиқиб кутган мақсадларига эришдилар. Чунки бу ғалаба Усмонли турк империясининг Кичик Осиёдаги ҳукмронлигига барҳам бериб, унинг Марказий ва Фарбий Европага қилмоқчи бўлган юришини қарийб ярим аср орқага кечиктирган эди.

Воқеанинг кейинги тафсилотига тўхталадиган бўлсак, Амир Темур ғалабанинг эртаси куни Кастилия қироли Генрих III де Трастамара (1379–1406)нинг элчилари Пайо де Сото Майор ва Эрнан Санчес де Паласуелосни қабул қилди. Элчилар Соҳибқирон Амир Темурни зафар билан қутлашиб, унга ўз қиролининг эҳтиромини маълум айлайдилар. Амир Темур ҳам Генрих III элчиларига катта мулозамат қўрсатиб, Боязид ҳарамида асира бўлган Ангелина, Каталина ва Мариани ҳамда ўлжага олинган авлиё Михаилнинг олтин ҳайкалини уларнинг қиролига ҳадя қилади. Айни пайтда Соҳибқирон уларга қўшиб, ўз аъёнларидан Мухаммад ал-Кешийни (баъзи манбаларда Мухаммад ал-Қозий ёки ал-Қоший тарзида ёзилган) ёрлик билан қирол Генрих III ҳузурига элчи этиб жўнатади. Шунингдек, Амир Темурнинг султонон Боязид устидан эришган ғалабаси ҳақидаги хабарни Франция ва Англия қиролларига етказиши ниятида Соҳибқирон Амир Темур мактубларини олиб Султония (ҳозир Эрон ҳудудидаги шаҳар) архиепископи Иоанн ҳам шоши-

линч Фарбга йўл олади. Орадан бир йил ўтгач, Кастилия қироли Генрих III элчиларини совра-салом ва ёрлиқ билан Самарқандга, Амир Темур ҳузурига жўнатади. Қиролнинг ишончли аъёни Руи Гонсалес де Клавихо бошлиқ бу элчилар (Соҳибқироннинг қирол Генрих III ҳузурига ўйланинг 8 сентяброда Самарқандда Амир Темур саройида ҳозир бўлдишар.

Франция қироли Карл VI ва Англия қироли Генрих IV нинг жавоб номаларини олган архиепископ Иоанн ҳам Фарбий Европа қироллари билан Амир Темур ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ниятида 1403 йилнинг кузида орқага қайтади. Бироқ, Карл VI ва Генрих IV мактубларини архиепископ Иоаннинг Амир Темурга олиб келиб топширганлиги хусусида аниқ маълумот йўқ. Профессор И.И.Умняковнинг тахмин қилишича, Амир Темур 1404 йилнинг кузида Самарқандга қайтиб келган экан, юқоридаги мактубларни архиепископ Иоанн Соҳибқирон Амир Темурга йўлда топширган бўлиши ҳам мумкин.

Мавзудан сал четта чиқсан-да, кўпгина фарб тарихчилари Амир Темурнинг шахмат таҳтасидан фойдаланиб, жанг тақдирини ҳал қилгани ҳақида ҳам ёзадилар. Ҳатто афсонага айланиб кетган воқеалар ҳам бор, масалан, Йилдирим Боязидни асир олиб келганда, у шахмат билан машғул бўлган. Шоҳруҳ туғилганда ҳам, шахмат ўйнаб ўтиргани ҳақида эса Шарқ тарихчилари аниқ маълумот қолдирганлар.

„Амир Темур ва шахмат“ алоҳида мавзу, аммо қизиқарли воқеалар борки, уларни тилга олмасак бўлмайди.

Дарвоқе, Амир Темурнинг шатранжда, яъни шахмат доналарини суришда жуда моҳир бўлгани тарихдан маълум. Бу машғулот унинг ҳар бий тактик ишларида ҳам қўл келганини яхши биламиз. Аммо айнан унинг даврида дунё шахмат адабиётига катта ҳисса қўшилганини ҳамма ҳам билмайди. Ҳуш, бунинг учун нималарга кўпроқ эътибор берилган эди?

Соҳибқирон ўз жамиятида кишилар тафаккур доирасини кенгайтириш, олам ва одам тушунчалари, инсоннинг ҳаётдаги ўрни ва мақсадини англатиш, имон бутлигини сақлаш, тараққиёт омиллари ҳақида бош қотирар экан, ҳар бир нарсадан фойдаланишга ҳаракат қиласи. Шу билан бирга, иктидорли инсонларни қадрлайди, уларга кенг имкониятлар эшикларини

очади. Доимий равища шахмат йигинларини ўтказиб турар экан, бу соҳада ҳам дунёнинг ўша замондаги энг моҳир шахматчиларига эътибор қаратади... Ана шундай шатранж усталаридан бири — Али Шатранжий Самарқандий эди. Тан олиб айтиш керакки, Амир Темур етарли эътибор қаратмаганда, у ҳеч қачон машхур шатранж устаси даражасига кўтарилимас эди. Бевосита Соҳибқирон Амир Темурнинг қўрсатмава маслаҳатлари билан Али Шатранжий Самарқандий ўзи ёзил қолдирган рисоласида 60 та мансуба тўплаб, улардан 19 тасини ўзи туэди.

Амир Темур у билан теппа-тенг шахмат сурган. „Шатранжи ка-бири“ унинг энг севимли машғулоти эди. Бир вақтда Соҳибқирон бобомиз 4 киши билан 4 тахтада фойибона ҳолда ўйнай олган. Бу ҳаммага ҳам насиб этмайдиган истеъоддки, буларни ўқиб, эшишиб, одам ҳайратта тушади.

Амир Темур дипломатиясининг нозик жиҳатлари ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, унинг қизиқишилари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мұхаммад Али:

— Амир Темур дипломатиясининг энг мақбул жиҳатларидан яна бири, умумбашарий қонун-қоидаларга мардларча риоя этиш, ўз ҳаяжони ва ғазабини четга суриб, „Элчига ўлим йўқ“, деган шиорга амал қилиш унинг учун қатъий қонун эди. Бунинг ёнига яна битта олтин гиштни, яъни у ўз элчиларини ҳамда яқинларини ғанимлардан ҳимоя қилишни ҳам ўзининг ҳукмдорлик вазифаси, деб билганини қўшиш керак.

Масалан, Урганчга — Ҳусайн Сўфий ҳузурига иккинчи марта элчи сифатида Мавлоно Жалолиддинни юборганда, унинг тақдирига бефарқ бўлмади ёки 1396 йилда Коҳирага, Султон Барқуққа ўз вакилини юбориб, зинданда ётган Отолмишни озод этишини талаб қилди. Орадан тўрт йил ўтиб, 1400 йилда ўш Султон Фаражга отаси йўл қўйган хатоларни эслатди, яъни 240 нафар илғор қисм аскарларини номардларча қириб ташлаб, уларнинг каллалари Коҳирага жўнатилганини ва Отолмишни асири олишганини эслатиб, яна уни озод этишини сўради. Сабр-бардош ҳам шунчалик бўладими?! Ваҳоланки, тарихий манбаларда айтилишича, Отолмиш Соҳибқироннинг яқин қариндоши сифатида тилга олинади.

Хүш, Отолмиш ким? У буюк ҳукмдорга қай тарафлама қариндош? Бу ҳақда, албатта, жиддийроқ тадқиқот ўтказиш керак.

Тўлқин Ҳайит:

— Ўз даврининг етуқ тарихчиси Ибн Ҳалдуннинг Амир Темур билан учрашуви ҳам фоят қизиқ. Ибн Ҳалдун учун ўша пайтда икки йўл қолган эди: қамалда қолган Дамашқдан яширинча қочиш ёки ҳукмдор билан учрашувга бориш. Бунга бошқа яна битта сабаб қўшилганди: Ибн Ҳалдуннинг „асабия“ (ватанпарварлик) тўрисидаги ақидасига кўра, форслар ва араблар дунёда пешво миллатлик асрини яшаб бўлиштан, энди бу мавқе туркларнинг қўлига ўтган эди. Шу боис ҳам, аллома Амир Темур билан 35 кунлик сұхбатида ўзи учун жуда кўп нарсаларни ойдинлаштириб олди. Ибн Ҳалдун Шарқнинг буюк ҳукмдори ҳақида бирорта ҳам салбий үхшатишни ишлатмай, унинг тўрисида ҳурмат билан ёзди. Бу хотиралар шуни кўрсатадики, биринчи навбатда, Амир Темурнинг **маърифатли ҳукмдор ва дипломат** бўлганини тасдиқлайди.

Юқоридагилардан кўринадики, Амир Темур буюк давлат арбоби сифатида дипломатиянинг тинч йўли билан ҳарбий тадбирларни моҳирона қўшиб олиб борган.

Муҳаммад Али:

— Манбалар гувоҳлик берадики, Амир Темур бепоён ҳудудда қатъий тизимга эга катта салтанат барпо этгач, ўша даврнинг барча таниқчи давлатлари ва уларнинг ҳукмдорлари билан дипломатик алоқалар ўрнатган. Айниқса, Европа давлатлари унинг давлатчилик сиёсати билан жуда қизиқкан ва улар ҳам, ўз навбатида, элчиларини жўнатишган. Элчилар орасида испаниялик Руи Гонсалес де Клавихонинг хотиралари бутун биз учун асосий ишончли манбалардан бири сифатида фоят азиздир.

Бу ўринда биз Турон давлати ҳукмдори ўз девонида **маҳсус дипломатия корпусини туэганини ҳам тахмин қиласиз**. Маҳсус дипломатия корпусида бир нечта тилларни мукаммал билган донишманлар, халқаро миқёсда дипломатик ишларни олиб боришга лаёқатли бўлган кишилар хизмат қилишган бўлиши керак. Улар орасида Муҳаммад ал-Кеший номи мактубларда аниқ тилга олинганини кўрамиз.

Амир Темурнинг халқаро алоқаларга жиҳдий эътибор бергани ма-
саласида шундай тұхтамга келиш мүмкінки, у ташки давлатлар билан
үзаро мустаҳкам ҳамкорликсиз истиқбол бўлмаслигини теран ва яхши
англаган. Тан олиб айтиш керакки, XXI асрга келиб, инсоният яратмоқ-
чи бўлган *интеграция макони ҳақида ҳам* ўз даврида бош қотирган ва
шу йўлда сиёsat юритган. „...Салтанатимнинг у четидан бу четигача би-
рор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир дона-
сига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим“, деб ёзган эди у.
Ва дунёда худди шу йўсинда тартиб бўлишини истаган ҳолда ўзга дав-
латлар ҳукмдорларига ҳам нафақат дўстона мактублар йўллаган, балки
жаҳонга овоза бўлган бафрикенглик, мардлик намуналарини ҳам кўрсатган.

Тўлқин Ҳайнит:

— Амир Темур дипломатиясининг иккинчи жиҳати — *назарий асосини* нима ташкил этган, деган саволга деярли барча темуршунослар
бир хил, яъни Ислом дини ташкил этганини қайд этишган. Аслида ҳам
шундай. Бу нарса унинг саъй-ҳаракатларида ҳам ўз ифодасини топган.
Икки мисол. Ўша пайтдаги Эроннинг Шабистар шаҳридаги Имом
Шабистарий қабрини зиёрат қиласи ва: „Бу инсон ўзи шиа бўлса-да,
Қуръон оятига амал қилиб, ўз шеърларида Аллоҳнинг дини Ислом экан-
лигини қаттиқ туриб исботлаган“, дейди.

Иккинчидан, Амир Темур дипломатиясининг *маънавий-ахлоқий асоси*
нимада эди, деган савол ҳам анча қизиқарли. Маълумки, аввало,
ҳукмдорнинг қанчалик доно, ақлли ва узоқни кўра билиши эл-улус рав-
нақи ҳамда фаровонлигини таъминлашда асос бўлган. У ўз ахлоқий
маърифатини қарор топтириш учун қатор назарий негизларни олға
сурди ва амалга ошириди. „...ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олган-
лигим учун тўла мустақиллик билан салтанат таҳтига ўтиродим“, дейди у
ӯз „Тузуклар“ ида ва қайси бир ҳукмдор ана шу ўн икки нарсага амал
қилмас экан, салтанатдан бебаҳра қолади, дейди. Унинг фикрича, *Ҳакка*
интилиш асосида инсон рухи қанчалик покланиб борса, ахлоқий сиёsat
ҳам шунчалик соғлом ва бақувват бўлиши аниқдир. Шу боис ҳам, Амир
Темур давлат бошқарувида ҳукмдор салтанат ишларида ўз сўзига эга
бўлиши, ишини ўзи билиб қилиши, ҳар соҳада адолатни устун билиб,

қошида инсофли, диёнатли вазирлар тутиши, токи ўзи хато қылса, улар чора топиши, шунингдек, фитна, ёғонларни ўз вактида олдини олиши зарур. Лўнда қилиб айтганда, бундан 600 йил бурун давлат бошқарувида ахлоқий Қомусни яратгани унинг нақадар ўтқир давлат арбоби бўлганига ёрқин ишорадир.

Мұхаммад Али:

— Сүҳбатимиз давомида қайта тилга олаёттан бўлсак-да, бу соҳада ҳам кўрамизки, Амир Темур дипломатиясида ободончилик алоҳида ўрин тутади. „Ободончиликка ярайдиган бир қарич ернинг ҳам зое бўлиши“ни раво кўрмасди.

Яхши воқеаларни такрорлаш одамга хуш ёқади, биз яхшиликни тарғиб қиляпмизми, демак, зиммамиздаги асл вазифани бажаряпмиз. Умрида бировга яхшилик қилмаганлар ҳам бор. Уларнинг умрлари шамолдек елиб ўтади, на ўзи бирор нарсага эришади, на бошқага ёрдами тегади. „Ёмон бўлсанг, ҳеч бўлмаса, ёмонлик қилма!“ дейишади уларга. Амир Темур эса инсонмисан, қурувчи, боғбон бўл, ишила, меҳнат қиль, дер эди. Аскарлари бўш қолди дегунча қурилишни ё боғ яратишни бошлаб юборардики, қуйидаги воқеада ҳам биз шуни кўрамиз:

1381 йилда Ҳурсоннинг (ҳозирги Афғонистонда) Мурғоб водийсида тўхтаган Амир Темур жаноблари барча аркони давлатга сув чиқарив, бу ерларни обод этишини буюради. Ҳофизи Абру „География“ асарида улар томонидан қазилган ариқларнинг номларини бирма-бир санаб ўтган: Дилкушо ариғи, Ганжи-равон ариғи, Дарбанд ариғи, Ганжхона ариғи, Умар Тобон ариғи, Оқ Буғо ариғи, Қутлуғ Темур ариғи, Шоҳ Жондор ариғи, Келачи ариғи, Қутлуғ хотун ариғи, Менгли хожа ариғи, Али Малик ариғи.

Эътибор берган бўлсангиэ, аксарият ариқларнинг номлари қазиш ишларида бошчиллик қилган саркардаларнинг исмига қўйилган. Яна бир жиҳати, бу ерда Қутлуғ хотун номи тилга олинмоқда. Дарвоҷе, „Улусалтанат“ эпопеясининг 4-китобида шундай сўзлар бор: „Жойлари жаннатда бўлсунлар, бонуйи кубро Қутлуғ Туркон оқа жаноби олиялари покнасаб зот эканлар, — деди Гавҳаршодбегим (Шоҳроҳ Мирзога). —

Жуда кўп хонақоҳлар, кўприклар қурдирибдурлар. Қарангиз, Мурғоб дарёсидан хос ақчаларига „Кутлуғ хотун“ аригини қаздириб, чўлга сув чиқарибдилар-а...“ Бундан қазиш ишларида номдор аёллар ҳам иштирок эттанлигини кўрамиз. Кутлуғ Туркон оқа Амир Темурнинг маърифатпарвар эгачиси, салтанатда нуфузли аёл эди.

Амир Темур 1399 йилда Корабоққа келганида, мазкур ҳудудда кўпгина ободончилик ишларини олиб борди. Бойлаконда қурилган „Наҳри барлос“ канали маҳаллий қишлоқлар ободончилигига яна ҳам ривож берди. Мазкур канал Кўшк ва Жонқўпри деб номланган жойдан, Арас дарёсидан бошланиб, Бойлакон яқинидаги Саржабил деган жойда, Пиркамар қабри ёнида тутайди. Унинг узунлиги 60–70 километр эди (Шарафуддин Али Яздий, ўн йағоч узунлигидаги кема юрса бўладиган чуқур анҳор, деб ёзади.) Бундан ташқари, Бойлакон шаҳарчаси деворларини ҳам тиклади: унинг узунлиги 240 қулоч, эни 11, баландлиги 15 қулоч бўлган. Девор бўйлаб эни 30, чуқурлиги 20 қулоч бўлган хандақ ҳам қазилган (З.З.Пирриев. Озарбайжон).

Амир Темур дипломатияси ҳакида соатлаб сўз юритиш, китоблар битиш мумкин. Бу борада қайта сўз юритишимиздан мақсад шуки, Амир Темур ўзининг одилона сиёсати — фаол дипломатияси туфайли Буюк ипак йўлини қайта тиклаб, турли мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига, дунё маданиятининг тараққий этишига катта ҳисса қўшганини айтиб ўтиш, холос.

Мұхаммад Али:

— Соҳибқироннинг иккинчи мактуби — Кастилия қироли Генрих III номига битилган номаси ҳам бизга анча маълумот беради. Унинг испанча таржима нусхаси бизгача етиб келган. Ушбу мактуб Анқара жангидан кейин битилган ва уни Кастилия қироллигига Соҳибқирон Амир Темурнинг элчиси Мұхаммад ал-Кеший олиб борган. Мазкур номанинг испанча матни ва французчага қилинган таржимаси профессор Люсьен Кереннинг 1990 йил нашр этилган „Амир Темур даврида Самарқанд йўли“ китобида эълон қилинган.

Амир Темурнинг Франция қироли Карл VI де Валуа (1368–1422) билан ёзишмалари хусусида илк бор француз тарихчиси Флоссан ўзи-

нинг 1811 йилда эълон қилган „Франция давлати ташкил топгандан буён то қирол Людовик XVI ҳукмронлик қилган даврга қадар Француз дипломатияси тарихи“ номли тадқиқотида маълумот бериб ўтган эди. Ушбу маълумот асосида изланиш олиб борган Флоссаннинг ватандоши, шарқшунос Сильвестр де Саси Амир Темур ва Франция қироли Карл VI номаларининг асли ҳамда кўчирилган нусхаларини Париждаги Миллий кутубхона (аввалги қироллик кутубхонаси) фондидан топишга муваффақ бўлади.

Амир Темур Франция қироли Карл VI га йўллаган биринчи нома-нинг асл нусхаси форс тилида битилган бўлиб, у ҳақда Сильвестр де Саси шундай маълумот бериб ўтади: „Биринчи нома форсий тиљда узун ва энсиз қофозга битилган: қўлёзма ўн тўрт қатордан иборат. Хатнинг бошланиш тарафидан қофоз энининг чорак қисмига тенг миқдорда жой (абзац) қолдирилган. Нома битилган қофоз анча қалин ва пишиқ бўлиб, ишланган жойи кўрсатилмаган; безаклари ҳам йўқ... Нома факсимелесини аниқ ҳолда бериш қийин бўлгани учун мен уни қайтадан оқка кўчирдим ва лотинчага таржима қилиб асли билан ёнма-ён бостиридим. Зоро, ўқувчи номанинг форсийдаги матни билан лотинча таржимасини солиштириб ўқиб, аниқ тушунчага эга бўлсин“.

Профессор Люсьен Керен ҳам номанинг асл нусхаси суратини ўз китобида бостиришга муваффақ бўлган. Хатнинг сурати (фотонусхаси) жуда хира чиққан, лекин ўқиса бўлади. Ушбу номанинг матнини форсийдан ўзбекчага таниқли адабиётшунос олим, профессор Б.Н.Валихўжаев таржима қилган.

Амир Темур Франция қироли Карл VI га йўллаган иккинчи мактубининг фақат лотинча нусхаси Миллий кутубхонада сақланиб қолган. Бу нома икки қисмдан иборат бўлиб, биринчиси Соҳибқирон, иккинчиси эса ўғли Мироншоҳ Мирзо номидан битилган. Ҳар иккала мактубининг лотинча таржимасини дастлаб профессор Сильвестр де Саси тадқиқотида эълон қилганди. Уларни профессор Люсьен Керен Французчага таржима қилиб, лотинча нусхалари билан ёнма-ён қўйиб қайта нашр килганди. Амир Темур номасининг тепасида „Бу Соҳибқирон Темур-қилганди. Амир Темур номасининг тепасида „Бу Соҳибқирон Темур-бейнинг Француз қироли Карл VI га йўллаган мактубининг форсийдан

лотин тилига ўтирилган нусхаси“, деган ёзув бор. Мироншоҳ Мирзо мактубининг тепасига эса „Амирзода Мироншоҳ номасининг форсий-дан лотинчага таржимаси“, деб ёзиб қўйилган. Амир Темур номасининг лотинча матни ўттиз беш қатор, Мироншоҳ Мирзо номасиники эса йигирма тўққиз қатордан иборат.

Миллий кутубхонада Франция қироли Карл VI нинг Соҳибқирон Амир Темурга йўллаган жавоб мактубининг лотин тилидаги нусхаси ҳам сақланиб келинади. Мазкур номани илк бор профессор Сильвестр де Саси эълон қилиб, жамоатчиликка маълум этганди. Профессор Люсъен Керен эса ўз китобида унинг французча таржимасини лотинча матн билан ёнма-ён чоп эттириди.

Франция қироли Карл VI мактубининг мазмунидан ҳам билса бўладики, Соҳибқироннинг Султон Боязид устидан қучган зафари уни жуда хушнуд этган. Шунингдек, Карл VI Соҳибқироннинг ўзаро савдо-сотик алоқалари ўрнатиш, элчилар алмасиши ҳақидаги таклифларига сўзсиз розилик билдирган.

Амир Темурнинг Карл VI га йўллаган номалари ва билдирган истаклари француз ҳукмдори учун айни муддао эди. Сабаби, Европа-нинг қудратли давлатлари саналмиш Франция билан Англия ўртасидаги юз йиллик уруш (1337–1453й.) маълум муддат тўхтаган бўлсада, айни пайтда Карл VI мамлакатининг тинкасини қуритган, халқнинг норозилигини кучайтирган эди. Шу боисдан Францияга Farbdan Англиядай душман билан жанг қилиб турганда Шарқдан хавф солувчи ҳар қандай душман ўта даҳшатли саналарди. Султон Боязиддек қудратли ҳукмдорни енгиб, Европани унинг тазиийидан асраб қолган жаҳонгир Амир Темур ўзига бу қадар илтифот кўрсатаётган Карл VI га ёкиб тушганди, албатта. Шунингдек, ислом оламининг ҳукмдори Соҳибқироннинг христиан юртлари қироллари билан дўстона муносабатда бўлаётгани Рим папасига ҳам маъқул эди. Папанинг ишонгандан одами архиепископ Иоанн ҳам ўз хўжасининг хоҳиши-истагини бажариш ва Амир Темур босиб олган юртларда яшовчи христиан мазҳабидаги фуқароларнинг осойишталигини таъминлаш учун фидойилик кўрсатаётганди.

Соҳибқирон ва Мироншоҳ Мирзо номаларини Англия қиролига ҳам етказган архиепископ Иоанн бу ердан Амир Темур ва Мироншоҳ Мирзо номига битилган икки мактубни олиб қайтади. Англия қироли Генрих IV Ланкастер (1366–1413) нинг ушбу номалари нусхаси ҳозирда Британия музейида сақланади. Мактубларнинг фотонусхалари эса профессор И. И. Умняковнинг шахсий архивида ҳам бўлган.

Жавоб мактубларидан англашиладики, Англия қироли ҳам кўшиси Франция қироли сингари Соҳибқирон Амир Темур давлати билан ҳар томонлама алоқаларни йўлга қўйишга хайриҳоҳ бўлган, ўзаро савдо-сотиқни ривожлантириш, элчилар алмашиш ва тутув муносабат ўрнатишини таклиф этган.

Фарбий Европанинг кейинги хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 1403 йилнинг майида Кастилия қироллиги ҳам Руи Гонсалес де Клавихо бошчилигидаги ўз элчиларини Амир Темур салтанати пойтахти Самарқандга юборди. Юқорида таъкидлаб ўтганимиз, испан элчилари Соҳибқирон ҳузурида бўлишиб, ўз қиролининг нома ва совваларини топширган эдилар.

Афсуски, жаҳонгир бобомиз Амир Темурнинг вафоти Фарбий Европа қироллари билан ўрнатилаётган дипломатик муносабатларнинг тўхтаб қолишига олиб келди. Ваҳоланки, Соҳибқирон Амир Темур билан Европа қироллари ўртасида бу ёзишмалар ва элчилар алмашинуви натижаси ўлароқ, кейинчалик Фарбда буюк Амир Темур ва темурийлар сулоласи тарихи, илму фани ва маданиятига бўлган қизиқиш авж олаётган эди. Шунга қарамай, европалик муаррихлар Амир Темур шахсияти ва барпо қилган қудратли давлатини таърифловчи рисолалар битдилар, ижод аҳли ўз асарларида Соҳибқирон сиймосини яратишга уриндилар.

Тўлқин Ҳайнт:

— Амир Темурнинг Кастилия қироли Генрих III га йўллаган мактубидан англашиладики, унга номани қиролнинг ишончли элчилари Пайо де Сото ва Эрнан Паласуелослар олиб келишган.

Мазкур номада ҳам Амир Темурнинг әзгуликка бўлган қарашлари,

саъй-ҳаракатлари акс эттани катта аҳамиятга моликдир, яъни бу хатда ҳам ўзаро дўстлик ва яхши муносабатларни ривожлантиришга даъват этилади. Шунингдек, асосий урғу султон Йилдирим Боязиднинг ўз ҳуқуқ доирасидан чиқиб, ўртада низолар пайдо қилгани, подшолар ва ҳукмдорларга ҳукмини ўтказиш түфрисида хусуматли фармонлар бергани, Амир Темур ва бошқаларнинг огоҳлантиришларига қулоқ осмагани, улардан зигирча ҳайиқмагани ҳамда икки ўртада жуда катта жанг бўлиб, довруқли ғалаба қозонилгани, Йилдирим Боязид ва унинг ўғли Мустафонинг эса асир олингани батафсил айтиб ўтилган. Барча насроний қиролларга уларнинг шаҳар ва қўргонларининг қайтариб берилгани ҳам таъкидланган.

Милодий 1402 йилнинг 1 августида, ҳижрий 805-йилнинг мұхаррам ойи аввалида ёзилган нома ҳам эътибордан четда қолмайди. Бу Франция қироли Карл VI нинг Амир Темурга жавоб хати бўлиб, ундан қуидагилар маълум бўлади.

„Амири Кабир ҳазратларига мустажоб бўлғувчи дуоларни етказишдан сўнг маълум бўлғайки, таълим берғувчи кафар („монах“ маъносида – тарж.) Франкас (Франческо тарж.) бу томонга ҳазратининг мактубларини олиб етиб келди ва ул Амири Кабирнинг олижанобликлари, азаматлиги ва улутворликларини баён этдики, бундан инҳоятда хурсанд бўлдик. Шунинг билан бирга, у Сизнинг душманларимиз устига қўп сонли лашкар билан отлаинганингизни ҳам сўзлади. Аллоҳ таолоннинг кўмаги бирла улар забути бўлғайлар. Бундан сўнг навқирон ходим – подшоликнинг Мор Хасеси (архиепископ Иоанин бўлса керак) хизматингизга юборилади. У Сизнинг ҳузуринингизда воқеаларни сўзлаб берғусидир.

Энди ул Амири Кабирдан илтимосимиз ва умидимиз шулки, бизга муборак мактубларини ҳамиша йўллаб турсалар, токи улар бизни Амири Кабирнинг саломатликларидан ҳабардор этиб, бу соҳада хотиримизни жам қилғай. Яна, ҳазратлари ўз тожирларини биз томон юборсалар ва бизда уларнинг ҳурмат-иззатлари

сақланса, уларга ҳеч ким зўрлик кўрсатмаса, эйн етказмаса. Чунки дунё тожирлар билан ободдир“.

Яна номадан маълум бўладики, улар элчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш тарафдорлари бўлишган. Ва муносабатларнинг давомида кўрамизки, Амир Темурнинг Франция қироли Карл VI га йўллган иккинчи номасида ҳам улар бир-бирларининг ахволларидан яхши хабардор бўлишгани ҳакида сўз боради. Нома „Бизким, Амир Темур Кўрагон сўзимиз...“ деган самимий калом билан бошланиб, сўнгра Амир Темурнинг Шарқ архиепископи, фаранглар (бу ерда европаликлар маъносида) томонидан ҳукмдорнинг ҳузурига жўнатилган монах Жан (Иоанн) қирол ва унинг ахволи тўғрисидаги ҳикоясини эшиттани, тижорат аҳли ва бошқаларнинг манфаатлари тўғрисида ҳам қизиккани, қирол саройининг улуғворлиги, қудрати ва тартиб-қоидалари уни мамнун қилгани баён этилган. Сўнгра турк Боязид билан ораларига совуқ муносабат тушгани-ю, уни маҳв этилишининг сабаблари ҳам кўрсатиб берилган.

„Ул султон мен билан бир тузум ва бир дин одами бўлишига қарамасдан, орамизда тузилган битимни ҳурмат қилмади, — дейилади номада. — Оқибат, биз ва дўстларимиз уни синдиришга азм этдик. Биродарларимизнинг даъвати ҳамда Сизга берган ваъдамиэга амал қилиб, Сиз ва биз учун бир хил ғаним бўлгон Туркия султонига қарши юриш қилдик. Аллоҳнинг мадади бирла қисқа муддат ичida султон Боязиднинг бутун қушинини тор-мор келтиридик“.

„Темур тузуклари“ да: „Ким менга дўстлик қиласа, қадрладим, дўстликни унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим“, дейилади. Номанинг давомида кўрамизки, Амир Темур ана шу эзгу одатига қатъий амал қилиб, ўртадаги дўстона муносабатларни янада яхшилашга эътибор қаратган. Бу тўғрида мактубда аниқ айтилган.

„Буюк ҳукмдорлар ва дўстлар ўртасида улуг ишлар ҳакида бир-бирларини оғоз этиш одатига бўйсуниб, мазкур архиепископ Жанни (Иоанн) Сиз жанобларининг ҳузурига жўнатдик, токи ул киши бизнинг

мамлакатимиз ва ҳозирги ахволимиз, шунинг бирла, сўнгти пайтларда бул ўқаларда ғанимимизга нисбатан содир бўлган воқеалар тўғрисида Сизни хабардор этсинглар, батафсил сўзлаб берсинглар. Тағин ул зот сизлар билан бўлган дўстлигимиз ва иттифоқимиз, Сиз ва Сизнинг одамларингиэга ҳурмат-эътиборимиз ҳамда биродарлигимиз равнақи йўлида шу кунларда бажарилаётган кўпгина фойдалари тадбирлар ҳақида ҳам ҳикоя қилгайлар. Ул зотни ҳам сизнинг, ҳам бизнинг одамимиз тариқасида тавсия этмоқдамиш: ул кишини диний масалалардан ташқари, бошқа барча масалаларда ишончли вакил, деб тинглағайсиз.

Бизнинг истагимиз – Сизнинг саломатлигингиз устувор бўлсин: Сизнинг ва бизнинг одамларимиз бу икки эътиборли мамлакат ўртасида ўзаро бориш-келиш қилсинглар, токи сизнинг ва бизнинг улуғворлигимиз ҳамма ерда мақтовга лойиқ бўлсин. Тижорат ишларининг фойдали бўлувига ҳам эришайлик”.

Номада кўрсатилишича, у архиепископ Жан жанобларига хат ҳижрий 805 йил мұхаррам ойининг биринчи кунида (милодий 1402 йил 1 август) Сивасда берилган.

Мұхаммад Али:

– Европа қиролларининг мактублари бизга жуда қўп маълумотлар беради. Франция қироли Карл IV нинг 1403 йил 15 июнда Амир Темурга йўллаган навбатдаги мактубига кўз югуртирас эканмиз, унинг „музаффар ҳоқон Темурбий“ деб ҳурмат билан мурожаат қилганини қўрамиз.

Қиролнинг бу мактуби ҳам ўта назокат, ҳурмат-эътибор ва юксак салоҳият билан ёзилган бўлиб, ўзаро инсонийлик нуқтаи назаридан Амир Темурнинг Европа учун кўрсатган хизматлари юқори баҳолангандан ҳамда унинг савдо-сотиққа, савдо алоқаларига бўлган эътибори ҳам қайд этилган.

„Кудратли ва музаффар ҳукмдор, маълумотнингизким, шавкатли қироллар ва ном тараттган подшолар ўзларининг диний мазҳабларидан, забони, дунёқараши ва қонунларнинг турли-туманлигидан қатъи назар, ҳоҳиши билдириб, иттифоқ бўлсалар, ошна тутсалар, улар қўл остидаги ахли фуқаронинг ҳам тинч-осойишталиги таъминланган бўлур эди. Шу боисдан,

Сиз шавкатли ва музарифар ҳукмдорнинг архиепископ Иоанн жаноблари орқали юборган номангишни оларканмиз, бу мактублар орқали Сиз Олий ҳазратнинг бизга саломлар йўллаганингизни, бизнинг мамлакатимиз майдони ва қироллигимизнинг имкониятлари хусусида маълумот сўраганингизни ҳамда Аллоҳнинг инояти бирла душманимиз Боязид устидан зафар қучганимизни билиб олдик.

Маълумингизким, бу номалар бизга биргина завқ бағишилаб қолмайдир, боз устига, Сиз Олий ҳазратларига маълум бўлганидек, бизнинг ва ўзга насроний давлатларнинг тожирлари Сизнинг фуқароларингиз билан савдо-сотиқ қилсалар, ўз молларини хавф-хатарсиз олиб бориш, айрбошлиш имкониятига эга бўлсалар ҳамда сизнинг тасарруфингиздаги ерларда эмин-эркин юрсалар... Алқисса, ўзингиз айттанингиздек, биздан олдинги ҳукмдорлар даврида ҳудди шундай бўлган. Ўз навбатида, биз ҳам Сизнинг улут илтифотингизга самимий, ўшал азму қарор бирла жавоб берурмиз, токи Сизнинг одамларингиз ҳам бизникилар Сизнинг мамлакатингизда бўлгани каби, Сизнинг ерлар ва музофотларга кеңинлар, савдо-сотиқ билан машғул бўлсинлар. Бу ишда бизнинг вафо қилаҗагимиз, ваъдамизнинг барқарорлигини ўртадаги элчимиш архиепископ Иоаннинг ўз оғзидан эшифтгайси. Ҳазрати олийлари унинг содиқигити ва бизнинг хайриҳоҳлигимизни инобатта олиб, ул зотта ишонч биҷирсалар. Бундан бўён ул зот Сизнинг измингиздаги мамлакатлардан биз тарафга ўтиш имкониятига эга бўлган он ўз фаолиятининг давоми борасинда бизга ахборот бериб борур.

Ва, ниҳоят, Сиз Олий ҳукмдорнинг ўз қўй остингиздаги ўйкаарда яшаётган насроний мазҳабга мансуб фуқароларга нисбатан мурувватиги бўлаёттанингизни ҳам эшифтдик, бунинг учун Сизга ўз миннатдорчи чигимизни баён этгумиздир“.

Мұхаммад Али:

— Тарих исботи билан тирик. Мазкур мактубдан қўринадики, ҳал-қимизнинг бағрикенглиги бугун пайдо бўлган хислат ҳисобланмайди ва гап бунда ҳам эмас, қирол Амир Темурнинг бағрикенглигини тилга олар экан, буни унинг миллатимизнинг шаънига айтиётган тасанноси ўрнида

тушуниш керак. Бугун Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миllат ва элат вакиллари бир бутун мамлакат бўлиб яшаётган экан, бу, аввало, халқимиёнинг бағрикенглиги, дўстликни қадрлаши ва миllатидан қатъи назар, барчани teng инсон сифатида кўришидир.

Тўлқин Ҳайит:

— Англия қироли Генрих IV нинг Соҳибқирон Амир Темурга йўллаган мактубида ҳам кўрамизки, у ўзини „Англия ва Франция мамлакатлари қироли ҳамда Ирландия ҳукмдори“ сифатида таништиаркан, архиепископдан маълумот ва хушхабарларни эшитиб, беҳад шод бўлганини айтиб, „шу билан бирга Сизнинг шавкатли ўғлингиз (Мироншоҳ Мирзо) юклаган топшириқлар билан Францияга етиб келган архиепископ оғзидан эшитганимиз икки томонлама сулҳ ва ҳамкорлик ўрнатиш хусусидаги гаплар бизни беҳад севинтириди“, дейди, шунингдек, ўзаро алоқалар доирасини кентайтириш, мамлакатлар савдогарларининг бир-бирлари билан, қадимда ота-боболар даврида бўлганидек, алоқаларини яна тараққий топтиришини таъкидлаб ўгади. Қирол назарда тутгани шу эдики, ҳақиқатан ҳам, 1215 йилда монах Доминик томонидан тузилган христиан монахлари жамияти Иезуитлар ордени (жамияти) тузилгач, аста-секин инқиrozга юз тутди ва бу салбий ҳаракатлар натижасида Фарб ва Шарқ ўртасидаги ўзаро дўстлик алоқаларига путур етган эди. Бу ўринда кўрамизки, Амир Темурнинг мактублари бесамар эмас, балки унинг ҳар доимгилик, узоқни қўра билиб, борди-келдиларни тикламоқ ва бунга шартшароит яратмоқ ниятида экани янада ойдинлашган. Бундай илтифотдан мамнун бўлган қирол ҳам, ўз навбатида: „...илтифот билан сўрадикки, бундан бўён бизнинг савдогарларимиз сизнинг ерларингизда хавф-хатарсиз, эмин-эркин юришлари учун шароит яратиб бергайсиз“, дея яна таъкидлаб қўяди.


Мұхаммад Али:

— Мазкур мактубларни ҳар томонлама ўрганиш ва уларни оммага тказиши эзгу ишлардан бири ҳисобланади, билъакс, нимаики яхши бўлса, инсоннинг маънан камол топишига хизмат қиласи.

Хулоса ўриида шупи айтиш керакки, Амир Темур ва темурийлар-нинг Европа қироллари, ҳукмдорлари билан ёзишмалари Амир Темур-нинг чиндан ҳам жаҳоншумул ҳукмдор эканидан даюлатдир. Зоро, ҳалқларни бир-бирларига яқинлаштириб, ўз юртини иқтисодий ва бошқа жиҳатлардан юксалтириб, ўзга юртларининг гуллаб яшнашига ҳисса қушадиган, одамзоддинг фаровон яшashi учун шарт-шароит яратадиган ҳам аслида доно ҳукмдорлардир. Соҳибқирон Амир Темурнинг улуғлити шундаки, у ана шундай ҳукмдорлар орасида балки ягона — дунёнинг яхлит бир вужуд, бус-бутун организм эканини тўла тасаввур қила олган, суронларга қатилган қаттол бир замонда дунё ҳукмдорларига тинчлик, дўстлик, эмну омонлик тилаган, ўзаро тижоратни йўлга қўйишни такииф этган, адолат туғини маҳкам тутган жаҳоний қудратли доиншманл ҳукмдор эди! Бу ҳақда Искандар Зулқарнайн ҳам, Атишма ҳам, Чингизхон ҳам ўйлаганлари, мушоҳада қилганлари йўқ, ҳатто хаёниларига ҳам кетирган эмаслар! Бу ҳайратланарли ҳодиса, албатта!

Орадан олти асрдан зиёд вақт ўтган бўлса ҳам, нега жаҳонда шу пайтгача Амир Темурга бўлган қизиқиши камаймайди, у ҳақда ҳамма тилларда янгидан-янги китоблар ёзилаверади, кинофильмлар ишланади, унга бағишлиланган ҳалқаро анжуманлар ўтаверади, Соҳибқироннинг оҳанрабоси нимада, деган кўпдан мени қийнаб келаётган саволга жавоб топгандайман. Ҳа, Соҳибқирон Амир Темур буюк давлат тузди, давлат ишларининг тўққиз улушини кенгашга қўйди, фақат бир улушини қўйичга колдирди, она юртининг фидоси бўлди, Ватани билан фаҳрланди, жангту жадалларда от сурди, жаҳонгирик рутбасига эришди, ёвуз душманларини ҳам кечира олди, фатҳ этган юртларни эгаллаб, ўз одамини қўймади, балки ўз эгаларига топширди, золимларнинг қўйини мазлумиздан қиска қилди, оламни адду эҳсон била обод этди, лекин қаерда бўлмасин, у охирокибатда инсониятга эзгулик тилади, ҳақиарни дўстликка чаҳирди, адолат этагини тутди...

Эзгу ишларга қўл урган инсон Аллоҳга ҳам ёқади, баңдасига ҳам. Дунёнинг маъноси ҳам шунда бўлса керак.



ХОТИМА

Мұхаммад Али:

— Тасаввур қиласыз: Темурбек олти-етти ёшларида Шаһрисабз кенгілкіларига чиқиб, атрофга назар ташлаб, шу ястаниб ётган замин, тепе пада ёрүг ва мусаффо осмон унинг туғылган юрти, она-Ватаны әканини, бу юрт Туронзамиң деб аталишини илк бор юракдан чуқур ҳис этди! У қалбіда фавқулодда бир нур чақнаганини сезди — Ватан мөхрі, Ватан чехрасидан ёғылган нур! У нур ҳеч қачон сұнмади, тобора барқ уриб, дунё даштларію зулумотлариаро маёқдек Соҳибқирон йўлларини ёритди...

Тўлқин Ҳайнт:

— Она юртни мўғул босқинчиларидан озод этишда ўша нур, устоз, Соҳибқирон қиличининг тигларида шуълалар сочди!

Мұхаммад Али:

— Соҳибқирон узугидаги „Куч — адолатда“ сўзларини ҳамиша безаб турған ҳам ўша нур-да!



Она юртимизнинг осмонўпар тоғларидан сўраймиз:

- Фахру ғурурингиз нимадан?
- Амир Темур қалбіда чақнаган нурдан!

Ўзбекистон боғларига юз бурамиз:


- Шодлик-сурурингиз нимадан?
- Амир Темур қалбіда чақнаган нурдан!

Мусаффо осмонимизни наволарга тўлдириб садо келади:

- Амир Темур қалбіда чақнаган нур!
- Амир Темур қалбіда чақнаган нур!..


Тамом.

2009 – 2016 йиллар.




ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. *И.Каримов*. Юксак маънавият — енгилмас куч. „Маънавият“ нашриёти. Т., 2010.
2. *Холуқ Нурбокий*. Қуръони Каримнинг илмий мўъжизалари. „Адолат“. Т., 2002.
3. *Низомиддин Шомий*. Зафарнома. „Ўзбекистон“ нашриёти. Т., 1996.
4. *Шарафуддин Али Яэдий*. Зафарнома. „Шарқ“. Т., 1996. 2-жилд.
5. Амир Темур ва Улугбек замондошлари хотирасида. „Ўқитувчи“. Т., 1996.
6. *Б.Ахмедов*. Амир Темур. Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти. Т., 1995.
7. Ватаннинг даҳо ҳалоскорлари. Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти. Т., 1996.
8. *Мухаммад Али*. Сарбадорлар. Faфур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1997.
9. *Мухаммад Али*. Таъланган асарлар. „Шарқ“. Т., 2012.
10. *Мухаммад Али*. Улут салтанат:
 - Жаҳонгир Мирзо. „Шарқ“. Т., 2003.
 - Умаршайх Мирзо. „Шарқ“. Т., 2006.
 - Мироншоҳ Мирзо. „Шарқ“. Т., 2010.
 - Шоҳруҳ Мирзо. „Шарқ“. Т., 2013.
11. Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида. „Юрист-медиа маркази“. Т., 2008.
12. *Фаҳриддин Расул Ахлоқнома*. „Фан“. Т., 1996.
13. *Асқад Мухтор*. Уйқу қочганда. „Маънавият“. Т., 1997.
14. *Мамадмусо Мамадазимов*. Улугбек ва унинг расадхонаси. „Ўзбекистон“. Т., 1994.
15. *Пўлат Зоҳидов*. Темур даврининг меъморий қаҳқашони. „Шарқ“. Т., 1996.
16. Амир Темур ўтилари. „Наврӯз“. Т., 1992 .
17. *Ғиёсиддин бин Ҳумомиддин Ҳондамир*. Буюклик хислати. „Шарқ“. Т., 2011.
18. *Турғун Файзиев*. Темурйилар шажараси. „Ёзувчи“. Т., 1995.
19. *Пиримкул Қодиров*. Амир Темур сиймоси. „Ўзбекистон“ НМИУ, Т., 2007.
20. *Рун Гонсалес де Клавихо*. Самарқандга — Амир Темур саройига саёҳат кундалиги. „Ўзбекистон“ НМИУ, Т., 2010.
21. *Абу Наср Форобий*. Фозил одамлар шаҳри. Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти. Т., 1993.
22. *Ибн Арабшоҳ*. Амир Темур тарихи. „Мехнат“. 1992. 1—2-жилдлар.
23. *Тўлкин Ҳайнт*. Вафо маликаси. „Янги аср авлоди“. Т., 2005.
24. *Тўлкин Ҳайнт, Иброҳим Велиев*. Шоҳизинда. „Янги аср авлоди“. Т., 2005.
25. *Абу Тоҳирхожа*. Самария. „Мерос“ нашриёти. Т., 1991.
26. *Гулбадонбетни*. Ҳумоюннома. ЎзФА нашриёти. Т., 1959.
27. *Адҳамбек Алимбеков*. Юлдузнинг беш кирраси. „Муҳаррир“ нашриёти. Т., 2012.



МУНДАРИЖА

Сүз боши	5
<i>Биринчи бўлим</i>	
Дунё ва одамзод тақдирি	10
<i>Иккинчи бўлим</i>	
Ҳаёт остоидан бошланади	57
<i>Учинчи бўлим</i>	
Қисмат, масъулият ҳамда буюк бунёдкорлик	81
<i>Тўртингчи бўлим</i>	
Сандикқа солинмаган йигитлар	98
<i>Бешинчи бўлим</i>	
Икки дунё — икки олам	159
Хотима	260




МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА

Мұхаммад Али

1942 йил 1 март куни Андижон вилоятининг Бўз туманида туғилган. Ўзбекистон халқ ёзувчisi, давлат мукоммоти соҳиби. Таржимон, публицист, адабиётшунос олим. Ўнлаб насрый ва назмий асарлар, жумладан, „Фазодаги ҳислар“, „Шафақ“, „Оталар юрти“, „Алвон чечаклар“, „Гумбаздаги нур“ шеър ва достонлар; „Боқий дунё“, „Мен ўзим, ўзим“, „Сарбадорлар“ шеърий ва тарихий романлар ҳамда тўрт китобдан иборат „Улуғ салтанат“ эпопеяси муаллифи. Асарлари инглиз, рус, турк, қозоқ ва қорақалпоқ тилларида нашр этилган.

Тўлқин Ҳайит

1957 йил 15 ноябрда Сурхондарё вилоятининг Сарисиё туманида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. „Бойваччанинг қизи“, „Сиздан бошқа кимим бор?“ ҳикоялар тўплами, „Вафо маликаси“, „Баҳуддин Накшбанд ёхуд Буроқ водийси қиссаси“, „Қора Шахзода“ романлари ҳамда Амир Темур ҳақидаги „Буюк салоҳият соҳиби“, „Амир Темур хазинаси“, „Темурий ижодкорлар“ китоблари муаллифи.



63.3 Али, Мухаммад
А 49 Амир Темур қалбидаги чақнаган нур [Матн] / М. Али,
Т. Ҳайит. — Тошкент: „O'qituvchi“ NMIU, 2016. — 264 6.
ISBN 978-9943-02-977-4

УЎК: 821.512.133(092) Темур
КБК 63.3(5Ў)

МУҲАММАД АЛИ, ТҮЛҚИН ҲАЙИТ

**АМИР ТЕМУР ҚАЛБИДА
ЧАҚНАГАН НУР**

„O'qituvchi“ нашириёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2016

Муҳаррир *П. Аъзамова*
Бадиий муҳаррир *Ш. Одилов*
Техник муҳаррир *С. Набиева*
Мусахих *М. Иброҳимова*
Компьютерда саҳифаловчи *Ш. Аҳоррова*

Нашриёт лицензияси AI №161. 14.08.2009. Оригинал-макетдан босишига
рухсат этилди 05. 08. 2016. Бичими 70x100¹/₁₆. Офсет босма усулида босилди.
Офсет қорози. AcademyUz гарнитураси. Кегль 14 шпонли. Шартли б. т. 21, 28+
1,93 рангли вкл. Ҳисоб-нашиёти т. 13,92+1,93 рангли вкл. Адади 3000 нусха.
Буюртма № 223–16

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг „O'qituvchi“ нашириёт-матбаа ижодий
уйи. Тошкент – 206, Юнусобод даҳаси, Янгишаҳар кўчаси, 1-үй.
Шартнома № 07–54–16

МУҲАММАД АЛИ, ТЎЛҚИН ҲАЙИТ

АМИР ТЕМУР
ҚАЛБИДА
ЧАҚНАГАН НУР



„O'qituvchi“ NMIU
100206, Toshkent sh.,
Yangishahar ko'chasi, 1.
Tel.: (+99871) 224-04-12
www.oqituvchi.uz
info@oqituvchi.uz

ISBN 978-9943-02-977-4

9 789943 029774